



**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ”
МАВЗУСИДАГИ XIV РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

IV ҚИСМ

(2017 йил, 27 май)



САМАРҚАНД-2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ



“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ”

мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

IV ҚИСМ

(2017 йил, 27 май)

*Кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, педагогика, психология
таълим ва тарбия соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари*

Самарқанд-2017

«Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили» мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд: СамДАҚИ наشري, 2017 й.

Ушбу конференция материаллари тўпламига республикада Мустақиллик йилларида архитектура, шаҳарозодлик, дизайн ва санъатшунослик соҳаларининг устувор юналишлари, қурилиш, муҳандислик коммуникациялари, техника, ва технологияларни ривожлантириш, геодезия, картография ва давлат кадастрлари ягона тизими, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт, туризм ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, педагогика, психология, таълим-тарбия соҳасида кадрлар сифатини ошириш борасида олиб борилаётган илмий-изланишлар натижалари, мулоҳаза ва таклифлар киритилган. Тўпلام материаллари олий таълим фанини ривожлантиришдаги муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Конференция материаллари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий-техник кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилди (Баённома № 9, 19.05. 2017).

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

1. С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори, таҳрир ҳайъати раиси;
2. Э.Х. Исаков Илмий ишлар бўйича проректор, таҳрир ҳайъати раис муовини;
3. А.Р.Рахимов Ўқув ишлари бўйича проректор, аъзо;
4. Б.К. Абдусаматов Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо;
5. У.А. Хушвақтов Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо;
6. Л.Т. Ибрагимов Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими илмий тадқиқот ишлари муҳандиси, аъзо;
7. Ф.А. Қосимова Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича услубчи, аъзо.

Масъул муҳаррирлар: Хушвақтов У.А., Ибрагимов Л.Т.

Компьютерда саҳифаловчилар: Ибрагимов Л.Т., Қосимова Ф.А.

Ушбу тўпلام муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Конференцияси материалларидаги маълумотлар учун муаллифлар жавобгардирлар.

Сўзбоши

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айтилган пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишида олий таълим тизими сифатини яхшилаш ва янада ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш каби устувор вазифалар назарда тутилган.

Бундай эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган **“Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили”** мавзусидаги мазкур конференция фан-таълим тизимини инновацион ривожлантириш орқали баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъйи-ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Бугунги конференциянинг асосий мақсади ҳам олий таълими муассасаларида иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун шароит яратиш бериш, ёшларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш ҳамда ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Конференция доирасида фикр алмашишлар, янгиликлардан хабардор бўлиш, ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш, танланган мавзулар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўйлайманки, анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикада мазкур соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур илмий-амалий конференция ишига муваффақиятлар тилаган ҳолда, Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман, келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.

Султон Илясович Ахмедов
СамДАҚИ ректори

UDK 86.7

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining o'quv jarayonida elektron ta'lim muhitini yaratish

Elmuradov B.E.-«Axborot texnologiyalari» kafedrasida katta o'qituvchisi.

Mustaqil O'zbekistonimizda uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilinishi, yangi ta'lim standartlari asosida ta'lim va tarbiya jarayonini qayta tashkil etishga kirishilgan hozirgi kunda talabalarning bilim va ko'nikmalarini oshirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Shunday ekan XXI asr – axborotlashtirilgan jamiyat asrida axborot texnologiyalarning roli va o'rnini kundan – kunga oshib bormoqda, hamda har bir jabhaning ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Bugungi kunda hayotimizni ajralmas qismiga aylanib borayotgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalarisiz tassavur etib bo'lmaydi. O'zbekistonda ta'lim jarayonida AKTni qo'llash bo'yicha keng qamrovli ishlar olib borilmoqda va uning huquqiy va me'yoriy asoslari yaratilgan.

Axborotlashtirish jarayoni istagan sohani tubdan o'zgartirish imkoniyatiga ega. Bunday sharoitda jamiyatdagi har bir shaxsning barkamollik qobiliyatini ro'yobga chiqaradi. Chunki kerakli axborotlarni o'z vaqtida olish bilan bir qatorda, ulardan to'g'ri foydalana olish insonni ijtimoiy jihatdan rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Ta'lim jarayonida mavjud elektron kitoblardan foydalanish, bilim oluvchilarning kitobga bo'lgan qiziqishini oshirmoqda. Oliy o'quv yurtlarida Web-saytlarni ochilishi, o'tkazilayotgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, o'qituvchilar tomonidan yaratilayotgan elektron darsliklar mazkur web-saytlarga joylashtirilib talabalarni bilim olishlari uchun barcha qulay imkoniyatlar yaratilmoqda. O'z navbatida ana shunday sharoitlarni yaratilishi bilim ihlosmandlarini e'tiborini o'ziga tortgan holda ijobiy samaradorlikni oshirmoqda va axborot texnologiyalaridan o'z vaqtida foydalanishlariga zamin yaratmoqda.

Ayni vaqtda globallashtirish jarayoni ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) dan keng foydalanishni talab etadi. O'qitishning zamonaviy usullaridan foydalanmasdan va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llamasdan turib ta'limda samarali natijalarga erishish mumkin emas. Bunday vaqtda ta'limning maqsad va mazmunini anglagan holda, usul va vositalari hamda tashkiliy shakllarini to'g'ri tanlash muhim ahamiyat kasb etadi.

Ta'lim berish va ta'lim olish jarayoni – bu avvalo mavjud axborotlarni yangilab borish, ularni mazmundorligini oshirish hamda iste'molchilarga axborot almashinish jarayonini to'g'ri tashkil qilishdan iboratdir. Bunday bog'liqlikni mavjudligi ta'lim jarayonini yanada rivojlanishiga yo'l ochish va ta'limning ochilmagan negizlarini ochilishiga qo'yiladigan odim desak also mubolag'a bo'lmaydi.

Lekin ta'lim jarayonida axborotlar almashinish jarayonini ijobiy deb bo'lmaydi, chunki barcha talaba va o'rganuvchilar uchun axborotlarni to'liqliligi ta'minlangan bir vaqtda ularni iste'molchilarga yetkazib berish jarayonida ba'zi-bir kamchiliklarga yo'l quyilmoqda, buning sababi texnik ta'minotning yetarli emasligidir. Shuning uchun axborotlarni saqlash, uzatish va qayta ishlash hamda uzatish uchun zamonaviy kompyuterlar bilan yetarli darajada ta'minlash orqali ijobiy natijalarga erishish

mumkin.

Bizga ma'lumki o'quv fanlarini o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish yuqori samaradorlikga erishish imkoniyatlarini hamda o'quv resurslarini oson tushunish va soha bo'yicha malaka-kunikmalarni shakillantiradi.

O'qitishning ilmiyligi, natijaviyligi va ko'rgazmaviylikini ta'minlash maqsadida axborot texnologiyalarining elektron axborot resurslarini imkoniyatlaridan keng foydalanish yo'l-yo'ruqlarini va ularni joriy qilish hamda usul-vositalaridan to'g'ri foydalanish zarurdir.

Bizga ma'lumki hozirgi kunda talabalarni bilim olishlari uchun barcha sharoitlar yaratilgan bo'lib, zamonaviy bilim olish usuli Moodle tizimidan keng foydalanish yo'lga qo'yilmoqda. Moodle tizimi - bu ochiq kodli masofaviy ta'lim vositasidir. Moodle MTT (masofaviy ta'lim tizimi) bilan keng ahamiyat kasb etadi, ayrim hollarda esa ulardan ustun hisoblanadi. Hozirgi kunda bu tizimdan dunyodagi 100 dan ortiq mamlakatlarda keng foydalanib kelinmoqda.

Moodle MTT (masofaviy ta'lim tizimi) sifatli masofaviy o'quv kurslarini yaratish uchun mo'ljallangan.

Moodle ochiq kodli shaklda tarqatiladi va har bir o'quv loyihasiga quyidagi qulayliklar bilan yo'naltiriladi:

1. Boshqa axborot tizimlari bilan integrasiyalash mumkinligi;
2. Yangi servislar, yordamchi funksiyalar yoki hisobotlar qo'shish mumkinligi;
3. Yangi qo'shimcha modullar yaratish yoki tayyorlarini o'rnatish mumkinligi.

Bundan tashqari yana Moodle-bu barcha resurslarni bitta joyda ekanligi bilan alohida ajralib turadi ya'ni:

1. Tizimda elektron o'quv materiallarini yaratish va saqlash hamda ularni o'rganish ketma-ketlikda amalga oshirilishi mumkin. Shu sababli, Moodlega kirish internet yoki boshqa tarmoqlar orqali amalga oshiriladi, talabalar aniq bir joy va vaqtga bog'lanib qolmasdan, yer sharining xohlagan joyidan, xohlagan tezlikda materiallar bo'yicha ma'lumotlar olishlari mumkin va o'zlari qiziqqan mavzularni chuqurroq o'rganish uchun ko'proq vaqt ajratishlari hamda fanlarni oson o'zlashtirishlariga zamin yaratiladi.

2. Elektron «darslik» sifatida nafaqat matn balki videoroliklarning turli formatdagi resurslardan foydalanish imkonini beradi. Barcha materiallar tizimda saqlanadi, ularni fayllar, yorliqlar, teglar va gipermatnli yuklamalar yordamida tashkillashtirish mumkin.

3. Kommunikasiya uchun keng imkoniyatlar - Moodle ning eng kuchli tomonlaridan biridir.

Ta'lim muassasasining elektron axborot -ta'lim muhitini yaratish sof texnik masala bo'lib qolmasdan, buning uchun muassasaning ilmiy-metodik, tashkiliy va pedagogik imkoniyatlarni tizimli yondashuv asosida ishga solish talab etiladi.

Moodle tizimida elektron axborot-ta'lim muhitining maqsadi ta'lim oluvchi shaxsiga qo'yiladigan talablar bilan bevosita bog'liq holda ishlab chiqiladi.

Bu jarayon bevosita elektron axborot-ta’lim muhitini yaratuvchilar, ya’ni dasturchilar (kurslar dezaeneri) va texnolog mutaxassislar hamkorligida amalga oshiriladi.

Axborotlashgan elektron axborot - ta’lim muhitini yaratish va undan samarali foydalanish, talabalarni nafaqat bilimlarini oshirishga balki kompyuter texnologiyasidan samarali foydalanish ko’nikmalarini shakillantiradi. Shunday ekan axborotlashtirishni tashkil etish va boshqarish OTM larining elektron axborot-ta’lim muhitini, integrallashgan axborot-ta’lim resurslarini yaratish va undan samarali foydalanish ta’lim sifatini oshiruvchi omil sifatida tadqiq etish mumkin.

Adabiyotlar

1. A.Parpiyev, A.Maraximov, R.Hamdorov, U.Begimqulov, M.Bekmuradov, N.Tayloqov. Elektron universitet. Masofaviy ta’lim texnologiyalari O’zME davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent: 2008.

2. Jo’rayev R.H., Taylaqov N.I., Rasulova G.A. Uzluksiz ta’lim tizimi uchun elektron o’quv qo’llanmalar yaratishga oid ilmiy-metodik talablar//Uzluksiz ta’lim. -2005. -№2. -14-27 b.

3. Elmuradov B.E. Elektron axborot ta’lim muhitini yaratish. Umumiy o’rta ta’limning nazariy va amaliy muammolari mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Toshkent, Qori Niyoziy nomidagi O’zPFITI. 2009 yil.

“Loyihalash” o’quv mashg’ulotlarida to’rt pog’onali ta’lim usulini qo’llashning axamiyati.

B. O. Bobobekova. SQMHKHK, maxsus fan o’qituvchisi

Kasb hunar kollejlari o’quvchilar o’zi tanlagan kasb ko’nikmalarini shakillantirish imkoniyatiga ega bo’lishlarida «to’rt pog’onali o’qitish usuli»ni eng samarali usullardan biri deb hisoblayman. **“To’rt pog’onali” metod** – amaliy bilim, ko’nikma va malakalarni o’zlashtirish jarayonining to’rt pog’ona doirasida kechadigan metodidir.

Bu metod ta’lim oluvchilarga bir xilda takrorlanadigan qo’l ko’nikmalarini tez va mukammal o’rganib olishlariga yordam beradi. Usul qo’llanilganda, ta’lim oluvchi iloji boricha oddiy talablar bilan tanishtiriladi, so’ng uni takrorlaydi va to mukammal o’zlashtirmaguncha mashq qiladi. Fan o’qituvchisi o’quvchilarga avval bajariladigan kichikroq bir ishni tushuntirib beradi, so’ngra qanday tartibda bajarilishini qilib ko’rsatadi. Keyin o’quvchi shu ishni ko’rsatilgan tarzda qaytarishi (immitatsiya) kerak. O’quvchi qaytarib qilayotgan paytda amaliyot o’qituvchisi uning xatolarini to’g’irlab turadi. O’quvchi ushbu mashqni bir necha marotaba qaytarishi kerak. Misol tariqasida, kasb - hunar kollejlarning mutaxassislik ta’lim yo’nalishlari uchun o’tiriladigan «Loyihalash» fani bo’yicha mashg’ulotlarining o’tkazilishini ko’rib chiqamiz.

“To’rt pog’onali” metodning bosqichlari quyidagilardan iborat:

1. “Tushuntirish” bosqichida muhandis-pedagog ta’lim oluvchilarga avval belgilangan shakl va fakturaning oddiy detallarini loyihalash bosqichini tushuntirib beradi. Aytaylik, tanlangan detal biror geometrik jismlar tuzilishini eslatsa, yoki

bionic shakllarga o'xshasa (piola, gugurt qutuisi, daraxt shoxi yoki barglari). Loyihalash alomatlarini biz tabiat formalarida, o'simliklarning tuzilishlarida, mavjudotlar organizmlarida, koinotning tuzilishida ham ko'rishimiz mumkin. Detallarning unsurlari turli konstruktiv usulda bajarilishi mumkin, lekin uning tuzilishi qanday bo'lsa shunday bo'lib qoladi. Loyihalashda mukammallik tizimi tushunchasi qismlarning bir - biri bilan tabiiy tutashib, yaxlitlik taassurotini belgilaydi, bunda qismlarning o'lchamlari, ularning mutanosibliigi, turli qismlardagi detallarning birikishi va bezaklarning joylashuvi hisobga olinadi.

2. “Nima qilish kerakligini ko'rsatib berish” bosqichda muhandis - pedagog ta'lim oluvchilarga topshiriqni qanday bajarish kerakligini amalda ko'rsatib beradi. Barcha buyumlar turlari o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan ko'lamni tashkil etadi. Buyum hajmining shakli qoida bo'yicha uning ichki ko'lamiga bog'liq. Shu bilan birga vazifasi bo'yicha turli sharoitlar uchun majburiy, bir xil buyumlar uchun mo'ljallangan, bitta hajmiy-fazoviy usul yo'q. Bunda buyum hajm qurilishi, uning umumiy shakli va qismlari muhim masalani yechishda badiiy obrazni yaratishga xizmat qiladi.

3. Tanlangan aniq obyekt bilan tanishib, mazkur bezak buyumi haqida tarixiy ma'lumot oladi va uning vazifa, maqsadlari aniqlanadi, o'xshatishlar bilan tanishtiriladi, tasviriy bezak buyumining geometrik tahlili bajariladi.

4. Uchinchi bosqichda ta'lim oluvchilar muhandis-pedagog ko'rsatgan ish harakatlarini takrorlaydi. Muhandis-pedagog ta'lim oluvchilar bajarayotgan harakatlar yuzasidan o'z fikrini bildirib, loyihaning bajarilishi chuqur va har tomonlama — xomaki yechimdan tortib, ayrim qism va bo'laklarning ishchi chizmalarini bajarishgacha badiiy bezaklar naqqoshligi va jarayonni belgilangan ashyoda bajarilishini nazorat qilib, xatolarini to'g'rilab turadi.

5. “Mashq qilish” bosqichida ta'lim oluvchilarning hatti-harakati muhandis-pedagog tomonidan nazorat qilib boriladi. Ta'lim oluvchilar ish amallarini mukammal o'zlashtirganlaridan so'ng, uni mustaqil bajaradilar. Loyiha g'oyasi, odatda, xomaki chizmalar, eskizlar va ranglamalarda yetilib boradi, so'ngra uni hajmiy – plastik shaklga o'tkazish imkoniyati tug'iladi. Asosiy tanlangan shaklni loyihasini boshlashga qadar bir necha bor uning detallarini xomaki chizib olgan o'quvchi berilgan vazifani qiyinchiliksiz uddalaydi.

“To'rt pog'onali” ta'lim metodining asosiy belgisi - ta'lim oluvchilarning harakatlari muhandis - pedagog ko'rsatib bergan harakatlar doirasi bilan cheklanganligidadir. Jarayonda muhandis - pedagog faoliyati tushuntirish, ko'rsatib berish, xatolarni tuzatish, baholashdan iborat bo'lsa, ta'lim oluvchi faoliyati tinglash, kuzatish, takrorlash, mashq qilish kabi vazifalarni bajarishdan iborat bo'ladi.

“To'rt pog'onali” metodning afzalliklari, ta'lim oluvchilarda amaliy ko'nikmalarni shakllantirishda yordam berishi, vaqtdan unumli foydalanish imkoniyatining mavjudligi, oddiy ish bosqichlarini o'zlashtirish darajasi yuqori bo'lishidan shakllanadi.

“To'rt pog'onali” metodning kamchiliklariga esa, ta'lim oluvchilarning harakatlari ta'lim beruvchi ko'rsatib bergan harakatlar doirasi bilan cheklanib

qolishi, ta’lim oluvchilar yakka tartibda o’rganishga yo’naltiriladilar, lekin mustaqil fikrlash imkoniyatlari chegaralangan bo’lishi, ish bosqichlarini amalga oshirishda hech qanday yangicha yondashuvlarga yo’l qo’yilmasligini kiritish mumkin.

Ta’lim oluvchining izlanuvchanlik qobiliyati, uning muloqot qila olish qobiliyatini, ta’lim olish madaniyatini, ta’lim jarayonining barcha bosqichlarida samaradorlik va sifatni oshirishdagi istiqbolli natijalarni qo’lga kiritishni kafolatlaydi. Buning uchun ta’limda innovatsion texnologiyalarni keng joriy etishga to’g’ri keladi va uning natijasida faol ta’lim jarayonini amalga oshirish mumkin bo’ladi. Faol ta’lim sharoitida o’zlashtirilgan bilim va harakat usullari mazmunan mukammal tizimli, mantiqan tugal va turli ishlab chiqarish vaziyatlarida qo’llanishga yaroqli bo’ladi. O’qitish jarayoni davomida o’quv materialini bayon qilishning, o’quvchilarda fanga qiziqishni uyg’otishning pirovard maqsadida ta’limning sifati va saviyasi yaqqol natija bo’lishi kerak bo’lganda, “To’rt pog’onali” o’qitish usuli ham shunday faol ta’lim usullaridan birining vakili sifatida namoyon bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1 Xashimova D.P, Abtobxudjayeva X.X. O’qituvchilarning o’quv fanlaridan ta’lim texnologiyasi. – T.:O’MKHTM AMTX, 2016 .– 137 b.

Малака ошириш педогогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш ОМИЛИ

Оллаберганова Фазилат Тангриберганована Хоразм вилояти Кўшкўпир курилиш ва транспорт касб-хунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Педогогик жараёнларни самарадорлигини таъминлаш учун ўқитувчилар аниқ белгиланган йўналишида педогогик жараёнларни мақсадли режалаштириш, лойихалаштириш, моделлаштириш, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг фаоллигини таъминлаш, vaziyatlariga kўra педогогик жараённи бошқариш усуллари, методлари ҳамда тамойиллари, инновацион технологияларни билиши ва булар асосида педогогик жараён субъектларининг фаолиятига мураккаб педогогик тизим сифатида ёндошувларига йўналтирилган инновацион фаолиятни ташкил этиши зарур хисобланади. Бунда асосий эътибор таълим –тарбия жараёнининг ташкилотчиси педогогларга қаратилгандир. Педогогик касбининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ўқитувчилар ўз билимлари, малака ва кўникмаларини мунтазам тўлдириб боришни тақоза этади. Замонавий педогог тадбиркор тарбиячи, маънавий-мафкуравий ишларни ижобий фаол қатнашчиси, ўқитаётган фанинг чуқур билимдони, фани бўйича илмийликни ёш авлодга санъаткорона ўргатадиган шахс бўлиши лозим. Хозирги илм-фан шиддат билан юксалиб бораётган даврда педогогларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш-биринчи навбатда уларнинг замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштиришини, бу борада илмий методик кўникмаларини ривожлантиришни, илмий техникавий ахборотлар ва ўқув илмий адабиётларни ўрганиб боришни тақоза қилади.

Ҳамда ўқитувчининг касб маҳоратини, кўникма ва билимини узлуксиз такомиллаштириш учун қулай шарт шароит яратишни талаб қилади, бу жараён малака ошириш курсларида тўла амалга оширилади десак хато бўлмайди.

Малака ошириш бу-билим олишнинг янгича услубларини ўрганиш бўлиб, педогог ва раҳбар ходимларнинг жамиятда мустақил фикровчи, эркин шахс сифатида таълим-тарбия фаолиятида тутган ўрни билан белгиланади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларнинг амалга ошириши баробарида интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, илғор технологияларда педогогик бунёдкорлик орқали баркамол шахсни-инсонни тарбияловчи ва шу тариқа жамиятнинг ривожланишига таъсир этувчи омилдир. Таълим тизимида фаолият юритаётган педогогларнинг касбий маҳоратини ошириш, яъни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, билимлари ва касбий кўникмаларини такомиллаштириш, шунинг натижасида ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга эришишдир. Ўқитувчиларнинг малака оширишларини мақсадли йўналтирилганлиги таълим муассасаси ихтиёрида ва таълим тизимидан ташқари ҳолатда амалга оширилади. Малака ошириш тизимини йўлга қўйиш - таълим муассасаси ихтиёрида: А) Таълим муассасида ташкил этилган фан кафедралари иш режалари асосида Б) Ўқув бўлими томонидан ташкил қилинадиган доимий ҳаракатдаги семинар ва ўқишларда В) Кафедралар ташкил этган мақсадли очик дарсларда Г) Соҳа бўйича ўтказиладиган конференция ва педогогик ўқишларда таълим муассасасидан ташқари ҳолатда: А) Педогогларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари тайёрлов курсларида Б) Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўтказиладиган малака ошириш курсларида В) Қисқа муддатли мақсадли курслардаги ўқишларда Г) Доимий ҳаракатдаги ўқув курсларида амалга оширилиши амалда ўз натижаси ва ижодий самарасини кўрсатиб келмоқда.

Таълим муассасалари педогог ва раҳбар ходимларини малака оширишини педогогик самарадорлигини таъминлаш учун таълим муассасасида ижодий муҳит яратилмоғи лозим . Узлуксиз методик хизматни ташкил этиш ва малака оширишнинг узвийлигини таъминлашда ижодий ёндошувнинг таълим-тарбия самарадорлигига таъсири, аввало муаммоларни аниқлаштириб олиш билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан таълим муассасаларида педогог ва раҳбар ходимларни малака оширишлардан қайтгач ижодий муҳит яратиш барқарорлашмаслигига сабаб бўладиган омиллар;

1. Таълим муассасаси педогог ходимларининг самарали ишлашлари учун ижтимоий психологик ҳолатлар ва хусусиятлар шаклланишида сусткашлик ҳолати юзага келади, соҳадаги узвийликнинг тўлиқ натижаларга йўналтирилганлиги ўз исботини топишида муаммао туғилади

2. Педогог ва раҳбар ходимлар малака ошириш курсларидан кейинги фаолияти самарали ташкил кечишида оқсоқлик юзага келади

3. Узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг қуйи бўғинлари, фан кафедралари, методик кенгашларнинг фаоллиги самарали натижа кўрсатмайди:

4. Педагог ва раҳбар ходимларни касбий маҳоратини ривожлантиришда ижодий муҳитдан самарали фойдаланиш тизими ҳаракатланмайди.

Педагогик жараён ташкилотчилари саналган ўқитувчиларни Педагогик жараёнларда фаоллигини таъминлаш ва такомиллаштириш ҳамда ўқув жараёнини ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири таълим муассасалар томонидан педагогик фаолиятини илмий асосда ташкил этиш мақсадидаги ўқитувчиларнинг белгиланган муддатларда малака оширишларини таъминлаб бориш ва малака оширишдан қайтгач педагоглар учун ижодий муҳитни яратилмоғидир.

Таълим олувчи ўқувчиларнинг бошланғич тушунчалари, қизиқишлари, эҳтиёжи ва қобилиятларини, шахсий хислатларини шакллантиришда ўқитувчи педагогик жараёни илмий асосда ташкил этишнинг мураккаб томонларини фаол ўрганиб шунинг натижасида кўзланган мақсадга эришишга ҳаракат қилмоғи ва малака ошириш натижасида ўрганган кўникмаларини педагогик жараёни такомиллаштиришда қўллаши, педагогик самарадорликни оширишга ёрдам берадиган турли тдбирларни ишлаб чиқишлари зарур. Педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этишда қуйидаги келтирилган муаммаларни инобатга олиш ва уларнинг ижобий ечимларни топиш ўқитувчи фаолиятида самарадорликка эришишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида хизмат қилади: - педагогик жараёнларнинг фаоллигига таъсир қилувчи, янгиликларни жорий этиш сурати билан уларнинг қизиқиши, эҳтиёжи ва бошланғич тушунчалари, имкониятлари ҳамда ўзлаштириши зарур бўлган тушунчаларнинг мураккаблиги ва уларни инобатга олиш зарурияти ўртасидаги номувофиқликларни вужудга келтирувчи омиллар; - педагог ходимларнинг шахсий хислатлари ва касбий қобилиятларини шакллантириш даражаси билан таълим муассасаларига қўйилаётган замонавий талаблар ўртасидаги зиддиятлар; -таълим тизимида вужудга келаётган ташаббус ҳамда қўлланилаётган ва яратилаётган янгиликларни жорий этиш сурати билан илмий методик таълимотлар ўртасидаги номувофиқлик: -таълим муассасасининг интегрatív табиатига мос ёндошувлар ва уларни шакллантириш технологияларининг мавжуд эмаслиги. Педагогик жараёнларни ташкил этиш самарадорлиги бўлса - бу бошқарув қонуниятлари, усул ва методлари ҳамда инновацион технологияларга асосланган бошқарув фаолияти негизида ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг натижавийлиги ҳисобланади. Педагогик жараёнлар самарадорлиги мазкур жараённинг асосини ташкил этувчи таълим-тарбия жараёнининг натижавийлиги ҳисобланади, чунки тадбиқ этилаётган янгиликлар ва инновациялар ҳамда ташкил этилаётган инновацион жараён аниқ бир мақсадга, яъни таълим таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш уларни фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Педагогик жараёнлар самарадорлиги таълим-тарбия жараёни

иштирокчиларининг билим, кўникма ва малакаларининг ривожланиши, ўзлаштириш кўрсаткичлари даражасининг ўсиши билан белгиланади. Педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашда таълим-тарбия жараёнларини мунтазам тадқиқ қилиш, педагог ходимларни янги ишончли ахборотлар алмашинувини таъминловчи тизимни жорий этиш энг муҳим шартларидан биридир. Бу соҳадаги масалалар тўхтовсиз такомиллашиб, мураккаблашиб бориши муносабати билан ўқитувчидан сифат ва самарадорликни ошириш бўйича янги имкониятларни излаб топиш, ўқитиш усулларини муттасил янгилаб бориш, уларни замонавий илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мақсадида малакаларини оширишларини талаб қилади. Педагогларни малакасини оширишдан асосий мақсад ўқитувчиларга малака оширишгача ораликдаги янгиликларни етказиш, касб маҳорати ва малакаларини такомиллаштириш, курс давомида бир бирлари билан тажриба алмашишларига қулай шарт шароитлар яратишдир. Ўқитувчиларни малакаларини, педагогик маҳоратини ва ижодий ташаббусларини муттасил ошириш бориш, ўқувчиларга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш, уларни миллий ахлоқ руҳида тарбиялашни янада такомиллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим жараёнининг узлуксиз ажралмас қисмидир.

Билимли ва ақл заковатли етуқ авлод тарбияси муҳим вазифа

Оллаберганова Фазилат Тангриберганована Қўшқўпир қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Республикаимиз мустақилликга эришган йиллардан буён мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш баробарида дунёвий билимларни эҳтиёжлари даражасида эгаллаётган, баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим соҳаси Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, таълим ислохатларини амалга ошириш жараёни, таълимни бошқаришни демократлаштириш ва бозор иқтисодётига ўтиш, ўрта махсус, касб-ҳунар муассасалари ўқувчиларнинг маънавий қиёфасини шунингдек, таълим, айниқса тарбия жараёни мақсади ва усулларни сезиларли даражада ўзгартирди. Хозирги замон таълим тарбия ишларини асосий мақсади шахсга ўз ҳаётида эркин танлаш имкониятини яратиб бериш, тўғрироғи, эркин шахсни шакллантиришдир. Таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари олдида эркин фуқорони юксак маънавиятли шахсни шакллантириш, ҳуқуқларини яхши биладиган ўз кучи ва қобилиятига таянадиган, юз бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларга шахсий нуқтаий назарини билдира оладиган, шу билан бирга ўз манфаатини мамлакат ва халқ манфати билан уйғунлаштириб, касб-ҳунар сирларни мукамал эгаллаган мутахассисларни тарбиялаб вояга етказиш вазифаси турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатларнинг муваффақияти халқнинг маънавий камолоти ва миллий руҳининг даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаий назардан XXI асрда давлатимизнинг равнақи, унинг кучи ҳамда салоҳияти кўп жihatдан халқ маънавиятининг юксаклиги ва поклигига, зиёлиларимиз, ёшларимизнинг интеллектуал саводхонлиги, билимдонлиги, бунёдкорлиги, ташаббускорлиги ва ватанпарварлигига боғлиқ. Ватанимиз эртаси бўлган ёшлар билан узвий боғлиқ холда мамлакатни барқарор ривожлантириш ғояси заминида билимли ва ақл заковотли етук авлодни улғайтириш тарбияси ётади. Зеро, ўқимишли, билимли, ақл-заковотли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват ёшларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади, мамлакатни барқарор ривожлантиришга эришади. Ота боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илм маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Билимли ва ақл заковотли етук авлод тушунчаси - демократик тамойилларини қадрлайдиган, юксак салоҳиятга, замонавий илм фан ва технологик ютуқлари билан қуролланган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга амалий хисса қўшиш маъсулиятини чуқур англаб етган янги қатламдир. Улар жамият ҳаётини барча соҳаларини ривожлантиришга, демократик жамият қуришнинг мураккаб ва қийин вазифаларини хал этишига қодир бўлган баркамол авлоддир.

Билимли ва ақл заковотли етук авлод кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатининг демократик моҳиятида яққол намоён бўлиб, етук авлод тарбиясида икки тушунча бир бири билан доимо уйғун ишлатилади, булар таълим тушунчаси ва тарбия тушунчасидир. Педагогик фаолият кўрсатаётган ҳар бир шахснинг таълим тарбия жараёни кундалик ишига айланишини зарур деб ҳисоблайман. Мен касб-хунар коллежида иш фаолиятимни олиб борар эканман бу борада яъни касб-хунар коллежларида таълим-тарбия ишлар кўламини ривожлантириш омиллари бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларимни билдириб ҳамда сўзим давомида таълим ва тарбия тушунчаларига ўз дунёқарашим доирасида тўхталиб ўтмоқчиман.

Таълим тушунчаси-шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини ошириш орқали унинг ақлан ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргаликда амалга ошириладиган дидактик фаолият. Шахснинг ақлий тараққиётини таъминлаш мақсадида кўриладиган аниқ белгиланган чора тадбирлар тизимидир.

Тарбия тушунчаси- янги авлод кишиларга катта авлоднинг ижтимоий тарихий тажрибасини бериш туфайли ривожланишини таъминловчи ижтимоий функция, ижтимоий таъсир остида инсон шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш, қарор топтириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, тизимлаштирилган онги жараёни деб ҳисоблайман.

Тарбия–таълим билан ўзаро жипс боғланган ижтимоийлашнинг асосий бўғини ҳисобланиб, таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунининг олган холда ёшларга таълим тарбия бериш ўқитувчиларнинг ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, истеъдоди ва маданияти, ҳозирги замон педагогик

технологияларни қўллаши, ўқувчиларни ўзаро фаолиққа олиб келади. Хар бир педагог шуни доимо эсда тутиши керакки, дарс ўқув-тарбия жараённинг асосий шаклидир. Тарбиянинг барча жараёнлари хар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга қаратилади, биринчи навбатда бу дарс жараёнида амалга оширилади. Шунинг учун хам хозирги шароитда дарснинг тарбиявий ахамиятини ошириш масаласи таълим муасасаси ва ўқитувчи олдиға биринчи даражали вазифа қилиб қўйилмоқда. Ўқувчиларни бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларни касбға бўлган меҳрини янада оширишни янги услубларидан фойдаланиш, бозор ислохатларига мувофиқлигини таъминлаш, таълим хизматлари кўрсатиш бозорида рақобатни ривожлантиришни улар фикриға сингдириш, ишлаб чиқаришға жалб қилган холда таълим тарбия тушунчаларини улар онгида шакллантириб борилса, ўқувчиларда ўз меҳнатлардан манфаатдор бўлиш ва меҳнатини кадр қимматини топиш ғояси хам шаклланади. Ўқитувчи-бу ижодкордир, таълим соҳасида тинмай ижод қилмоғи, ўзида ўзлаштириган билим кўникмаларини ёш авлодға беминнат бермоғи, шу билан бир қаторда доимий изланишда ўрганишда бўлмоғи лозим. Бу эса ўз навбатида ўқитувчидан таълим тарбия усулини янада такомиллаштириш, мавжуд дастурлардан оқилона фойдалана билиши, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш, фанларининг айрим соҳалари бўйича ўқув ва методик қўлланмалар яратишини тақоза этади. Бундан аёнки бугунги кун педагоглари олдида улкан ва маъсулиятли вазифалар турибди.. Мадомики шундай экан, бугун фаолият юритаётган педагоглар узларига яратиб берилаётган шароитлардан, кулайликлардан келажагимиз пойдевори ўқувчи ёшларни тарбиялашда самарали фойдаланишға ва бу борада бор куч-гайрат, билим ва малакаларини сафарбар этишға бурчлидирлар.

Шахснинг қобилияти ва истеъдодиға, ўқитувчининг педогогик фаолиятиға психологик ташхис асосида ёндошув

Аллаберганова Хусниябону Тангрибергановна Хоразм вилояти, Қўшкўпир қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежи психологи

Психология, ўзининг педогогикаға яқинлиги ҳамда педагог учун ниҳоятда зарур эканлиги жиҳатидан бошқа барча фанлар ичида биринчи ўринни эгаллайди.

Педогогик фаолиятда ўқувчи ёшларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва уни шакллантиришға эришиш ўқувчиларни интеллектуал қобилиятларини, тарбияланганлик даражаларини ва шахсий харакат сифатларини психологик ташхис асосида ёндошув орқали баҳолашни талаб қилади. Ўқувчиларни шаклланиш жараёнини, уларнинг ақлий ривожланиши, тарбияланганлик ва тафаккур даражасини меъёрини аниқламасдан туриб таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мушкул хисобланди, бу бўлса педогогикада психологик ташхис ўта муҳимлигини англатади. Зеро психологик-педогогик ташхис қўйиш шахс фаолиятини энг мақбул тарзда бошқариш усулларидан фойдаланишға ёрдам беради. Психологик ташхис

асосида инсоннинг шахсий темперамент хусусиятлари меъерий ва патологик йўналишида ўрганилади ва шахснинг қобилияти ва истеъдодини юзага чиқариб шакллантирилишига эришилади. Шахснинг қобилият ва истеъдодларига психологик нуқтаи назардан ташхис асосида ёндошувда қуйидагилар эътироф қилинади яъни Қобилият – инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қобилият билимдан, кўникма ва малакадан кескин фарқ қилади ҳамда инсон томонидан кўникма ва малаканинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради, билим мутолаа натижаси ҳисобланади. Қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим. Қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади, аммо аксарият илмий манбаларда мохирлик билан қобилиятни бир бирига боғлаб кўрсатишади. Барча қобилият учун таянч хусусият – кузатувчанликдан, яъни инсонни фахмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири – нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга. Бу табиий манба зехн тушунчаси билан юритилади. Зехн муайян бир фаолиятга ёки кўпинча нарсаларга нисбатан ортикча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зехн нишонлари деганда шахснинг ички имкониятлари табиий асосини тушуниш лозим. Қобилият умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий қобилият деганда юксак амалий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қобилиятни табиий равишда шаклланиши ва муайян режа асосида ривожлантириш мумкин. Қобилиятни маълум фаолиятга мойиллиги ёки интилиши орқали, табиий зехн нишонларини аниқлаш, мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этиш, қобилиятни такомиллаштиришнинг махсус воситаларини қўллаш, шахснинг фаоллик аломатларини максимал даражада ривожлантириш, инсон шахсига алоҳида ёндашувни умумий талаблари билан уйғунликда олиб бориш ва бу орқали ривожлантириш йўллари мавжуд. Шахсдаги қобилият ва истеъдоднинг таркиб топиши ёки шаклланиши айрим обектив ва субъектив сабабларга ҳам боғлиқ. Шахсдаги зехн, майл ва қизиқиш, интилиш- бу соҳада етакчи ўрин тутди. Зотан, зехни ўткир, кузатувчанлик ва тафаккур каби қобилияти кучли бўлган кишиларда истеъдод қирралари ривожланган бўлади. Чунки бундай фазилатлар кўп нарсани билиб олишга, мутақил ижодий фикрлашга ундайди. **Истеъдод**, талант – ниҳоятда зўр қобилият, бирор соҳада юксак даражадаги лаёкат. У идрок, тасаввур, тафаккур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя устунлигида, воқеа-ҳодисаларнинг янги қирраларини, уларнинг билимларини ўзлаштириш, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларни турмушга тадбиқ эта олишидан уни истеъдодини билиш мумкин. Истеъдод инсоннинг маълум фаолияти турида ўзини намоён этади. Билим, кўникма, малака, тажрибалар истеъдодни ривожланишида катта роль ўйнайди. Қобилият ёки лаёкат ўсишига ижтимоий шароит яратилганда, уни тарбиялаб камолга

етказилганидагина истеъдод юзага чиқади. Истеъдодга инсоннинг меҳнатсеварлиги ҳам қўшилган тақдирда янгилик ва кашфиётлар пайдо бўлади. Даҳо истеъдоднинг юксак намунаси ҳисобланади. Даҳо эгаси батамом янгилик ижод қилиб, ўз соҳасида оригинал йўналиш яратади. Истеъдод ҳақида турли назариялар мавжуд. Уларга кўра: Оллоҳ томонидан берилган инъом, Ирсият орқали ўтади, Тарбия орқали пайдо қилинади, Инсондаги табиий-туғма анатомик-физиологик лаёқат муайян фаолиятда шаклланади ва ривожланади. . Ўқувчи шахсининг қобилияти ва истеъдодини юзага чиқариш учун ўқитувчидан етарли билим ва илмий кўникмадан ташқари педогогик ташхис кўя билиш хусусияти ҳам мавжуд бўлмоғи керак. Булар билиш, тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқий, ташкилотчилик, Обрў орттира олиш, тўғри муомила қила олиш, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш маҳорати орқали психологик ташхис қўйиш бўлиб, шу орқали ўқитувчининг педогогик фаолият самараси юқори натижани кўрсатади. **Билиш маҳорати**--фаннинг тегишли соҳаларига оид қобилиятдир, бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамisha кузатиб боради. Материални ипидан игнасигача билади, шунга ниҳоятда қизиқади, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажаради. **Тушунтира олиш маҳорати** -ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиши, қийин нарсаларни осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши билан номаён бўлади. **Кузатувчанлик маҳорати** ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бошлаган психологик кузатувчанликдир. **Нутқий маҳорат** нутқ ёрдамида, шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамisha ўқувчиларга қаратилган бўлади. Педагогнинг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жиҳатдан ёрқин, ифодали, ҳис-ҳаяжонли бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. **Ташкилотчилик маҳорати** - биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш, **Обрў орттира олиш маҳорати** - ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. **Тўғри муомала қила олиш маҳорати** -болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради. **Келажакни кўра билиш маҳорати**- ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билиш, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. **Диққатни тақсимлай олиш маҳорати**- ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари-ҳажми, кучи,

кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этилиши, Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига боғлиқдир. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини юзага чиқариши учун педагогик қобилиятини ишга сола билиши лозим. Булар **Ташкилотчилик қобилияти** – талабаларни бирлаштириш, вазифалар билан банд қилиш, жавобгарликни тақсимлаш, умумий топшириқлар бажаришда кўринадди. **Дидактик қобилияти** – ўқув материални, кўргазмаларни танлаш ва тайёрлаш, талабаларнинг билишга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжларини рағбатлантириш, ўқув фаоллигини оширишда намоён бўлади. **Перцептив қобилияти** – талабанинг маънавий дунёсига кира олиш, рухий-эмоционал ҳолатини аниқлаш ва объектив баҳолай олиш, педагогик интуиция ва эмпатияда кўринадди. **Коммуникатив қобилияти** – талабалар, ҳамкасблар ва раҳбарият билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабат ўрнатиш, мулоқотга тез киришиш, экстровеертикда намоён бўлади. **Суггестив қобилияти** – талабаларга эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш, уларни ўз имкониятларига ишонтира олишда кўринадди. **Текшириш-тадқиқотчилик қобилияти** – педагогик вазият ва жараёнларни ўрганиш ва баҳолаш малакалари тушунилади. **Нутқ қобилияти** – аниқ ва ишончли, эмоцияли, маданиятли, луғатий жиҳатдан бой нутқ техникасига эга бўлиш.

Таълим жараёнининг самарадорлигини белгиловчи омиллар мавжуд бўлиб, ўқитувчининг истеъдоди ва қобилияти ва шахсий сифатлари асосида намоён бўлади. Бундай жараён ўқитувчидан;

- ✓ Педагогнинг профессионал ва педагогик маҳорати
- ✓ Ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари, қўлланмалар ва ахборот манбалари билан етарли даражада таъминланганлиги
- ✓ Таълимнинг турли хил замонавий шакллари ва усулларида кенг фойдаланиш
- ✓ Таълимда турли хил кўргазмалар ва техник воситалардан, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш
- ✓ Педагог ва талаба муносабатларининг ўзаро ижобий-эмоционал кўринишга эга эканлиги
- ✓ Ташаббускорлик ва фаолликни талаб қилувчи турли хил ўқув мусобақалари, семинар-тренингларни ташкил қилиш
- ✓ Таълим олувчиларнинг билиш жараёнларини фаол ишга солиш
- ✓ Талабаларда билиш жараёнларининг ихтиёрийлиги ва иродавий хусусиятларнинг мавжудлиги.
- ✓ Талабаларда ўқув материални мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш
- ✓ Талабаларда ўқиш мотивациясини ҳосил қилиш ва ривожлантириш
- ✓ Педагогларнинг илмий фаолияти, ташаббускорлиги ва касбий-педагогик маҳоратини моддий ва маънавий рағбатлантириш
- ✓ Талабаларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигини моддий ва маънавий рағбатлантиришни тақозо этади.

Маълумки, ўқитувчи шахсининг сифатлари шунчалар кўп ва ранг

баранглик, уларга қуйидагиларни киритсак бўлади: эътиборлилик, фикрий теранлик, самимийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик, таъсирчанлик, чидамлилик, ўзини кулга ола билишлик, мослашувчанлик, инсонпарварлик, ишчанлик, интизомлилик, сахийлик, виждонлилик, ғоявий ишончлилик, ташаббускорлик, жамоани ҳурмат қилишлилик, танкидийлик, мантикий фикрлилик, болаларга мухаббат, кузатувчанлик, дилкашлик, масъулиятлилик, ватанпарварлик, педагогик эрудиция, сиёсий онглилик, мустакиллик, камтарлик, ботирлик, адолатлилик, ўзини ўзи такомиллаштиришга қобилиятлилик, хиссиётлилик ва бошқалар.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи ҳам қобилиятли ҳам педагогик маҳоратга ва намунали шахсий сифатларга эга бўлиши ва уни фаолияти давомида ишга сола олиши лозим, бу ўқитувчининг ўқувчида мавжуд бўлган қобилият ва истеъдодни юзага чиқаришида асосий ўрин тутати. Педагогик маҳорат эгаси ижодкор ўқитувчи оз меҳнат сарф қилиб, унумдор натижага эришади. Педагогик маҳорат фаолият жараёнида пайдо бўлади, ривожланади, шу билан бирга малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўтиш натижаси ҳисобланса, педагогик маҳорат ривожланиши учун эса истеъдод, лаёқат ва зеҳн, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлишини тақозо қилади. Мукамал педагог бўлса ўзида Педагогик назарияни, қонуниятларни билиш, Таълим жараёнининг психологик хусусиятларини билиш, Таълим-тарбия технологияларини эгаллаш, Касбига ва соҳасига бўлган мухаббат, Талабаларга бўлган мухаббат ва ишонч, Юксак педагогик маҳорат ва қобилиятга эга бўлиш, Умумий эрудиция, Оптимизм, Тез ва аниқ таъсир кўрсата олиш, Эмоционал вазминлик, босиқлик, Ишбилармонлик, Нутқининг аниқ ва ишончли бўлиши, Талабчанлик каби хусусиятларни мужассамлаштирган бўлмоғи лозим. Мазкур хусусиятлар шахс сифатларини тартиблаштириш, уларни шахсда шакллантириш имкониятини оширади. Шу нуқтаи - назардан педагогик психология фанида уларни маълум тамойил асосида тартиблаштиришга ҳаракат қилинган. Эътибор берилса, юқорида зикр этилган ўқитувчи шахси сифатлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва маълум маънода айтиш мумкинки, уларнинг йигиндиси ўқитувчи шахсини ташкил этади. Ўқитувчининг яна бир муҳим касбий - психологик сифати унинг турли туман стрессларга чидамлилигидир. Ўқитувчи фаолиятидаги стрессларнинг юзага чиқиши фрустрация, нерв системасининг типи, темперамент сингари психофизиологик ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Масалан, педагогик психология фанида Ўқитувчиларнинг 14 хил стресс-реакциялари кузатилади. Масаланинг муҳим томони Ўқитувчи фаолиятида стресс ҳолатининг бўлмаслигида эмас (ўқитувчи стрессиз ишлай олмайди), балки ўқитувчининг стресс вазиятларига ижтимоий жихатдан мослашувчанлигида ётади. Бу уз урнида педагог шахсининг ижтимоий психологик толерантлик (чидамлилик) тушунчаси билан боғлиқдир. Такдиқотлар натижасига кўра педагогик маҳорат даражаси паст булган ўқитувчиларда стрессларга чидамлилик даражаси ҳам паст бўлар экан. Ўқитувчининг ички локус назорати ошиб бориши билан унинг таълим -

тарбиявий жараёндаги кийинчиликларни енгишга нисбатан педагогик маҳорати ошишини психологик ташхис ўтказиш орқали тўла аниқланган. Шундай қилиб, ўқитувчи шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни маълум бир йуналишда ривожлантирилса, унинг педагогик қобилияти ва маҳорати янада ошиб боради.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар жадал сураётларда ривожланиб бормоқда, Шу жумладан, психология фани ҳам ўз олдида бир канча илмий масалалар ечимини қўйган. Шахснинг психологик кифоаси тушунчасини ўрганиш ва олинган натижалар асосида ИЖТИМОЙ ишлаб чиқаришда, тўғри касбий фаолият турини танлашда ва шахснинг асосий тутадиган роли ва вазифаларини аниқлашдан иборатдир.

Билиш фаолияти - ижтимоий фаолликнинг муҳим омили.

Ҳаққулов Набижон Қахрамонович, Омонтурдиев Орзу Гаффарович

Одамлар қадим замонлардаёқ ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ўрганганлар, уларнинг кадри ва аҳамияти тўғрисида фикр юритганлар. Замонлар ўтиши, жамият ривожидан бу борадаги масалалар кўлами кенгайган, уларни ҳал қилишнинг аҳамияти ортаверган.

Инсониятнинг XXI асрга қадам қўйиши илм – фан, техника ва тафаккур тарзида мисли кўрилмаган ютуқлар ва натижалар билан боғланиб кетди. инсон ақли билан яратилган замонавий техника ва технологиялар, ахборот алмашилиши воситалари ривожидан замонавий цивилизациянинг муҳим.

Билиш воқелик қонунларини очиқ бериб, табиатнинг буюм–ашёларини уларнинг ҳар томонлама бойлиги ва хилма–хиллиги билан ғоявий–маънавий шаклда қайта ҳосил қилишини баён қилади. Билиш – объектив воқеликнинг онда акс эттиришга қаратилган инсон фаолиятининг ижтимоий–тарихий жараёни эканлигини тушунтиради.

Билиш жараёнида одамнинг фаоллиги турли воситалар орқали янгилик яратиш ва унумли иш кўришга томон йўналтирилган. Инсон билиш асосида турли асбоблар, ускуналар ясади, илмий назариялар, моделлар, белгилар тизими, тимсоллар, идеал объектлар ва шу қабиларни яратади. Лекин шу билан бирга ўзининг қобилиятлари оламни билишда қанчалик имкониятларга эга эканлигига, бу соҳада кўпроқ натижа ва ютуқларга эришиш учун яна нималар қилиши лозимлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор беради¹.

Шу маънода, билишнинг моҳияти, мазмуни билан боғлиқ масалаларнинг таҳлили, муаммоларини тўғри, илмий ҳал қилиш билан бирга **қуйидаги асосий жиҳатлар ва жараёнларни кўрсатиш мумкин:**

- Инсон фаолияти эволюцияси давомида билиш фаолияти амалий фаолиятдан ажралиб чиқди, у инсонга хос руҳий амалий фаолиятнинг мустақил турига айланди;

¹ Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: «Файласуфлар миллий жамияти нашриёти», 2004, 6-7 бетлар.

- Инсоннинг билиш қобилияти чекланмаган, лекин ҳар бир тарихий даврдаги билиш имкониятлари чекланган;
- Билиш жараёнида нарсани, ҳодисани тўла ва мукамал акс эттириш учун маълум бир йўл босиб ўтилади;
- Воқелик ҳодисаларини билиш оддий ҳаётий тирикчилик учун йўл топиш эмас, балки илмий тадқиқот йўли билан изланишлар натижасида янги билимларнинг вужудга келишидан иборатдир;
- Билишнинг мақсади ва вазифаси турли ҳодисаларни ўрганиш йўли билан уларнинг чуқур, турғун, белгиловчи томонлари ва қирраларини, уларнинг моҳиятини очиб, ҳақиқатни англаб олишдан иборат.

Билишнинг моҳияти, мазмуни, билиш методологияси, илмий билиш масалаларини ўрганиш **қуйидаги муаммоларни аниқлаш имконини беради:**

а) Инсонни ўраб турувчи олам аслида нима ҳамда унда инсон қандай ўрин ва вазифани эгаллайди? деган саволга жавоб беришга уринади;

б) Билим инсоннинг тарихий, амалий фаолияти негизида вужудга келади;

в) Билиш жараёни, реал нарсалар хосса-хусусиятларини субъект томонидан сунъий равишда яратиладиган воситаларнинг ўзига хос системаси ёрдамида бевосита акс эттирилиши, қайта ҳосил қилинишига қаратилгандир.

г) «Олам ва одам» тизимида дунёни англаш, субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар диалектикаси гносеология шуғулланадиган масалалар кўламини белгилайди. Бу масалалар инсоннинг билиш фаолиятидан иборат энг умумий мавзунини ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, инсон ўзининг бевосита борлигини, мавжудлигини уни қуршаб турган дунё билан доимий алоқада амалга оширади. Дунёда яшаш ва оптимал мослашиш учун инсон, унинг ақл-идроки ва ҳислари ташқарига, яъни дунёни билишга қаратилган. Чунки, инсоннинг дунёни ўзлаштириши биринчи навбатда уни ўрганиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилинишига боғлиқ. Шунга кўра, инсоннинг билиш жараёнини табиий, тарихий ва ижтимоий жиҳатлар ажратилиб кўрсатилади. Мақсад билишнинг мақсади ва вазифаси турли ҳодисаларни ўрганиш йўли билан уларнинг чуқур, турғун, белгиловчи томонлари ва қирраларини, уларнинг моҳиятини очиб, ҳақиқатни англаб олишдан иборат.

У киши мактаб қурган эди.....

Рахимова Мафтуна, СамДАҚИ 302 дизайн гуруҳи талабаси.

Илмий раҳбар: Н.Қ.ҲАҚҚУЛОВ, Сам ДАҚИ ўқитувчиси.

Мустақиллигимиз тарихига ёзилаётган ҳар бир саҳифада мамлакатимизда содир бўлаётган улкан бунёдкорлик ишлари, маданий юксалиш, маънавий ютуқларимиз муҳрланиб бормоқда.

Кечаётган йилимизни **“Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили”** деб эълон қилиниши ўзида катта бир фалсафий маъно касб этади.

Бу, аввало, давлат билан халқ, халқ билан халқ, инсон билан инсоннинг ўзаро мулоқати сифати олиб қараш, унинг нақадар теран маъносини англаш

мумкин.

Маънавий-маърифий, ғоявий-тарбиявий ишларимизнинг пировард мақсадини баркамол авлод, комил инсон шахси билан боғлар эканмиз, сўзсиз ўтмиш миллий-маънавий меросимизни, бой маънавий қадриятларимизни тарбиявий фаолиятимизнинг замин-пойдевори деб биламиз.

Шу маънода Сизлар билан фикр алишмоқчи бўлган мавзуимиз Жомбой туманинг “Халвойи” МФЙда Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий-Ажзий томонидан 1903 йилда қурилган янгича усул мактабининг бугунги ҳолати ҳақидадир.

Маълумки, XX аср бошларида маърифатпарвар шоир, таржимон, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” (1926) унвони соҳиби сифатида танилган - Ажзий Самарқанд, Бухоро мадрасаларида ўқиб, араб, форс, озарбайжон ва рус тили тилларини мукаммал билган. Ўша даврларда Самарқандда ўзбек ва тожик тилларидаги «Машраб», «Мулла Мушфиқий» каби ҳажвий журналларни, «Зарафшон» газетасини чиқаришда фаол иштирок этган.

1901—03 йилларда Кавказ, бир қатор Араб мамлакатлари ва Россияга саёҳат қилган. Арабистоннинг Жидда шаҳрида маълум муддат рус элчихонасида таржимон бўлиб ишлаган. Самарқандга қайтгач, ҳозирги Жомбой туманинг Ҳалвойи қишлоғида 1903 йилда янги усулдаги мактаб очиб, ўқитувчилик қилган. Ўқувчилар учун дарслик ёзиб, таржималаридан намуналар киритган.

Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий-Ажзий томонидан қурилган мактаб биноси бугунги кунда 19 –умумтаълим мактаби ҳудудида жойлашган. Мактабга янги бино қуриб берилгач, Ажзий томонидан қурилган мактаб биноси қаровсиз ҳолатда эътибордан четда қолмоқда.

XX аср бошларига тегишли ушбу маданий мерос ёдгорлиги бир вақтлар қанчадан – қанча ўқувчиларнинг сеvimли маскани эди. Тегишли муттассади ташкилотлар томонидан озгина эътибор қаратилса, бу бинодан маърифатпарвар шоир Ажзийнинг уй-музейини ташкил этиш, мактаб учун эса яхши кутубхона ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш жойи сифатида фойдаланиш мумкин. Ваҳоланки, бугунги кунда мактабда алоҳида кутубхона ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш жойи йўқ. “Барча қулайликларга эга замонавий мактаб ҳовлисига бу эски бино унинг хусни тароватини бузмоқда!?”, “Уни бузиш керак!?” деган гап-сўзларни эшитиб, ҳар қандай кишини дили ҳуфтон бўлиши тайин.

Ваҳоланки, 2016 йил 2 июнь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг тўртинчи сессиясида “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлик гуруҳи томонидан тайёрланган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги масала кун тартибига киритилган эди. Сессияда мазкур масала юзасидан вилоят Кенгашининг қарори қабул қилинган эди.

Биз келгуси авлодларга буюк аجدодларимизнинг бой маънавий меросини қандай етказмоқдамиз!?

Тарих сабоқлари асосида бунёд этилаётган бугунги кунимиз келажак

тараққиётимиз учун замин вазифасини ўтайди. Шу боис, ўзлигини тикламоққа азм қилган ҳар бир миллат бу йўлда ўзига хосликни, мустақил ривожланиш йўлини танлайди. Бу йўлда аждодлар ҳаёт тажрибаси, билим ва тафаккури, яратган моддий ва маънавий бойликлари миллат ва жамият тараққиёти учун ишончли ва мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода биз ёш авлодни ўтмишимизга ҳурмат, маънавий меросимизга эътиқод руҳида тарбиялаш вазифасини кўяр эканмиз, таъкидлаш жоизки, бу ҳурмат, бу эътиқод асло кўр-кўрона, юзаки бўлмаслиги, аксинча, теран билимга ақлий етукликка, эркин фикрлаш ва маънавий покликка асосланган муносабат бўлмоғи лозим.

Шундай экан, ана шу бой мерос сари кенг йўл очиш, ёшларимизнинг ана шу бойликлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, ундан оқилона фойдаланиш ва ижодий ривожлантириш қобилиятларини тарбиялаш асосий вазифамиз бўлмоғи лозим.

Deyksis hodisasi zamonaviy tilshunoslik talqinida

Abduraxmonov. J. B. Sam DAQI (“Chet tillar kafedrası” o’qtuvchisi)

Zamonaviy tilshunoslikda deyksis hodisasi keng ma`noda talqin qilinib, uning nutqiy faoliyatning barcha turlariga oidligi e`tirof etilmoqda. Til tizimidagi bir qator hodisalarni faqatgina ularning yuzma – yuz muloqot sharoitida shaklanishini inobatga olgandagina tavsifash mumkin. Bu, ayniqsa, deyksis hodisasi talqinida yaqqol ko`zga tashlanadi” deb aytadi Layonz

Deyksis hodisasining pragmatik mohiyatini va uning mazmun ifodalash imkoniyatining bevosita muloqot matni bilan bog`liq ekanligini Levinson quyidagicha ta`riflaydi:

“Aslini olganda, deyksis tilda nutqiy harakat konteksti yoki nutqiy hodisa xususiyatlarining aks topishi va grammatikalashuviga (grammaticalisation) taalluqlidir. U (deyksis), xuddi shuningdek, muloqot matni tahlili bilan bog`liqdir. Shunga nisbatan this (“bu”) olmoshi biror bir real obyektни atamaydi; to`g`rirog`i, u aniq bir kontekstda so`z yuritilayotgan voqelik obyektining o`rindoshidir”.

O`rin almashtirish – anafora vazifasining bajarilishi ishora vazifasini inkor qilmaydi. Anafora deyktik mazmundan holi emas, bu ikki vazifa yagona bir kontekstda, ayni bir paytning o`zida bajarilishi mumkinligini hozircha hech kim inkor etganicha yo`q. bu borada J.Layonsning ikki jildlik “Semantics” asarida keltirilgan misolni eslaylik : I was born in London and have lived there ever since¹ “Men Londonda tug`ilganman va shundan buyon o`sha yerda yashayman”. Bu misolda there “o`sha yerda” o`z koreferenti “London” bilan anaforik bog`lanishda bo`lishdan tashqari, ushbu nutqiy harakatning Londonda ijro etilayotganligi haqida ishora ma`lumotini ham bermoqda.

Har qanday hodisaning bir tomonlamali tahlili natijasida bildiriladigan fikr xolislikdan yiroqlashib qolish xavfidan ogohmiz. Ma`quli, til va nutqni bir-biridan ozuqa oluvchi, yaxlitlikda faoliyat ko`rsatuvchi tizimlar sifatida tasavvur

¹ Lyons J. Semantics. – Cambridge: CUP, 1977. -676 p.

qilishdir. Ularning yaxlitligini ta`minlovchi omil va vositalarni aniqlash borasidagi ilmiy izlanishlarning mahsuli tilshunoslik fani taraqqiyotida o`z o`rnini topadi.

Charlz Fillmor Indiana universtiteti lingvistik klubida 1971-yilda o`qigan deyksis haqidagi ma`ruzasida deyktik iboralar nutqda qo`llanilishi uch turga bo`lishni taklif qilgan:

1) “uzoqdagi” va “yaqindagi” obyektни bevosita ko`rsatish vazifasini bajaruvchi lisoniy belgi – jestlar (gestural use);

2) Ma`lum axborot, bilim tashuvchisi (bu bilim ushbu muloqot vaziyatidan yoki mustaqil ravishda egallangan bo`lishi mumkin) bo`lgan ramziy belgi (symbolic use);

3) Anaforik bog`lovchi sifatida¹

G.Yul aytganidek, “deyktik iboralar, chegaralangan miqdorda bo`lishlariga qaramasdan, keng ko`lamda qo`llanadilar va ular har bir alohida qo`llanilishiga nisbatan ko`proq kommunikativ mazmun ifodalaydilar”²

Levinson deyktik so`zlarni ma`lum bir markazga jamlash uchun ularni bir necha turlarg ajratgan:

1. Markaziy shaxs- so`zlovchi 2. Markaziy vaqt (zamon) – nutqiy harakat ijro etilayotgan vaqt; 3. Markaziy zamon – so`zlovchining nutqiy harakat bajarilayotgan paytdagi o`rni; 4. Ijtimoiy markaz- so`zlovchining ijtimoiy mavqei.

Deyktik vositalar qatoriga kiruvchi so`zlarning leksik ma`nosida u yoki bu turdagi referentga ishora mavjudligini isbotlashga harakat qilgan Ye.V. Paduchevaning ta`rificha, “ olmoshlar- ma`nosida nutqiy harakatga havola yoki nutqiy tuzilmaning borliq bilan munosabatiga, turiga ishora mavjud bo`lgan so`zlardir.”

Deyksis kategoriyasiga pragmalingvistikaning asosiy tadqiq obyektlaridan biri sifatida qaragan G.Yul, shaxs deyksisining uch qismli ekanligini (“men”, “sen”, “u”) qayd etayotib, e`tiborni dunyoning ko`pgina tillarida so`zlovchi, adresat va uchinchi (kuzatuvchi yoki muloqot ishtirokchisi bo`lmagan) shaxs- jamiyatda tutgan ijtimoiy mavqeiga nisbatan nomlanishlariga e`tiborni qaratadi. Eng asosiysi, bu tillarda shaxs ijtimoiy mavqei maxsus lisoniy birliklar, grammatik shakllar vositasida ifodalanadi. “Honorifiklar” (honorofik) deb atalayotgan ushbu birliklarning nutqiy muloqot matnlarida qo`llanilishi **sotsial deyksis** hodisasining namunasi sifatida talqin qilinadi Zamon tushunchalarining taqvimli voqelanishida Ch.Fillmor o`sha mashhur “Santa Kruz ma`ruzasi” da aytganidek, voqealar biror bir mutlaq origa (lot.“manba”, “boshlang`ich nuqta”) bilan bog`langan “mutlaq” davr (zamon) dan joy oladi. Masalan, *bugun, erta, kecha* kabilar deyktik o`lchovli deyktik birliklar qatoriga kiradilar va ular bir kunlik vaqt oralig`i me`yori bilan farqlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. “Pragmalingvistika”. Sh. Safarov. Toshkent 2008.

2. “Sotsiolingvistika”. Z. Aliqulov, S. Boymirzayeva. Samarqand 2009.

3. “Pragmatik lingvistika”. Z. Pardayev. Samarqand 2013.

4. Yule G. Pragmatics. –Oxford: OUP, 1996.

¹ Fillmore Ch. Santa Cruz Lectures on Deixis. Indiana: University Linguistic Club, 1975.p 40-42

² Yule G. Pragmatics. –Oxford: OUP, 1996.p16

5. Lyons J. Semantics. – Cambridge: CUP, 1977
6. Fillmore Ch. Lectures on deixis. – Stanford: CSLI publications, 1997.
7. Fillmore Ch. Santa Cruz Lectures on Deixis. Indiana: University Linguistic Club, 1975.

Матнда ички ва ташқи прагматиканинг таъсири хусусида.

Абдурахмонов Ж.Б. (СамДАҚИ “Чет тиллар кафедраси” ўқитувчиси)

Ҳозирги замон хорижий тилшуносликда 1972 йилгача матн лингвистикаси прагматикага оид умумлаштирилган қўлга киритилган ишлар В.Дресслернинг “Матн назарияси муаммоси” номли ишида ўз аксини топган.

У Д.Вундерлих, В.Куммер, Г.Клаус фикрларига қўшилган ҳолда суҳбат иштирокчиларининг тил белгиларига муносабати прагматика асоси ҳисобланади дейди.¹ Шу билан бирга у ўрганилаётган ҳолатнинг функционал хусусиятига ҳам диққат қаратади. Яъни тил белгиларининг коммуникация актларидаги қатор экстралингвистик элементларга боғлиқлигини айтади. Бундан ташқари, В.Дресслер матн прагматикаси экстралингвистик статусга эга (“прагматика лингвистикага умуман тегишли эмас”) деб эълон қилади.² Айтганча, “Матн прагматикаси” деб номланувчи тилшуносликнинг матн таҳлили бўлимида муаллиф лингвистик элементларни прагматик маъно сифатида қайд этганидек, лингвистик белгилар ва экстралингвистик шароитлар боғлиқлигини айтади. Аниқроқ қилиб айтганда, у прагматик релевант долзарб бўлиниши, сўзларнинг прагматик роли жиҳатидан тартиби, семантик алоқанинг прагматик асосланганлиги ва шу кабилар ҳақида гапиради. Муаллиф томонидан тилдаги зиддиятларни ечишда прагматиканинг ўрни; матннинг прагматик шартлари каби мавзуни лингвистик жиҳатдан амалга оширилиши; матннинг прагматик жиҳатдан тобе бош ва охирги қисмларини лингвистик безаш каби масалалар кўриб чиқилади. Таҳлил натижалари В.Дресслерни матндаги лингвистик элементларда прагматик ҳолатлар ҳам бор деган фикрга келтиради. Шунинг учун бизда прагматика ва лингвистика бир-бирига қиёсланмайдиган ҳолат, уларни бир-бирига қарши қўйиш мумкин эмас, деган тушунча пайдо бўлади. Бизнингча, прагматикани матндаги бир аспект сифатида семантика билан бир қаторда қараб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Қизиги шундаки, В.Дресслер тез-тез матн прагматикасига матн тузилиши даражасидаги каби изоҳлар берган.³

В.Дресслер ўз ишларида бевосита матн прагматикаси масалаларига жуда кам эътибор қаратган. В.Дресслер муаллиф мақсади, жўнатувчи ва қабул қилувчининг лаёқати ва билимдаги шарт-шароитлари, олувчининг жойи ва қабул қилиш кенглиги, социал муносабатларда жўнатувчи ва олувчи ўртасидаги шарт-шароитлар, жўнатувчининг интенцияси каби масалаларни прагматик деб ҳисоблайди. Шунингдек, коммуникатив таснифлаш,

¹ Дресслер.В.Проблема теории текста. –М.: МГУ, 1978. –С.92.

² Дресслер.В.Проблема теории текста. –М.: МГУ, 1978. –С.67.

³ Дресслер.В.Проблема теории текста. –М.: МГУ, 1978. –С.73.

перформативли предикатлар – қайсиқим хабар бериш вазифасини бажарувчи (Darstellungsfunktion), матн ёрдамида хабар қабул қилувчи, истак ҳосил қилиш вазифасини бажарувчи (Auflosungsfunktion), баҳолаш вазифасини бажарувчи (Bewertungsfunktion) – жўнатувчи баҳоси, мурожаат вазифасини бажарувчи (Kundgabefunktion) каби муаммолар ҳам шу ерга киритилади. Ана шулардан коммуникатив предикатларга муносабат пайдо бўлади.

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса англашиладики, санаб ўтилган функцияларнинг ҳаммаси ягона мақсадга – қабул қилувчининг таъсир доирасига қаратилган ва улар таъсир доирасининг турли йўллари хосил қилиши мумкин. Яъни-тўғридан-тўғри таъсир қилиш (функция побуждения) ва нотўғри йўл билан таъсир қилиш (функция сообщения, функция обращения, оценочная функция).

Матн прагматикаси мавзусининг мунозарали масалаларига В.Дресслер прагматика мазмунини киритади¹ Бу муаммо бўйича бир қатор фикрларни баён этади. Шулардан бири матн прагматикаси гап прагматикаси қиймати сифатида ўрганилишидир. З.Шмидт, Я.Петефи, Ван Дейкнинг фикрларича, матн бутун ҳолича ўз муаллифига ва қабул қилувчисига тегишли бўлиб, бутун бошли матн орқали маълум бир мақсадга эришилади. Аниқроқ қилиб айтганда матнни жўнатиш – маълум бир мақсад йўлидаги коммуникатив ҳолатдир.² Бизнинг фикримизча, ҳар иккала фикр ҳам тўғри. Чунки улар бир-бирига қарама-қарши маъно англатмасдан, аксинча бир-бирини тўлдиради. Бу матн таҳлилида катта ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дресслер.В.Проблема теории текста. –М: МГУ, 1978.
2. Ван Дейк Т.А., Кинч В.Стратегии понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. - М: Прогресс, 1988.
3. Вейнрих Г. Коммуникативно-функциональное и исследование языковых явлений. –М: Наука, 1983. -163 с.
4. Дридзе Т.М. Текстовая деятельность в структуре социальной коммуникации.- М.: Наука, 1984.- 268 с.
5. Грайс Г.П. Логика и речевое общение. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. - Вып.16, Лингвистическая прагматика. - М.: Прогресс, 1985.-С 217-237.

¹ Дресслер.В.Проблема теории текста. –М.: МГУ, 1978. –С.65.

² Ван Дейк Т.А., Кинч В.Стратегии понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. Когнитивные аспекты языка. - М.: Прогресс, 1988.-С.153-156

Касб-хунар коллежларида “Йўловчи ташиш корхоналарида ташиш ишилари” ўқув амалиётида ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишнинг муҳим масалалари

Дусматов А., Тошматов М. - Самарқанд автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи махсус фани ўқитувчилари

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади.

Ислом Каримов

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғинларидан бири бўлган транспортларда йўловчи ташиш соҳаси билан боғлиқ ўқув фани ва ўқув амалиётлари касб-хунар коллежларида ўқитилади. Ҳар бир соҳанинг аҳамияти ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда унинг ҳуқуқий базаси яратилади. Шу жумладан, республикамизда ҳам транспорт соҳасининг халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда мустаҳкам ва демократик тамойилларга мос ҳуқуқий асослари мавжуд. Айниқса кейинги йилларда бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилди. Чунки бу йилларда транспорт соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Соҳага кичик мутахассислар етказиб берадиган касб-хунар коллежларида транспорт қонунчилиги асосларининг энг асосий нуқталарига эътиборни ошириш керак. Ҳуқуқий саводхон ҳар қандай бўлажак кадр ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлиб етишади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонининг **III-бандида** йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантиришга алоҳида урғу берилган.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёни амалга оширилаётган бир пайтда, хизмат кўрсатиш соҳалари сирасига кирувчи тизимлардан бўлган, транспорт тизими фаолиятини энг самарали тарзда ташкил қилиш ва бу тизимнинг унумдорлигини ошириш транспорт корхоналари фаолиятисиз иложсиздир. шундай экан бу жараёнга ҳам таълуқли ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказиш долзарб масалалардан биридир.

Автомобил транспортининг юқорида келтирилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Касб таълими (Транспорт воситаларини ишлатиш ва тамирлаш) йўналиши кичик мутахассисларниларини тайёрлашда фаннинг мақсади халқ хўжалиги соҳалари ва кишиларнинг ишлаб чиқаришлари билан боғлиқ моддий буюмларни зарур жойларга белгиланган вақтда ва сифатли даражада етказиб бериш ҳамда юкларни транспорт воситасига кам харажат билан ортиш ва тушириш, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ва уларни тўғри

танлаш кўникмаларини ўргатишдан иборатдир.

Шу туфайли касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассисларни ҳар томонлама етук, билимдон, ўз касбининг устаси қилиб тайёрлаш жуда муҳимдир.

Шунинг учун, транспорт соҳаси боўйича кичик мутахассислар тайёрланаётган касб-ҳунар коллежларида “Автомобилларда ташиш” ва “Йўловчи ташиш корхоналарида ташиш ишилари” фанларидан ўтилаётган мавзуларни замонавий ўқитиш методлари ва янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш айти пайтдаги долзарб масаладир.

Республикамизда автомобил хўжалигини ташкил этиш билан бирга, автомобил транспорти хизмати кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда «Автомобил транспорти тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида», «Автомобил йўллари тўғрисида» ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Ўқитувчи ўқувчиларни юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништиришда, биринчи навбатда ҳаётий мисоллар ва кўргазмали воситалар (кўргазмали қуроллар ва бошқ.) орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодимизни барқарор ривожлантириш йўлида – Т.: Ўзбекистон 2008

2. Хўжаев Б. А. “Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари” Т.: “Ўзбекистон”, 2002.

3. «Автомобил транспорти тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1998-йил 29-август, 674-И-сон.

4. «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997-йил 25-апрел, 419-И-сон.

5. Ўзбекистон юридик энциклопедияси/Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тўйчиев. – Т.: Адолат, 2010

Она тили ва адабиёти дарсларини касбга йўналтириб ўқитиш

Х. А. Саидова Ш. Т. Эргашева Д.Н Аслиддинова - Самарканд автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари

Умринг бутун маъноси мавҳумликни тўхтовсиз забт этиши, тобора ва ҳамини кўпроқ билишга интилишидир¹.

Ўзбекистон давлатининг мустақиллик давридаги тараққиёти ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча қирраларида бўлгани сингари маданий-маърифий соҳаларда ҳам тарихий ўзаришларни юзага келтирмоқда. Истиклол мафқураси туфайли “Тилимизни, динимизни, урф-одатимизни, маънавий

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1999, 195-бет.

кадриятларимизни буткул йўқотиб қўйиш хавфидан сақлаб, асраб-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклаш...”¹ даражасига эришдик.

Маълумки, 1989-йил 21-октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилиниши ва унинг биринчи моддасидаёқ “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб расмий эълон қилиниши нафақат мамлакатимизда, бутунжаҳон ҳамжамиятида тилимизга бўлган аввалги қарашларни тубдан ўзгартириб юборди. Ўрта умумтаълим мактаблари ва академик лицей ва касб-хунар коллежларида она тилининг, бошқа тилларда таълим бериладиган мактаб ва синфларда эса ўзбек тилининг ўқитилишига эътиборни яна-да кучайтирди².

Бу жараён мамлакатимизнинг мустақилликка эришганидан сўнг қонуний тус олди. Чунки 1993-йил 2-сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғриси”ги, 1997-йил 29-августда “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби қонунларнинг қабул қилинганлиги ва ҳаётга кенг татбиқ этилиши билан она тили таълимини такомиллаштириш давом эттирилди³.

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бугунги кунда катта самаралар бераётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу ислохотлар, аввало, миллатнинг ғурури, унинг ифтихори бўлган она тилига бўлган эътибори, муносабатнинг ўзгарганлигидан бошланди.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил билим олиши, мантиқий тафаккурини ривожлантириш, уларни касбга йўналтириш масаласи ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим.

Мазкур фанни коллеж ўқувчиларига ўқитишдан асосий мақсад миллий кадриятларимиз асоси саналмиш она тилимиз ва адабиётимизнинг бебаҳо хазинасини намоён этиш, келгусида касбий маҳоратга эришишларида фаннинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунтиришдан иборатдир. Биз биламизки, олтига касб соҳаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчасига фанни бир хил усулда ўтиб бўлмайди. Техника йўналишида она тили фанини ўқитар эканмиз, уларнинг асосий қисми автомобил йўл назоратчиси, механик бўлишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тилни севишга ўргатиш лозим:

*Она тилим, сен борсан шаксиз,
Булбул қуйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.*

(А.Орипов)

Ушбу шеърни ўқитувчи ўқиб берганидан сўнг ўқувчилар тилнинг қудратини англаб етишга ҳаракат қиладилар. Демак, бу шеърдан шундай хулоса чиқадики, биз ўз тилимизни унутсак, ўзгаларга тақлид қилувчи тўтидан

¹ Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон. 1993-йил, 71-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. **Давлат тили ҳақида.** Davlat va millat ramzlari. Ona tili – davlat tili. (O‘quv qo‘llanma – majmu’a). – Тошкент: “Адолат”, 2004. 29-35-бетлар. I. 6. 30-bet

³ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. **Таълим тўғрисида.** Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: “Истиклол” нашриёти шўъба корхонаси бош таҳририяти, 2004. 3-8-бетлар. I. 6. 30-bet

ҳеч қандай фарқимиз қолмайди. “Тил – миллатнинг кўзгуси”, - деб бекорга айтмайдилар.

Улар, энг аввало, имло қоидаларини яхши ўзлаштиришларини назорат қилиш лозим. Ҳар қайси касб эгаси нутқини равон ва тўғри ифодалай олиши ва бунга ёзма нутқда амал қилиш кўникмасини шакллантирсаккина ўз мақсадимизга эришган бўламиз. Чунки, ёзма нутқда хатоликка йўл қўйса, ўз фикрини бошқаларга тўғри англата олмайди. Масалан, шох сўзини шох деб ёзсак маъно бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

Бизнинг нутқимиз шунчалик жилодорки, тилимизда бир сўзнинг бир неча маънолари ёки бир маънони англатувчи бир қанча бир-биридан бўёқдор синоним сўзлар мавжуд.

*Бу ёқларда сулув бўлади,
Май ойининг салқин тунлари.
Чечак очса турфа гуллари,
Қирғоқ чирой билан тўлади.*

Юқоридаги шеърда сулув ва чирой, чечак ва гул сўзлари ўзаро синоним сўзлар бўлиб, булар нутқимзининг таъсирчан бўлишини таъминлайди ва ғализликни олдини олади.

Бўғин кўчириш қоидаларини фанга йўналтириб ўргатиш ҳам яхши самара беради. Шунчаки бўғин нима? Деган саволдан кўра “Бўғинларга бўламиз” ўйинини қўлласак, ўқувчиларни жонлантириб оламиз. Ҳар бир ўқувчи ўз исминини айтиб, бўғинларга ажратади ва нечта очик, нечта ёпиқ бўғин борлигини ҳам ҳисоблайди. Бу ўйин занжир тарзида бир-бирига уланиб, узвийликда давом этади. Масалан, Камола – 3 та бўғин, учаласи ҳам очик бўғин, ёпиқ бўғинлар йўқ.

Бу соҳа вакиллари бўлғуси автомобил йўл назоратчиси, механик бўлганлиги сабабли уларга қисқартма сўзлар бериб уларни ёйиб чиқиш вазифаси берилади. Бу орқали ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ўсади.

Қисқартмалар ва кўп хонали рақамлар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди:

БМТ, ХТБ, АҚШ, DAEWOO, ДТМ, ИИБ;
1996, 1991, 1992, 2002, 2008, XX, XV.

Топширик: Қисқартмаларни ёйинг, муҳим саналарни шарҳланг улар асосида касбингиздан келиб чиққан ҳолда матн тузинг.

Топширик. Монография, инглиз, конгресс, компьютер, штанга, стакан, сканер, менежмент, интернет, санъат, семасология, стоматология... сўзларини бўғин кўчириш тамойиллари асосида ёзинг ва қаторни давом эттиринг.

Нима сабабдан ўзлашма сўзлардаги бази ундошлар ўзбек тилидаги сўзлар каби бўғинга ажралмаяпти?

Топширик. «Бинго» ўйини. Касбларига оид сўзлар айтиб турилади, ўқувчилар неча бўғиндан ташкил топганлигини айтиб, жадвалга жойлаштирадилар. Кимнинг жадвали тўлса, «Бинго» дейди ва ўйиндан чиқиб туради, қолган гуруҳлар ўйинни давом эттиради. Биринчи чиққан гуруҳга

“Беш”, Иккинчи топган гуруҳга “Тўрт” кўйилади.

«Бинго» ўйини.	
1 бўғинли	
2 бўғинли	
3 бўғинли	
4 бўғинли	
5 бўғинли	
6 бўғинли	
7 бўғинли	

Сўзлар

Рол	Мотор	Двигател	Аккумулятор
Болт	Корпус	Автомобил	Енергоаккумулятор
Волт	Поршен	Генератор	Намажратгич
Газ	Дроссел	Коромисло	Модернизация
Мой	Картер	Пружина	Стабилизация
Нефт	Насос	Протектор	Амертизатор
Борт	Клапан	Камера	Вентилатор
Диск	Тормоз	Барабан	Радиатор

Avtomobil va yo'llar sohasi yo'nalishidagi ta'limda yangi pedagogik metodlar va innavasion texnologiyalarni qo'llash.

Fazliddin Shodiyev – Samarqand avtomobil va yo'llar kasb-hunar kolleji “Avtomobil transporti” kafedrasi mudiri.

Ta'lim jarayonining barcha yo'nalishlarida bo'lganidek bugungi kunda avtomobil va yo'llar sohasi bo'yicha ta'lim-tarbiya jarayonida ham interaktiv metodlar, innovasion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarni o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan ehtiyoj, qiziqish va talablar kundan kunga kuchayib bormoqda. Hozirgi mustaqillik davrida hartomonlama yetuk mutaxassis tayyorlashda noan'anaviy ta'lim tizimi o'quvchi- talabani zamonaviy texnologiyalar asosida bilimlarni egallashga, mustaqil o'rganishi va xatto hulosa, bahoni ham o'zlari keltirib chiqarishga, ya'ni ta'lim jarayonida faol ta'lim oluvchi bo'lishiga undaydi. O'qituvchi esa bu ta'limda shaxsni rivojlanishi, shakillanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchanlik funksiyasini ham bajaradi.

Innovasion texnologiyalar asosida o'quvchi –talabalarga dars berishda quyidagi natijalarga erishilmoqda:

- dars davomida befarq bo'lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishiga majbur etilmoqda ;

- o'quv jarayonida bilimga bo'lgan qiziqishlarni doimiy ravishda bo'lishi ta'minlanilmoqda.


Rossiya ta'lim akademiyasining akademigi V.P.Bespal'koning fikricha :

“O’qitish texnologiyasi o’quv-tarbiya jarayonini tashkil etishning mazmunli texnikasidir”. Anashu bois avtomobil va yo’llar kasb-hunarkollejida umumta’lim vakasbiy fanlarni o’qitishda o’quvchilar ongida tarixiy, umumbashariy, estetik, kasbiy tushunchalarni shakillantirish muhim pedagogic muammolardan biri hisoblanadi. Bu o’qituvchining ijodiy faoliyati bilan uzviy bog’langan bo’lib, u ta’lim jarayonida o’qitishning interfaol usullaridan kengroq va samaraliroq foydalanilishini taqozo etadi.

An’anaviy o’qitish usulidan noan’anaviy o’qitish usuliga o’tish kerakligini to’g’ri qabul qilgan Samarqand avtomobil va yo’llar kasb-hunar kollejining “Avtomobil transporti” kafedrasida o’qituvchilari ham o’z darslarini noan’anaviy usulda o’tkazishmoqda. Bunday usulda o’tilgan darslar o’quvchi-talabalarda bir tomondan, fanga bo’lgan qiziqishlarini oshirsa, ikkinchi tomondan talabalarni o’z kasblariga bo’lgan bilim, malaka va ko’nikmalarini oshirishda xizmat qiladi. AKT, proyektor, kodoskop, lingafon kabi usullardan ham keng foydalanilmoqdaki, bunday usullar asosida dars o’tilganda mavzu o’quvchi-talabalar yodida uzoq vaqt davomida saqlanib qolishiga va ish jarayonida qo’llashga yordam bermoqda. Maxsus fanlardan o’tilayotgan mavzularda qo’llanilayotgan klaster, Venn diagrammasi, Baliq skeleti, aqliy xujum kabi bir qator pedagogik texnologiyalar o’quvchi – talabalarda egallayotgankasblariga nisbatan BKM (bilim, ko’nikma va malakalarni) tezlashtiradi va o’zaro bog’lanishli tasavvurlarni erkin va ochiq jalb qilishga yordam beradi.


Venn diagrammasi

• «Venn diagrammasi» o’rganilgan ikki obyektning o’zaro taqqoslash uchun JB, OB larda qo’llanilishi mumkin. Masalan, o’qituvchi talabalarga yakka tartibda yoki kichik guruhchalar shaklida ikkita obyekt – dizel va karbyuratorli dvigatellarni o’zaro taqqoslash masalasini qo’yadi. Talabalar quyidagi diagrammani tuzadi:



Tarmoqlar (Klaster) texnologiyasi

• Fikrlarning tarmoqlanishi – bu pedagogik strategiya bo’lib, u o’quvchilarni biron bir mavzuni chuqur o’rganishlariga yordam berib, o’tilgan mavzuni mustahkamlash, yaxshi o’zlashtirish, umumlashtirish hamda o’quvchilarni shu mavzu bo’yicha tasavvurlarini chizma shaklida ifodalashga undaydi.



CASE STUDY usuli

• Ta’lim berish vaziyati- keys-stadi (case ingliz- to’plam, aniq vaziyat, Stgdy - o’rganish) – bu usul turli vaziyatlarni tashkil etib ta’lim oluvchilardan maqsadga muvofiqroq yechimni izlashni talab qiluvchi, hayotdan olingan odatiy vaziyatlarni tashkillashtirish yoki sun’iy yaratilgan vaziyatlarga asoslanadi.

- Keys - ta’lim oluvchilarga muammoniberiladi
- Guruxkichik guruhlarga bulinadi
- Muammoni qaysijixatlarini yechishga aniklik kiritiladi
- Baxolash mezonlariberiladi
- Kichik guruhlarga z yechimlarini taklif etishlari, unihimoyakilishlaritalabetiladi

(Takdimot)

- Eng maqbul echimlarni tanlanadi va guruhlarga baholanadi.
- Eng faol o’quvchilarga rag’batlantirish ballariberiladi

Ta’lim - tarbiya jarayonlarida innovasion pedagogik texnologiyalar, interfaol usullar va axborot texnologiyalarni o’quv jarayonlarida qo’llash o’quvchi-talabalarda mantiqiy, aqliy, ijodiy, tanqidiy, mustaqil fikrlashni shakllantirishga, qobiliyatlarni rivojlantirishga, raqobatbardor yetuk mutaxassis bo’lishlariga hamda davlatimiz poydevori hisoblangan barkamol shaxsni kamolga yetkazishda va tarbiyalashda katta xizmat qiladi.

Анъанавий таълимнинг замонавий таълим технологияларга асосланган таълимдан фарқи

Ф.Кушатов – С.Рустамова, Н.Хасанов – Самарканд автомобил ва йуллари касб-хунар коллежи

Таълим жараёнининг барча йўналишларида бўлганидек бугунги кунда автомобил ва йуллар соҳаси бўйича таълим-тарбия жараёнида ҳам интерактив методлар, инновацион технологиялари, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган эҳтиёж, қизиқиш ва талаблар кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан

бири собиқ Иттифоқ тузуми давридаги анъанавий таълим тизимидаги асосий мақсад ўқувчи-талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга қаратилган бўлса, ҳозирги мустақиллик даврида ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашда ноанъанавий таълим тизими эса ўқувчи-талабани замонавий технологиялар асосида билимларни эгаллашга, мустақил ўрганишга ва ҳатто хулоса, баҳони ҳам ўзлари келтириб чиқаришга, яъни таълим жараёнида фаол таълим олувчи бўлишга ундайди. Ўқитувчи эса бу таълимда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчанлик функциясини ҳам бажаради. Замонавий таълим технологияси ўзининг концептуалиги, тизимлилиги, бошқарувчанлиги, самарадорлиги, мақбуллиги билан анъанавий таълим тизимидан кескин фарқланади.

Анъанавий таълим беришда концептуал асослар таълим олувчига ёндашиш бўйича назоратли-насихатгўй, эгаллаб бўлинган усул бўйича қайта тиклашли, таълим олувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини бостирувчи, қатъий ташкил этилган бўйсиниш асосидаги (авторитар) таълим; ўрганиш – эслаб қолиш вазифаси, дарс бериш – асосий фаолият бўлиб ҳисобланиб келса, технология ёндашувга асосланган таълим беришда (ноанъанавий таълим) концептуал асослар эса шахсга йўналтирилган таълим ва таълимга тизимли – ҳаракатли ёндашишга асосланади. Таълим олувчи шахс – таълим жараёнининг марказий эгаси. Таълимнинг янги парадигмаси, яъни : таълим олувчи – китоб – таълим берувчи. Ноанъанавий таълим бериш тизимининг яна бир фарқланиб турувчи белгиларидан бири шуки, таълим олувчиларнинг мустақил билиш фаолиятлари ташкилотчиси, уларнинг масъул маслаҳатчиси ва ёрдамчиси. Таълим олувчиларнинг нафақат БМК назоратини, балки эҳтимолий четга чиқиш ўз вақтида тўғрилаш мақсадида уларнинг таълим берганлик ташҳисини таъминлайди. Таълим бериш воситалари ҳам бу икки таълим бериш тизимида тубдан фарқ қилади, яъни анъанавий таълим бериш тизимида таълим бериш воситаларига таълим берувчи сўзлари, кўргазмалар ва техник воситалар, мураккаб (техник) тилда ёзилган ўқув адабиётлар, шу боис қабул қилишга мураккаб; асосан уй вазифаси учун қўлланилади. Ноанъанавий таълим бериш тизимида эса анъанавий воситалар билан бир қаторда – ахборотли технологиялар, ўқув материаллар таълим олувчилар томонидан билимларни мустақил излаш учун ишлатилади.

Анъанавий таълимнинг замонавий таълим технологияларига асосланган таълимдан фарқи

Анъанавий таълим		Ноанъанавий таълим	
Ўқитувчи	Ўқувчи	Ўқитувчи	Ўқувчи
1. таълим субъекти, ахборот берувчи	Таълим объекти, ахборот олувчи	Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этувчи	Таълим субъекти. Ўқитувчи ёрдамида ўзи билимни эгаллайди

“Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар мамалакат тараққиётининг муҳим омили” конференция материаллари.

2. Бутун дарс давомида	Одатда, пассив энг муҳими фактларни ёдлаш	Билиш жараёнини, ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этади, йўналтиради	Фаол фикрлаш жараёнига кўшилади
3. Авторитар муносабатлар устун бўлади	Мосланувчан муносабат.	Хамкорлик, кооперация асосидаги демократик муносабатлар устунроқ бўлади	Педагогик жараённинг фаол иштироқчиси сифатида ўзини ўзи топади
4. Таълим жараёни ва унинг натижаларига жавобгар	Таълим натижаларига шахсий жавобгарликни кам тушунади.	Ўқувчилар билан бирга таълим натижаларига жавобгар	Ўзининг ривожланиши тараққиёти учун, ўқув жараёни натижаларининг муҳимлигини тушунган тарзда жавобгарликка кўшилади.
5. Ташқи кизиқтириш асосий ролни ўйнайди	Ўқишга қизиқиш паст	Мотивацион ўқиш таъминланади	Ички мотивациялар устун туради
6. Ахборот усуллари хукмрон	Мавзуни репродуктив такрорлаш билан чекланади	Мустақил иш, ақлий хужум усуллари устунроқ	Ўхшаш ва ўзгарган вазиятларда билим-ларни қўллаган ҳолда, тадқиқот ишларини олиб боради.
7. Ўзини-ўзи таҳлил этишга баҳолашга эътибор кам	Ўзининг ақлий фаолиятини таҳлил этмайди	Ўқувчилар билиш фаолияти устидан рефлексив бошқаришни ўтказади	Фикрлаш фаолиятини ўзи таҳлил этишга ва баҳолашга қўшилади

Ноанъанавий таълим бериш тизимида машғулотларнинг асосий технологик жиҳати – ўқув жараёнининг сўнги натижаларига йўналтирилганлигини кузатишдан иборатдир, яъни талабанинг ўз имконияти даражасига мос ,

кафолатланган билим олишига қаратилади. Бу эса машғулотларни ўзлаштириш ва талабалар билимининг индивидуаллашувига олиб келади.

Ўқитувчининг касбий камолотга эришувининг энг юқори поғонаси педагогик маҳоратини белгилайди. Шундай экан, анъанавий таълим бериш тизимидан воз чекиб, яъни замон билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб ва албатта, янги педагогик технологиялардан кенг ва ўринли фойдаланган ҳолда, ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларига монанд ёндашиш, педагогнинг ўқитишнинг усуллари ва йўлларининг ноанъанавий таълим бериш тизимини танлай олган ҳолда дарс жараёнинг тўғри ташкил этиши муҳим роль ўйнайди ва бу талабаларнинг билим савиясини мукаммалаштиришда яхши самара беради.

Дидактические принципы Я.А.Коменского и современное профессиональное образование

Ф.Назаров – директор Самаркандского профессионального автомобильного колледжа, Ю.Нарзуллаева - зав. кафедрой «Тиллар»

Б. Одинаев - зав. кафедрой «Хорижий тиллар»

« Мы сегодня ставим перед собой цель – создать необходимые возможности и условия для того, чтобы наши дети росли не только физически и духовно здоровыми, но и всесторонне и гармонично развитыми людьми, обладающими самыми современными интеллектуальными знаниями, людьми, в полной мере отвечающим требованиям XXI века, в котором им предстоит жить и трудиться»

И.А.Каримов

Одним из важных путей повышения эффективности учащихся к профессиональной деятельности является разработка его технологических основ. Технология процесса подготовки учащихся к профессиональной деятельности – сравнительное новое направление в педагогической науке, которое занимается конструированием оптимальных обучающих систем, проектированием различных педагогических процессов направленных на формирование и развитие профессиональных качеств у учащихся колледжей. В основе педагогической технологизации профессиональной подготовки учащихся лежит идея полной управляемости процессом обучения, проектирования и воспроизводимости образовательного цикла, направленного на их подготовку к профессиональной деятельности.

В современном образовании технология процесса подготовки учащихся колледжей к профессиональной деятельности призвана дать ответы на следующие вопросы:

- с чего следует начинать данный педагогический процесс?
- к какой последовательности необходимо решать присущие ему задачи?
- какие при этом необходимо применять методические приемы?
- как обеспечить единство и целостность изучаемого педагогического процесса?

- каким образом следует завершить его?

На все эти вопросы мы можем дать ответы, изучая и сравнивая дидактические принципы великого педагога Я.А.Коменского с современным профессиональным образовательным процессом.

Я.А.Коменский впервые в истории дидактики не только указал на необходимость руководствоваться принципами в обучении, но раскрыл сущность этих принципов:

Принцип сознательности и активности: Этот принцип предполагает такой характер обучения, когда учащиеся не пассивно, путем зубрежки и механических упражнений, а осознанно, глубоко и основательно усваивают знания и навыки. Там, где отсутствует, сознательность, обучение ведется догматически и в знании господствует формализм, принцип наглядности (Я.Коменский).

Сегодня важные задачи образования решаются учителями и через использование в учебном процессе новых педагогических технологий, которые обозначили контуры новой образовательной парадигмы: «личностно-ориентированная», «исследовательская», «проектная» и т.д.

Принцип наглядности обучения предполагает, прежде всего, усвоение учащимися знаний путем непосредственных наблюдений над предметами и явлениями, путем их чувственного восприятия. Наглядность Коменский считает золотым правилом обучения. В современном этапе обучения ввелась технология «артпедагогика» (арт-искусство, педагогика – процесс обучения) – практическая ценность данной технологии заключена в том, что она направлена на развитие интеллектуальной, эмоциональной, этической сферы личности учащегося. Особенность технологии «артпедагогики» состоит в том, что она оперирует, наряду с традиционными методами обучения, воспитания и развития личности, методами художественного познания явлений действительности, средствами искусства и художественно-творческой деятельности, обладающими развивающим и воспитательным потенциалом.

Принцип постепенности и систематичности знаний: Последовательное изучение основ наук и систематичность знаний Коменский считает обязательным принципом обучения. Этот принцип требует овладения учащимися систематизированным знанием в определенной логической и методической последовательности.

Коменский формулирует ряд конкретных указаний и правил для реализации этих требований:

1. Занятия должны быть распределены таким образом, чтобы на каждый год каждый месяц, день и час были поставлены определенные учебные задачи, которые должны быть заранее придуманы учителем и осознаны учащимися.

На современном этапе обучения учитель разрабатывает к каждому уроку модель и технологическую карту урока и подбирает к теме приложения в виде Диаграммы Венна, кластера, таблицы Т и т.д.

2. Соответствие обучения уровню знаний учащихся по Коменскому и чтобы «вся совокупность учебных занятий должна быть тщательно разделены

на классы». В современном этапе обучения учащихся колледжей к профессиональной деятельности предусмотрены применять ряд инновационных методов и технологий так например, метод - работа с малыми группами, где прослеживается индивидуальная работа с группами, в которых участвуют по 4-5 учащихся.

3. Это требование Коменского касается того, чтобы « все изучалось последовательно с начала и до завершения» . Здесь современный педагог должен хорошо владеть своим предметом и знать последовательность каждого преподаваемого материала.

Обучение « должно идти от более общего к более частному», « от более легкого к более трудному», « от известного – к неизвестному», « от более близкого к более отдаленному» и т.д. (Я.А.Коменский). В современном образовании педагоги должны основываться этими правилами великого ученого-дидактика.

Принцип упражнений и прочного овладения знания и навыками:

Показателем полноценности знаний и навыков являются систематически проводимые упражнения и повторения. Принцип повторения и упражнения также стар, как и самообучение. Однако понимание упражнения изменялось в различные времена и эпохи в связи с изменением целей и содержания обучения. Коменский в понятия упражнения и повторения вложил новое содержание, он поставил перед ними новую задачу - глубокое усвоение знаний и, основанное на сознательности и активности учащихся. По его мнению, упражнение не должно служить механическому запоминанию слов, а пониманию предметов и явлений, их сознательному усвоению и использованию в практической деятельности.

Нетрадиционное обучение современного профессионального образования в настоящем времени доказывает актуальность этого принципа дидактики Коменского . Проектирование учебно-познавательной деятельности поможет обеспечить продуктивную деятельность учащихся, позволит приблизить взаимоотношения взаимообмена в процессе профессиональной подготовки.

Рассматривая дидактические принципы Я.А.Коменского и сравнивая их с современным профессиональным образовательным процессом мы видим не только крупное достижение современному Коменскому дидактики, но и становимся свидетелями того, что дидактические принципы великого ученого – дидактика Я.А.Коменского и поныне сохраняют свое теоретическое и практическое значение.

Физиканинг замонавий ўқув лабораторияси талабалр билим савиясини оширади

**Ўсаров А.А., **Хўжамқулова Г.С., *Шодиев А. *СамДАҚИ, **СамҚХИ*

Илмий-техник жабҳанинг ривожланиши олий ва ўрта махсус талим тизими жамоатчилиги олдига янги, ахборот технологияларидан фойдаланиб, шахсга йўналтирилган таълимнинг самарадорлигини янада ошириш масаласини

қўйди. Илмий-техника ютуқлари физиканинг фундаментал тадқиқотлари билан боғлиқ бўлгани каби, тадқиқотларда янги ахборот технологияларининг қўлланилиши ҳам муҳим ўрин тутди.

Физикавий ўқув тажрибалари физикани ўқитиш жараёнининг асосий элементларидан ҳисобланади. Уларга қўйиладиган асосий талаблардан бири фан ва техниканинг замонавий ютуқлари даражасига мос бўлишидир. Ўз навбатида, бир томондан, физика ўқув лабораториялари бу талабларга жавоб бериши кераклиги бўлса, иккинчи томондан ўқув дастурларига мос бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, ўқув жараёнига тадбиқ этилажак замонавий илмий-техник янгиликлар билан таъминланган лабораториялар ўқитувчига ва талабага қуйидаги имкониятларни яратади:

- физикавий тажрибаларнинг илмийлигини ва намойишкорлигини ошириб, физик катталикларнинг ўлчов асбобларидан фойдаланган ҳолда физик қонуниятларни визуаллаштириш;

- лаборатория ишларини бажараши жараёнида талабалар олдида турган ижодий ёндошиш талаб этиладиган физика дарсларида шахсий технологик маданиятни шакллантириш;

- замонавий физикавий ўқув лабораториялари яратишнинг мақсади ва вазифаси бўлган, талабаларнинг мустақил ишлаш даражасини ошириш кабилар.

Бизнинг фикримизча таълим муассасаларидаги замонавий физикавий лаборатория қуйидагича тузилмага эга бўлиши зарур.

Биринчидан, замонавий физикавий тажрибаларга махсус дастурлаштирилган микропроцессорли қурилмалар (электрон ҳисоблаш машиналари) ни кенг миқёсда қўллаш: аниқроғи, дастурли ҳисоблаш қурилмалари ва компьютерлар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дастурли ҳисоблаш қурилмалари ва компьютерларни қўллаш ўлчаш ва ҳисоблаш ишларида, лаборатория ишларини намойиш этишда ҳамда динамик жараёнларнинг моделларини яратишда анча қулайликлар туғдиради.

Талаба жараёни ёки ходисани шунчаки эшитибгина қолмай, уни ўз қўли билан дастурий моделини яратиши ва у асосида масаланинг ечимини келтириб чиқариши мумкин бўлади. Физикавий ўқув лабораторияларида дастурлаштирилган ҳисоблаш қурилмалари ва компьютерлар билан боғланган ўлчов-ҳисоблаш жамланмаларининг бўлиши физиканинг барча бўлимлари: механика, молекуляр физика, электродинамика, квант физикаси катталикларини ўлчашда ўқув жараёнидаги тажриба самадорлигини оширади.

Иккинчидан, замонавий физикавий ўқув лабораториясининг яна бир асосий қурилмаси, дастурлаштирилган ҳисоблаш қурилмалари ва компьютерлар билан боғланган ўлчов-ҳисоблаш жамланмалари таркибида видеопроекторлардир. Бу қурилмалар ёрдамида ўқув видеолавҳалари ва ўргатувчи дастурларни намойиш этиш физикавий тажрибанинг намойишкорлигини ошириб, талабаларнинг мустақил ишларни бажаришларига катта ёрдам беради.

Бизга маълумки табиатдаги воқеа – ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларнинг 90% дан ортиғи кўриш органи орқали қабул қилинади. Тасвирли ёки анимацион тарзда берилаётган маълумотларнинг эслаб қолиниши овозли ёки матнли маълумотларга қараганда кўпроқ миқдорни ташкил этишига сабаб, уларда ҳодисани акс эттирувчи элементларнинг бениҳоят кўплигидадир.

Оддийгина математик маятникнинг компьютерли модели, аввало унинг қандай тузилганлиги, у қандай ҳаракатланиши, унинг ёрдамида қандай катталикларни ўлчаш мумкинлигини кўрсатувчи ҳаракатланадиган нуқталарни кўришнинг ўзиёқ тебранма ҳаракат ва унинг асосий омиллари тўғрисида талабада яққол тасаввур уйғотади.

Шунингдек, электродинамика бўлими лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган «Elektronik WorkBench» ва «Crocodile physics» дастурларидан фойдаланиб электр занжирни йиғиш ҳамда унда электр катталикларни ўлчаш орқали тегишли лаборатория ишларини бажариш, аввало, электр хавфсизлиги масаласини ҳал қилса, бошқа томондан электр занжир қанчалик тўғри йиғилганлигини модел орқали аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, янги ахборот технологиялари қўлланиладиган замонавий намоишли физикавий лабораториялардан фойдаланиш таълим жараёнининг асосий талаби бўлмиш талабаларнинг билим олиш даражасини оширади деб ишонч билан айта оламиз.

Адабиётлар

1. Сборник тезисов докладов IV учебно – методической конференции стран содружества под редакцией М.Б. Шапочкина г. Челябинскб 13-15 октября 1997 года Издательский дом Московского Физического общества Москва.

Упрощенная задача плоскопараллельного течения вязких несжимаемых сред.

Файзуллаева Ф.Д. (ТашГТУ), Исмоилов Э.А. (СамГУ)

Рассматривается плоскопараллельное течение смеси, состоящей из вязких сред между пластинами. Среды считаются несжимаемыми, движение неустановившееся. Составлены дифференциальные уравнения движения. Задача решается операционным преобразованием Лапласа - Карсона. Определены формулы распределения скоростей и расходы сред.

Рассмотрим течение смеси, состоящей из вязких сред между пластинами, одна из которых совершает движение с постоянной скоростью. Среды считаются несжимаемыми, концентрация постоянной. Движение неустановившееся.

Такое движение описывается при помощи уравнений [1].

$$\left. \begin{aligned} \rho_1 \frac{\partial U_1}{\partial t} + f_1 N &= f_1 \mu_1 \frac{\partial^2 U_1}{\partial y^2} + K(U_2 - U_1); \\ \rho_2 \frac{\partial U_2}{\partial t} + f_2 N &= f_2 \mu_2 \frac{\partial^2 U_2}{\partial y^2} + K(U_1 - U_2); \\ \frac{\partial U_1}{\partial x} + \frac{\partial \vartheta_1}{\partial y} &= 0; \\ \frac{\partial U_2}{\partial x} + \frac{\partial \vartheta_2}{\partial y} &= 0; \\ f_1 + f_2 &= 1. \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

Здесь $N = \frac{\partial P}{\partial x}$; $f_1 N = N_1$; $f_2 N = N_2$.

$U_1, U_2, \vartheta_1, \vartheta_2$ - компоненты скоростей первой и второй фаз. P - давление;
 f_1, f_2 - пористости сред; K - коэффициент взаимодействия сред.

Граничные условия :

$$\left. \begin{aligned} \text{При } y=0 \quad U_1 &= V; \quad U_2 = V; \\ \text{При } y=p \quad U_1 &= 0; \quad U_2 = 0; \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

Начальное условие:

При

$$t=0; U_1=0; U_2=0 \quad (3)$$

Задачу решим операционным преобразованием Лапласа - Карсона.

*Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,
Чаманда юз очган хамдами яхши.
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.*

Ҳаё инсон учун либос, инсонийлик фазилати, кўрки, маънавийлик-маданийлик даражасини ифодаловчи мезондир, ўлчовдир. Умар Хайёмнинг кўйидаги сатрлари шунга мисолдир:

*Эрта тонг лолага шабнамки тегар.
Чаманда бинафша буйнини эгар.
Рост айтсам, гунчадан жуда рози мен.
Чунки кутармас на этак, на бар.*

Алломанинг аҳиллик, дўстлик ҳақидаги ғазаллари, рубойилари ҳам инсонга олам-олам қувонч бахш этади, инсонларда ҳаётга меҳр-муҳаббат уйғотади:

*Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат,
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.
Бу сабза лоладек юзлар тупроги,
Сабзага авайлаб оёқ қўй гоят.*

*Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,
Аҳил қишиларга олов ҳам инсон.
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,
Ноаҳил суҳбати ёмондан ёмон.*

Хайёмнинг ахлоқий идеалларидан бири-инсон ҳар бир дақиқани бахтли шод ўтказсин, ҳаёт неъматларидан ва қувончларидан баҳраманд бўлсин, яшашдан мақсад ҳам шунга қаратилган бўлиши керак, деган орзу-тилақлардир.

Баъзе тадқиқотчилар, жумладан, С.Б. Морочник, Б.А. Розенфельдкабилар Хайём ахлоқий қарашларини гедонизимга яқинлашиб боради, деб талқин қиладилар. Бу тадқиқотларнинг бундай қарашларини тўғри деб бўлмайди. Гедонизм юнонча, Гейопе- “лаззатланиш” умр кечириш инсон ҳаётининг асл мазмунини ташкил этиши лозим, деган қарашга асос бўлган ғоя ва турмуш тарзига интилишдир. Гедонистлар инсон учун энг яхши жамият – фаравон, моддий бойликлар мўл-кўл бўлган давр, деб ҳисоблайдилар. Аммо бу қараш, айрим ҳолларда, маънавий кадриятларга эътиборни сусайтиради, улар аҳамиятини тўғри англашга ҳалақит беради.

Аммо Хайём ўз ахлоқий қарашларида шодлик, завқланишга чақиргани билан унинг қарашлари қишида инсоний бурч бўлиши кераклиги, таркидунёчиликни рад этиб, реал ҳаётдан лаззатланиши, шахсий бахт жамоа бахтига боғлиқ эканлигини айтади. Хулоса қилиб айтганда, Хайёмнинг ахлоқий қарашларидаги асосий хусусиятлар-гуманизм ва озодликни севиш, хур фикрлик ва адолатпарварлик, оптимизмдир. Шунга қарамай, Умар Хайём:

*Олам тузоғидан озод эмасмиз,
Бир нафас олмоқдан ҳеч шод эмасмиз.
Ҳаётга кўп шогирд булдиғу, хануз,
Дунёнинг ишига устод эмасмиз.*

деб теран фалсафий хулоса чиқаради.

1. Розенфельд Б.А. Юшкевич А.П. “Жизнь и творчество Омара Хайяма”. М.: Изд-во Восточной литературы. 1961. С.157.

2. Морочник С.Б. “Философские взгляды Омара Хайяма”. Душанбе, 1960.

3. Морочник С.Б. Розенфельд Б.А. “Омар Хайям – поэт, мыслитель, учёный”. Душанбе, 1957.

Использование исторического материала на уроках информатики

Низамова Нигора Негматовна, старший преподаватель, Самаркандский Государственный Университет

В годы независимости в результате реформ, осуществляемых в сфере образования, стало возможным формирование всесторонне развитой личности, обладающей прочными знаниями, самостоятельной и свободно мыслящей.

Неразрывная связь и единство задач формирования диалектико-материалистического мировоззрения учащихся, задач всестороннего воспитания, обучения и развития – вот что позволяет дать научное обоснование выводу о желательности, целесообразности и необходимости использования исторического материала при изучении современного курса информатики. Учитель должен четко определить, какие цели он преследует при использовании элементов историзма в обучении информатике. Основными целями являются:

а) Показать как возникли из практического опыта людей те или иные проблемы, решенные с помощью средств вычислительной техники. Проследить многообразные связи информатики с практическими потребностями и деятельностью людей. б) Установить межпредметные связи между информатикой и другими науками. в) Способствовать развитию интереса к информатике, более глубокому и прочному усвоению науки, зарождению и формированию методов научного познания, умственному развитию, укреплению принципа сознательности в обучении. г) Формировать у учащихся творческий подход к науке. Кроме этого можно выделить и воспитательные цели: способствовать формированию чувства патриотизма,

гордости за свою страну; воспитывать у учащихся пытливый ум, упорство и настойчивость в достижении цели.

Использование исторического материала при обучении информатике в школе, позволит: воспитать у учащихся любовь и уважение к талантливым ученым; способствовать формированию уважительного отношения к людям другой национальности, показать коллективный и интернациональный характер информатики и информационных технологий; доказать, что культурное и научное наследие каждого народа является наследием и сокровищем всех народов мира.

Мыслители и ученые средних веков посвящали свои труды совершенствованию методов счета, открыли десятичные дроби. Ал-Хорезми считается отцом алгебры, а в последствии термин «алгоритм», который имеет свое начало от его имени, принял статус интернационального слова. Понятие «Алгоритм» является основополагающим для всех языком программирования.

Современные исследователи истории науки находят все новые и новые математические трактаты, открывают новые имена. Пример жизни великих мыслителей прошлого, ознакомление с их научным вкладом и нравственным убеждениями оказывает сильное влияние на процессы самосовершенствования и самовоспитания школьников. Использование исторических сведений повышает интерес школьников к изучению информатики. Ознакомление учащихся с историей науки дает импульс их нравственному совершенствованию, воспитание в духе патриотизма и интернационализма.

Без преувеличения можно сказать, что фундамент уникального и прекрасного здания науки, интеллектуального потенциала Узбекистана был заложен много веков назад. Мы вправе с гордостью говорить о том, что отечественная наука восходит к очень древним временам, имеет глубокие и мощные корни. Первый Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов подчеркнул: "Так же как в IX-XV веках просвещенный мир ценил и уважал таких ученых и мыслителей, как ал-Бухари, ал-Фаргони, ал-Хорезми, ал-Беруний, Ибн-Сино, Улугбек, нам необходимо добиться, чтобы в XXI веке мир вновь испытывал столь же высокое уважение к нашему народу, нации. Подобно тому, как это делали и прославились на весь мир новыми современными научными школами".

Учбурчакли сонлар мисолида фигуравий сонларни ўрганиш.

Низамова Нигора Негматовна, Самарканд Давлат Университети

Мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар математика дастурларида бутун, каср, рационал, иррационал ва ҳ.к. сонлар ўқитилсада, математиканинг «Сонлар назарияси» соҳасида ўрганиладиган турли хилдаги бошқа сонлар ҳақида маълумотлар берилмайди. Биз ана шундай сонлардан бири бўлган «Фигуравий сонлар» ва уларнинг ривожланиш тарихи ҳақида, фигуравий сонларни топиш мезонлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Унда биз педтехнологиянинг репродуктив ва продуктив усулларида

фойдаланамиз.

Дарснинг мақсади: Натурал сонлар орасидан фигуравий сонлар деб аталувчи сонлар билан танишиш, улар орасидаги боғланишларни ўрганиш.

Дарснинг тарбиявий томони: Ўқувчиларни мантиқий хулосалар чиқаришга ўргатиш, илмий дунёкарашини ўстириш, алгебра ва сонлар назарияси усулларида фойдаланишни ўрганиш.

Дарс учун зарур бўлган жиҳозлар: Формулалар, чизмалар, турли хилдаги сонлар ёзилган плакатлар, колкуляторлар.

Дарс ўтиши методи: Репродуктив ва продуктив усуллари.

Ўқитувчи: Фигуравий сонлар таърифи бирор бир жойда (манбаада) аниқ берилган эмас. Шунинг учун уни кенг маънода турлича талқин қилиш мумкин. Кўпинча унинг классик талқини шундан иборатки, (қуйидагича изоҳланади:) текисликда ёки фазода сонларни бир хил ўлчовли нуқталар (мос ҳолда ёки шарлар) орқали мунтазам кўпбурчаклар тарзида тасаввур қилишдан иборат.

Тарихга назар солсак, фигуравий сонлардан тўғри бурчакли блоклардан мураккаб иншоотлар қуришда фойдаланилган. Бундай сонлар қадимда Ҳиндистон ва Вавильонда маълум бўлган.

Пифагор ўзининг Осиё бўйлаб қилган саёхатлари чоғида биринчи бўлиб фигуравий сонлар назариясига асос солган. Бундай сонлар грек математиклари Эратосфен ва Пенсикл ишларида ўрганилган.

Фигуравий (кўпбурчакли) сонлар учбурчакли, тўртбурчакли, тўртбурчакли-квадрат, бешбурчакли ва ҳоказо сонларга бўлинади. Кўпбурчакли, айниқса учбурчакли сонлар билан Кардано, Штифель, Баше де Мезирак, Ферма, Декарт, Валлислар каби буюк математиклар шуғулланганлар. Фигуравий сонлар билан боғлиқ мураккаб муаммоларни XVIII-XIX асрларда ижод қилган машҳур Эйлер, Гаусс, Кошилар юқори натижаларга эришганлар. Масалан, асрлар давомида муаммо бўлиб келган масалалардан бири – сонлар орасидан бир пайтда ҳам учбурчакли, ҳам квадрат сонларни берадиган формулани Эйлер топганлигини, иккинчи масала ихтиёрий натурал сон n ни n дан ошмайдиган n -бурчакли сонлар йиғиндиси шаклида ифодалаш (Ферма гипотезаси) масаласи билан Гаусс ва Лагранжлар шуғулланганлар бўлсаларда, бу масалани тўлалигича Коши ҳал қилди. Евклид ўзининг «Негизлар» асарининг VI китобида квадрат сонларни ўрганади. Никомах Гераский ва Теон Смиринскийлар (I-аср) фигуравий сонлар билан ишлашган. Диофант эса фигуравий сонларга атаб китоб ҳам ёзган.

Аввал фигуравий сонларнинг таърифини келтирамиз.

Ҳадлари фақат бирлардан иборат

$$1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, \dots, \quad (1)$$

сонлар кетма – кетлигини тузамиз. Буларнинг дастлабки n та ҳадлари йиғиндиси $S_n = n$ га $n = 1, 2, 3, \dots$ қийматлар берсак,

$$1, 2, 3, 4, 5, \dots \quad (2)$$

натурал сонлар ҳосил бўлади. Унинг қисмий йиғиндиларини тузсак,

$$1, 3, 6, 10, 15, \dots \quad (3)$$

сонлар кетма – кетлигини, буларнинг қисмий йиғиндилари эса

1 6 15 20 15 6 1
1 7 21 35 35 21 7 1
1 8 28 56 70 56 28 8 1

учбурчакка эга бўламиз.

Адабиетлар.

Глейзер Г. И. История математики в школе. — М.: Просвещение, 1964. — 376 с.

Депман И. Я. История арифметики. Пособие для учителей. — Изд. второе. — М.: Просвещение, 1965. — С. 150—155.

Методика использования информационных образовательных ресурсов на уроках биологии

А.Б.Хамидова, М.А.Асламова Самаркандский государственный университет

Основная цель современной школы состоит в том, чтобы создать такую систему обучения, которая бы обеспечивала образовательные потребности каждого ученика в соответствии с его склонностями, интересами и возможностями. Для достижения этой цели необходимо кардинально поменять отношение ученика и учителя в этом учебном процессе. В настоящее время учебный процесс в массовой школе продолжает сохранять объяснительно-иллюстративный характер, что приводит к усилению противоречия между требованиями ученика в развитии своих склонностей, интересов и традиционной системой обучения. Поэтому перед школьной практикой встала проблема поиска технологии индивидуального обучения, позволяющая обеспечить ученику развитие его интеллекта, самостоятельности, коллективизма, склонностей, осуществлять самоуправление учебно-познавательной деятельностью.

Современная биология – учебный предмет, в котором высока доля теоретического материала, поэтому применение компьютерных технологий в процессе обучения позволяет повысить его эффективность, сделать занятия более наглядными и интересными.

Предмет «Зоология» основывается на изучении натуральных объектов, изучение живых организмов в естественной среде обитания. Однако с помощью компьютера можно смоделировать многие сложные биологические процессы и закономерности. Проводить виртуальные работы, не отличающиеся от работ традиционных с микроскопическими, малодоступными, в силу их биологии; объяснении и закреплении нового материала, помочь в проведении контроля знаний, организации самостоятельных работ учащихся.

В соответствии с концепцией модернизации образования качество образования зависит от компетентностного подхода, который учитывает, что подготовка выпускника (будущего учителя) в логике компетентностного подхода сводится к тому, что его профессиональная компетентность при его

подготовке (или при переподготовке специалиста):

- *на ключевом уровне* (или другими словами, ключевая профессиональная компетентность) развивается на базе сформированных ранее ключевых компетентностей, которыми должен обладать любой выпускник общеобразовательного учреждения или будущий специалист современного общества; при применении компьютерных технологий использовании информационных технологий на первое место выдвигаются компетенций в области информатики, современных мультимедийных средств обучения;

- *на базовом уровне* (или базовая профессиональная компетентность) формируется на основе ключевой профессиональной компетентности, которая формируется при изучении специальных дисциплин, таких как зоология, экология и т.д., а также при изучении теории и методики преподавания биологии, педагогики и психологии;

- *на специальном уровне* (или специальная профессиональная компетентность) происходит ее становление на основе развитой базовой компетентности; использование информационных технологий позволяет студентам обращаться к различным компетенциям из зоологии, гистологии, методики биологии, информатики одновременно развивая и углубляя их и качественно преобразуя; выходя на новый уровень анализа предлагаемых программ, учебников по биологии, соответствия структуры и содержания информационных технологий, а также применения новых виртуальных приёмов обучения и контроля качества знаний.

Например, при преподавании темы «Плоские черви» по курсу зоология для учащихся 7 классов, предлагается заполнить следующие органайзеры, которые были разработаны с использованием компьютерных технологий.

1. Органайзеры, основанные на анализе

а) SWOT – анализ

Strengths – сильные

Weakness – слабые


Opportunities – возможность

Threats – опасность

<p>S - Особенность строения: <i>Плоская, листовидная форма, хорошо развита половая система, плодовитость, устойчивость яиц и личинок</i></p>	<p>W–Приспособленность к паразитизму <i>Упрощенный пищевод, наличие присосок, гермафродитизм</i></p>
<p>O - Пути заражения <i>Во время кормления или водопоя, при проглатывании моллюска</i></p>	<p>T - Последствия заболеваний <i>Нарушение функции пищеварительной системы, закупорка желчных протоков печени, падеж скота.</i></p>

II. Органайзеры, используемые при проблемном обучении

«Как?» диаграмма



1. Как животное заражается печеночным сосальщиком? Ответ:
2. Как из яйца, появляется личинка и сколько она живет?
3. Как заражается моллюск личинкой паразита и что происходит в телемоллюска?
4. Как и какая личинка выходит из тела моллюска.
5. Как и какая личинка образуется на последней стадии развития?
6. Как личинка попадает в тело коровы?
7. Как и где печеночный сосальщик наносит вред?

Информационные компьютерные технологии позволяют учителю выполнять организационные, консультационные функции, способствуют индивидуализации обучения с учетом мотиваций и способностей учеников.

В ходе анализа учебного процесса с применением компьютерных технологий были определены дидактические основы их использования:

- информационная насыщенность содержания информационных технологий;
- насыщенность изобразительных средств, показ изучаемых явлений в развитии, динамике;
- возможность самостоятельного моделирования процессов и явлений.

Информационные компьютерные технологии дают преподавателю новые возможности по организации учебного процесса, а у студентов и учеников развивают творческие способности. Электронные издания имеют ряд преимуществ:

- сокращается время на изучение дисциплины;
- обеспечивается обратная связь между учеником и учителем;
- обеспечение индивидуализации обучения;
- создание определённого эмоционального фона и осознание учеником

самостоятельности в своих действиях;

- обеспечение дифференцированного подхода при осуществлении контроля над учебным процессом;
- создание игровых учебных ситуаций.

Информационные компьютерные технологии используются в традиционной структуре любой формы учебного процесса:

- при объяснении нового материала (теоретический раздел, видеофрагменты, фотографии, 3D–модели, модели различных процессов)
- закрепление материала - задания с выбором ответа, задания с использованием фото, видео ресурсов интерактивные задания, дополнительный материал, 3D – модели, словарики, методические рекомендации ЦОР
- контроль (задания с выбором ответа, с автоматической проверкой, с использованием, фото, видео ресурсов, интерактивные задания, контрольно-диагностические тесты).

На основе информационных компьютерных технологии возможна организация *мультимедийных школьных лекций* в компьютерном классе, когда ученики получают от лектора небольшие интерактивные задания и выполняют их. При использовании мультимедийных проекционных систем в любой аудитории – при работе всего класса.

Компьютер, при соответствующем программном обеспечении, позволяет вводить в биологию *виртуальные лабораторные работы*, которые по дидактической значимости не уступают работам с натуральными объектами. Лабораторные работы предоставляют возможность для ученика самостоятельно выбирать последовательность изучения объекта, моделировать естественные условия, ставить биологические эксперименты, выяснять природные закономерности.

Таким образом, для определения способа места применения информационных технологий в учебном процессе по биологии необходимо провести анализ образовательных ресурсов.

Ўзбекистондаги қатоғон сиёсати тарихшунослигининг айрим жиҳатлари

*Катта ўқитувчи Қ.А.Нурбоев (СамДАҚИ)
101-КМЭ ва УБ гуруҳи талабаси М.Мардонова*

Истиклол йилларида миллий кадриятларни тиклаш, ноҳақ унутилган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, азиз авлиёларимизнинг қадамжоларини муътабар зиёратгоҳларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Биз бу кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ. Озодлик йўлида халқимиз беҳисоб қурбонлар берган. Бугунги ёруғ кунлар учун ҳаётини бағишлаган минглаб миллатпарвар фидойи инсонлар шафқатсиз қатоғонга учраган. Улар орасида зиёлилар, қанчадан-қанча косиб ва дехқонлар, ҳунармандлар, бир сўз

билан айтганда, турли миллатга мансуб юз минглаб оддий одамлар бор эди. Ўз вақтида турли ноҳақ айблар билан отилган, бекафан, бежаноза кўмиб ташланган кишиларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам хўрлик ва ҳақоратга маҳкум этилган эди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда истибод қурбонлари шаънини тиклаш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Гузал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида “Шахидлар хотираси” зиёратгоҳи бунёд этилди.

Бу борада Ислон Каримовнинг ушбу фикрлари диққатга сазовордир. “Аввало шуни айтиш лозимки, биз” қатоғон қурбонлари” деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30 йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва санъат намоёндаларига нисбатан қўлланилади. Бунинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд, албатта. Бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатоғон этилган. Уларнинг қанчадан-қанча орзу-ниятлари ушалмай қолди.

Бу сиймоларнинг фожиали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доим сақланади, уларнинг ёди чексиз армон билан эга олинади. Лекин, мен "қатоғон қурбонлари" деган тушунча аслида кенгроқ ва теранроқ мазмунга эга, деб ўйлайман. Қатоғон дегани мустамлакачилик ва истибод даврида, шўро замонида жуда чуқур ўйланган ҳолда бутун халқимизга, мамлакатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка ёт зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатининг негизини ташкил этади... Албатта, бугун биз ўша даврдаги машъум қатоғон оқибатида қурбон бўлган маърифатпарвар зиёлиларнинг номларини кўпроқ биламиз. Уларнинг хотирасини тиклаш, иззат ҳурматини жой-жойига қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди... Бу фидойи инсонларнинг хотирасини эъзозлаш билан боғлиқ ишларимиз бундан буён ҳам изчил давом этади. Лекин мени кўпроқ бошқа бир масала ўйлантиради: мустабид сиёсат минг-минглаб оддий одамларни, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни ҳам асоссиз равишда қатағон қилган эдику! Қатағон туфайли уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айрилган, боши кулфатдан чиқмай ном-нишонсиз кетган қанчадан-қанча қурбонлар бўлганини ҳам унутмаслик зарур. Биз, ҳамиша ҳам номи тилга олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар хотираси олдида ҳам қарздормиз”.(1)

Тарихимизнинг бу саҳифаси совет даврида ўрганилмай келинди. Бунга ҳукмрон қомфирқа ва унинг мафқураси йўл бермаган, бу мавзу махсус ўрганилмаган. Масаланинг баъзи бир қирра ва лавҳалари умумий тарзда дарсликларда, илмий-тадқиқот, монографик асарларда маълум маънода тилга олиб ўтилган.

Ўзбекистондаги қатоғонлик ва унинг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари, қирралари 80 йиллар охири ва 90 йиллардан бошлаб ўрганила бошланди. Истиқлолга эришилгач, бу мавзунини махсус, алоҳида ўрганиш учун имконият

уфқлари очилди.

Бу ўринда М. Маҳмудов, Шерали Турдиев, Боқи Набижон, Ислон Усмонов, Файзулла Қиличев, Наим Каримов, Ислон Турсунов, Ҳайда- рали Узоқов, Нусратулло Наимов, Холида Аҳророва, Рустамбек Шам-сутдинов ва бошқаларнинг янги илмий тадқиқотларини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Бу асарларда катта кўламдаги ва хилма хил фактли материаллар, айниқса совет даврида ўрганиш мумкин бўлмаган, сир сақланган кўпдан-кўп ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида ўша мудҳиш қатоғон-ликнинг асл моҳияти, юртимиздан ажал тегирмонига тортилиб, стали-низм даври қурбони бўлган ватандошларимиз чекига тушган даҳшатли қисматлар, фожеалар очиб берилган. Коммунистик қатоғонликнинг ҳақиқий башарасини, мудҳиш ва даҳшатли фожеасини англаш, идрок қилишда бу тадқиқотларнинг ўрни катта бўлди.

Қатоғон қурбонлари бўлган зиёлилар, давлат арбоблари асарлари, хотираси тикланиб ўрганилмоқда. Аммо жамоалаштириш натижасида сургун қилинган, қатоғон қилинган оддий одамларнинг хотирасини ёд этиш фуқаролик, ватанпарварлик бурчимиздир. И.А. Каримов таъкидлаганидек, “биз, хамиша ҳам номи тилган олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар хотираси олдида ҳам қарздормиз. Эҳтимол, уларнинг барчасини бирма-бир эслаш, номларини тиклаш қийиндир, аммо хотирасини ёд этиш, эслаш жоиз, албатта”. (4)

Юртимизда И.Каримов ташаббуси тарихчиларимизнинг ҳам бу борадаги изланишларига маълум даражада туртки бўлди. Хусусан тарихчи-олим Р.Шамсутдинов ўзбекистонлик деҳқонларнинг сургун қилиниши борасида бир қанча асарларини эълон қилди. Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилинган Ўзбекистонлик деҳқонлар “меҳнат посёлкалари” даги пахтачилик ва ғаллачилик совхозларида, низомсиз қишлоқ хўжалиги артелларида ва колхозларда мислсиз оғир шароитларда умр кечирганлар. Айниқса 1932-1933 йиллардаги очарчилик, қаҳатчилик, бутун мамлакат бўйича бошланган катта террор” ва 1937-1938 йиллардаги қатоғон сиёсати ва амалиётининг энг юқори босқичига кўтарилишидан “меҳнат сургуни” дагилар кўпроқ жабр тортдилар. (5)

Профессор Р.Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун» китоби ўтган асрнинг 30 йиллардаги Ўрта Осиё республикаларида большевизм томонидан амалга оширилган сургун ва қатоғонлар тарихини бутун даҳшатли манзаралари билан ёритувчи асар сифатида катта илмий тарихий аҳамиятга эгадир.

“Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» китобида муаллиф томонидан 1935-1939 йиллардаги қатоғонликнинг ўткир тиғи домига тортилиб отилиб кетган, 10 йил қамок жазосига ҳукм этилиб, жазони ўташ учун узоқ Шарқ, Сибир, Магадан, Карелияга юборилган ва у ерларда ҳалок бўлиб қолиб кетган ватандошларимизнинг тақдирини ёритишга ҳаракат қилинган.(6)

Ислон Усмонов «Қатоғон қурбонлари» китобида юртдошларимиздан

Асадулла Қодиров, Усмон Носир, Нормат Исроилов Камол Шарипов, Санжар Сиддиқ, Миёнбузрук Солиҳов кабиларнинг қатоғон қисматини ёритиб берган.(7)

Шундай қилиб, 30 йиллар бутун Иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам мустабид тузум бошлаган репрессиянинг мислсиз бебошликлари, оммавий «қизил террор»нинг ваҳшийликлари билан нишонланди ва ўзбек халқи тарихида энг фожеали саҳифаларни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И. А. «Халқ қаҳрамон, халқ хотираси олдида доимо бош эгамиз». (қатоғон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик куриш комиссияси йиғилишида сўзлаган нутқидан). Тошкент, 2001 йил 22 май.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ” нашриёти матбуоти концерли Бош таҳририяти, 1998 йил 19 бет.

3. Шамсутдинов Р, Мамажонов А. Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати. Т, “Шарқ” 2005., 14-бет.

4. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т., «Шарқ», 2001 йил.

5. Усмонов И. Қатоғон қурбонлари. Т. «Ўзбекистон» 1992 йил.

Глобаллашув ва таълим-тарбия соҳасига инновацияларни қўллаш имкониятлари

*Катта ўқитувчи Қ.А.Нурбоев (СамДАҚИ)
101-КМЭ ва УБ гуруҳи талабаси Ҳ.Турдидеков*

Глобаллашув жараёнининг илдизлари инсоният тарихининг узок ўтмишига бориб тақалади. Глобаллашувга хос тенденциялар кишилик жамияти тарихининг барча ривожланиш босқичларида ҳам намоён бўлган. Тарихий даврнинг ўзига хослиги, иқтисодий – сиёсий тараққиётининг хусусиятларига мос равишда масалан, савдо соҳасидаги глобаллашув, Александр Македонский даврида ҳарбий глобаллашув, кейинроқ ўрта асрларга келиб жаҳон динларининг шаклланиши билан бирга диний-маданий хусусиятларга эга бўлган глобаллашув, Уйғониш даври ва Янги даврга келиб эса кўпроқ илмий-маданий глобаллашув пайдо бўлган. Европада капитализмнинг кенг ривожланиши ва йирик давлатлар томонидан янги ҳудудларни мустамлакага айлантирилиши натижасида глобаллашувнинг суръатлари анча тезлашиб кетди ҳамда унинг геосиёсий, экологик, маданий каби шакллари ҳам юзага келди. Демак, ушбу жараённинг намоён бўлиши жамият тараққиётининг турли босқичларида ўзига хос бўлиб, унда мазкур тарихий даврнинг моҳияти, хусусияти ва тенденциялари акс этади.

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг

билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимни анънавий усуллари ўрнида интерфаол усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди.

Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидagi инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич буйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси буйича эса Ўзбекистон - шунга эътибор беринглар - дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган”¹.

Эндиликда фан, техника ва инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида ўқув-тарбия жараёнида интерфаол услублар (инновацион педогогик ва ахборот технологилари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотларни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиладиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган ёшлар керак. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида тзамонавий ўқитиш услублари, яъни интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

“Инновация” (инглизча innovation)– янгилик киритиш, янгиланиш, ниманидир ўзгартириш демақдир. Инновацион педогогик технологиялар таълим тизимию педогогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритишни англатиб, бу жараённи амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади².

Ҳозирги замонда «инновация» тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жихатдан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади.

Мавжуд нарсанинг янги ҳолатга ўтиши ёки янгича сифат касб этиши билан боғлиқ жараён инновация сифатида эътироф этилади. Бу жараённи баъзида янгиликнинг амалиётга жорий этилиши деб ҳам аташади. Инновациялар даставвал инсонлар онгида мавжуд реаллик билан унинг идеал ҳолати ўртасидаги тафовут сифатида шаклланади. Аксарият ҳолларда инновацион ғоялар тез ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан нисбатан суст ривожланаётган

¹Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2013, 181-185 бетлар.

²Ишмухамедов Р, Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педогогик технологиялар. (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма). – Т.: 2013, 10 бет.

ишлаб чиқариш тизимининг потенциал имкониятлари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этишга интилиш асосида шаклланиб боради. Инновацион соҳанинг хусусиятларини назарий жиҳатдан ўрганиш ижтимоий-иқтисодий соҳадаги концепциялар кенг ривожлана бошлаган ва жаҳон иқтисодиётида инновацион фаолиятнинг фаоллашуви кузатилган даврларда (XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб) ниҳоятда долзарб бўлди.

Ўзбекистонда турли хил соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият тури билан олий таълим беришга ихтисослашган университет, академия ва институтлар каби таълим муассасалари шуғулланади.

Бугунги кунда олий таълим тизими жуда кўп инновациялар тадбиқ қилинадиган соҳага айланди. Таълимдаги инновацияларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Бевосита таълим жараёни инновацияси;
2. Олий таълим муассасалари муносабатлар инновацияси.

Бевосита таълим жараёни инновациясига дарс жараёнини интерфаол усуллар билан ўтказишда компьютер технологиялари, мультимедия, электрон дарслик, слайд тақдимотлар, талабалар билимини электрон тармоқ орқали назорат қилиш, электрон тест саволлари ўтказиш каби инновацион жараёнлар киради.

Олий таълим муассасалари муносабатлар интеграцияси бугунги кунда замонавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда амалга оширилмоқда. Таълим жараёнининг глобаллашуви, олий таълим муассасалари интеграциянинг нафақат мамлакат ичкарисида, балки хорижий мамлакатлар билан шаклланиши албатта энг тараққий этган инновацион усулларни тадбиқ этишни тақозо этади. Бундай интеграция асосида видео конференциялар, почтали конференциялар, масофавий таълим турларини амалга ошириш мумкин. Он-Лайн режимида ўтказиладиган бундай фаол мулоқот жараёнида икки томондаги олимлар ўртасида долзарб муаммолар буйича баҳс-мунозаралар, уларнинг ечимлари, маълум билим соҳалари буйича тажриба алмашиш каби вазифалар амалга оширилади.

Инновацион тенденциялар:

- Университетларда бошқарув тизимининг ривожланиб бориши, корпоратив бошқарув методларидан кенг фойдаланиш;
- Таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, масофавий таълимни жорий этиш.
- Таълим муассасаларининг минтақавий ва халқаро миқёсда интеграциялашуви, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланиб бориши;
- Таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларининг кўпайиб бориши, бюджетдан ташқари молиялаштириш;
- Таълим сифатини бошқаришга халқаро стандартлар талабларини жорий

этиш¹.

Олий таълим тизимининг ишлаб чиқариш билан ўзаро манфаатли инновацион корпоратив ҳамкорлигини амалга оширувчи асосий бошқарув бўғини - олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари ҳисобланади. Мазкур ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида мутахассислик кафедралари қошида етук профессор-ўқитувчилар, тегишли ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, катта илмий ходим-изланувчи, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, магистрант ва иқтидорли талабалар таркибидан иборат инновацион гуруҳлар шакллантирилади..

Ахборотнинг роли кучайиши, аста-секин асосий капиталга айланиб бориши таълим соҳасининг ҳозирги дунёдаги ижтимоий ҳаёт тизимида ўйнайдиган ролини принципиал жihatдан ўзгартирмоқда. Ижтимоий ҳаётда таълим соҳаси аста-секин етакчи ўринга чиқаётганлиги сўнгги йиллар мобайнида тезкор ривожланишда ўз ифодасини топомқда.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёни таълим-тарбия билан ўзаро муносабатда бўлади, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Таълим тарбия жаарёнларида янги педтехнологияларни қўллаш замон талабига айланди. Бу таълим жараёнини ҳозирги фан техника ютуқларидан орқада қолмаслиги учун унинг талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тарбиялашни тақозо этади. Бу ўқитувчилар олдида ҳам янги талабларни қўяди. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этиши лозим. Бу ундан мустақиллик тафаккурига ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

Umumiy musiqiy ta’limning tamoyillari.

B.Boltaev SamDu o'qituvchisi. X. Nasrullayeva Samarqand I-son pedagogika kolleji musiqa kafedrasi mudiri.

Barkamol shaxs tarbiyasi barcha zamonlarda inson aql-zakovati, tarbiyashunoslik ilmi xulosalari yo'naltirilgan eng muhim soha hisoblangan. Bu sohaning o'ziga xos «shu'ba»lari ichida musiqa sanhatining ilmiy va tarbiyaviy ahamiyati yuqori baholangan. Shu bois ham ilm-fan, madaniyat va sanhat sohasida jahonshumul ehtirof qozongan allomalar (Abu Nasr Forobiy, Abdulqodir Marog'iy, Al Kindiy, Abdurahmon Jomiy, Ibn Sino, Darvesh Ali Changiy, Alisher Navoiy) musiqaga ham ilm sohasi, ham sanhat, ham tarbiya vositasi sifatida alohida ehtiromlar bilan qarashgan, uning turli muammolariga oid yirik asarlar, risolalar yaratganlar.

Bu asarlar musiqiy-nazariy bilimlarning tarixiy negizi sifatida bugungi kunda ham o'z ilmiy, tarbiyaviy nufuzini yo'qotgan emas. Biroq har qanday sohada bo'lgani kabi, musiqiy tahlil ham shaxsni shakllantirishning zamonaviy talablari mavjud bo'lib, u har bir ijtimoiy davrning tahliliga buyurtmasi, ehtiyoji sifatida kun

¹ www.ziyounet.uz

tartibiga chiqadi.

Istiqlol sharofati bilan yurtimizda «Ozod va obod vatan, erkin va farovon hayot barpo etish» yoʻlidan borar ekanmiz, jamiyatimizning barcha sohalarida tup oʻzgarishlar amalga oshirilmoqda. Oʻsib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama mukammal inson qilib tarbiyalash hozirgi kunning eng dolzarb muammolaridan biri boʻlib turgan bir paytda, xususan, talantlarga pedagogik mahorat sirlarini oʻrgatib borish oʻta zarurligini hayot taqozo etadi. Boʻlajak musiqa mutaxassislari yosh avlod ongiga yuksak tuygʻularni singdirish, ularda Ona Vatanga muhabbat, goʻzallikga intilib yashash, uni asrash va yaratishga boʻlgan ishtiyoq uygʻotuvchi

kasb egalari hisoblanadilar. Musiqa taʼlim-tarbiyasining maqsadi yosh avlodni milliy musiqa merosimizga vorislik qila oladigan hamda umumbashariy musiqiy qadriyatlarni idrok eta oladigan madaniyatli inson darajasida voyaga yetkazishdan iboratdir. Buning uchun har bir oʻquvchining musiqiy iqtidorini rivojlantirib, musiqa sanʼatiga mehr ishtiyoqini oshirish, musiqadan bilim va amaliy malakalar doiralarini tarkib toptirish, iqtidorli oʻquvchilarni musiqiy rivojlanishlari uchun zaruriy shart-sharoitlar yaratib berish, maktab musiqa taʼlim-tarbiyasining asosiy vazifasidir. Mazkur oliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish-musiqa faniga jamiyatni madaniy - ahloqiy rivojlantiruvchi omil sifatida qarash, predmet muammolarini xal etishda keng oʻqituvchilar ijodkorligiga tayanish, musiqa oʻqitish uslubiyotini ilgor tajribalar va kompleks ilmiy-metodik izlanishlar natijasi asosida takomillashtirish talab etiladi.

Musiqa madaniyati darslari - oʻquvchilarda musiqiy did va musiqiy dunyoqarashni shakllantiruvchi eng muhim vositadir. U oʻquvchilarning aqliy, jismoniy, gʻoyaviy shakllanishiga taʼsir etadi. Musiqa oʻquvchilarda borlik haqida oʻziga xos «shaxsiy nuqtai nazar»ni, voqea va hodisalarga faol va ijodiy munosabatni shakllantiradi. Musiqa alohida shaxsga va keng jamoaga ham birdek tahsir qiladi (emotsional, ijodiy, estetik, gʻoyaviy, pedagogik, fiziologik va hokazo). Aynan shuning uchun ham «Musiqa madaniyati» oʻquv fanining xususiyatlaridan kelib chiqib, nazariy va amaliy yoʻnalishdagi materiallarning maqbul nisbatini saqlagan holda, musiqaning barcha mavjud imkoniyatlarini ochib bera olishi kerak.

Didaktika taʼlim jarayonining umumiy qonuniyatlarini oʻrganiuvchi qismidir. Didaktika grekcha soʻz boʻlib, «didayko» - oʻqitish. «didaskoya» - oʻrgatuvchi degan soʻzlardan kelib chiqqan. «Didaktika» - ning soʻzma-soʻz tarjimasini taʼlim nazariyasini anglatadi. Taʼlim nazariyasi taʼlim jarayonining tushunchasi va mohiyatini, taʼlim qoidalarini, uslublari hamda tashkiliy formalarini oʻz ichiga oladi. Didaktika oʻz oldiga oʻqitishning oʻquvchilarni har tomonlama tarbiyalash maqsadlariga javob beruvchi umumiy qonuniyatlarini bilib olish vazifasini qoʻyadi. Taʼlimning asosiy vazifasi yosh avlodni ilmiy bilimlar, koʻnikma va malakalar tizimi bilan qurollantirishdan iborat. Demak, didaktika «nimaga oʻqitish». «nimani oʻqitish» va «qanday oʻqitish» kabi savollariga javob izlaydi. Umumiy didaktika esa oʻz navbatida, ayrim oʻquv fanlariga oid usullar bilan juda mustahkam bogʻlanadi. Shu usullar moʻlumotiga tayanib, oʻqitishning umumiy qonuniyatlarini yechib boradi va ayni vaqtda har bir oʻquv fanini oʻqitish usullari uchun umumiy asos boʻlib xizmat qiladi. Musiqaviy didaktika, uning birlashtiruvchi vazifasi hamda uning xususiy didaktikalar va musiqiy taʼlimning mavzuli metodikalari bilan bogʻliqdir.

Musiqaviy didaktikaning asosiy kategoriyalari: musiqiy ta’limning jarayoni, prinsiplari, mazmuni, usullari, shakllari. Musiqiy ta’lim mazmuni umumiy madaniyatining rivojlanishiga va jamiyatning musiqa san’atiga bo’lgan ehtiyojiga bog’liq. Shuning uchun musiqiy ta’lim mazmuniga kiruvchi musiqiy bilimlar, malakalar, ko’nikmalar, musiqa materiali, ta’lim usullari va shakllarini sistemalashtirish lozim. Musiqa sabog’i tarbiyalovchi shaxsning badiiy tafakkurini shakllantiruvchi ta’lim sifatida muhimdir. Uning vositasida nafosat tuyg’ularini tarbiyalash bilan birga yosh avlodda oliy insoniy fazilatlar tarkib toptirish nazarda tutiladi. Bunda milliy va umumbashariy musiqa ta’limshunosligi hamda o’qitish uslubiyotiga tayanish lozim. Musiqa ta’lim tarbiyasi mazmunida esa milliy musiqa merosimiz asosiy o’rin tutadi. Milliy musiqasmiz qonuniyatlariga qiyoslab, o’zga xalqlar musiqa madaniyati bilan tanishishi, ya’ni «ta’limda umuminsoniy va milliy - madaniy qadriyatlarning ustuvorligi» ga amal qilish musiqa o’qitishning muhim didaktik yo’nalishi hisoblanadi.

Ta’lim jarayoni ikkita shaklda, dars va sinfdan tashqari musiqiy mashg’ulotlar tarzida amalga oshiriladi. O’qitishning asosiy va barcha o’quvchilar uchun zaruriy shakli musiqa darslaridir. Shu bois dars tuzilishlari va o’qitish usullarining xilma-xil shakl va turlarini qo’llash hamda tajriba jarayonida darsning yangi usul va tuzilmalarini kashf etish dolzarb masala bo’lib turadi. Bundan ko’proq Sharq va milliy musiqa ta’limshunosligini o’rganishi va undan unumli foydalanish muhimdir.

Ta’lim prinsiplari jamiyat ijtimoiy ehtiyojlaridan kelib chiqib pedagogika nazariyasi va amaliyoti yutuqlariga ko’ra o’zgarib takomillashib boradi. Tarixda ta’lim prinsiplarini aniqlash bo’yicha turlicha yondoshuvlar mavjud bo’lgan. Masalan: XVI asrda Ya. A. Komenskiy ta’lim prinsiplarini tabiatga qiyoslab o’rganishni ya’ni o’quvchilarga tabiat quynida bevosita ta’lim berishni, tabiatda qanday mutanosiblik bo’lsa, ta’limda ham xuddi shunday mutanosiblikka erishishni taklif etadi. XVII-XVIII asrlarda madaniy jihatlardan mutanosiblikka erishish prinsiplari ilgari suriladi. Hozirda ta’limning ilmiylik prinsipi, o’quvchilar imkoniyatlari va yosh xususiyatlarini hisobga olish prinsipi, ko’rgazmalilik prinsipi, ta’limda muntazamlilik va davomiylik prinsipi, ta’limning hayot bilan bog’liqligi, ta’lim jarayonida o’quvchilarning faolligi va ongliligi, ta’lim va tarbiyaning tarbiyaviy xarakteri kabi ko’pgina prinsiplari mavjud. Musiqa darslari pedagogikaning didaktik nazariyasi va prinsiplari, ta’lim amaliyotining umumlashma nazariyasi asosida tuziladi.

Mazkur prinsiplar asosan, o’quv materiallaining qo’llash, musiqa darsini mazmunini va darsning tizimidagi asosiy talablar va uning yo’nalishlarini belgilab beradi va bir necha turga bo’linadi:

- 1. Musiqa darslarida bilim va malakalarining mustahkamligi**
- 2. Musiqa ta’lim va tarbiyasida ilmiylik sistemalash va davomiylik**
- 3. Darsda o’quvchilarning onglilik va faolliligi**
- 4. Musiqa darslarida ko’rgazmalilik**

O’quv materiallarining bolalar bilim - malakalariga va yosh xususiyatlariga mosligi, rejasini tuzish jarayonida qo’llanadi. Ta’lim mazmunini o’quvchilarni haqqoniy ilmiy dalillar tushunchalar, qonuniyatlar, nazariyalar bilan tanishtirishni

nazarda tutadi. Buning uchun o'quv mazmuniga faqat ilmiy asoslangan, tajribada tasdiqlangan, o'quv musiqa fani va musiqa fanining mazmuni orasidagi qonuniy aloqalarga asoslangan ilmiylik prinsipini qo'llash darkordir. Nazariy bilimlarning amaldagi qo'llanilishi, nazariy bilimlarning amaliy bilimlar bilan bog'liqligi har bir o'qituvchining axborotida sezilib turishi kerak. Musiqa fani bo'yicha yangiliklari doimo izohlanib borilishi darkor. Bevosita dars davomida ilmiylik prinsipi faqat ilmiy axborotni berish bilan chegaralanmaydi. Axborot, ilmiy qaydnomalarning qayerdan kelib chiqqanligi, sabab, natijalarning tahliliy, tarixiylik prinsipini qo'llash ham ilmiylik prinsipini ta'minlaydi. Dars jarayonida o'quv materiallarining bolalarni bilim tajribasiga mosligi, bolalar ovozinin rivojlanish qonuniyatlarini hisobga olish, nota qonuniyatlarini to'g'ri o'rgatish, asarlarni bolalarning fikriy qobiliyatiga mos ravishda tahlil etish darsning ilmiylik prinsiplarini tashkil etadi. Boshlang'ich sinflarda kichik bolalar tafakko'riga xos va ko'proq o'yin bilan bog'liq bo'lgan kichik qo'shiqlar, kuy va p'esalar o'rgatadilar. O'rta sinflarda esa o'quvchilar hayotiy tajribalari boyigan, konkret fanlarni o'rganish jarayonida ilmiy dunyoqarashlari tarkib topayotgan davr bilan farq qiladi. Shunga muvofiq o'rganiladigan asarlar ham janr, hajm va badiiy mazmun jihatidan tobora jiddiylashib borishi sistemalilik prinsipi deyiladi.

Musiqa darslari xorda kuylash, musiqa savodi, musiqa tinglash kabi asosiy musiqiy faoliyatlarni o'z ichiga oladi. Darsning asosiy faoliyat turlarini darsning mantiqiy yaxlitligidan ajratmagan xolda quyidagilarga e'tibor beriladi. Bu esa darsdagi barcha musiqiy faoliyatlar jarayonida o'zluksiz amalga oshirib, darsning har bir faoliyati o'z navbatida borishi davomiylik prinsipi deyiladi.

Ta'limda onglilik va aktivlik prinsipini amalga oshirish ham bilish jarayonining psixologik asoslariga to'la tukis tayanadi. Tartib va qoidalar yaxshi o'zlashtirilsa-da, ayrim xollarda shu bilimlarni bevosita qo'llash jarayonida o'quvchilar qiynalishi mumkin. Ba'zan ular oddiy masalalarni yecha olmay qolishadi. Demak, o'quvchi materialni tushunib yetmasdan shunchaki, yodlab olgan. O'quvchilar olgan bilimlarini amaliy hayotda foydalana olishlari uchun ta'lim berish jarayonini aktiv fikrlash jarayoniga aylantirish kerak. Buning uchun, bolaning o'quv materiallarini ongli ravishda bilib o'zlashtirishi bilish jarayonini aktivligini vujudga keltirishi lozim. Ma'lum musiqa asarini kuylab yoki tinglab o'zlashtirish va undan badiiy estetik, zavqlanib, idrok etishda, bolaning eng avvalo, diqqat-e'tiborini jalb eta bilish unda qiziqish uyg'ota bilish, onglilik va aktivlikni vujudga keltiradi. Musiqani ongli idrok etish o'z navbatida badiiy ohang va mantiqiy jihatdan xotirada turg'un saqlanishni talab etadi. Musiqa darsida onglilik va aktivlik ayniqsa, vokal-xor malakalarini shakllantirilishi uchun zarurdir. Xor bo'lib qo'shiq kuylash, musiqa tinglash, musiqa savodi faoliyatlarida ham onglilik va aktivlik musiqani nazariy va amaliy jihatlarini to'g'ri bilish va o'zlashtirishni osonlashtiradi.

Ta'limda, ko'rgazmalilik prinsipiga amal qilish o'quv-tarbiya jarayonining asosini tashkil etadi. Ta'lim va tarbiyada ko'rgazmalilikdan foydalanish haqida Al Forobiy ko'pgina ibratli so'zlarni aytib qoldirgan. Forobiyning fikriga qaraganda o'quvchilarni, shogirdlarni uch toifaga bo'lish mumkin:

Birinchi toifasi – o'quv materialini o'zlari mustaqil o'rgana olishadi. Uchinchi

toifadagilarni majburlab, zo'rlab o'qitish kerak, deydi. Va nihoyat ikkinchi toifa talabalarga ta'lim berishda ko'rgazmalilikdan foydalanib o'quv mehnatini jadallashtirish va bir muncha osonlashtirish imkoniyati tug'iladi. Ko'rgazmalilik prinsipiga amal qilinganida eshitish organlari bilan bir qatorda ko'rish organlaridan ham foydalaniladi.

Musiqqa tarbiyasida musiqaning o'zi-o'ziga ko'rgazmali vositadir. Chunki, u qo'li bilan emas balki quloq bilan idrok etiladi. Musiqqa tinglashda ham, asar tahlilida ham ohang ko'rgazma sifatida cholib ko'rsatiladi. O'qituvchining o'zi, nutqi, ijrosi ham asosiy ko'rgazma bo'lib xizmat qiladi. Bundan tashqari, texnik vositalar, ko'rgazmali kartochkalar, grafik yozuvlar, rasmlar, nota yozuvlari ham, musiqqa darsida ko'rgazma sifatida muhim rol o'ynaydi. Mazkur printsiplar asosan, o'quv materiallarini qo'llash musiqqa darsini mazmunini va rejasini tuzish jarayonida qo'llanadi.

Xulosa, qilib aytganda, pedagogikaning umumdidaktik prinsiplari, musiqqa madaniyati darslarida muhim ahamiyatga ega bo'lib musiqani hayot bilan bog'lashda katta ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. I.A.Karimov. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori, Toshkent, 1997.
2. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risidagi qonuni», Toshkent, 1997.
3. G.Sharipova, Sh.Yakubova. «Musiqqa o'qitish metodikasi». Toshkent, 2007.
4. Soipova D. “ Musiqiy-nazariy bilimlarni o'zlashtirish jarayonini takomillashtirish. “ T.:Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2005 y.,

Maktabgacha ta'lim muassaslarida didaktik o'yinli mashg'ulotlar.

Boltaev Baxtiyor, Karimov Zohid, Sam DU

Musiqqa ta'lim-tarbiyasining maqsadi yosh avlodni milliy musiqqa merosimizga vorislik qila oladigan hamda umumbashariy musiqiy qadriyatlarni idrok eta oladigan madaniyatli inson darajasida voyaga yetkazishdan iboratdir. Buning uchun kamolga yetishib kelayotgan yosh avlodni musiqiy iqtidorini rivojlantirib, musiqqa san'atiga mehr ishtiyoqini oshirish, musiqadan bilim va amaliy malakalar doiralarini tarkib toptirish, iqtidorli bolalarni musiqiy qobiliyatlarini rivojlanishlari uchun zaruriy shart-sharoitlar yaratib berish, maktabgacha ta'lim muassasalarining musiqqa mashg'ulotlarining asosiy vazifalaridan biridir. Mazkur oliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish musiqqa jamiyatni madaniy - ahloqiy rivojlantiruvchi omil sifatida qarash, predmet muammolarini xalq etishda keng o'qituvchilar ijodkorligiga tayanish, musiqqa o'qitish uslubiyotini ilgor tajribalar va kompleks ilmiy-metodik izlanishlar natijasi asosida takomillashtirish talab etiladi. Bu borada didaktik o'yinli mashg'ulotlarning ahamiyati uzgachadir.

Didaktika ta'lim jarayonining umumiy qonuniyatlarini o'rganuvchi qismidir. Didaktika grekcha so'z bo'lib, «didayko» - o'qitish. «didaskoya» - o'rgatuvchi degan so'zlardan kelib chiqqan. «Didaktika» - ning so'zma-so'z tarjimasini ta'lim nazariyasini anglatadi. Ta'lim nazariyasi ta'lim jarayonining tushunchasi va

mohiyatini, ta’lim qoidalarini, uslublari hamda tashkiliy formalarini o’z ichiga oladi. Didaktika o’z oldiga o’qitishning o’quvchilarni har tomonlama tarbiyalash maqsadlariga javob beruvchi umumiy qonuniyatlarini bilib olish vazifasini qo’yadi. Ta’limning asosiy vazifasi yosh avlodni ilmiy bilimlar, ko’nikma va malakalar tizimi bilan qurollantirishdan iborat. Demak, didaktika «nimaga o’qitish». «nimani o’qitish» va «qanday o’qitish» kabi savollariga javob izlaydi. Umumiy didaktika esa o’z navbatida, ayrim o’quv fanlariga oid usullar bilan juda mustahkam bog’lanadi. Shu usullar mo’lumotiga tayanib, o’qitishning umumiy qonuniyatlarini yechib boradi va ayni vaqtda har bir o’quv fanini o’qitish usullari uchun umumiy asos bo’lib xizmat qiladi. Musiqaviy didaktika, uning birlashtiruvchi vazifasi hamda uning xususiy didaktikalar va musiqiy ta’limning mavzuli metodikalari bilan bog’liqdir. Musiqaviy didaktikaning asosiy kategoriyalari: musiqiy ta’limning jarayoni, prinsiplari, mazmuni, usullari, shakllari. Musiqiy ta’lim mazmuni umumiy madaniyatining rivojlanishiga va jamiyatning musiqa san’atiga bo’lgan ehtiyojiga bog’liq. Shuning uchun musiqiy ta’lim mazmuniga kiruvchi musiqiy bilimlar, malakalar, ko’nikmalar, musiqa materiali, ta’lim usullari va shakllarini sistemalashtirish lozim. Musiqa sabog’i tarbiyalovchi shaxsning badiiy tafakkurini shakllantiruvchi ta’lim sifatida muhimdir. Uning vositasida nafosat tuyg’ularini tarbiyalash bilan birga yosh avlodda oliy insoniy fazilatlar tarkib toptirish nazarda tutiladi.

Kupchilik holatlarda musiqa mashg’ulotlarda utkazish oddiy an’anaviy holatlarda olib boriladi, shu sababli ham tarbiyalanuvchilarni qo’shiq yoki musiqani uzlashtirishi qiyin kechadi. Ushbu holatlarda didaktik o’yinli mashg’ulotlardan foydalanish mashg’ulot sifatini oshiradi.


Maktabgacha ta’lim muassasalarida didaktik o’yinli texnologiyalar didaktik o’yinli mashg’ulotlar shaklida qo’llaniladi. Ushbu mashg’ulotlarda tarbiyalanuvchilarning bilim olish jarayoni o’yin faoliyati orqali uyg’unlashtiriladi. Shu sababli tarbiyalanuvchilarning musiqani anglashi, o’yin faoliyati bilan uyg’unlashgan didaktik o’yinli mashg’ulotlar deb ataladi.

Inson hayotida o’yin faoliyati orqali quyidagi vazifalar amalga oshiriladi:

- o’yin faoliyati orqali shaxsning o’qishga, mehnatga bo’lgan qiziqishi ortadi;
- o’yin davomida shaxsning muloqotga kirishishi ya’ni, kommunikativ – muloqot madaniyatini egallashi uchun yordam beriladi;
- shaxsning o’z iqtidori, qiziqishi, bilimi va o’zligini namoyon etishiga imkon yaratiladi;
- hayotda va o’yin jarayonida yuz beradigan turli qiyinchiliklarni yengish va mo’ljalni to’g’ri olish ko’nikmalarining tarkib topishiga yordam beradi;
- o’yin jarayonida ijtimoiy normalarga mos xulq-atvorni egallash, kamchiliklarga barham berish imkoniyati yaratiladi;
- shaxsning ijobiy fazilatlarini shakllantirishga zamin tayyorlaydi;
- insoniyat uchun ahamiyatli bo’lgan qadriyatlar tizimi, ayniqsa, ijtimoiy, ma’naviy-madaniy, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni o’rganishga e’tibor qaratiladi;
- o’yin ishtirokchilarida jamoaviy muloqot madaniyatini rivojlantirish ko’zda

tutiladi.

DIDAKTIK O'YINLI DARSLARNING TURLARI VA ULARNING MAQSAD HAMDA VAZIFALARI



Didaktik o'yinli mashg'ulotlarni tarbiyalanuvchilarning bilim olish va o'yin faoliyatining uyg'unligiga qarab: syujetli-rolli o'yinlar, ijodiy o'yinlar, ishbilarmonlar o'yini, o'yin-mashqlarga ajratish mumkin.

Musiqiy mashg'ulot olib boruvchi pedagog avval tarbiyalanuvchilarni individual (yakka tartibdagi), so'ngra guruhli o'yinlarga tayyorlashi va uni o'tkazishi, o'yin muvaffaqiyatli chiqqandan so'ng esa, ularni ommaviy o'yinlarga tayyorlashi lozim. Chunki tarbiyalanuvchilar didaktik o'yinli mashg'ulotlarda faol ishtirok etishlari uchun zaruriy bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlari, bundan tashqari, guruh jamoasi o'rtasida hamkorlik, o'zaro yordam vujudga kelishi lozim.

DIDAKTIK O'YINLI MASHG'ULOTLAR YAKUNIDA BAJARILADIGAN JARAYONJAR

Mshg'ulot olib boruvchi-pedagog didaktik o'yinli mashg'ulotlarni o'tkazishga

qizg'in tayyorgarlik ko'rishi va uni o'tkazishda quyidagi didaktik talablarga rioya qilishi talab etiladi:

1. Didaktik o'yinli mashg'ulotlar dasturda qayd etilgan mavzularning ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsad hamda vazifalarini hal qilishga qaratilgan bo'lishi;

2. Jamiyatdagi va kundalik hayotdagi muhim muammolarga bag'ishlanib, ular o'yin davomida hal qilinishi;

3. Barkamol shaxsni tarbiyalash tamoyillariga va sharqona odob-axloq normalariga mos kelishi;

4. O'yin tuzilishi jihatidan mantiqiy ketma-ketlikda bo'lishi;

5. Mashg'ulotlar davomida didaktik printsiplarga amal qilinishi va eng kam vaqt sarflanishiga erishishi kerak.

Misol: Rolli-syujetli o'yin. Ushbu didaktik mashg'ulotda tarbiyalanuvchilarga qushlar, jonivorlar personajlari ishtirok etgan ertak qahramonlari rolini berib qoshiqlar uratiladi. Masalan bulbulcham, olaqanot hakkalar, quyoncham, ayiqcham va hokazo. Ushbu qo'shiqlarni urganish jarayonida tarbiyalanuvchilar ham, rol ijro etadi, hamda ona tabiatning bir bulagi bulmish jonivorga, qushlarga bulgan mehri oshadi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki musiqiy mashg'ulotlar jarayonida didaktik oy'nlardan foydalanish samarali usullarda biri sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar .

1. B.Boltayev.–, “Musiqqa oqitish metodikasi.” Ma'ruzalar matni. Samarqnd,2016

2. B.Boltayev.–“Maktabgacha ta'lim muassasalarida musiqqa mashg'ulotlarini tashkil etishning uslublari”. Uslubiy qullanma. Samarqnd, 2017

Янги педагогик технологияларни қўллаш – дарс самарадорлигига эришиш омили

Аскарали Одилов, катта ўқитувчи Самарқанд давлат университети

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилди, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу таълим-тарбияга қўйилаётган янгича талабларга ўзига хос жавобдир. Шунингдек, таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқлар ва муаммолар Ўзбекистоннинг биринчи президенти И. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўз ифодасини топган. “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” – деб таъкидаланади. И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч асарида” айтилганидек, “Шуни унутмаслик керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ..

Ҳозирги даврда мамлакатимизда таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб берилмоқда. Таълимни анънавий усуллари ўрнида

интефаол усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди.

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, кундан-кунга ривожланиб бормокда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогик технологиялар дарс жараёнига тадбиқ этишда эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол усуллар ўқувчиларни билимли, кўникма ва малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Интерфаол методлар бу-жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва бошланғич синф ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиб, биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчиларни ўқув жараёнида фанга ва билим олишга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда бажариши ва ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

Педагог ва ўқувчиларнинг ҳаммиса ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиниши назарга тутилади..

Жамият тараққиёти ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, унинг ғилдираги доимо олдинга қараб айланаверади, бу албатта табиий, тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам биз ўқитувчилар бу борада илғор педагогик таҳнологияларни дарс жараёнига кенг тадбиқ этишимиз даркор. Дарс жараёнида ўқувчиларга таълим-тарбияни биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятларини шакллантириши, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини таъминлаши зарур.

Биз биламизки «Педагогика» таълим – тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишини ва унинг қонуниятларини очиб бериши ҳамда шу орқали инсон манфаатлари тарбия жараёнига таъсир этишини назарда тутати. Бу албатта кўпгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради. Илғор педагог мураббийлар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки тажрибаларни ўрганиш жараёнидаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Бунда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки ҳамда амалий ва ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан унумли фойдаланилади.

Ўқитувчи-ўқувчи дарснинг мақсаддан натижага эришишида қандай

технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан: натижага эришиш учун балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ.

Ўқитувчи ўқитиш жараёни олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнида педагог ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчини таълимнинг марказита олиб чиқиш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақазо этади. Улар жуда хилма – хилдир. Булар янги интерфаол усуллар ва таълим методлари ҳамда ҳозирда дарс жараёнида қўлланиладиган янги педагогик технологиялар шулар жумласидандир. Шу билан биргаликда айтиш лозим-ки, юқорида келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглардан кенг фойдаланилса, ўқувчиларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий ва мустақил фикрлаш шаклланади. Айниқса, ўқувчиларни қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардор, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 том, Тошкент, "Ўзбекистон" 1996 йил
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Тошкент.; Ўзбекистон., 1999 йил.
3. Каримов И.А. «Юксак маънавият - енгилмас куч». - Тошкент., «Маънавият» 2016 йил
4. Ишмухаммедов Р. Ж. «Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари» ТДПУ, Тошкент., 2004 йил

Musiqa va ma'naviyat

Boltaev Baxtiyor, Shayqulov Shuxrat Sam DU o'qituvchilari.

Musiqa san'ati asrlar davomida xalqimiz ma'naviy olamining ajralmas qismi sifatida e'zozlanib kelinadi. Donishmand xalqimizda: *“Musiqa oshno kishidan yomonlik chiqmaydi”*, -degan qarashlar mavjud. Shuning uchun bo'lsa kerak Markaziy Osiyo xalqlarida uying to'riga musiqa asbobini osib qo'yish yoki oila a'zolaridan biror kishi biror bir musiqa asbobida kuy chalish yohud ashula aytishi zarurligi xalqimizning ziyoli oilalariga qo'yilgan minimal talablaridan biri bo'lgan. Xalqimizning siyosiy mustaqillikni qo'lga kiritishi boshqa sohalar singari ta'lim va tarbiya jarayonida ham misli ko'rilmagan ijobiy o'zgarishlarni yuzaga kelishiga asos

bo‘ldi. Bevosita muhtaram Prezidentimiz I.A.Karimov rahnamoligida musiqiy merosni tiklash va ommalashtirish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Xususan, mamlakatimizda qator-qator musiqa maktablari va san‘at kollejarining bunyod etilishi va faoliyat ko‘rsatishi kelajagimiz vorislarining ma‘naviy dunyo qarashida go‘zallik elchisi bo‘lgan musiqani keng ko‘lamda o‘rnashib olishiga imkon yaratmoqda.

Umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida bolalar folklor jamoalarini tuzish, musiqiy jamoalarda xalq qo‘shiqlari namunalariga keng o‘rin ajratishning o‘ziga xos pedagogik tomonlari mavjud. Bularga quyidagilar kiradi:

1. O‘quv muassasalarida bolalar musiqiy jamoalarini tuzish tarbiyalanuvchilarda musiqa san‘atiga havas uyg‘otadi. Tarbiyalanuvchi bolalar turli muhitdagi turli dunyoqarashdagi, turli maslakdagi oilalar vakillari ekanligini diqqat markazimizdan qochirmasligimiz lozim. Istalgan o‘quvchi musiqiy topshiriqni eplay olmasligi musiqa o‘qituvchilariga sir emas. Shuning uchun aksariyat hollarda murabbiylarimiz ovozi yaxshi yoki nisbatan sayqallangan, musiqadan nisbatan xabardor, ashula hirgoyi qiladigan, musiqa san‘atiga ishtiyoqi baland o‘quvchilarni tanlashga e‘tibor berishadilar. To‘g‘ri, bu yo‘l murabbiyning o‘z maqsadlariga erishishi uchun ancha yengillik tug‘diradi. Masalaning boshqa bir tomoni bor. Gap shundaki, komil insonni tarbiyalash uchun tarbiyalanuvchini o‘z ortidan ergashtira olish mahoratiga ega bo‘lish istiqloq davri musiqa o‘qituvchisi oldida turgan muhim masalalardan biri ekanligini unitmasligimiz zarur. Mana shu nuqtai nazardan yondoshadigan bo‘lsak, bolalar musiqa jamoalari tarkibini tuzish uchun musiqa darslari o‘z sifati va samaradorligi bilan muhim ahamiyat kasb etadi. Musiqa o‘qituvchisi o‘quv mashg‘uloti jarayonida o‘quvchilarga musiqa san‘atiga mehr uyg‘ota olishi shart. Tarbiyalanuvchidagi musiqaga nisbatan shakllangan mehr uni keyinchalik san‘atning bu turiga oshufta, fidoyi bo‘lishga undaydi. Oshuftalik va fidoyilik bolani ustoz tomonidan berilayotgan topshiriqlarni sidqidildan bajarishga, o‘z qilgan ishidan mamnunlik hissini tuyishga olib keladi. Bola o‘z shuurida kechayotgan bunday yangilikdan baxtiyor bo‘ladi. O‘z mahoratini namoyish etish zarurligini his qiladi. Natijada odatdagi bolalar va o‘smirlarda kechadigan *uyalish, hayajonlanish* kabi ruhiy jarayonlar o‘z –o‘zidan barham topadi. O‘quvchida o‘z-o‘zidan faxrlanish, o‘ziga ishonish, o‘zini madaniyatli his etish (bu olifalik emas), katta san‘atkorlarga taqlid qilish hollari kuzatila boradi.¹

2. Bolalar musiqa jamoalarida folklor asarlaridan repertuar tanlash o‘quvchilar ma‘naviy kamolatiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. Folklor asarlarini jamoaga o‘rgatish o‘qituvchi uchun ham, o‘quvchilar uchun ham qiyinchilik tug‘dirmaydi. Xalq qo‘shiqlarining ohangdorligi, matnlarning tanishligi, ijro etilayotgan asarlarning yallaviy xarakterdaligi uni o‘zlashtirib olish uchun yengillik tug‘diruvchi asosiy vositalar sanaladi.²

3. Oddiy o‘quvchini qisqa muddatda mahoratli ijrochiga aylanishi, xalq qo‘shiqlaridagi badiiy tasviriy vositalari va mazmunning jamoaga hamda

¹Apraksina O.A. Metodika muzikalnogo vospitaniye v shkole. –M;- Prosvesheniye, 1983 god.37-bet .

² Hasanov. A. Musiqa va tarbiya. –T;- O‘qituvchi. – 1993 yil.23-bet.

tinglovchilarga tez singishi nafaqat jamoa ijrochilarini, balki tinglovchilarni ham ma’naviy olamini boyitishga xizmat qiladi. Bundan tashqari, shunchaki tomoshabin bo‘lib turgan boshqa bolalarda musiqa san’atiga havas oshadi. Ular ham bu borada o‘zlarini sinab ko‘rishga intiladilar.

Aksariyat hollarda pedagoglarimiz musiqiy jamolarni tashkil etishda juda yuksak cho‘qqilarni ko‘zlaydilar. Ularning asosiy maqsadlari turli tanlovlarda g‘olib bo‘lish, qisqa muddatda katta shon-shuhratga erishishdan iborat bo‘lib qoladi. Bizningcha, pedagogning asl mehnati davrlar o‘tishi bilan o‘z natijasini bera boradi. Biz tanlagan va tarbiyalayotgan o‘quvchilarimizning ko‘pchiligi ayni paytda mohir ijrochi bo‘laolmas, biroq ularning qalbi bir umr kuy va ohang sehriga hamroh bo‘lib qolaveradi. Ular garchi yetuk san’atkor bo‘lmalar-da, musiqiy merosimizni hurmat qiladigan, musiqa san’atini qadrlaydigan ma’naviy salohiyatli kishilar bo‘lib shakllanadi.

Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida folklor jamoalarini tuzish o‘quvchilar musiqiy madaniyatini oshirishga, ularning milliy musiqiy merosga ehtirom bilan qarashga, o‘quvchilarda erkin va ijodiy fikrlash malakalarini shakllanishiga olib keladiki, bu o‘z navbatida musiqaning ma’naviy manba ekanligini ko‘rsatib turadi.

Milliy musiqa ta’limining asosiy maqsadi barkamol avlodni milliy musiqa me’rosimizga vorislik qiladigan, bilimli, sog‘lom yoshlarni tarbiyalash va ularni Ona - Vatanga bo‘lgan mehru muhabbatini oshirishdan iborat. Shu bilan birgalikda har bir o‘quvchining musiqiy iqtidorini, san’atga bo‘lgan ishtiyoqini yanada oshirish musiqa ta’limining asosiy vazifasidir.

Mazkur maqsadni amalga oshirishda ta’lim mazmuni va o‘qitish uslubiyotini takomillashtirishda musiqa ta’limining milliy, an’anaviy va hozirgi zamon yutuqlariga hamda ilg‘or tajribalarga ijodiy tayanish maqsadga muvofiqdir.

Respublika umumta’lim maktablari va Oliy o‘quv yurtlaridagi ta’lim tarbiya jarayoni ham shaklan, ham mazmunan jahon andozalariga yaqinlashtirilmoqda. Jumladan, o‘quv rejalari dasturlari, darsliklar va boshqa qo‘llanmalar qayta ishlanib takomillashtirilmoqda. Barkamol avlod tarbiyasiga jiddiy e’tibor berish, ularni musiqiy merosimizga hurmat hissini muhabbatga, qiziqishga, mehrga aylantirish musiqiy ta’lim oldida turgan asosiy vazifalardan biridir.

Musiqa oqituvchisi o‘z kasbiga va bolalarga mehr qo‘ygan madaniyatli, keng dunyo qarashli, mohir ijrochi, musiqa san’atiga kasbiy qiziqishda bo‘luvchi, kishilar bilan ishlay oladigan, yaxshi tashkilotchi, san’atning hamma turlari, ularning umumiy ta’rifi va tarixi bilan tanish bo‘lishi, xalq ta’limi sohasida musiqiy cholg‘u asbobi, dirijyorlik, musiqa tarixi, qo‘shiq kuylash sirlari, vokal xor malakalari haqida darslar bera oladigan bilimli, tajribali, xonanda, dirijyor, jo‘rnavor, bir so‘z bilan aytganda musiqa nazariyotchisi va musiqa asboblarida mohir ijrochi bo‘lmog‘i lozim. U davlat ta’lim standarti asosida dars ishlanmalarini va xujjatlarini yozuvchi, musiqa madaniyati darslarini innavatsion pedagogik texnologiyalar asosida tashkil eta olishi zarur. Tabiiyki, odob – ahloq o‘qituvchi shaxsning eng muhim fazilati sanaladi.¹

¹ . Sharipova. G. Musiqa o‘qitish metodikasi. (ma’ruzalar matni). – TDPU-2004 yil.,44-45-bet.

Musiqa o‘qituvchisi ham odobli, tarbiyali, madaniyatli va o‘quvchilarga nisbatan mehribon murabbiy bo‘lishi, jamiyatning ilg‘or shaxsi bo‘lishga intilishi, davr talabini tushunish, san‘atimiz va madaniyatimiz istiqbolini his eta olishi, yuksak musiqa madaniyatiga ega faol targ‘ibotchi bo‘lishi lozim. Bundan tashqari, musiqa o‘qituvchisi mutaxassisligini egallagan har bir shaxs musiqa o‘qituvchisi bo‘lish bilan birga “San‘atkor” hamdir.

Musiqa o‘qituvchisi o‘z fanini jon dildan sevishi, bolajonlarni hurmat qilib, mehr bilan musiqa darslarini olib borishi o‘z faoliyatida pedagogika, psixologiya, musiqa uslubiyoti etika va nafosat tarbiyasini uyg‘unlashtira olishi milliy musiqamiz qonuniyatlarini, madaniy merosimizni, yosh avlod ongiga to‘g‘ri va sodda qilib etkaza olishi musiqa o‘qituvchisi oldiga qo‘yilgan vazifalar jumlasiga kiradi.

Hozirgi zamon musiqa o‘qituvchisi pedagogik muloqat ustasi bo‘lishi, har qanday vaziyatda ham pedagogik ta’sir usullaridan unumli foydalanish qobiliyatga ega bo‘lmog‘i lozim.

Shuningdek, musiqa o‘qituvchisi ilmiy tafakkur egasi, ilg‘or tajribalar shaydosi, izlanuvchan - ijodkor bo‘lib, musiqa o‘qitishning yangi shakl va usullarini kashf etishga intiluvchan bo‘lishi talab etiladi.

Fodalanilgan adabiyotlar:

1. Apraksina O.A. Metodika muzikalnogo vospitaniye v shkole. –M;- Prosvesheniye, 1983 god.37-bet
2. Hasanov. A. Musiqa va tarbiya. –T;- O‘qituvchi. – 1993 yil.23-bet.
3. Sharipova. G. Musiqa o‘qitish metodikasi. (ma‘ruzalar matni). – TDPU-2004 yil.,44-45-bet.

Xomaki rasmlar chizish va grizayl texnikasida ishlashning ahamiyati

Sh.Oydinov, V. Ziyodullayeva- SamDU

Kelajak yoshlarni komil, sog‘lom, teranfirkli, dunyoqarashi keng, Vatanga, halqimizga foydasi tegadigan barkamol insonlar bo‘lib etishishida tasviriy san‘at fanining ham o‘zo‘rni bor. Insoniyat azaldan go‘zallikka intilib yashaydi. Go‘zallik har qanday yaxshilik sari. Tasviriy san‘at inson aql idrokining kengaytrib uning tevarak atrof munosabatini o‘stiradi. U iqtidorli va istedotli yoshlarni shakillanuv iuchun keng imkoniyatlar ochib beradi. Shu kabi kishi qalbida go‘zallik hislarini, ezgulikni, tabiatga, Vatanga bo‘lgan muhabbatni oshiradi. Rassom pedagoglar rasm chizishni o‘rgatish jarayonida yoshlarga ilgari o‘zlari payqamagan go‘zalliklarni ko‘ra bilishga shuningdek san‘at asarlarini tushunish va badiiy tahlil qilish ko‘nikmasi singdiriladi. Tasvirlashni yaxshi o‘zlashtrish uchun xomaki rasm va grizayl texnikasida rasm ishlashning ahamiyati katta. Albatda ma‘lum darajada yutuqlarni qo‘lga kiritish va tasvirlashga oid nazariy va amaliy bilimlarni puhta egallash uchun o‘z vaqtida mehnat qilishni ham unutmaslik kerak.

Rasm chizishni o‘rganishda xomaki rasmlar ishlashning o‘ziga xos o‘rni bor. Tasvirlashni mukammal o‘rganmoqchi bo‘lganlar xomaki rasmlar ishlamasdan puxta rasm chizishni o‘rgana olmaydi. Xomaki rasmlarni muntazam ravishda

ishlamaydigan talabada chizgan rasmida nuqsonlar ko'pligi sababli o'zi ishlayotgan tasvirdan ko'ngli to'lmaydi. Rasm chizishni o'rganishda xomaki rasm ishlashdan o'rinli foydalanish rasm chizish qobiliyatini oshiradi. Ayni damda uzoq muddatli chiziladigan amaliy mashg'ulotlarga tayyorgarlik ham bo'ladi. Talabalarni amaliy mashg'ulotga tayyorlash uchun ularni avvaliga bir oz muddat yengil xomaki rasmlar ishlash mashqlarini bajaritirib olish kerak. Shunda rasm ishlovchilar uzoq muddatli amaliy mashg'ulotlarni bajarish uchun tayyor bo'ladi. Xomaki rasm va uning ahamiyati haqida tadqiqotchi B.Boymetov o'zining “Qalamtasvir” kitobida shunday yozadi: “Xomaki rasm ma'lum vaqt oralig'ida kuzatilayotgan natura haqida to'liq tasavvur berishni maqsad qilib qo'yadi. Xomaki rasmlar har xil davomiylikda, har xil ishlanishi, ish shart-sharoyitlari va rassomning o'z oldiga qo'ygan vazifalariga qarab yarim soatli, bir soatli, o'n minutli va hokazo bo'lishi mumkin.

Xomaki rasm - bu naturadan tezgina chizgi qilib olishdir; u talabani tez fikrlash, tasvirlashning eng ishonchli va mantiqiy vositalarini qidirib topishga o'rgatadi, kuzatuvchanligini rivojlantiradi”.

Talabaning xomaki rasmlarni o'z vaqtida bajarmasligi unga ancha qiyinchiliklar olib keladi. Ma'lum bir vaqt oralig'ida bajariladigan rasm chizish jarayoniga har qancha vaqt va mehnat sarflansada, ish beo'xshov bo'lib qolaveradi. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, qoralama va qalamchizgilarni muntazam ravishda bajarib yurgan talabalar rasm ishlash jarayonida ishni davom ettirolmastan qiynalib, qolmaydi. Rasm ishlash jarayonining malum bosqichida talaba chizishdan to'xtab qolishi yani ishni qanday davom ettirishni bilmay qolish undagi kamchiliklarni ko'ra olmay qolish holatlari uchramaydi. Yana shunga e'tibor berib qaraydigan bo'lsak bu talabalarda o'z ustida muntazam ishlagani tufayli, bilim, ko'nikma, malakalar shakllanib boradi. Buning natijasida chizayotgan rasmiga qancha vaqt ajratsa shunchalik jilolanib -jonlanib boraveradi.

Grizayl texnikasida ham rasm ishlashda bu qoidalarga amal qilinsa to'g'ri bo'ladi. Yani grizayl texnikasida uzoq muddatli amaliy mashg'ulotlar bajarishdan oldin xomaki rasmlar ishlash kabi qisqa muddatli rasmlar ishlash foydali deb o'ylaymiz.

Grizayl uslubida rasm solish ko'p rang ish usuliga o'tish uchun tayyorgarlik bosqichi bo'lib unda mo'yqalamni ishlatish yo'llari va bo'yoqlarining xususiyatlarini o'rganish uchun imkoniyat katta.

Grizayl (fransuzcha grisaille, gris – kulrang so'zidan olingan) biron – bir rang (qora, jigarrang, ko'k ko'pincha kulrang)ning nozik tuslanish ochdan to'q tusga o'tishi hisobiga yaratiladigan asar; bezak rassomligi turi. Mo'yqalam bilan chizmatasvir ishlashning turlaridan biri bo'lgan kulrang tusli grizayl deb ataluvchi “monoxrom” (bir rangdagi tasvir) rangtasvirilar qadimgi usta rassomlar ijodi namunalari orasida tez-tez uchrab turadi. Ular o'z asarlarini yaratish jarayonida ushbu har tomonlama qulay usuldan unumli foydalanib, tugal, puxta, yuqori badiiy sifat darajasidagi tasviriy san'at namunalari yaratganliklari ma'lum. Grizaylda tasvirlash usullarini o'quv mashg'ulotlariga kengroq tatbiq etilsa, qadimgi ustalar tajribasini o'rganishda qo'l keladi deb o'ylaymiz. Chunki talabalar o'tmish tajribalarini puxta o'zlashtirib olish orqali bilim doiralari kengaytirish imkoniyatiga

ega bo'ladilar. Tarixdan ma'lumki usta musavvir Borovikovskiy o'z asarlarini yaratishda grizayl texnikasini dastlabki yordamchi texnologik foydali qulay, tadbir sifatida mohirona qo'llagan. U matoni kulrang qoplama bilan yopib, so'ng ustidan tasvirlarni chizib grizaylda suyuq surtmalardan foydalanib ishlov bergan.

Grizayl uslubida rasm ishlashni tushunish uchun och-to'qligi va shakli bir-biridan farq qiladigan ikkita narsadan pastanovka qo'yib qora yoki jigar rang bo'yoq bilan tasvirlab ko'rsa bo'ladi. Tasvirlash uchun tanlangan buyumlar, masalan deylik sabzavotlarni to'g'rash taxtasi va sapol kosachani kursi ustida shunday qo'yish kerakki ulardan biri oldinroq ikkinchisi orqaroqda joylashsin va kosacha sabzavotlarni to'g'rash taxtasini qisman bekitib turadigan bo'lsin. Natyurmortni joylashtrishda katta-katta burmalangan oq surb matodan foydalanamiz va kosacha surpni ustiga qo'yiladi. Natyurmortga chap tomondagi derazadan tabbiy yorig'lik nurlari tushadigan bo'lsin. Orqa sath uchun och-moviyrang tusdagi gazlamadan foydalaniladi. Natyurmortni asosiy formatda boshlashdan avval kichik hajmda homaki eskizlar chizib kompozitsiya va masshtab masalalarini hal qilib olish kerak. Kompozitsiyaning qulay variantini izlash paytida har bir narsaning o'zini tasvirlash bilan birga ulardan tekislikka tushayotgan soyani ham hisobga olish kerak.

Oddiy qalamda ishlanayotganda o'chirg'ichdan iloji boricha kamroq foydalanishga harakat qilish zarur, aks holda qog'ozning silliq qatlami titilib ketadi va bo'yoq tekis tarqalmaydi. Tasvirlashda puxta bajarilgan chiziqli rasm bo'yoqlar bilan ishlashni ancha yengillashtiradi. Akvarel bo'yoq bilan ishlashni boshlashdan avval qog'oz mo'yqalam bilan namlab chiqiladi. Keyin tasvirning oppoq joyidan boshqa hamma joylari suyuq bo'yoq eritmasi bilan qoplab chiqiladi. Soyalarni birdaniga qoraytirib yubormasdan asta-sekin bir qatlam qurigach ikkinchisini qo'yish yo'li bilan to'qlashtirib borish kerak. Sabzavotlarni to'g'rash taxtasi va kosaning shaklini sekin-asta aniqlashtirib borib ularni sirtida yorug'likning tarqalishini sinchiklab tahlil qilinadi. Sabzavotlarni to'g'rash taxtasini sopol kosacha va yumshoq matodan farqlanishini ifodalashga harakat qilinadi. Oxirgi bosqichda shakllarini maydalab ishlab chiqish narsalarning asoslar iyonida soyalarni biroz to'qlashtirib natyurmortning yahlit va ham ohang ko'rinishiga erishish kerak.

Grizayl uslubi bilan bir nechta natyurmortni tasvirlab o'rgandan so'ng butun ranglar majmuasi bilan natyurmortning rang-tasvirini ishlashga o'tish mumkin bo'ladi.

Shuni takidlab aytish mumkinki grizayl texnikasi qalamda chizilgan kompozitsiyani bo'yoq bilan ishlashda o'ziga xos “ko'prik” bo'lib, bo'lajak mutaxassislarining, chuqur atroflicha bilim olishlarida asos bo'ladi. Uni rang tasvir darslarida o'rganish muhimdir.

Xomaki rasmlar chizish va grizayl texnikasida ishlashni o'rganib olgandan so'ng ranglovxalar ishlab turishning ahamiyati kattadir. Rangtasvir darslarida talabaga uyga vazifa qilib ranglovxalar bajarib kelish topshiriladi. Ranglovhalarni o'z vaqtida bajargan talaba rangtasvir amaliy mashg'ulotlarida ijobiy natijaga erishadi. Mana shunday izlanishlarni davom ettirish esa tasviriy san'at asarlarini vujudga kelishiga sabab bo'ladi.

Mashhur rassomlarning hayoti va ijodi bilan yaqindan tanishsak, ular tasviriy

san’at sirlarini o’rganishda va bo’lajak asarlarini yaratishda xomaki rasm va grizayl texnikasida ishlash shuningdek ranglovxalar chizishdan unumli foydalanganliklarini guvohi bo’lamiz. Shunday rassomlardan Leonardo Da Vinchi, Rafael Santi, Rembrandt, Karl Bryullo; O’zbekistonlik rassomlardan O’ral Tansiqbayev Abdulhaq Abdullayev, Rahim Ahmedov, Malik Nabiyev, Javlon Umarbekov, Bahodir Jalolov, Alisher Mirzayev, A. Muminov, G’ Abduraxmonov, O. Qozoqov va boshqa rassomlarni aytish mumkin.

Tasviriy san’atga rasm chizishga qiziqayotgan yoshlar ustozlar o’rgatayotgan jamiki chizish qoidalarini mukammal o’rganishlari uchun ustozlarning o’gitlarga amal qilishlari va o’z vaqtida mehnat qilishdan qochmaslik kerak bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyot:

1. Oydinov N. Rassom-o’qituvchilarni tayyorlash muammolari. T., O’qituvchi. 1997.
2. Boymetov B. Qalamtasvir, T.: “Musiqqa” nashriyoti 2006.
3. O’rolov S. Mo’jizayaratish san’ati. T.: Mehnat, 1996.
4. S. Abdirasilov, N. Tolipov. Rangtasvir. T.: “Bilim” nashriyoti 2005.

Mahobatli rangtasvir san’ati.

Sh. Oydinov, V. Ziyodullayeva – SamDU

Vatanimiz yoshlarini har tomonlama yetuk barkamol bo’lib yetishishlarida buyuk ajdodlarimizning boy ilmiy, madaniy merosining ahamiyati juda kattadir. O’tmish tariximizni qanchalik chuqur va yaqindan o’rgansak uning yuqori darajada rivojlangan sohalari qatorida tasviriy san’atning ham o’z o’rni borligiga amin bo’lamiz. Tasviriy san’at – eng qadimiy va keng tarqalgan san’at turlaridan biridir. U o’z o’rnida grafika, rangtasvir va haykaltaroshlik kabi turlarga bo’linadi.

Tasviriy san’at turlari ichida rangtasvirning o’ziga xos tomonlari bor. Rangtasvir haqida fikr yuritar ekanmiz, uning rangli bo’yoqlar vositasida qogozga, matoga, devorga xullas tekisliklar yuzasiga ishlanadigan san’at deb bilamiz. Rangtasvir asarlari mazmunini ochib berishda ranglar muhim rol o’ynaydi.

Monumental rangtasvir me’morchilik bilan bog’liq bo’lib, ular binolarning devorlarini, shiftlarini bezashda qo’llaniladi.

Monumental rangtasvir tarixi ibtidoiy odamning g’or devorlariga chizgan rasmlaridan boshlanadi. O’zbekiston hududida ham qadimdan ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan rangtasvir namunalari kishilarni necha asrlardan beri o’ziga rom qilib kelmoqda. Bularning eng qadimiylari ibtidoiy Zaravutsoy, Sarmishsoy kabi tasvirlar hisoblanadi. Bu tasvirlarda ov manzarasidagi turli rasmlarni ko’ramiz. Bular qadimgi odamlarning hayotini, turmush tarzini tasavvur qilishga yordam beradi. Rangtasvir san’atidagi yutuqlarni kulolchilik namunalari bo’laklarida, tuproq ostida saqlanib qolgan binolarning devorlariga ishlangan suratlarda batafsilroq ko’rish mumkin. Samarqandning qadimiy o’rni Afrosiyobdagi devoriy rasmlar, Buxorodagi Varaxsha, Surxondaryoda joylashgan Termiz yaqinidagi Bolalik tepa tasviriy san’at namunalari bunga misol bo’la oladi.

Afrosiyob nomi bilan yuritilayotgan qadimgi devoriy rasmlarda rangtasvir

san'atining rang-barang va nafis namunalari mavjud. Rasmdagi tasvirlarda sharq xaqqlariga xos ko'rinishlar ifodalangan. Bu suratlarni kuzatar ekanmiz, rassom devoriy rasmda keng manzarani qamrab olishga intilganini ilg'aymiz. Devoriy tasvirda to'y safari, daryoda cho'milish, elchilarni qabul qilish marosimi, ov kabi ko'rinishlar aks etgan. Teparoqda joylashgan manzaradagi oq qushlar tasviri esa devoriy suratga yanada badiiy mazmun kiritgan. Tasvirda oq qushlarning harakati bir-biriga uyg'unlashib ketganki bu manzarada o'ziga xos musiqiy ohang jaranglab turgandek. Kompozitsiyaning rangga boy qilib tasvirlanganligidan Afrosiyob tasviriy san'ati nihoyat darajada badiiy yutuqlarga ega ekanligini ko'ramiz. Devoriy suratlarning juda ko'p qismi turli sabablarga ko'ra o'chib ketgan. Tasvirdagi obrazlarning mato va liboslardagi tasvirlarda humo qushi, qanotli ot, echki, tovus kabi turli qush va hayvonlar tasviri anatomik tuzilishiga mos aks ettirilgan. Bu esa musavvir mahoratidan darak beradi. Afrosiyob devoriy rasmlari nafaqat tasviriy san'atimiz merosini, balki butun sharq xalqlari tarixini o'rganishda ham juda katta manbalardan biri bo'lib xizmat qiladi.

Termiz yaqinidagi Bolaliktepa yodgorligidan topilgan bino devorlarining to'rtala tomoni ham turli ko'rinishdagi rangdor tasvirlar bilan to'ldirilgan. Bolaliktepa rangtasvir san'atida odamlarning kayfiyati, o'zaro munosabatlari, xarakterlari rassom tomonidan o'ta ustalik bilan tasvirlanganligini ko'ramiz. Umuman obrazlarning xatti-harakati, qiyofalaridagi ko'rinishlar qandaydir to'y yoki bayramona marosimni aks ettirmoqda.

Buxoroning qadimgi madaniy markazlaridan biri – Varaxshadan ham devorlari suratlar bilan bezatilgan hashamatli saroy qoldiqlari topilgan. Bu me'morchilik obidasi va undagi san'at namunalari sharq xalqlariga xos madaniy aloqalar qay darajada bo'lganligini o'rganish imkoniyatini ham ko'rsatib beradi. Umuman, tasvirlar rang-barang manzaralar bilan boyitilgan va ma'lum bir go'zallikni o'zida mujassamlashtirgan. Devoriy suratlardagi tabiat manzaralari turli daraxtlar ko'rinishlari bilan o'zgacha ma'no kasb etgan.

Umuman o'tmish tasviriy san'ati, mahobatli rangtasvir san'atining ajralmas qismi bo'lib kelgan. Nozik va nafis, rang – barang devoriy suratlar, haykaltaroshlik namunalari me'morchilik san'atini boyitibgina qolmasdan, u bino va xonalarni nima uchun, kim uchun xizmat qilganini ham har tomonlama aniqlab bergan. Qadimgi musavvirilar o'z hunarlarini tugal egallagan mohir san'atkor ekanliklarini ular yaratgan tasvirlarning me'yoriga yetkazib ishlaganligidan, obrazlar xarakterlarini to'laqonliligidan yaqqol sezish mumkin. Albatta, qadimgi rassomlarning barcha tuyg'u va fikrlari, shuningdek, rango – rang ijod olami va mo'yqalamining sehrli tasvirlari to'la – to'kis bizgacha saqlanib kelmagan.

Vatanimiz hududiga Islom dinini kirib kelishi bilan tasviriy san'atda o'ziga xos o'zgarishlar ro'y beradi. Yozma manbalarda keltirilishi bo'yicha bir qancha vaqt rassomlar ijodida jonli mavjudotlarni tasvirlash sezilarli darajada kamayadi. Bu davrda me'morchilik binolari amaliy bezak san'ati orqali, rangli naqshlar orqali bezatilishi nihoyat darajada rivojlangani kuzatiladi.

XI-XII asrlarda tasviriy va amaliy san'at bir-biri bilan o'zaro uyg'unlashgan holda rivojlangani ma'lum. San'atkorlar ijodida turli geometrik shakllardan

tashqari, o'simliklar, hayvon va qushlar tasviri bo'lgan naqshlardan foydalanilgan. O'sha davr boy zadogonlar, hukmdorlarining qasr va uylari, mehmonxonalar devorlari suratlar bilan bezatilganligi haqida ma'lumotlar saqlanib qolgan. Bu suratlarda jang, ov manzaralari, qabul marosimlari va bazmlar tavirlangan. O'rta Osiyoga Chingizxonni bosqinchilik yurishi Vatanimiz hududida gullab yashnab turgan san'at va madaniyatini vayron qiladi. Uning ijodkorlarini esa qirib yuboriladi.

Sohibqiron Amir Temur davriga kelib ilm fan, san'at va madaniyat yuqori darajada taraqqiy etganligi ma'lum. O'z davrida Amir Temur Samarqandni yirik madaniyat markaziga aylatirgan. Bu yerda ko'plab bog'lar yaratilgan. Ayrim qasrlarning devorlari turli tasviriy san'at asarlari bilan bezatilganligi haqida fikrlar mavjud. Umuman, bu tarixiy tasviriy san'at asarlarining asosiy qismi bizgacha deyarli saqlanib qolmagan bo'lsa-da, ushbu davr tasviriy san'at namunalarning ma'lum va mashhurligi ko'pchilikka sir emas.

XIV – XV asrlarga kelib qo'lyozma kitoblarning qayta ko'chirilishi natijasida ko'plab tasviriy san'at namunalari yuzaga keladi va ular kitobat san'atini yanada boyitadi. Temur faoliyatidan so'ng esa Samarqandda tasviriy san'at yanada rivojlangan. Temuriylar davri nafis tasviriy san'ati haqida o'zlarining “Miniatyura tarixidan lavhalar” kitobida N. Norqulov, I. Nizomiddinovlar shunday yozadilar. “Devorga surat chizish san'ati Mirzo Ulug'bek zamonida yanada yuqori pog'onaga ko'tarildi.”. Bundan ko'rinib turibdiki Mirzo Ulug'bek davrida mahobatli tasviriy san'at taraqqiy etgan.

XVII-asr me'morchilik san'atida tasviriy va amaliy san'at uyg'unlashib jonli mavjudotlar ishtrokida mahobatli devoriy rangtasvir asarlari yaratiladi. Samarqand shahridagi Registon ansambilining Sherdor maqbarasidagi sher va ohu ishtrokidagi kompozisiya bunga misoldir.

Mahobatli rangtavir san'ati haqida fikr yuritganda O'zbekiston xalq rassomi, monumental devoriy rasmlarning mohir ustasi Chingiz Ahmarov (1912-1995) haqida eslamasdan o'tolmaymiz. Rassom yoshlik yillaridanoq Qarshi, Samarqand shahridagi sharqona me'morchilik obidalaridagi amaliy san'at sirlariga juda qiziqadi va unga mahliyo bo'lib boqadi. Shuningdek rassom ko'plab o'zbek adiblarining, jumladan buyuk bobomiz Alisher Navoiy asarlarini qunt bilan o'qib o'rganadi. O'zbek milliy adabiyotiga, she'riyatiga bo'lgan qiziqishi oshadi va ular asosida sharqona asarlar yaratishga intiladi. 1945 yilda yaratilgan “Shirin portreti”da Navoiy bobomiz orzu qilgan o'zbek ayollariga xos go'zallik, iffatlilik va o'ta nazokatli xususiyatlarni Chingiz Ahmarov bo'yoqlar orqali jonli tasvirlashga muvaffaq bo'ladi.

1947-yilda Alisher Navoiy nomli O'zbek davlat akademik katta teatrini bezatilishida rassom o'z imkoniyatlarini namoyish eta bilgan. Bu yerda ishlangan monumental tasvirlar “Saddi Iskandariy”, “Farhod va Shirin”, “Bahrom Go'r va Dilorom”, “Layli va Majnun” kabi devoriv suratlarda milliy tuyg'u va an'analar gavdalanitiriladi. Chingiz Ahmarov keyingi yillardagi ijodida ham mumtoz adabiyotimizga tayanib ajoyib devoriv rasmlar va shu kabi boshqa ko'plab ijodiy asarlar yaratadi

Chingiz Ahmarov mustaqillik yillarida ham samarali mehnat qilib go'zal asarlar yaratish bilan bir qatorda ajoyib rassom shogirdlarga ustozlik qildi. Ular orasida

Temur Sadullayev, To'xtabek Sobirov, Sobir Jumamurodov kabi o'nlab sevimli shogirdlarga ustozlik qilgan

O'zbekiston hududidagi rangtasvir san'at namunalari yurtimiz ahlining ajdodlari juda ko'hna va boy madaniyat va san'at sohibi ekanligidan, ularning yuksak badiiy saviyada asarlar yaratganligidan darak beradi.

Foydalanilgan adabiyot:

1. Hasanov R. Tasviriy san'at asoslari. T.: G'. G'ulom nomidagi nashriyot matbaa –ijodiy uyi. 2009.
2. Oydinov N. Rassom-o'qituvchilar tayyorlash muammolari. T.: “O'qituvchi”-“Ziyo-noshir”, 1997.
3. Bo'latov S. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati. T.: “Mehnat”, 1991.

Rassom G'ofir Abdurahmonov asarlariga bir nazar.

Sh. Oydinov, V. Ziyodullayeva –SamDU

Yuksak mahorat bilan ishlangan tasviriy san'at asarlarini vaqtlar o'tishi bilan madaniy meros sifatida qadri oshib boradi. O'tgan vaqtlarni tarixga aylanib kishilarni ana shu tarix bilan tanishtrading vositalardan biriga aylanadi. Shu bilan birgalikda tarbiyaviy vosita sifatida yanada qadrlanadi. Tasviriy san'at asarlarini tushunishning bir oz osonligi shundaki rassom o'z fikri va mulohazalarni tahlil qilib umumlashtrib bo'lgan voqeyliklarni tomoshabin hukmiga havola qiladi. Shunday ekan kelajak yoshlarni komil, sog'lom, teran fikrli, dunyo qarashi keng, Vatanga, halqimizga foydasi tegadigan barkamol insonlar bo'lib yetishishida tasviriy san'atning ham beqiyos o'z o'rni bor.

Mamlakatimizda yoshlarning tasviriy san'at orqali tarbiyalanishiga ularning ilk yoshlik davrlari, bog'cha yoshidan boshlab e'tibor qaratiladi. Bolalar atrofidagi voqelikni o'zlaricha talqin qilib boradilar. Ularning tasviriy san'at bilan yaqindan tanish bo'lib borishlari dunyoni to'g'ri anglab olishlarida yordam beradi. Rassomlar asarlarini kuzatish bilan birgalikda, badiiy tahlil qilishning ham ahamiyati beqiyos. Mustaqillik yillarida ijod qilgan rassom istedodli mo'yqalam ustasi, rangtasvirda ko'plab asarlar yaratganligi bilan ajralib turadigan ustoz pedagog professor G'ofir Abduraxmonovdir. U kishi tasviriy san'atining ko'pgina janrlariga dadil murojat qila olgan. Rassom ayniqsa mavzuli kompozitsiyalar ishlab manzara, natyurmort, portret janrlarida samarali ijod qiladi. Rassom ijodining ajralmas va o'ziga xos tamonlaridan biri natyurmort janri bo'lib, o'z natyurmortlarida ona tabiat sahovatini mahorat bilan tasvirlab beradi. G'ofir Abduraxmonovning asarlarini kuzatsangiz tasvirlardagi go'zal ko'rinishlar nozik chizgilar, rassomning naqadar nafis didli ekanligidan dalolatdir. Sharqimizning chiroyli tabiati, sof havosi, yeri, sarviqor tog'lari, ser meva bo'g'lari, o'simligi, hayvonot dunyosi, qo'yinki barcha-barchasini rassom asarlarida ustalik bilan ifodalangan. Rassomning asarlaridan “Baqqol” deb nomlangan natyurmort asarini badiiy tahlil qilinsa quyidagicha ta'riflash mumkin. “Baqqol” asarini tomosha qilar ekansiz be ixtiyor turli hayollar olamiga chumasiz. Tasvirda aks etgan buyumlarni birma – bir ko'zdan kechirar ekansiz, qandaydir ko'nglingizda mayin iliqlik sezasiz. Qalban yuzingizga tabbasum

yugurganday bo'ladi. Asar sizni huddi o'zi bilan so'zlashishga chorlayotgandek tuyiladi. Kompozitsiya jihatidan murakkab tuzilgan bu natyurmotda uy ro'zg'or buyumlari, mevalar, rangli matolar ranglar jilvasi orqali jonli ifodalangan. Natyurmortning orqa ko'rinishida milliy mis ko'za, uning yuqori qismida qovun hamda kartinaning chap tomonini o'rta qismida yana bir qovun tasvirlari joylashgan. Bu uchala predmetni rassom shunday joylashtirganki, natyurmort tuzish va kompozitsiya qoidalaridan mohirona foydalanilgani yaqqol ko'rinib turibdi. Tasvirning oldi qismida tarozi va uning toshlari joylashishi, natyurmort mazmuni ochib berishga hizmat qiladi. Shuningdek, natyurmortda sopol idishga solingan turli xil mevalar hamda uy ro'zg'or buyumlari tasvirlangan. O'tmishimizni eslatuvchi jundan to'qilgan milliy gilam ham o'z o'rnida joylashtirilgan. Asar kompozitsiya jihatidan mukammaldir. Rassom G'. Abdurahmonov «Baqqol» natyurmortini rangtasvirda ifoda etib, undagi buyumlar shaklini, materialligini, yorug' - soyalarni, tekisliklarni aniq ko'rsatib bera olgan. Asar shunchalar mahorat bilan ishlanganki, tasvirdagi har bir predmetga nazar solinsa, go'yoki ularni qo'lingiz bilan ushlab ko'rishingiz mumkindek bo'ladi. Chunki, undagi barcha narsalar tasviri bo'yoqlar yordamida asli kabi tabiiy tasvirlangan. «Boqqol» natyurmorti zo'r mahorat bilan tasvirlangan asar deb hisoblanadi. Asarni tahlil qilar ekanmiz ayniqsa mis ko'zaning orqa tomonida xiyol ko'rinmas qilib tasvirlangan piyola kishi diqqatini tortadi. Tashqi tamoni qizil rangda ifodalangan bu piyola, atayin natyurmortni qiziqarli chiqishi uchun ham bir oz ko'rinmas qilib joylashtirilganmi? degan savol tabiiy tug'iladi. Yoki piyolani to'liq ko'rinadigan qilib tasvirlasa qanday bo'lar edi degan fikrlar beixtiyor yodga keladi. O'z - o'zidan ko'rinib turibdiki «Baqqol» natyurmorti kishini fikrlashga, o'ylashga, shuningdek, tomosha qilishga chorlaydi.

G' Abdurahmonovning mustaqillik yillarida yaratgan asarlarini, erishgan yutuqlarini takidlab “SAN'AT” jurnalining 3/2012-sonida “An'analar davomchi” nomli maqolasida Urimbay Nurtayev shunday yozadi. “2001 yilda G. Abdurahmonov, V. Akudin, M. Ahmedov, M. Sodiqov, Yu. Chernishev, Ya. Salpinkidi, I. Bahromov, I. Shin, D. Mursalimov singari O'zbekistonning taniqli rassomlari bilan birga “Oqtosh» ijod uyida ijodiy safarda bo'ldi. Uning o'shanda yaratgan Oqtosh vodiysi va tog' cho'qqilari tasvirlangan rangtasvir asarlar turkumida haqiqiy o'ziga xos uslubi namoyon bo'ldi. “Oqtosh. Chashma oqmoqda”, “Oqtosh. Tong”, “Tun”, “Oqtoshda kuz”, “Oqtosh. Sukunat” - ushbu kartinalar koloristik gammasi jixatidan ham, kompozitsion tuzilishiga ko'ra ham juda ajoyibdir.

G'. Abduraxmonovning zamonaviy manzaralarida Xumson va G'ilonning tog' cho'qqilari, ilonizi yo'llar, bahorda gullagan bog'lar, kuzgi daraxtlarning oltin rang shox va yaproqlari tasvirlanadi. Ular juda hayotiy aks ettirilganidan xuddi ko'rib turganday bo'lasan kishi. Ularda ranglar qalashtirib tashlanmagan. Shu boisdan tomoshabinning nigohi go'yo bo'yoqlarning yupqa surtmasidan o'tib, voqeylikning poyonsiz sarhadiga singib ketadi”. Mana shunday O'zbekistonda yashab ijod qilgan va qilayotgan ijodkor rassomlar asarlarini juda ko'plab keltrishimiz mumkin. O'zbekiston halq rassomi O'ral Tansiqboyevning “O'zbekistonda mart”, “Tog' oqshomi”, “Mening qo'shig'im”. Malik Nabiyevning “Beruniy”, “Amir Temur”, “Bobur”, “Spitamen qo'zg'oloni”. Abdulhaq Abdullayevning “Shahlo”, “Buvi va

nevara”, “Malika”, “Lola”, “Xumsonlik ayol”. Haykaltarosh Jo’ldosbek Quttimurodovning “Qiz bola”, “Ayol haykali”, “Qaraqalpoq qizi”, “Kelinchak”, “Barno”. Laylo Salimjonovaning “Soy boyida”, “Oq tosh”, “Varrag”, “Oq gullar”. Haykaltarosh Ilhom Jabborovning “Amir Temur”, “Al Farg’oni”, “Jaloliddin Manguberdi”. Bahodir Jalolovning “Tog’ qishlogi”, “So’qmoq”, “Ibn Sino”. Alisher Mirzayevning “Toshkent – tinchlik va do’stlik shahri”, “Bolaxonada”, “Intizorlik”. Akmal Ikromjonov “Orol mening dardim”, “Chaqmoq”, “Darvesh”, “Guldonli Natyurmort” va shu kabi boshqa ko’plab misollar keltrishimiz mumkin.

Birgina natyurmort yoki manzara janrida maromiga yetkazib ishlangan asar kishi ruhiyatiga qanchalik ijobiy ta’sir etishini so’z bilan ifoda etish qiyin. Albatta har – bir tasviriy san’at asarini ko’z bilan ko’rib, qalb bilan sezish, his etish kerak. Tasviriy san’at asarlari va ijodkorlari bilan yaqindan tanishish, rassomlarning ustaxonalariga, ularning ko’rgazmalari tashkil etilgan joylarga, mu’zeylarga, ota-bobolarimiz tamonidan bunyod etilgan tarixiy me’morchilik obidalariga, sayohat qilishning ahamiyati katta. Rassomlar tomonidan yaratilgan asarlarning har biri kishi qalbida hayajon uyg’otadi. Kishini go’zallikga chorlab, uning estetik dunyo qarashini shakllanishiga ijobiy tasir ko’rsatadi. G. Abdurahmonov. “Boqqol” natyurmorti.

Foydalanilgan adabiyot:

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch. T. Ma’naviyat, 2008.
2. Hasanov R. Tasviriy san’at asoslari. G’. G’ulom nomidagi nashriyot – matbaa uyi. 2009.
3. Norsayid Oyidinov. O’zbekiston tasviriy san’ati tarixidan lavhalar. T. “O’qituvchi”, 1997.
4. “SAN’AT” O’zbekiston badiiy akademiyasi jurnali. 3/ 2012.

Таълим-тарбияда компьютернинг ўрни

А.Қурбонов СамДАҚИ ўқитувчиси М.Ахмедова СамҚМХК ўқитувчиси

Маълумки, ҳозирги пайтда педагогик таълим жараёнида турли соҳалар бўйича тарбиявий фикрлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай фикрлар компьютер технологиясидан фойдаланишда муҳим ўрин эгаллайди. Компьютерни билган педагог унинг файлларида ажойиб тарбиявий фикрлар борлигига гувоҳ бўлади. Айни пайтда таълим-тарбия соҳасида кўпгина ўқимишли зиёлилар, олим ва педагоглар ўз фикрларини интернет сайтларига жойлаштирадилар. Барча педагоглар улардан ўқув жараёнида талабаларни тарбиялашда фойдаланиши мумкин. Биз ана шундай омиллардан фойдаланишни тавсия этамиз. Чунончи, интернет сайтларидан бирида бевосита ўқув жараёнида таълим-тарбия соҳаси учун муҳим педагогик фикрлар акс эттирилганини кузатдик. Булар қуйидаги мавзулар билан боғлиқ:

1. Тилофатлари. Биринчи офат: Тилдан келадиган офатлар кўп ва турли-туман бўлиб, улар қалбни сархуш қилади. Одам табиатида ҳам уларга мойиллик бор. Мазкур офатлардан қутулишнинг энг осон йўли жим туриш орқали бўлади. **«Жим сукут сақласа, нажот топади».** Бу жуда катта фазилатдир. Жим туриш фикрни жамлайди ва софлайди. Бу ҳақда

юқоридагидек, бир қанча ҳадислар яратилганлиги маълум. “Биринчи офат – кераксиз сўз”. “Кераксиз сўздан фойдаланиш вақтни қадрига етмаслик”. “Вақтнинг қадрига етган одам уни фойдасиз нарсага сарфламайди. Чунки илм олишни қўйиб, кераксиз гап-сўзлар билан машғул бўлган одам гавҳарни қўйиб, тезакни олган билан баробардир. Бу эса умрни бекор ўтказишдир”.

Иккинчи офат. Бу офат– ботил сўзга киришиш. Ботил сўз ичкиликбозлик мажлислари ва фосиқларнинг қилмишларига ўхшаш нарсалар ҳақидаги гаплардир. Жумладан, жанжал ва тортишувлар ҳам ботил гапга яқин нарсалардир. Уларда бировнинг хатосини исбот қилиш учун низолашилади. Бунга бировдан устун келиш истаги сабаб бўлади ёки бировнинг ғийбатни қилади. Жанжал ва тортишувлардан каттароқ офат хусумат қилишдир. Айниқса, ботил йўл билан ва илмсиз равишда хусумат қилиш жуда ҳам ёмон иш. Чунки у қалбларни ҳасадга тўлдиради, ғазабни кўзғатади ва бировларнинг обрўсига тил теккизишгача олиб боради. Шунинг учун ҳақли кимса ҳам, иложи борича, хусуматчиликдан ўзини олиб қочгани афзал.

Учинчи офат – гапда чуқур кетиш.

Бу нарса оғиз тўлдириб, муболаға ва ўхшатишларнинг қофиясини келтирган ҳолда гапириш ила бўлади. Албатта, маърузачиларнинг қофиясини келиштириб гўзал гапиришлари бу жумлага кирмайди. Чунки улар таълимий таълимотларни кишиларга етказишлари учун одамларга таъсир қиладиган чораларни кўришлари зарур.

Тўртинчи офат – фаҳш, сўкиш ва ачитиб гапириш.

«Фаҳш» сўзи «қабих», «уят», «шармсизлик» маъноларини англатади. Донишмандлар фаҳшни турлича таърифлайдилар. Масалан, Журжоний: «Фаҳш соғлом табиат нафрат қиладиган ва мустақим ақл нуқсон санайдиган нарсалардир», деб таърифлайди. Роғиб: «Фаҳш – қабихлиги катта бўлган гаплар ва ишлардир», деган. Сўкиш ва ачитиб гапириш арабчада «базоъа» дейилади. Бу сўз луғатда мавжуд бўлган, рост бўлса ҳам, аччиқ ва уятсиз гапни англатади.

Маълумки, фосиқлик катта гуноҳ ҳисобланади. Шариат кўрсатган чегарадан чиқиб, гуноҳ ишларни қилувчилар фосиқ ҳисобланади. Фиск диндан, инсонийликдан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирганлардир. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда сўкиш фиск, уруш эса куфр дейилмоқда. Чунки фиск куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам урушга олиб боради.

Одатда, одамлар сўкишга унча эътибор бермайдилар. Сўкса, сўкилиб қолармиди, деб кетаверадилар. Жаҳли чиққандан кейин сўкади-да, деган ноўрин мулоҳазаларни ҳам айтадилар. Сўкиниш одобсизликнинг намунасидир. Аслида эса сўкиш гуноҳ ва қабих иш бўлиш билан бирга, натижаси каттароқ гуноҳ ва ҳалокатларга элтувчи йўл ҳам ҳисобланади. Кетма-кет давомсиз сўкиниш кишини жарёқасига олиб келади. Жар ёқасига келгандан сўнг унга тушиб кетиш ҳеч нарса бўлмай қолади. Демак, сўкишга эътибор бермай, сўкса нима бўпти, дейиш мутлақо нотўғри ишдир. Бундай одобсизлик мавжудлигига таълим-тарбия соҳасида асло эътиборсиз қараб бўлмайди. Ўзаро муомалада

биринчи бўлиб сўккан киши катта маънавий жиноят қилган бўлади. Орадаги ҳурмат ва иззат, ўзаро тушуниш пардасини йиртган, ёмонликка йўл очган бўлади.

Хусусан, сўкишни кўп ишлатадиган одамлар катта гуноҳларга сабаб бўладилар. Улар олий илм даргоҳларини битирган, катта мансабларни эгаллаган, яхши кийиниб, яхши яшашаётган бўлишлари ҳам мумкин. Модомики, ичларида яхшиликка амал қилдирувчи куч йўқ экан, ўзларининг сўзларини тузатолмас эканлар, ким бўлишларидан қатъий назар, фосиқ бўладилар, маданиятсиз, тубан инсон ҳисобланадилар.

Бешинчи офат – мазах. «Мазох» арабча сўз бўлиб, аслида, ҳазил-мутойибани англатади. Бинобарин, ҳазил-мутойиба учун, рост гапларни гапириб, озроқ мазах қилиш жоиз.

Олтинчи офат – масхара ва истехзо. «Масхара» сўзи луғатда «бировни ҳақир – паст санаш» ва «хор билиш, хўрлаш» маъносини англатади. 1. Масхара қилиш бировнинг айбини пастга уриш, хорлаш йўли ила кулгига олишдир. 2. Гоҳида гап ва амалга ўхшатиш қилиш, имо-ишора билан ёки лақаб қўйиш билан ҳам масхара бўлиши мумкин. Масхара ва истехзо қилиш динсиз, мунофиқ ва кофирларга хос сифатдир. 3. Масхара инсон ҳуқуқини очик-ойдин бузишдир. 4. Масхара қалбни ўлдиради ва ғафлатга сабаб бўлади.

Еттинчи офат – ёлғон. Ёлғон араб тилида «кизб» дейилади ва луғатда ростнинг тескарисини англатади. Ёлғончилик сўзда бўлиши билан бирга амалда ҳам бўлади. Бунда ёлғончи бўлмаган нарсани бўлган қилиб кўрсатиш учун ҳийла қилади. Ёки унинг акси бўлиб, бўлган нарсани бўлмаган қилиб кўрсатишга уринади.

Хуллас, бунга ўхшаган интернет файлларида акс эттирилга таълим тарбиявий фикрлар ёшларни ўқув жараёнида намунавий одоб-ақлоқ саҳасидаги билмини оширишга муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиздир..

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида мустақил ишларни ташкил этиш

Ф.Хамракулова, Ч. Бобоназарова, Б.Нарзуллаев-Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчилари

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бири бўлажак касб эгаларини ўз-ўзини ривожлантира олиш, мустақил равишда билим олиш даражасини орттиришга мойиллигини кучайтириш ва инноватсион фаолиятни амалга оширишга қодир бўлган ижодий шахсларни шакллантиришдан иборат. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ўқувчи-талабаларни ижодий изланишга, мустақил фаолият юритишга ундаш, билимларини уларни ўзлаштириш жараёни истеъмолчисига айлантириб қўймасдан, балки унинг фаол ижодкорига айлантириш зарур.

Ҳозирги глобаллашув даври ўқувчи-талабалар томонидан янги маълумотларни эгаллаш мустақил иш ва таълимни ташкил этиш методикасини

такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Шу маънода талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш муҳим шаклига эмас, балки таълим жараёнининг асосини ташкил этувчи муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Мустақил ишлар муаммоларни юзага келтириш, ўқув вазифаларнинг ечимини топиш, ўзлаштирилган билимларини мустаҳкамлаш, кўникма, малакаларни такомиллаштириш, амалий-лаборатория мазмундаги каби машқларни қамраб олади.

Ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларни алоҳида ажратиш мумкин:

- ўқувчиларнинг ақлий, иродавий ва жисмоний кучларини талаб этувчи ишлар;

-билиш ёки амалий вазифалар характеридаги ишлар;

-муаммоли вазиятларни ўзида мужассамлаштирувчи ишлар;

-қўйилган билиш ва амалий характердаги вазифалар ечимини топишда ижодий ёндошувни талаб этувчи мустақил ишлар;

-ўз фаолиятини режалаштириш, уни илмий ташкил этиш, бошқаларнинг ёрдамсиз вазифаларни бажариш, иш натижаларини мақсадга қийслаб баҳолашни кўзда тутувчи ишлар;

-мунтазам равишда ишнинг бориши, натижаларни назорат қилиш, керакли ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ва амалга оширишни такомиллаштириб боришни кўзда тутувчи ишлар;

-қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришга киришиш, бу ўз навбатида ўқувчи шахсини яхлит ривожлантиришга имкон бериб, ақлий ва амалий фаолият усуллари, ўз устида ишлаши ва ижодкорликнинг шаклланишига ёрдам беради.

Кўриниб турибдики, мустақил ишлар шунчаки бажарилишига йўл қўймаслик керак. Ҳар бир мустақил ишда маълум бир муаммони ҳал этиш талаб этилади. Бунинг учун ўқувчи-талаба мустақил фикр юрита олиши муҳим. Бу жараён муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Энг муҳими, мустақил ишни бажариш туфайли ўқувчи-талабаларда мустақил фикр юрита олиш малакаси ҳосил бўлади. Бундай ўқувчи-талабалар ностандарт ёки кутилмаган вазиятларда тезкор, аниқ ва тўғри қарор қабул қилишга асос ҳисобланадиган изланувчан ижодий фаолиятни таъминловчи жиҳатларга эга бўлади. Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи таълимий мотивлар қуйидагилар:

-мустақил ишларни бажаришга бўлган муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши;

-ўқувчиларнинг ижодий фаолиятдаги иштирокининг ўсиши.

-кўрик-танловларда, фан олимпиадаларида иштирок этиши;

-маълум вазиятларда ўқувчилар ўртасидаги мусобақалаштириш жараёнининг вужудга келиши.

Мустақиллик эркин ҳатти-ҳаракат, фикр юритиш, ташаббускор бўлиш ва қатъий қарор қабул қилиш қобилиятидир. Ўрганиш-ўқувчининг янги билимларни ўзлаштириш жараёнидир. Ўрганиш ўқув фаолияти даражасига

кўтарилиши учун ўқувчилар билимларини эгаллаш давомида уларни бойитадиган, ўқув ҳаракатларининг янги усулларини ўзлаштириш, мустақил равишда ўқув топшириқларини белгилаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз хусусий фаолиятини баҳолаш мезонларини билиши лозим. Демак, ўқувчининг билиш (фикрлаш) фаолияти репродуктив ва продуктив ҳаракатга эга. Ўқув вазифасига боғлиқ ҳолда ўқувчи ҳар хил ҳаракатларни бажаради (ёдлайди, эсга туширади, таҳлил қилади, умумлаштиради, ҳал қилади).

Мустақил ишлар турли кўринишларда бўлиш мумкин: манбалар билан ишлаш, кузатиш ишларини олиб бориш, лойиҳалаш, тажриба-синовлар ўтказиш, компьютерда ишлаш, Интернет тармоғидан фойдаланиш ва ҳ.к. Масала ва муаммоларнинг қай даражада кўйилишига қараб, ўқитувчи ўқувчиларни хилма-хил ақлий ҳаракатларга ундайди.

Мустақил ишларни тўғри ва изчил ташкил этиш натижасида ўқувчилар янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлади, ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдалана олади, электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлай олади, топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндоша олади.

Мустақил ишлар мустақил фаолият юритиш малакасига эга мутахассисни тайёрлашга кўмаклашадиган жараёндир. Мустақил фаолият юритиш сифатига эга мутахассис фақатгина кўрсатмаларга биноан фаолият кўрсатувчи оддий ижрочи эмас, балки масалалар ечимига ижодий ёндашиб, янгиликлар яратувчилик қобилиятига эга бўлади. Демак, мустақил ишлаш жараёни ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг асосий мақсад, вазифаларини бажаришда муҳим восита ҳисобланади.

Касб-ҳунар коллежлари мутахассислик фанларида ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш-давр талаби.

Э.Хўжамуродов, Д.Йўлдошева, О.Шодиева-Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчилари

Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон стандартларига жавоб берадиган таълим тизимини шакллантириш ва сифатини оширишга йўналтирилгандир. Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасидан республикамиз таълим жараёнига ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситалари кириб келмоқда. XXI асдаги ижтимоий тараққиёт ҳам таълимнинг ҳамма йўналишлари мазмунида сифат ўзгаришларини талаб этмоқда. Ўзбекистонда демократик давлат фуқароларини шакллантириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган, мавжуд муаммоларни мустақил таҳлил қила оладиган бўлғуси мутахассисларни вояга етказиш, тарбиялаш масалалари таълим тизимини модернизация қилиш билан боғлиқдир. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий –ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-

фуқарони такомиллаштиришни назарда тутди”, деб бежиз таъкидланмаган. Шунингдек, унда информатика ва ахборот технологияларни ўқув жараёнига кенг тадбиқ қилиш масаласига тўхталиб, ҳозирги пайтда олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ахборот - коммуникацион технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг долзарблиги эканлиги таъкидланган.

Шу мақсадда касб-ҳунар коллежларининг таълим-тарбия жараёнида сифат-самарадорликка эришиш, тизимни такомиллаштириш ҳамда машғулотларда ахборот коммуникацион ва замонавий, янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш мақсадида хорижий мамлакатларнинг грантлари асосида етук мутахассислар ва малакали педагоглар иштирокида семинарлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг бевосита ўрта махсус касб-ҳунар таълими даргоҳларида системали ўтказилиши албатта ўз самарасини беради. Жумладан, Самарқанд педагогика коллежида ҳам узлуксиз ҳар ҳафтада бир марта компьютер саводхонлиги бўйича семинар ва назарий ўқув машғулоти ўтказилиб, унда барча фан ўқитувчилари компьютер билан мулоқот қилиш, унинг имкониятларидан машғулотларда қандай фойдаланиш йўллари малакали мутахассислардан ўрганмоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат ва самарадорлик босқичида кўзда тутилган асосий вазифалардан бири ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуаларнинг янги замонавий турларини ишлаб чиқиш ҳамда электрон виртуал дарслик ва ўқув адабиётларидан фойдаланишдан иборат. Касб-ҳунар коллежлари учун ёзиладиган ўқув ишланмалари ва электрон дарсликлар илмий-назарий ва услубий жиҳатдан мукамал, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун имконият даражасида қулай ва содда бўлмоғи, уларда мавзуларнинг мазмуни ўқувчи ва талабанинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ДТС асосида ўқув дастурларига мос равишда ёритилмоғи лозим.

Таълим нуқтаи назаридан ахборот технологияларни жорий этишда қуйидаги муаммоларни билиш ва тушуниш муҳимдир:

Техник муаммолар-булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон-ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уларни амалда қўллаш хусусиятларини белгилайди;

Дастур муаммолари-булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди;

Тайёргарлик муаммолари-булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, ҳисоблаш техникасидан ҳам фойдаланиш ўқуви билан боғлиқдир.

Касб-ҳунар коллежларидаги мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув, назарий-амалий ва тажриба машғулоти жараёнлари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларнинг компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқитишни ташкил этиш;

-касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини замонавий педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг шакл ва усулларини жорий этиш;

-мутахассислик фанларини ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг амалий методларини такомиллаштириш.

Ана шундай вазифаларни амалга ошириш учун касб-ҳунар коллежлари мутахассис ўқитувчиларидан ўз устида тинмай изланишларини, янги педагогик технологияларни ҳаётга жорий этиш мақсадида ахборот коммуникацион технологияларни қўллай олишни ва бунинг учун компьютер саводхонлигига эга бўлишни давр талаб этмоқда.

O'rta maxsus kasb-hunar kollejlari chet tillarini kasbga yo'naltirib o'tishning ahamiyati

D.Qosimova, M.Qodirova, F. Sattorova-Samarqand pedagogika kolleji o'qituvchilari

Mustaqilligimizning ilk yillaridanoq ta'lim-tarbiyaga jiddiy e'tibor berilishi tufayli O'zbekistonning ta'lim-tarbiya sohasidagi islohotlari samarasi jahon hamjamiyati tomonidan haqli ravishda yuksak baholanmoqda. Ma'lumki, ta'lim jarayonining ilg'or usullarini joriy etish yo'li bilan o'sib kelayotgah yosh avlodni chet tillarga o'qitish, shu tillarda erkin so'zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish hamda uning negizida jahon sivilizatsiyasi yutuqlari va dunyo axborot resurslaridan keng ko'lamda foydalanishlariga imkon yaratiladi. Ana shu ijtimoiy zaruriyat O'zbekiston taraqqiyotining istiqbolini belgilab beradi. O'zbekiston o'z taraqqiyot yo'lidan dadil odimlab, jahon maydoniga kirib borar ekan, bugungi yoshlarimiz o'z mutaxassisliklarini puxta egallashlari bilan birgalikda chet tilini, xususan ingliz tilini mukammal bilishlari, shu tilde o'z fikrlarini bayon qilishlari jida ham muhim.

Bugungi kunda jahon miqyosida globallashtirish jarayoni, texnik taraqqiyot, turli millat, elatlarning iqtisodiy, siyosiy, madaniy va boshqa sohalar bo'yicha yaqin hamkorligi, burlashishi ro'y bermoqda. Aha shu sabablar ham, Vatanimizning dunyo hamjamiyatida taraqqiyparvar davlat sifatida tanilib, o'z mavqei va o'rniga ega bo'lishi ham ayniqsa, istiqbolimiz egalari-yoshlarimizdan xorijiy tillarni mukammal bilishini taqozo etadi. Mazkur vazifalarni amalga oshirish maqsadida hukumatimizning bir qancha qarorlari qabul qilindi. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining 2012 yil 10-dekabrda "Chet tillarini o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi hamda, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 8-maydagi "Ta'lim muassasalarida uzluksiz ta'lim tizimining chet tillar bo'yicha davlat ta'lim standartini tasdiqlash to'g'risida"gi 124-sonli qarorlari shular jumlasidandir. Bu qarorlarda chet tillari, asosan ingliz tili fani o'qituvchilarining bilim va ko'nikmalari jahon ta'lim standartlariga javob berishini talab qilinadi.

Shu o'rinda birinchi prezidentimizning "Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish-oliy saodatdir" asarida berilgan quyidagi fikrlarni

keltirish joizdir.”Biz farzandlarimizga chet tillarini o’rgatishni takomillashtirish bo’yicha qamrovi va mazmun-mohiyati bo’yicha katta ishlarni boshladik.Jumladan, 2012-yil shu borada maxsus qaror qabul qildik.Shu qisqa davrda bu ishlarimiz o’zining ijobiy natijalarini bermoqda.Boshlagan ishlarimizni izchil davom ettirsak,nasib etsa,bu borada ham “portlash effekti”ga erishamiz.Shunda dunyoda bizning farzandlarimizning oldiga tushadigani bo’lmaydi”.

Shunday ekan , yurtning porloq istiqbolini yaratish,uning nomini jahonga keng yoyish,ulug’ ajdodlar tomonidan yaratilganmilliy-madaniy merosimizni jahonga namoyish etish,ularniboyitish,mustaqil O’zbekiston Respublikasining rivojlangan mamlakatlar qatoridanjoy egallashini ta’minlashyosh avlodning komil inson bo’lib kamol topishiga bog’liq ekanligini hisobga olibchet tilini o’qitish jarayonini tashkil etish lozim.

Hozirgi paytda maktab yoki o’rta maxsus kasb hunar kollejlarda chet tillarini o’qitilishi yuzasidan juda ko’p ishlar amalga oshirilmoqda.Shu o’rinda o’rta maxsus kasb hunar kollejlarda chet tillarini kasbga yo’naltirib o’tilishi katta samara berishi tabiiydir. Zero ta’lim jarayonini boshqarish usullari to’g’ri tanlangan taqdirdagina u samarali natija beradi.O’quv jarayonini boshqarish zarurligi insonni tajriba bilan o’zlashtirishning xususiyatidan kelib chiqadi.Masalan, pedagogika kollejlardagi “Maktabgacha ta’lim”yo’nalishlarida ingliz tilini quyidagicha kasbga yo’naltirib o’tishimiz mumkin.III-kurslarda “Look at your futury”(“Kelajakka nazar”)mavzusini kasbga yo’naltirib o’tganda dastlab o’quvchilarning mustaqil tayyorlab kelgan “My college”(Mening kollejim) va”My futury job”(Mening kelajakdagi kasbim) mavzusida slaydlar namoyish etiladi.O’quvchi bu slaydlarni ko’rsatish davomida bevosita kasbga doir ingliz tilidagi so’zlarni qo’llab taqdimotlar o’tkazishadi. Masalan:“I want to become an educator.Iwill work at the Kindergarten.It is very big and beautiful.There will be a lot of children in our Kindergarten. We look after them everyday.They are very clever and gay.I love children and I like my job”.

Bulardan tashqari o’quvchilarning faolligini oshirish maqsadida “Energiesing games”- o’quvchilarni yanada faollashtiruvchi qiziqarli o’yinlardan ham foydalanishimiz mumkin.Masalan,“ Qizil shapkacha”(“A red little cap”)va “Bobo sholg’om”(“A story about turnip”) ertaklari tanlanadi.Ertak qahramonlarining gaplari rollarga bo’linib,konvertlarga solinadi.Har ikki guruh sardorlari ertaklardan birini tanlab,bog’cha bolalari uchun qiziqarli ertak tomosha qo’yib berishga harakat qilishadi.Bunday kasbga yo’naltirilgan ingliz tili darslarida o’quvchilarning qiziqishlari,bilim doirasi,estetik taassuroti,badiiy obrazlarni idrok etishi va asosan chet tillarida muloqot qila olish ko’nikmalarini rivojlantiriladi.

Har bir dars o’qituvchi bilan o’quvchining hamkorligidan,ijodiy yondashishidan kelib chiqadi.O’quvchilarni o’z faniga qiziqтира olish o’qituvchidan katta mahorat va yuksak iste’dodni talab qiladi.Zero, bizning asosiy vazifalarimizdan biri ta’lim sifatini yaxshilash,uning hayot bilan aloqasini mustahkamlashdan iboratdir.

Таълим-тарбия тизимида таянч компетенциялар

Ж. Шодиев, С.Тошнӣзова, Д.Назарова-Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчилари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг барча йўналишлар каби таълим соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Ислоҳотларни ўтказишнинг зарурлиги шундаки, мустақил Республикамиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиши, илмий-техника ривожланишидан орқада қолмаслиги учун жаҳон андозаларига мос келадиган салоҳиятли кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунга кўра “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ишлаб чиқилди.

Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва Олий таълимда ўрганиладиган фанлар орасида узвийлик ва узлуксизлик таъминлаш мақсадида барча фанлар бўйича ДТС ишлаб чиқилди, ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлар тажриба-синовдан ўтказилиб, ҳаётга тадбиқ этилди. Бунда албатта, таълим-тарбия соҳасидаги илғор мамлакатларнинг ушбу тизим бўйича олиб бораётган тажрибалари ҳам ўрганилди. Шу билан бирга айрим йўналишларда самараси юқори бўлмаган ҳолатлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, чет тилларни ўқитиш анъанавий равишда, илғор ахборот-коммуникацион ва медиа-технологияларни қўлламасдан ўқитилаётганлиги, бу эса замон талабига жавоб бермаслиги Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПП-1875 рақамли қарорида ўз аксини топди. Шунга кўра, мазкур қарор асосида тадбирлар режаси ишланиб, унда мавжуд ўқув режаси ва дастурларни “Чет тилларни эгаллашнинг Умумевропа компетенцияси”га мос равишда қайта ишланиши белгилаб берилди. Хўш, “Компетенциявий ёндошув” ўзи нима?

“**Competence**” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони беради. Сўзма-сўз таржима қилинганда, “мусобақалашмоқга лаёқатлилиқ” маъносида келади.

Ўтган аср охирида ўтган таълим бўйича халқаро конгрессда педагог-олим Жак Делорф таълим таянадиган тўртта устунни таърифлаб берган эди: -бу билишни ўрганиш, бажаришни ўрганиш, биргаликда яшашни ўрганиш,

1996 йилнинг 27-30 март кунлари Берн шаҳрида Европа Кенгаши дастури бўйича ўтказилган симпозиумда, таълимни ислоҳ қилиш учун энг муҳим нарса таянч компетенцияларни белгилаб олиш керак эканлиги, бу эса ўз навбатида таълим олувчиларнинг муваффақиятли равишда ишлай олишлари ва сўнгра олий таълим олишлари учун зарурлиги ҳақида масала қўйилади.

Компетенцияларни ишлаб чиқарувчи асосий мутахассислардан бири В.Хутхамер “Европа ёшлари эга бўлиши керак бўлган” бешта таянч компетенцияларнинг таърифларини келтиради. Бу компетенциялар қуйидагилардан иборат:

-ижтимоий ва сиёсий компетенциялар: жамоада қарор қилишда қатнашиш

ва у ҳақда жавобгарликни ҳис этиш;

-кўп маданиятли жамият ҳаёти билан боғланган компетенциялар: таълим орқали ёшларга маданиятлараро компетенцияларни, яъни бошқаларни ҳурмат қилиш, бошқа маданиятга, тилга ва динга эга бўлган инсонлар билан биргаликда яшай олиш каби зарурий хислатларни сингдириш керак;

-оғзаки ва ёзма мулоқотга киришиш билан боғлиқ компетенциялар: Бунда ўз она тилидан ташқари яна бошқа тилни билиш ҳам муҳимлиги кўзда тутилади;

-жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ компетенциялар: оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборотларга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш, унинг кучли ва кучсиз томонларини ажрата билиш учун ахборот технологияларни билиш;

-касбий ва ижтимоий ҳаёт тақозосига кўра бутун ҳаёти давомида узлуксиз равишда ўқиб ўрганиб бориш.

2006 йил 18 декабрда Европа парламенти ва Кенгаши узлуксиз таълим учун куйидаги таянч компетенцияларни тавсия қилди:

1.Ўз она тилида мулоқот қила олиш;

2.Чет тилида мулоқот қила олиш;

3.Математик компетентлик ҳамда фан ва техника соҳасидаги асосий компетенциялар;

4.Рақамли компетентлик;

5.Ўқишни ўрганиш;

6.Ижтимоий ва фуқаролик компетенцияси;

7. Тадбиркорлик ва ташаббускорлик туйғуси;

8.Маданиятдан хабардор бўлиш ва уни ифодалаш.

Ҳозирги пайтда кўпгина Европа мамлакатлари ушбу компетенциялар асосида таълим тизимини яратган. Британияда олти таянч компетенциялар асос сифатида олинган. Асосий компетенциялар:

-мулоқотга киришиш;

-ҳисоб-китоблар юритиш;

-ахборот саводхонлиги.

АҚШда 1980 йиллардан таълим стандартлари ишлатила бошланди. Маълумки, АҚШда таълим тизим марказлаштирилмаган. Шунга кўра, таълимга доир кўпгина масалалар ҳар бир штат томонидан ҳал қилинади.

Германияда 1970 йилда ўтказилган тадқиқотларнинг бутун мамлакат бўйича паст натижа кўрсатганидан кейин таълим стандартлари ва дастурлари ишлаб чиқила бошланди. Немисларнинг стандартида таълим тизимида асосий эътибор ўқувчиларда таянч малакалар ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб ўқув дастури ортиқча билимлар билан тўлдириб ташланмаган. Германияда 2004 йилдан бошлаб мактаб таълими стандартлари мажбурий ҳисобланади.

Россияда таълим стандартлари 1992 йилда ишлаб чиқилди, 1993 йилдан вақтинчалик таълим таълим стандартлари ишлаб чиқила бошланди. 2000 йилдан бошлаб давлат таълим стандартларининг биринчи авлоди (умумий

таълим) ва иккинчи авлод (олий таълим учун) ишлаб чиқиладиган бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2013 йил 4 июндаги “Умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги қарорига асосан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган 16 та умумтаълим фанлари бўйича амалиётчи ўқитувчилар, методистлар, етакчи олимлардан иборат ижодий гуруҳлар тузилди. Ижодий гуруҳлар компетенциявий ёндошувга асосланган умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тайёрлади. Мазкур ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаларини 2013-2014 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтказиш белгиланди.

Тажриба-синов объекти сифатида республика бўйича ҳар бир фандан иккитадан вилоятдаги умумий ўрта таълим мактаби ҳамда академик лицей ва коллежлар белгиланди. Синфда ўқитиладиган фақат биттагина фан воситасида ўқувчини компетент шахс сифатида тарбиялаб бўлмаслиги маълум. Шунга қўра барча фанлар бўйича 2014-2015 ўқув йилида ҳам давом эттирилди, ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаларининг тажриба-тадқиқот ишлари якуни бўйича республика Таълим марказида 2015 йилнинг 10-20 июн кунлари Илмий – методик кенгашда ҳулосалар қилинди.

Ана шундай зарурий компетенциявий заруриятлар асосида ишлаб чиқилган дастурлар бўйича табиийки дарсликлар ҳам қайтадан кўриб чиқилмоқда ва мақсадга мувофиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.

Тилларни ўргатишда интерфаол усуллардан фойдаланиш.

Ф.Якубова, М.Нуралиева, Н.Расулова--Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчилари.

Ҳар қандай тилни ўрганишдан мақсад-ўша тилда бемалол мулоқот қила олишдир. Талабаларнинг тил бўйича оғзаки нутқ малакаларини ўстириш учун интерфаол усулларни қўллаш машғулотларни қизиқарли ва самарали бўлишига олиб келади.

Ўқувчиларга тилларни ўқитишда қўшимча манбалардан самарали фойдаланиш, ёрдамчи ўқув воситалари - кўрғазмали қуроллар, турли расмлар, тарқатма материаллар, ўқитишнинг техник воситалари (магнитофон, ноутбук) кўмагида ўқувчиларнинг тилларга қизиқиш ва муносабатини янада юксалтириш мумкин. Ана шундай инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган дарс жараёнида ўқувчиларнинг тилларга бўлган қизиқишлари ортиб, уларнинг мустақил ижодий ишлаш малака ва кўникмалари такомиллашиб боради. Чунончи, суҳбат дарсларини ўрганишда “Зинама-зина”, “Ролли ўйинлар”, “Кўрғазмали усул”, “Кластер”, “Синквейн” каби интерфаол усуллардан фойдаланиш мумкин. Ундан ташқари мавзуга оид кичик шеър, топишмоқ, мақол ёки ибора, тез айтиш каби қизиқ маълумотлар ўйин тарзида ўрганилса, талабанинг дарсга янада қизиқиши ортишига, унинг

индивидуал ёндашишига, хотирасига ҳам мустаҳкамлашишига туртки бўлади.

Қуйида эса ўзбек ва рус тилларини ўқитишда фаолиятимизда қўллаб келаётган ва ўзининг ижобий натижаларини бераётган инновацион таълим технологияларидан айримларини 3- босқич талабалари учун “Илк таассурот” мавзуси орқали келтириб ўтмоқчимиз.

I. Ташкилий қисм. (15 минут) Дарс аввало ташкилий қисм билан бошлаб олинади. Даставвал талабаларни шу мавзуга жалб қилиб, уларнинг қизиқишини юзага келтириш учун саволлар ўртага ташланади. Мониторда 2 та талабанинг расми келтирилади: 1-талаба тартибли ва намунали. 2-талаба эса усти боши бетартиб ҳолатда тасвирланган.

Саволлар эса қуйидагича бўлиши мумкин:

➤ Ўнг томондаги кишини кўрсангиз қандай фикр юритасиз? Какого мнения вы будете о человеке справе?

➤ Сизлар нима учун биринчи таассуротни муҳим деб ўйлайсиз? Почему вы считаете, что первое впечатление-это главное?

➤ Сизлар 3 йил олдин бир-бирларингизни билмасдингиз. Илк учрашганингизда қандай инсон деб ўйлагансиз? 3 года назад вы не знали друг друга. Первое ваши впечатления об этом человеке?

➤ Танишганингиздан кейин аслида қанақа инсон экан? После того как вы познакомились, какого мнения вы теперь об этом человеке?

II. Янги сўзлар билан ишлаш (10 минут). Дарс мавзусига мослашилгандан кейин янги сўзлар билан таништирилади. Масалан, фаол- активный, ҳазилкаш-шутник, сокин- сдержанный, тартибли- порядочный ва ҳ.к. Бу сўзлар эса қолиши учун дарс давомида турли машқлар, кроссворд ёки гап тузиш мумкин.

III. Сухбат (20 мин). Монитор орқали 3 хил характердаги кичик матнлар ўқилади. Масалан Мафтуна, унинг опаси Вазира, дўсти Шохрух.

IV. Мафтуна – ҳазилкаш, чиройли, у кийган барча кийимлар ўзига ярашиб туради. Уни севадиган йигитлар кўп. Лекин унга биронтаси ҳам маъқул эмас. Мафтуна-шутница, красивая, всё что она оденет, всё ей идёт. Многие парни её любят. Но ей никто из них не нравится.

Опаси Вазира сокин характерли, сирни яхши сақлайди. биронинг гапини яхши тинглагани сабабли унга сирини айтадиганлар кўп. Сестра Вазира-сдержанная, умеет хранить секреты. Так как она очень внимательно всех слушает, много желающих секретничать с ней.

Бу машқни “Синквейн” усули орқали ҳам бажарса бўлади. Масалан,

Ҳамма кийим ярашадиган – чиройли – димоғдор қиз бу - Мафтуна”.

Бу машқлар оқали талабалар 3 хил характердаги инсонни, уларнинг характерига мос 3 хил таърифни ўрганишади ва янги сўзларни мустаҳкамлашади.

V. Кичик гуруҳларда ишлаш. (10 мин) Қуйидаги машқлар таржима қилинади. Саволларни 2- 3 та ҳам бериш мумкин. Жавоблар ёзилгандан кейин гуруҳлар ўз натижаларини бошқа гуруҳга тақдим қилишади. Ўқитувчи назорати остида гаплар текширилади.

1-гуруҳ: Ёмон таассуротли одам ҳам бор бўлсада, балки меҳрибондир

(бўлса керак).

2-гуруҳ: Одамларнинг катта қисми кайфияти ёмон бўлса, ёмон таассурот қолдиради(беради).Лекин кайфияти яхшиланса, яна яхши таассурот қолдиради.

3-гуруҳ: Доим кулиб юрган киши бошқа одамларга қандай таассурот беради (қолдиради)? Бундай одамлардан қандай таассурот оламиз?

VI. Ролли ўйинлар(10 мин). Бу босқичда талабалар 2 та катта гуруҳларга бўлинади. 1-гуруҳ “Салон хизматчилари”, 2-гуруҳ “Мижозлар гуруҳи”. 5 дақиқа давомида иккала жамоа ҳам 2 тадан расм чизишади.Расм чиройли проффесионал чиқиши шарт эмас.Шунчаки қаҳрамоннинг ташқи кўриниши ифодаланса, шунинг ўзи етарли. “Мижозлар” жамоаси ўзининг қаҳрамонини расмга қараб тасвирлайди(иккинчи жамоага кўрсатмаган ҳолда).Масалан, сочи калта, бўялган, қирра иякли каби таърифларни беришади.2-жамоа эса таърифларни эшитган ҳолда расм чизишади.Кейин эса иккала жамоанинг ҳам расмлари солиштирилади. Расм бир хил ёки ўхшаш бўлса 2-жамоага балл берилади. Уларнинг роллари алмашган ҳолда ўйин давом этади.

VII. Ибора ёки мақоллар ўрганиш(10 мин). Юқорида мавзуга оид ўрганилган 3 ибора такрорланади, мустаҳкамланади. Ва яна бир янги ибора (*менинг кўзимда кўзойнак, у меня на глазах очки*) ибораси ўрганилади. Бу иборанинг ишлатилиш ҳолатлари тушунтирилади. “Илк таассурот алдамчи” (первое впечатление-обманчиво),“Кўзойнак тақиб олганмисан?” (Вы примеряли очки), “Муҳаббат кўзингни кўр қилибди” (любовь ослепила тебя) деган маъноларни беради. Талабалар ҳар бир ибора учун гап тузишади

VIII. Вербал воситалар орқали мулоқот ташкил қилиш(10 мин). Талабалар бу босқичга келиб ўзларини ҳорғин ҳис қилишлари мумкин. Шунинг учун ҳам бу босқичга комик кўшиқни танлаш мақсадга мувофиқ. Талабалар кўшиқ матнида бўш қолдирилган жойларни тинглаб тўлдиришади. Бу кўшиқнинг матни ҳам ҳазилнамо қилиб яратилиб, мусиқаси ҳам дилни яйратадиган даражада бўлгани маъқул. Бу кўшиқни эшитган ҳар бир талаба чарчоқларини унутиб, юзига кулгу югуради.

IX. Якуний босқич(5 мин). Талабалар баҳоланади ва уйга вазифалар топширилилади.

Хулоса шуки, бирор бир тилни мукамал ўрганишни ўз олдига мақсад қилган шахс, авваламбор, ўз она тилини ҳар жиҳатдан мукамал эгаллаган бўлиши лозим. Шу боис ҳам, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, имкон қадар ҳар бир ўқувчига, унинг салоҳиятидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашган ҳолда, ўзлаштириш ва сингдиришнинг турли воситаларидан, энг муҳими, оғзаки нутқни ривожлантириш усулларида ҳам унумли фойдаланишимиз зарур. Бунинг учун ўқитувчи ўзининг барча маҳоратларини ишга солиши, мулоқот турларини расм ва мусиқалар орқали олиб боришини талаб этади.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил, 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Communication Activities for Korean Language Teacher, 2005

Matematika darslarida ta’limiy o’yinlar usulidan foydalanish afzalliklari

*D.X.Dusanova, Samarqand shahar 20-maktab, M.M.Botirov, F.T.Xoliqulov
SamDAQI qoshidagi 1-son akademik litsey*

Jadal rivojlanayotgan mamlakatimizda ta’lim sohasiga juda katta ahamiyat berilmoqda. Uch bosqichli o’qitish tizimlari va ularning uzviy bog’liqligi bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Yurtimizdagi 12 yillik majburiy ta’limning sifat va samaradorligini oshirish maqsadida yangi innovatsion o’qitish usullaridan keng foydalanib, bilim sifatini oshirishga qaratilgan ishlar bugun o’z samarasini bermoqda.

Dars qiziqarli bo’lishi uchun o’quvchilarni qiziqtiradigan va ularni yosh xususiyatlariga mos keladigan usullardan foydalanish kerak. Bunda ta’limiy o’yin darslarining ahamiyati katta. Dars jarayonida ta’limiy o’yinlarga 5-10 daqiqa yoki chorak oxirida va yirik mavzularni qaytarishda butun bir darsni ajratish mumkin.

Ta’limiy o’yin dars materiallarining mazmuni bilan uzviy bog’langan va o’quvchilar bilim saviyasiga mos bo’lishi kerak. Bunday darslar mazmuni va shakliga ko’ra har xil bo’lib, ularni aniq maqsadga yo’naltirilgan bo’ladi. Ta’limiy o’yinni o’tkazishdan avval unga puxta hozirlik ko’rish, kerakli jihozlarni oldindan tayyorlash hamda o’yin qoidalari tushuntiriladi. O’yinda faol qatgashgan va ularni shartini to’g’ri bajargan talabalar rag’batlantiriladi, baholanadi, mustaqil ishlari esa taqdirlanadi. Biz hozir **“O’yla, izla, top”** deb nomlangan noan’anaviy dars usulini ko’rsatamiz.

“O’yla, izla, top” darsini o’tkazish uchun sinf o’quvchilarini ikki kichik guruhlariga bo’lamiz. Bu guruhlarini har biriga nom beriladi. Keyin ularga tur bo’yicha savol va topshiriqlar beriladi. Guruh a’zolarining sardori tanlanadi. Guruh a’zolari savollarga va topshiriqlarga javob berish uchun muloqotga kirishadilar. Masalan, guruhga hosila va integral bo’limlarini o’tib bo’lgandan keyin sinf xonadagi o’quvchilarni jurnaldagi toq o’rindagi o’quvchilar 1-guruh bo’lib, ularni uchburchak nomi bilan; juft o’rindagi o’quvchilarni esa 2-guruh to’rtburchak deb nomlaymiz va guruh sardorlarini ko’rsatamiz hamda ularga oldindan tayyorlangan savol va topshiriqlarni berib baholab boramiz.

1-tur topshiriqlari

Bu turda guruh a’zolariga tezkor savollar beriladi. Masalan,

1. Qanday qilib 20 dan 88 ni olsak 22 qoladi?
2. Yonib turgan 5 ta shamdan 2 tasini o’chirsak nechta sham qoladi?

kabi savollar ikkita guruhga 10 tadan beriladi va har bir to’g’ri javob uchun 1 ball qo’yiladi.

2-tur topshiriqlari

Bu tur **“Ber savoling, ol javobing”** deb nomlanadi. Bu turda har bir guruh a’zolariga 5 tadan qiziqarli savollar beriladi.

3-tur topshiriq savollari

“Ehtiyot bo’l” bahsi(boshqotirma). Bu turda guruh ishtirokchilariga fanga oid boshqotirma savollar beriladi. Masalan, ko’paytma va bo’linmaning hosilalari

qanday olinadi? Tenglik to'g'rimi?. Har bir to'g'ri javob uchun 5 ball qo'yiladi.

4-tur topshiriqlari

“**Bilimdonlik**” bahsi. Bu turda har bir ishtirokchiga test savollari berilib, ular o'sha vaqtda tekshiriladi. Har bir to'g'ri javob uchun 2 ball qo'yiladi.

5-tur topshiriqlari

“**Omadli o'yinchi**” bahsi. Bu turda omadli o'yinchi tanlanadi. Omadli o'yinchi integral va hosilalar jadvalini doskaga yozish buyiriladi va to'g'ri javob uchun 5 ball qo'yiladi.

6-tur topshiriqlari

Bu turda guruhlar o'zaro bellashadilar. Unda topishmoqli masalalar (maqollar) yechiladi. Bu tur oxirgisi bo'lib, keyin guruhlar tomonidan to'plangan.

Ballar e'lon qilinadi va ta'limiy o'yin darsiga qatnashgan o'quvchilar bilimi baholanadi va rag'batlantiriladi.

Foydalanilgan adabiyot:

L.V.Golish, D.M.Fayzullayeva “Pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va rejalashtirish”, O'quv-uslubiy qo'llanma. Toshkent-2011 yil.

Algebraik masalalarni yechishda o'quvchilar faolligini oshirish usullari

Yo.Hamroyev, Q.Janiqulov, M.Botirov, T.Begmatov SamDAQI qoshidagi 1-son akademik litsey

Algebra kursini o'rganishda o'quvchilarga matematik qobiliyatlarini rivojlantirish asosan ayniy shakl almashtirishlar texnologiyasi bilan tanishtirish orqali amalga oshadi. Shu sababdan ratsional ifodalar ustida almashtirishlar bajarish usullariga o'rgatish ko'pgina matematik masalalarni oson hal etishga imkon beradi. Quyida butun qismini ajratish usuli yordamida o'quvchilarga turli masalalarni yechishga o'rgatishga to'xtalib o'tamiz.

Kasr-ratsional ifodalar qatnashgan masalalarning konkret yechish usullarini izlashga kasr ifodaning butun qismini ajratish yordam beradi.

Algebraik ifodalar shaklini o'zgartirishga doir mashqlar

$$\frac{c^3 - 8}{c + 2}$$

1-misol. $\frac{c^3 - 8}{c + 2}$ kasr qiymatlar qabul qiladigan barcha butun c larni toping.

Yechish. Ifoda butun qismini ajratish bilan $c^2 - 2c + 4 - \frac{16}{c + 2}$ masala c ning shunday qiymatlarini topishga olib kelinadiki, $c + 2$ soni 16 ning bo'luvchisi bo'lishi lozim. Demak, 0, 2, 6 va 14.

2-misol. Agar x va y raqamlar, $x \neq 0$ bo'lsa, $\frac{10x + y}{x + y}$ kasr qanday eng katta va eng kichik qiymatlar qabul qiladi?

Yechish. Berilgan ifodaga butun qismini ajratishni ikki marta qo'llasak

$$\frac{10x + y}{x + y} = 1 + \frac{9x}{x + y} = 1 + \frac{9}{\frac{x + y}{x}} = 1 + \frac{9}{1 + \frac{y}{x}}$$

ga ega bo'lamiz. Bundan ifodaning eng katta qiymati 10 ga teng bo'lishligi kelib

chiqadi, u holda eng kichik qiymati 1,9 ga teng bo'ladi, demak, $\frac{y}{x} = 9$, ya'ni $x=1$, $y=9$.

3-misol. Agar $\frac{a+b}{b} = 7$ bo'lsa, $\frac{a^2 - b^2}{b^2}$ ning qiymatini toping.

Yechish. $a+b=7b$ bo'lgani uchun $\frac{(a-b)(a+b)}{b^2} = 7\left(\frac{a-b}{b}\right)$

$a=6b$ dan $\frac{36b^2 - b^2}{b^2} = 35$ ekanligi kelib chiqadi.

4-misol. $x=53$ da $\frac{x^2 + 3x + 7}{x+2}$ ning qiymatini toping.

Yechish. Butun qismni ajratishdan foydalansak, $x+1 + \frac{5}{x+2} = 54 + \frac{5}{55} = 54\frac{1}{11}$

$x = 6, y = 1$ da $\frac{7x^2 - 6xy - y^2 + 4}{x-y}$

5-misol. ifodaning qiymatini topishda

$$\frac{6x^2 - 6xy + x^2 - y^2 + 4}{x-y} = 6x + x + y + \frac{4}{x-y} = 36 + 135 - \frac{4}{123} = 171 - \frac{4}{123} = 170\frac{119}{123}$$

almashtirishlardan foydalanamiz.

6-misol. Qaysi butun n larda $\frac{n^3 - n^2 + 2}{n-1}$ kasr butun son bo'ladi?

Yechish. $n^2 + n + 1 + n + \frac{4}{n-1}$ Bundan $n-1 - 4$ ning bo'luvchilari bo'lishi kerak.

7-misol. Quyidagi ifodalarning eng kichik qiymatini toping

a) $\frac{x^2 - 5}{x^2 + 1}$; b) $\frac{x^2 - 3x + 3}{1 - x}$

Yechish. a) $1 - \frac{6}{x^2 + 1}$ $x = 0$ da -5 eng kichik qiymatni qabul qiladi.

b) $x + 2 + \frac{1}{1-x}$ $x = 0$ da 3 qiymat eng kichik qiymat bo'ladi.

8-misol. $y = \frac{-2x^2 + 7x - 3}{x-3}$ funksiya grafigini yasang.

Yechish. Funksiya ifodasida butun qismini ajratsak $x \neq 3$ da $y = -2x + 1$ bo'lishligi, ya'ni funksiya grafigi to'g'ri chiziqdan iborat ekanligi hamda u $(3, -5)$ nuqtada uzilishga ega ekanligini topamiz.

9-misol. Tenglamani yeching: $\frac{x+2}{x+1} + \frac{x^2-3}{x^2+2} = 2$

Yechish. Tenglama chap qismidagi ifodaning hadlari butun qismlarini ajratsak,

tenglama $1 + \frac{1}{x+1} + 1 - \frac{5}{x^2+2} = 2 \Leftrightarrow x^2 + 2 - 5x - 5 = 0 \Leftrightarrow x^2 - 5x - 3 = 0$

tenglamalarni yechishga keltiriladi.

O'zaro hamkorlik masalalari yangi bosqichda

I.A.Abdullayev, H.T.Yo'ldoshev, F.T.Xoliqulov SamDAQI qoshidagi 1-son akademik litsey

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi vazirligining qarori bo'yicha M.Ulug'bek nomidagi Samarqand Davlat Arxitektura va Qurilish Instituti qoshidagi 1-son akademik litseyi va M.Ulug'bek nomidagi Samarqand Davlat Arxitektura va Qurilish Instituti o'rtasida jumladan, “Oliy matematika va fizika” hamda “Informatika va axborot texnologiyalari” kafedrası o'rtasida Oliy ta'lim muassasalari va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalari o'rtasidagi o'zaro hamkorlik masalalari juda yaxshi yo'lga qo'yilgan.

Yil boshida ikkala tomon o'rtasida o'zaro hamkorlik ishlari bo'yicha shartnomalar tuzilgan va akademik litseyda kafedralarning filiallari ochilgan.

Bu ta'lim muassasalari o'qituvchilari har oyda 1-2 marotaba uchrashuvlar va ilmiy seminarlar tashkil qilishib unda o'zaro hamkorlikda qilinishi ko'zda tutilgan ishlar haqida fikr almashishib turishadi. O'tgan yillar mobaynida ikkala tomonning o'zaro hamkorlik ishlari natijasida SamDAQI “Oliy matematika va fizika” kafedrası hamda SamDAQI qoshidagi 1-son akademik litsey “Matematika va informatika” kafedrası professor-o'qituvchilari tomonidan bir nechta o'quv-uslubiy qo'llanma, mamlakatimizning turli joylarida o'tkazilgan ilmiy-amaliy konferensiyalarda ilmiy va uslubiy maqola hamda iqtidorli o'quvchilarni jalb qilgan holda akademik litseyda bir necha bor ilmiy seminar va ichki konferensiyalar tashkil qilindi.

2015-2016 o'quv yilida o'zaro hamkorlik natijasida “Matematika, I-qism”, “Ko'rsatkichli va logarifmik funksiyalar”, “Parametrga bog'liq tenglama va tengsizliklar”, “Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika elementlari”, “Matritsa va ular ustida amallar” kabi o'quv-uslubiy qo'llanmalar nashr qilindi. Shuningdek, joriy yilda ikkala tomon professor-o'qituvchilari o'zaro hamkorlikda o'rta maxsus kasb-hunar ta'limi muassasalari uchun “Geometriya”, “Matematika II-qism” kabi o'quv-uslubiy qo'llanmalar va mamlakatimizda o'tkazilishi ko'zda tutilgan ilmiy-amaliy konferensiyalarda bir nechta ilmiy-uslubiy maqolalar tayyorlanmoqda.

Bu hamkorlik ishlari bo'yicha 2016 yil yanvar oyida SamDAQI 1-son akademik litseyda “Aniq fanlarni o'qitishning zamonaviy muammolari” deb nomlangan ilmiy-amaliy konferensiya o'tkazildi. Unda SamDAQI “Oliy matematika va fizika” kafedrası dotsentlari M.Jabborov, R.Safarov va kafedra katta o'qituvchisi F.Fatxullayev, “Informatika va axborot texnologiyalari” kafedrası katta o'qituvchilari A.Karimov, K.Islomovlar, akademik litsey o'qituvchilaridan I.Abdullayev, Q.Janiqulov, Yo.Hamroyev, F.Xoliqulov, M.Botirov, D.Narimanova, J.Jo'rayev, A.Uzoqov va T.Begmatovlar o'zlarining ilmiy-uslubiy maqolalari bilan qatnashishdi. Shuningdek, ushbu konferensiyada akademik litseyning iqtidorli o'quvchilaridan S.Doniyorov, J.Xoliqov va K.Xudayberdiyevlar ham o'zlarining ma'ruzalari bilan qatnashishdi. O'tkazilgan ilmiy – amaliy konferensiya materiallari to'plam shaklida bir necha nusxada nashr qilindi.

O'tkazilgan konferensiya yakunida ikkala tomon professor-o'qituvchilari

oʻrtasida davra suhbatini tashkil qilindi va kelgusida bajarilishi koʻzda tutilgan ishlar boʻyicha kelishib olindi.

Oʻtayotgan 2016-2017 oʻquv yilida ham mazkur hamkorlik davom etmoqda. Aprel-may oylarida oʻtkazilishi kutilayotgan akademik litsey ilmiy-amaliy konferensiyasiga tayyorgarlik jadal davom etmoqda. Bundan tashqari akademik litseyda may oyida oʻtkaziladigan “Matematika va informatika” fanlar kafedrasini fan oyligida ham bu kabi ishlar davom ettirilishi koʻzda tutilgan.

SamDAQI dotsenti M.Jabborov bilan birga akademik litsey oʻqituvchilari F.Xoliqulov va Yo.Hamroyevlar “Matematika” uslubiy qoʻllanmasining toʻliq variantini ustida ishlarni davom ettirmoqdalar. Shuningdek mazkur oʻquv yilida oʻtkaziladigan boshqa ilmiy-amaliy konferensiyalarga bir nechta ilmiy-uslubiy maqolalar tayyorlanmoqda. Bundan tashqari SamDAQI dotsenti R.Safarov bilan hamkorlikda Q.Janiqulov, M.Botirov va T.Begmatovlar “Geometriya” deb nomlangan uslubiy qoʻllanma va bir nechta ilmiy-uslubiy maqolalar ustida ham ish olib bormoqda. Mazkur uslubiy qoʻllanmalar va maqolalarning nashri shu oʻquv yilida rejalashtirilgan.

Oʻylaymizki, bunday oʻzaro hamkorlik ishlari har ikkala tomon uchun ham foydali boʻladi.

Tasviriy sanʼat va muhandislik grafikasi darslari samaradorligini oshirishda multimedia vositalaridan foydalanish

*B.E.Xujamurodov-Sam DUoʻqituvchisi. D.I.Ergashev – Sam DU katta oʻqituvchisi.
Talaba: Amirqulov Xayriddin.*

Hozirda uzluksiz taʼlim tizimini isloh qilish, sifat va samaradorligini oshirishda, nazariy-uslubiy muammolarni hal qilishda zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalariga boʻlgan ehtiyoj ortib bormoqda. Davlat va jamiyatning ham moddiy, ham maʼnaviy rivojlanishi, taraqqiy etishi taʼlim-tarbiya jarayonining sifat-samaradorligini oshirish va takomillashtirish bilan chambarchasdir.

«Multimedia» atamasining asosiy maʼnosi “multi” muhitni anglatadi. Odatda, multimedia deganda turli shakildagi maʼlumotlarni qayta ishlovchi vositalar majmuasi tushuniladi. Ayni vaqtda bu avvalo, tovushlar, video elementlarni qayta ishlovchi vositalardir. Shu bilan birga multiplikatsiya (animatsiya) va yuqori sifatli grafika holatlarida ham multimedia haqida gapirish mumkin. Axborotni odam qabul qila oladigan bir nechta muhit yordamida tasvirlash. (multi-koʻp, va media-muhit);

Masalan gazeta, kitob va jurnallarda matn va grafik materiallar koʻrsatilsa, radioda ovoz, televideniye va kinoda esa harakatlanuvchi obʼyektlar ifodalanadi. Demak ularning har birida xilma-xil turdagi maʼlumotlar alohida holda namoyon boʻladi. Axborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlanishi va uning turli xil sohalarga kirib borishi matn, ovoz, gapni, grafikani hamda video tasvirlarni birlashtirish imkonini bermoqda. Shundan kelib chiqqan holda tasviriy sanʼat va muhandislik grafikasi darslarida multimedia vositalari yordamida oʻtkazilayotgan nazariy va amaliy mashgʻulotlar natijasi shuni koʻrsatmoqdaki, bunday taʼlim berish jarayoni oʻqituvchilarning bilim olish sifat-samaradorligini ikki barobarga

oshirmoqda. Ta’lim jarayonida innovatsion pedagogik texnologiyalar, kompyuter vositasida slaydlardan foydalanish ko’rgazmali qurolning eng mukammal turi bo’lib, darslarni, ayniqsa, elektron darsliklar yordamida o’tkazish maqsadga muvofiqdir. Binobarin ta’lim tizimida olib borilayotgan juda katta ko’lamdagi kompyuterlashtirish ishlaridan asosiy maqsad ta’limni axborotlashtirishdan iborat. Dars jarayonini to’laqonli bo’lishida o’qituvchining so’zi kamlik qiladi, shunda multimedia vositalari asosida ko’rgazmali qurollardan o’z vaqtida to’g’ri foydalanish ancha qulaylik yaratadi, ya’ni: «Yuz marta eshitgandan bir marata ko’rgan afzal», degan xalq maqoliga amal qilinadi.

Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi darslari multimedia vositalari yordamida tashkil etilsa o’quvchilarning bilim saviyalarini oshirish, tasviriy san’at va muhandislik grafikasini texnik ta’lim bilan bog’lashga erishgan bo’lamiz. Bundan tashqari grafik redaktor dasturi orqali o’quvchilarning tabiat va texnikani ko’rgazmali idrok etishga, predmetlarning tuzilishini va fazoviy munosabatlarini chuqurroq bilishga, ko’z bilan ko’rib bo’lmaydigan jarayonlar va hodisalarni sinchiklab o’rganishga yordam beradi.

Hozirgi kunda Davlat ta’lim standartlari asosida tasviriy san’at va muhandislik grafikasi darslarida o’quvchilardan quydagi bilim, ko’nikma va malakalarni egallashlari talab etilmoqda:

- grafik redaktor yordamida oddiy chizmalar yasash;

- kompyuter grafik redaktorining imkoniyatlaridan unumli foydalanish, chizma shriftlarini yozish, tekis va hajimli shakillar tasvirini yasash, oddiy geometrik shakillarning proektsiyalarini tuzish. Berilgan jismning fazoviy holatini va uning shaklini o’zgartirish. Dars o’tishning bu usuli ham ta’lim sifatini oshiradi.

Har bir maktabda tasviriy san’at va muhandislik grafikasi fani o’qituvchisi boshlang’ich sinf o’quvchilari va yuqori sinf o’quvchilari uchun alohida topshiriqlar tanlab ularning yoshiga mos keladigan san’at asarlarini kompyuter yordamida o’rgatib borish maqsadga muvofiqdir.

Ma’lumki, rasmni tabiiy chizish bilan kompyuter orqali chizish o’rtasida farq mavjud. Rasm va chizmalarning o’lchamlari aniq, ranglari tiniq yorug’ va soyalar aniq bilinadi. O’quvchi kompyuter yordamida rasm chizish jarayonida avvalgi rassomlarning asarlarini o’zi uchun yangidan kashf etish mumkin.

Tasviriy san’at va muhandislik grafikasifani o’qituvchilari foydalanishi mumkin bo’lgan zamonaviy dasturlardan “AVTO CAD”, “3D MAX”, “CORL DRAV”, “FOTOSHOP”, “POVER POINT”, “PAINT” kabi maxsus chizmalar bilan ishlovchi dasturlar mavjud. Bu dasturlar asosida o’quvchilarga chizmaning qanday chizilishi nazariy jihatdan ularga yondoshish, o’quv jarayonida turli xil usullardan foydalanishlarini o’zlashtirish mumkin. Masalan:

1. Chiziq turlari, o’lcham qo’yish qoidalari. Qirqimlar va kesimlar bajarish, grafik redaktor yordamida oddiy geometrik shakillarning proektsiyalarini tuzish, berilgan jismning fazoviy holatini va uning shaklini o’zgartirish.

2. Mashinasozlik chizmalari, yig’ish chizmalari, rezbalarni tasvirlash,

3. Qurilish chizmalari, Binoning fasadi, plani va qirqimi. Qurilish chizmalariga o’lchamlar qo’yishning o’ziga xosligi.

Ushbu jarayonda yangi chizmani kompyuterda dasturlash usuli rejalashtiruvch kishini mustaqil va teran fikr yuritishga majbur etadi, eng muhimi, bu ishga bo'lgan havasni shakllantiradi. Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi darsini o'tishda multimedia vositalaridan «Pover Point» dasturi orqali o'rganish juda foydalidir. Multimedia vositalaridan foydalanishning afzalligi shundan iboratki, ta'lim jarayonida berilayotgan materiallarni chuqurroq va mukammalroq o'zlashtirish imkoniyatining mavjudligi, dars jarayonida qisqa vaqt ichida ko'proq ma'lumot berishga erishiladi. Umuman olganda, multimedia vositalarining o'quv amaliyotida qo'llanishi har tomonlama samarali natija beradi. Olingan bilim kishi xotirasida uzoq muddat saqlanib qolishi va uni amaliyotda qo'llash mumkin.

Xulosa qilib aytganda, tasviriy san'at va muhandislik grafikasidarslarini sifat-samaradorligini oshirishda yangicha metod va kompyuter texnologiyalarining o'rnini beqiyos. Shunday ekan ta'lim-tarbiya jarayonida ijobiy natijalarga erishishda innovatsion texnologiyalardan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Raxmonov I. Valiev A. Valieva B. Muhandislik grafikasi fanini o'qitishning zamonaviy texnologiyalari. Toshkent 2013 y.
2. D.Tojiboyeva, A. Yuldasheva Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi. T. “Aloqachi” 2009.

Rangtasvirda natyurmort kompozitsiyalarini yaratishga qo'yiladigan talablar.

Samarqand davlat universiteti o'qituvchisi: Istamov Z.S. Talaba: Hamzayeva Ma'mura. Turobova Farida

Bizga ma'lumki rangtasvir - asosan turli bo'yoqlar vositasida matoga, devor yuzasiga, shuningdek boshqa joylarga ishlanadi. Bjarilayotgan tasvirlarning mazmuni, xarakteri va shunga o'xshash barcha xususiyatlari bo'yoqlar orqali ifodalab berilsa, bunga rangtasvir san'ati deyiladi. Tasviriy san'atning bu turida ijodkorning ichki kechinmalari, asarda aks ettirilayotgan voqea mazmuni ranglarni bir-biriga o'z me'orida qo'shib ishlatish natijasida namoyon bo'ladi. Masalan, qizil va qora bo'yoqlarni qo'shib ishlatilishi fojiani aks ettirsa, och moviy va yashil ranglarni o'ziga xos bog'lashlar natijasida tinch va osoyishtalik holatlari tasvirlanishi mumkin. Rangtasvir san'ati jozibali va qiziqarliligi bilan nafaqat o'zlashtirishda, hatto uni o'qiy bilish, ya'ni idrok qila bilishda ham o'quvchidan jiddiy bilim va malaka talab qiladi. Tasviriy san'atning asosiy vositalaridan biri bo'lgan rangtasvir san'atida barcha janrlarda ijodiy faoliyat olib borish mumkin. Shunga ko'ra manzara, portret va natyurmort janrining rangtasvirdagi ifodasi boshqa turlarga qaraganda birmuncha jozibaliroq boladi. Qoyilmadagi har bir jonli yoki jonsiz bo'lgan narsa va shaxslarni rang orqali tasvirlash, ular yuzasidagi yashirin ranglarni ko'rsata bilish katta mahorat talab qiladi.

Har qanday san'at asarida kompozitsion yechim bo'lishi tabiiydir. Shu singari tasviriy san'at asarlarini yaratishda ham kompozitsiya tamoyillariga amal qilinadi. Kompozitsiya - tuzish, joylashtirish, ijod qilish natijasida san'atning alohida

qismlarini mantiqan bir butunlikka keltirishni anglatadi. Tasviriy san’atda kompozitsiya juda keng ma’noga va o’ziga xos muhim jihatlarga ega. Yana shu narsa diqqatga sazovorki, tasviriy san’atning har bir turi yoki janrida kompozitsion tizilish ma’lum darajada bir-biridan o’ziga xos farqli jihatlarni talab qiladi. Tasviriy san’at asari kompozitsiyaning oddiy qonunlaridan to asarning mazmunini ochib berishgacha bo’lgan ijodiy izlanishlardan tortib har bir jihatdan alohida o’ziga xos kompozitsiya sirlari bo’ladi. Kompozitsion tugal tasviriy san’at asarida rassomning maqsadi, o’y – fikrlari, niyati, o’z oldiga qo’ygan jiddiy vazifasi, ya’ni dunyo qarashi o’ziga xos uslubda ifoda etiladi. Va shu asar orqali voqeylikni mohiyati ochib beriladi.

Rangtasvirdagi natyurmort kompozitsiyasi ham ma’lum bir mavzuga xos bo’lgan narsa va predmetlardan tuziladi. Shunday ekan natyurmortdagi ob’ektlar ham bir - biriga yaqin bo’lib ma’lum bir mazmunni anglatib turadi.

Natyurmortni yaratishda biz ancha qulayliklarni ko’ramiz. Uning qulayliklari shundan iboratki u jonsiz narsalar to’plami bo’lganligi, naturani haqqoniy tasvirlash - bu narsalarni konstruktiv va perspektiva qonunlari asosida qurish, ularning fazoviy joylashuvi, materialligi, hajm va nisbatlarini ifodalash, qalamtasvir yoki etyudini yaxlid bir butunlikka keltirish, tasvirlanayotgan ob’ektlar va narsalarni xarakterli xususiyatlari va nafis go’zaligini aniqlashdir.

Narsalarni haqqoniy tasvirlash malakalarini o’quv natyurmortlarini chizish orqali egallash mumkin. Shunday ekan savodli tasvirlash asoslarini o’rganishda hatyurmort asosiy tasviriy ob’ekt hisoblanadi. Natyurmort rangtasvirni talabalar tomonidan o’zlashtirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu nom bilan bog’liq bo’lgan barcha tasvirlarda mahoratli bo’yoq surtmasi kolorid monandligi va shakl plastikasini kuzatish mumkin. Ular orqali rangtasvirning qonuniyatlarini va uslublarini mohirlak bilan o’zlashtirish mumkin. Ya’ni perspektiv va konstruktiv qurilish shaklining soya - yorug’ligi va rangda tasvirlanishi, tasvirlanayotgan narsalarning fazoviy uzoqlashish holati va materialligi, tus va rang munosabatlari tushunarli va aniq qilib ko’rsatilganligi hisobga olinadi.

Tasvirlanayotgan narsalar ma’lum o’lcham tekisligida “tiqilinch” yoxud juda juda kichik ham joylashib qolmasligi zarur. Haddan tashqari kichik joylashgan tasvirlar qog’oz tekesligida aniq ko’rinmaydi. Tasvirdagi asosiy etiborni tortuvchi narsa - kompozitsiya markazi, qolganlari esa unga tobe bo’lib xizmat qiladi. Tasvirda tomoshabinning nazari ana shu markazga yo’naltirilgan bo’lishi kerak.

Har qanday natyurmort kompozitsiyasini tuzishning asosiy qoidalariga to’liq amal qila bilish mutaxassis o’qituvchidan o’ziga xos ijodiy izlanishni talab qiladi.

Natyurmort kompozitsiyasida simmetriya, assimetriya, muvozanat, ritm, harakat, ikkinchi darajali narsalarning asosiy buyumga bo’ysunishi, ko’rish markazi, ko’rish burchagi, kompozitsion markazni bo’rttirib ko’rsatish kabi qoidalari mavjud. Odatda kompozitsion markaz ikkinchi planda joylashadi. Natyurmort qo’yilmasidagi narsa va buyumlar biror g’oyaga asoslanishi kerak.

O’quv natyurmortining muhim tomonlaridan biri tasvirlanayotgan fazoviy joylanishidir. Qo’yilmada buyumlardan kattasi orqaroqda, maydalari esa oldinda, ya’ni biri ikkinchisini biroz berkitib turadigan qilib qo’yiladi. Lekin buyumlarning

asosi biroz ko'rinib turgani ma'qul, shunda tasvirlash oson bo'ladi.

Fon qo'yilmada katta ahamiyatga ega. Masalan, natyurmort mavzusiga qarab iliq va sovuq rangdagi matolar tanlanadi. Samovar ishtirokidagi natyurmortda qizil, zarg'aldoq va sariq rangdagi matolar mavzuni jonlantirishga katta yordam beradi. Ya'ni samovarni xuddiqaynayotgandek ko'rsatadi. O'quv natyurmortdagi matolar burmalari kamroq bo'lgani ma'qul.

O'quv natyurmortida fon buyumlarga nisbatan yotqin bo'lmagani maqsadga muvofiq. Masalan, kulrang, odmiroq yashil hamda havorang kabilar. Natyurmortda shunga o'xshash matolarni qo'llash bo'yoqlardagi bir butun yaxlit uyg'unlikni topishga imkon beradi. Ba'zan natyurmort mavzusini siz yoqtirgan biror bir buyum hal etish mumkin. Ana shu buyum natyurmort qo'yilmasida asosiy, qolganlari esa unga bevosita bo'ysinadi va qo'yilmada butun bir yaxlitlikni hosil qiladi. Demak, ranglarning nozik uyg'unlashuvi asosiy rangga hamohang bo'lib, natyurmortdagi etakchi rangni aniqlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. *R.Hasanov.* Tasviriy san'at asoslari. G'afur Gulom nashriyoti. T-2009y.
2. *A. Oripov.* Tasviriy san'atni o'qitish metodikasi. N., 2001.

Yosh avlod ma'naviyatini shakllanishida tasviriy san'at tarixining o'rni.

SamDU. O'qituvchisi : I.U.Izbosarov, SamMHQK. O'qituvchilari: Alixodjayeva M.R., Ochilova I.S.

Ma'lumki insoniyat tarixi hamma davrlarda uning hayotida bo'lib o'tgan voqealar, ishlatgan uy-ro'zg'or buyumlari va mehnat qurollari hamda shug'ullangan faoliyatini yoritish bilan yozilgan. Insoniyat hamisha borliqni anglashga, undagi sir-sinoatlarni yechimini topishga hamda barcha go'zalliklarga intilib yashagan va ularni o'zi shig'ullanadigan faoliyatga kiritishga harakat qilgan. Birgina misol tariqasida qaraydigan bo'lsak loydan kulol idishlar yasashni bir tomondan suyuqlaklar solish uchun kerak bo'lgan desak, ikkinchi tomondan esa o'sha amaliy san'atning ilk qadamlari kulolchilikning shakllanishiga sabab bo'lgan. Arxiologik qazilmalarni guvohlik berishiga qaraganda hamma davrlarda loydan yasalgan kulolchilik buyumlari, haykallar o'sha vaqtda ijod qilgan barcha ustalar hayoti faoliyati haqida ma'lumotlar berib turadi. Ayniqsa tasviriy san'at tarixi insoniyat tarixini o'rganishda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki bizga yetib kelgan me'morchilik yodgorliklari, amaliy san'at durdonalari, tasviriy san'at asarlari ajdodlarimizning san'atkorona mahorat egasi ekanligidan daolat beradi. Ota – bobolarimiz qanday yashagan, madaniyati qay darajada rivojlangan, yuksaklikka erishishining sabablari nimada ekanligini bilishga qiziqish va ularni o'rganishga intilishimiz ham ma'naviyatimizning sofligidandir. Toshlariga o'yib ishlangan hayvonlarni ovlash, ularni qo'lga o'rgatish tasvirlarini tasviriy san'atning ilk qadamlari deb atasak, mehnat qurollarini toshlardan yasasahni esa sangtaroshlik san'ati va haykaltaroshlik namunalari deyishimiz mumkin. Bundan chiqdi borliqni idrok qilish, uni turli vositalarda ifoda etish juda qadimdan boshlangan. Demak san'at inson bilan yonma –yon yashab kelayotgan va uning hayoti bilan chambarchas bog'langan faoliyat

turi. Milliy hunarmandchilik, xalq amaliy san’ati, tasviriy san’at asrlar davomida o’ziga xos yo’nalish va uslublarda rivojlanib takomillashib bordi. Mamlakatimizda minglab tarixiy yodgorliklar va qadamjolar mavjud, qarangki ulardagi takrorlanmas milliy naqshu nigorlar esa hech qachon oharini yoqotmagan. Ularni zo’r qiziqish bilan tomosha qilayotgan hamyurtlarimiz va horijiy mehmonlar milliy san’atimizdan bahramand bo’lish bilan birga ma’naviy ozuqa olishadi.

Pedagogika oliygohlari va pedagogika bilim yurtlarining tasviriy san’at hamda amaliy san’at yo’nalishlarida tahsil olayotgan talabalarga dastur asosida tasviriy san’at tarixi mashg’ulotlari olib boriladi.

Tasviriy san’at tarixi mashg’ulotlarida talabalar san’at asarlarining yaratilish jarayonini kuzatish bilan birga ularni tahlil etishga, ularga o’z munosabatlarini bildirishga o’rganadilar. San’at tarixi kursi talabalarda san’atga bo’lgan qiziqishini mustahkamlashda, o’quv yurtidagi amaliy darslarning samarali bo’lishida muhim o’rni bor. Tabiatdan ham insoniyat yaratib qoldirgan madaniy qadriyatlar oddiy boyliklar bo’lib qolmay, balki o’zida inson aql-zakovati, hayot to’g’risidagi fikr-o’ylarini aks ettiruvchi ko’zgu hamdir. Jahon san’ati tarixini o’rgatish, uning taraqqiyot qonunlarini tushunish, nodir yodgorliklar bilan tanishish, o’tmish odamlarning his-tuyg’u, hayotiy tajribalarini o’rganish g’oyaviy-estetik qarashlarning shakllanishini bilish demakdir. Bu so’zsiz, kishilarda hayotiy tajribalarning boyishiga, hayotga yanada keng va atroflicha yondoshishga yordam beradi. – Paleolit yoki eng qadimgi tosh asri (palaios– qadimgi, litos - tosh) insoniyat traqqiyotining eng uzoq davom etgan bosqichi hisoblanadi. Bu taraqqiyotni bir qator davrlarga ajratish mumkin: eng qadimiy yoki quyi paleolit (er.av. 150 ming yilliklar), o’rta paleolit (er.av. 150 – 35 ming yillik), yuqori yoki so’ngi paleolit (er.av. 35-10 ming yillik). Arxeologlar ma’lumotiga ko’ra, ayniqsa uning so’ngi bosqichlarida tasviriy san’atning hamma turlari paydo bo’ldi, diniy tushunchalar shakllana bordi. Paleolit asriga oid faktik materiallar Evropa, Osiyo, Afrika qit’alaridan topilgan. Dastlabki rasmlar primitiv va asosan hayvonlar (animalistik) ko’rinishini tasvirlaydi.

Eramizdan avvalgi 3 ming yillik o’rtalariga kelib, odamlar misni qalay, qo’rqoshin, rux yoki surma bilan eritib, bronza tayyorlashni o’rganib oldilar. Bronza qurollar, yaroq-aslaxa, zebu-ziynat yasash uchun asosiy material bo’lib qoldi. Paleolitning so’ngi davri va bronza davrida megalitik qurilmalar dunyoga keldi.

Ijtimoiy hayotga kirib kelgan temir tosh va qisman bronza buyumlarini hayotdan siqib chiqardi. Ibtidoiy jamoa so’ngi davrining so’ngi bosqichini xarakteri shu davrda yaratilgan mudofa uchun mo’ljallangan mustahkam qal’a va qo’rg’onlarda, bezakka boy uy anjomlari, jang qurollarida, ko’rish marosi bilan bog’liq bo’lgan urf odat buyumlarida ko’rinadi. Bezash ishlarida geometrik naqshlardan tashqari, syujetli kompozitsiyadan foydalanish tendentsiyalari paydo bo’ldi. Mayda plastikada metaldan ishlangan haykalchalar, janrli kompozitsiyalar paydo bo’ldi. qulolchilik buyumlari qo’lda hamda dastgohda yasalgan bo’lib, ularning yuzasini bezashda o’yma va bo’rtma naqshlar, band va tepa qismlari uchun haykalchalar ishlatilgan.

Yuqorida keltirilgan sana’t tarixi ma’lumotlari hozirgi gullab yashnayotgan san’atimizning tarkibiy asoslari hisoblanadi. Hozirda jahon tasviriy san’ati o’ziga xos turli janr va yo’nalishlarda yuksalib bormoqda. Jumladan O’zbekistonda

mustaqillik yillarida tasviriy san’at va amaliy san’at sohasida barakali ijod qilindi shu bois ko’plab maqtovga sazavor bo’ladigan san’at asarlari dunyoga keldi. Haykaltaroshlik, dastgohli va mahobatli rangtasvir va xalq amaliy bezak san’ati gurkirab rivojlandi. 1997 yilda O’zbekiston Badiiy Akademiyasining taasis etilishi, me’morchilik va haykaltaroshlikda kiritilgan yangiliklar, yangi me’morchilik komplekslarining vujudga kelishi, shahar ko’rinishlari, shu davrning yirik vakillari, O’zbekiston san’atiga qo’shgan hissalar ularning hayoti va ijodini o’rganish ham to’g’ri yo’lga qo’yildi. Tarixiy shaxslar siymolarini yaratish jumladan A. Navoiy yodgorligi, A. Temur haykali, Al-Fargoniy haykali, Cho’lpon haykalilari E. Aliev, N. Bandeladze, V. Degtyarov, I. Jabborov, R. Mirtojiev, Damir Ro’ziboevlarning sermahsul ijood namunalari hisoblanadi.

Bundan tashqari tasviriy san’at sohasida ham ko’plab rangtasvir ustalarining jumladan A. Abdullaev, Ch. Axmarov, R. Choriev, N. Qo’ziboev, M. Nabiev, J. Izentaev, B. Aytmurodov, A. Ikromjonov, Y. Tursunnazarov, B. Jalolov, J. Umarbekov, A. Nuriddinov, M. Toshmurodovlar ijodini misol qilib aytish mumkin. Natyurmort janri ustalari - A. Ikromjonov, R. Axmedov, R. Xalilov, E. Melnikov, Ya. Salpinkidi, manzara janrida ijod qilayotgan rassomlar (I. Shin, A. Mirsoatov, G. Abduraxmonov, V. Kim, Ya. Salpinkidi, X. Mirzaaxmedov va b.) ijodi va barcha janrlarda vujudga kelgan ulkan o’zgarishlardir. Portret janrida ijod qilayotgan rassomlar (M. Nabiev, N. Oripova, S. Raxmetov). Milliy-romantik oqim namoyondalari: A. Mirzaev, R. Shodiev, O. Qozoqov, I. Valixo’jaev, S. Raxmetovlar ijodi, O’zbekiston tasviriy san’atida falsafiy oqimining vujudga kelishi - J. Usmonov, F. Axmadalievlar ijodi bilan bog’liq.

Amaliy bezak san’atida esa badiiy kulolchilik Fargona, Buxoro, Samarqand, Xorazm badiiy kulolchilik maktablari ustalarining ishlari, badiiy kandakorlik, zargarlik, ganchkorlik, yogoch o’ymakorligi va naqqoshlikning badiiy ko’rinishlari M. Madaliev, E. Gostev, U. Xolmurodov va A. Ulumbekovalar ijodida namoyon bo’ladi. Usta Sh. Murodov, M. To’raev, A. Ilxomov, S. Maxmudovlarning ijod yo’nalishlarini o’rganib, lokli miniatyura va dizaynning rivojlanishi ham tasviriy san’atdagi yangi uslublarning vujudga kelishiga misoldir.

Tasviriy va amaliy san’at tarixining davr bosqichlarini o’rganishni avvalom bor tasviriy va amaliy san’at, haykaltaroshlik asarlarini ilmiy tahlil qilishdan ualar haqida badiiy ma’lumotga ega bo’lishdan boshlanadi. Shu bilan birga jahon va milliy tasviriy san’at durdonalarini ilmiy mushohada qilishni o’rganish tasviriy va amaliy san’at tarixida qo’llaniladigan atamalar va iboralar bilan ishlashni mukammallashtirish muhimdir. Hozirgi davrda ijod qilayotgan rassom, xalq ustalari, haykaltarosh va me’morlar bilan yaqindan tanishish va ular faoliyatini o’rganish, tasviriy va amaliy san’at muzeylariga ekskursiyalar uyushtirish, tasviriy va amaliy san’at ko’rgazmalariga borish va asarlarni ilmiy tahlil qilish orqali tasviriy va amaliy san’at tarixiga oid bilimlarni egallash bizning san’at asarlarini tushinsh va badiiy o’qiy olishdek saviyamizning yuqori bo’lishini belgilaydi.

Adabiyotlar

1. Abdullaev N.U. “San’at tarixi” T-2/1 Toshkent, O’qituvchi 2001.
2. Oydinov N. “O’zbekiston tasviriy san’ati tarixidan lavhalar”, Toshkent.

O'qituvchi 1997.

O'zbek xalq ertaklari syujetlari asosida miniatyura ishlashning ahamiyati.

Sam DU Kasbiy ta'lim fakulteti "Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi" kafedrası o'qituvchisi Jamoliddin Raxmatov, Elyor Shavqiyev.


Ko'p asrlar davomida rivojlanib kelgan Sarq miniatyura rangtasviri jahon san'ati tarixida haqli ravishda faxrli o'rinni egallaydi. Hozirgi davrda O'zbekiston rassomlari hamda xalq ustalari tomonidan ko'plab durdona asarlar yaratildi. Ular ijodiy xayolot boyligi va mukammal ijrosi bilan kishini hayratga solibgina qolmay, o'zbek xalqining ko'hna tarixidan, badiiy madaniyatining serqirra va o'ziga xosligidan ham dalolat beradi. Ular jahon san'atining oltin fondidan o'rin olgan.

Ma'lumki, miniatyura asarlaridagi o'ziga xos go'zallik va insonparvarlik g'oyalari yoshlarni ezgulikka undash, ularning badiiy estetik dunyoqarashlarini boyitish manbaidir. Chunki mo'jaz tasvirlarda chinakam xalqchilik g'oyalari, qadimiyluk hamda mahalliylik ko'rinishlari o'z aksini topgan. Xususan, o'zbek rassomlari yaratgan miniatyura asarlarida qaynoq hayot, turli lavhalar, doimiy, harakatdagi mavjudotlarning tasvirini ifoda etuvchi kompozitsiyalar, hamda uzoq o'tmishning, asl mohiyati, o'ziga xos aniq yaratilgan shakllarda yorqin va sof ranglar, uyg'unligi bilan juda nozik, nafis tekis va ravon chiziqlarda qunt va yuksak mahorat bilan ochib berilgan, bu uning ijobiy ta'sirchanlikka ega ekanligini ko'rsatadi. Ayniqsa, musavvirlarning tasvirlarni yorqin bo'yoqlar va naqshli bezaklari bilan, takrorlanmas, obrazli badiiy tili, tarixiylik jihatdan yoshlarning estetik tasavvurlariga, badiiy tafakkuriga va yangicha dunyoqarashning shakllanishi va rivojlanishiga asos bo'lib xizmat qiladi.


Bu o'rinda dekorativ kompozitsiy mashg'ulotlarida o'zbek xalq ertaklari syujetlari asosida miniatyura usulida illyustrativ rasm ishlash muhim ahamiyat kasb etadi.

Illyustratsiya-lotincha ko'rgazmali tasvirlash, yoritish ma'nosini anglatadi. Kasb-hunar kollejarining tasviriy san'at darslari dekorativ kompozitsiy mashg'ulotlari jarayonida naqsh ishlash, ertak va hikoyalar, adabiy asarlar asosida illyustratsiyalar ishlash nazarda tutiladi.

Dikorativ kompozitsiy mashg'ulotlari jarayonida illyustrativ rasm ishlashga alohida etibor berilib, ular ertak, hikoya, masal, she'r, adabiy asar kabi badiiy asarlar asosida amalga oshiriladi. Bunday mashg'ulotlarning muvaffaqiyati kop jihatdan uni to'g'ri tashkil etishga bog'liqir. Buning uchun avvalo o'quvchilar qiziqarli, tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan adabiy asar yoki ertak tanlashi lozim. Asar yoki ertak mazmunini to'liq o'uvchilar ongiga etkazish, undagi eng qiziqarli syujetlarni topish, asar yoki ertak bilan bog'liq unga yaqin illyustratsiyalarni o'quvchilarga namoish etish, ularni g'oya, mazmun, kompozitsiya, rang jihatdan tahlil qilish kerak bo'ladi.



A.Mahkamov. “Ota vasiyati”.
O‘zbek xalq ertagiga ishlangan
illustratsiya



A.Mahkamov. “Egri va To‘g‘ti”.
O‘zbek xalq ertagiga ishlangan
illustratsiya

Illyustrativ rasim ishlash mashg‘ulotlarida o‘qituvchi o‘z e‘tiborini o‘quvchilar rasimlarini ijodiy xarakterda bo‘ishiga, asardagi personajlarni obrazli, o‘zlariga xos xarakterli holatda tasvirlanishiga, ularni va tevarak-atrofadagi boshqa tasviriy detallarni o‘zaro aloqadorlikda tasvirlashlariga qaratishi lozim. Shuningdek, ular kompozitsiya qoidalariga rioya qilish, obraz va voqiyalarga mos ranglar tanlash, rasimda planlikni etibordan qochirmasliklari lozim. Imkoni boricha asosiy obraz va personajlarni yirikroq, uzoqdagilarini esa kichikroq qilib tasvirlash kerakligini o‘quvchilar ongiga etkazishi va uni o‘z rasmlariga tadbiq qilishlariga yordam berishi muhimdir.

Illyustrativ rasm ishlash mashg‘ulotlarining yana bir muhim xususiyati o‘quvchilarda fantaziya, obrazli tasavvurlarini o‘stirishga qaratilganligidir.

O‘zbek xalq ertaklari syujetlari asosida miniatyura usulida illyustratsiya ishlashda albatta rangtasvirga murojat qilamiz. Illyustratsiya qalamtasvirda chizilgandan so‘ng ranglanadi.

O‘quvchilar rang orqali ertak syujetlarini ko‘rinarli shakillarda tasvirlaydi. Makonning cheksizligini, undagi narsalarning rang-barangligini, moddiyligini hajm va fakturasini ko‘rsatishi mumkin.

Ertak syujeti dastlab ijodkor yoki o‘quvchi ongi va tasavvurida paydo bo‘lgan g‘oya qoralamasi tarzida qalamda biror yuzaga, ko‘pincha qog‘oz kartonda ishlab olinadi. So‘ng bo‘lg‘usi ish mohiyatiga mos asos tanlanib, unga bajariladigan ishga ishlab beriladi. Shundan so‘ng tasvir o‘rni belgilab olinib, rasm ishlanadi. Rang berishda birinchi suyultirilgan rang bilan boshlab ko‘p qatlamli yoki rangni bir

quyishda bir qatlamni bajarish mumkin.

O'zbek xalq ertaklari syujetlari asosida miniatyura usulida illyustratsiya ishlashda voqeylikni badiiy tasvirlash va talqin qilish rangtasvirda nomoyon bo'ladi. U muhim ijtimoiy mazmun va rangbarang g'oyaviy vazifalariga ega. Syujetni o'quvchi rangtasvirning ifodaviy vositalari, kopmozitsiyasi, rang, ritm orqali amalga oshiradi. Miniatyura illyustratsiyasining syujeti biror qattiq yuzada rangli ashyolarda, bo'yoqlar yordamida yaratiladi.

Ilyustratsiyaning asosi yog'och, qog'oz, karton, shisha, metal va maxsus ishlov berilgan mato bo'lishi mumkin. Ilyustratsiyaning muhim tasviriy va ta'sir vositasi rang hisoblanadi. Ilyustratsiyaning rang qatlami moybo'yoq, guash, tempera, akvarel, rangli shisha bo'lishi mumkin. Ayrim hollarda rang qatlamini saqlash maqsadida, uning ustidan yupqa lok qatlami beriladi.

Xulosa qilib aytganda o'zbek xalq ertaklari syujetlari asosida miniatyura ishlashning tarbiyaviy ahamiyati muhim bo'lib, talabalar ijodiy faoliyatida bilim saviyalarini yanada to'laqonli bo'lishiga amaliy yordam beradi hamda miniatyura san'atiga oid asarlarni badiiy idrok etish va ta'mirlashda nazariy asos bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. S.Abdirasilov, N.Tolipov, N. Oripova. Rangtasvir. T.“O'zbekiston”. 2006
2. R.Xalilov. Akvarel ‘ Izdatelstvo “Navruz”. T. 2013
3. Tolipov N., Abdirasilov S , Oripova N. Rangtasvir (1-qism). TDPU .T. 2002.
4. Abdirasilov S,Tolipov N. “Rangtasvir” O'quv qo'llanma, "Bilim" T . 2005.
5. G'. Abduraxmonov. Kompozitsiya asoslari. ”Iqtisod-moliya”. T.2008
6. R.Hasanov.”Maktabda tasviriy san'at o'qitish metodikasi”. Fan” T.2004.
7. A. Muhammadjonov.”Buyuk ipak yo'li ertaklari”. Art flex. T.2012.

Tasviriy san`at darslarida o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini ortirishda ko'rgazmalilikdan unumli foydalanish.

*SamDU. ‘Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi’ kafedراس
o'qituvchilari Xoliqov J, Pirnazarov. Sh, Qahorov. M.*

Tasviriy san'at darslarining muvafaqiyati ko'p jihatdan bolalarni fanga bo'lgan qiziqishlarini shakillantirish va doimiy ravishda uni oshirib borishga bog'liq. Fanga qiziqishi bo'lmagan boladan yaxshi natija kutib bo'lmaydi. Shuningdek o'quvchi darsdan bironta natijani ongli ravishda olganida hamda unga ega bo'lishga ishonch hosil qilgandagina fanga qiziqish paydo bo'ladi.

O'quvchilarni tasviriy san'atga bo'lgan qiziqishini oshirishda ko'rgazmali materiallardan ken foydalanish katta samara beradi. Bunda san'at asarlari reproduksiyalarni ko'rsatish o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini yanda orttiradi. Reproduksiyalarni bolalarga shunchaki ko'rsatish, uning mazmunini tahlil qilish bilan chegaralanib qolmay asarning yaratilish tarixi, asar haqida yirik olim rassomlarni aytgan fikirlarini o'quvchilarga yetkazish muhimdir. Avvalo ko'rsatiladigan asarlar o'z mazmunini va yaratilish tarixiga ko'ra qiziqarli bo'lishi maqsadga muvofiqdir. Masalan badiiy asarlar qatoriga I.Repinning “Ivan Grozniy va uning o'g'li Ivan”, N. Genning “Pyotr I shahzoda Aleksey Petrovichni so'roq

qilmoqda “, O’ Tansiqboyevning “Qayroqqum GESI”, R. Ahmedovning “Ona o’ylari”, Leonardo Do Vinchining “Mona Liza. Jakonda “asrlarini ko’rsatib ular haqida kenroq tushunchalar berish maqsadga muvofiqdir.

Malumki, barcha tasviriy san’at darslarida ko’rgazmali qurollar ishlatiladi . bu o’quv predmetining ko’rgazmali qurollarsiz tassavuir etib bo’lmaydi. Shuningdek tasviriy san’at darslarida ko’rgazmalilik turlari ham nixoyatda turli- tumandir. Xususan natura uchun shuningdek tushuntirish uchn mo’ljallangan tabiiy va suniiy materiallar chizish va yasash usullari va bosqichlarini ko’rsatuvchi ko’rgazmali tablitsalar shular jumlasiga kiradi.

Tasviriy san’at fanidan ko’rgazmalilikni quyidagicha turlashimiz mumkin.

1. Tabiat maxsulotlaridan –daraxt, gul, bargcha, shoxcha rasmlari.
2. Xayvonot olamidani- kapalak, ninachi, qo’ng’zlar, burgutlar, it, bo’ri, quyon, turna va boshqa rasmlar .
3. Turmushda qo’llaniladigan buyumlar- oshxona va sport buyumlari, mexnat qurollari va boshqalar.
4. Transport vositalari- xarbiy texnika, sport texnikasi rasmlari.
5. Odam va xayvonlarni turli tomondan ko’rinishlarini, ranglari, shakllarini, xamda perspektiv qisqarishini tasvirlovchi rasmlar
6. Odam va narsalarni chizish bosqichlarini ko’rsatuvchi rasmlar.

Bunday ko’rgazmalar namoyish etilganda sinfdagi barcha o’quvchilarga yaxshi ko’rinadigan o’lchovda tasvirlanishi lozim. Bu rasmlar o’z xarakteriga ko’ra rangli yoki oq-qora bo’lishi mumkin.

Ko’rgazmali qurollar nafaqat rasmi, balki turli materiallardan (karton, yog’och, sim, loy, tabiiy va badiiy materiallar) yasalgan bo’lishi mumkin. Ular tasviriy san’at nazariyasiga (kompozitsiya perspektiva, rangshunoslik, yorug’ soya), uning qonuniyatlarini ko’rsatuvchi modellar bo’ladi. Har bir tayyorlangan ko’rgazmaga o’qituvchi qisqacha tushuntirish xati yozadi. Unda ko’rgazmadan foydalanishga oid metodik ko’rsatmalar namoish vaqti va bosqichlari ko’rsatiladi.

Ko’rgazmalilik tsviriy san’at darskarida boshqa o’quv predmetlaridagidek yordamchi emas balki o’quvchilarda tushuncha va tassavurlar xosil qiluvchi asosiy materialdir.

Naturaning o’ziga qarab rasm chizish darslarida uni naturasiz tassavur etib bo’lmaydi. Bu o’rinda tasviriy san’at darslarida ko’rgazmalilik prinsiplarining roli juda katta .

Darslar uchun ko’rgazmali qurollar tayyorlash va tanlashda ularga quyidagicha talablar qo’yiladi :

1. Darsning maqsad va vazifalariga mosligi.
2. O’quvchilarning yosh xususiyatiga mosligi
3. Ko’rgazmaning aniqligi , tushunarli bo’lishi
4. Tasvirning sifatli bo’lishi
5. Ko’rgazmalar o’zining rang-barangligi bilan o’quvchilarda zavq va qiziqish uyg’otish
6. Estetik talablarga mosligi

Ko’rgazmali qurollardan foydalanish masalalari o’qituvchining nutqi bilan ham

bo'liqdir. Nutq va ko'rgazmalilikning uyg'unligi ko'p jihatdan foydali bo'lishi ikki joyda ko'rinadi. Chunonchi, birinchidan, o'qtuvchining nutqi ko'rgazmalilikga ko'maklashsa, ikkinchidan ko'rgazmalilik o'qtuvchi nutqiga ko'maklashadi.

Tasviriy san'atni o'qitiishda, ayniqsa narsaning o'ziga qarab rasm ishlash va san'atshunoslik asoslari darslarida ikkinchi yo'l ko'proq qo'llaniladi.

Agar ko'rgazmalilikning birinchi yo'li bilim qonun tushunchalarni o'zlashtirishga yordam bersa, ikkinchi yo'li pedagogga bu qonun-qoydalarni, atrof muhitdagi hodisalarni isbotlashda ko'maklashadi. O'qtuvchining so'zi sinfda zaruriy muhit hosil qilishda, o'qtuvchilarning ijodiy faoliyatini oshirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun o'qtuvchining nutqi ravon tushinarli va ko'rgazmalilikka mos bo'lishi lozim

Shundagina o'qtuvchi oldiga qo'yilgan vazifani a'lo darajada bajara olgan bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. “Umumiy o'rta ta'lim maktablarida tasviriy san't konsepsiyasi”. Toshkent 1995
2. “Tasviriy san'at Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi “ –Tosh sharq nash 1999
3. Boymetov. B Tolipov N “Maktabda tasviriy san'at to'garagi` Tosh 1995
- 4.Oydinov N. “Rassom o'qtuvchilar tayyorlash muammolari”- Tosh o'qit 1997

Naqsh kompozitsiyasini suvli bo'yoqlardan foydalanib bo'yash va pardoqlash texnologiyasi.

*“Kasbiy ta'lim” fakulteti Amaliy san'at yo'nalishi, 2.06-guruh talabasi
Xudoyberdiyeva Hulkar*

Narsaga naqsh ishlash uchun rang tanlanganda xonaning quyosh nurida va sun'iy yorug'liklarda yoritilishini bilish juda muhimdir. Chunki turli binolarni yoritish turlicha bo'lishi mumkin. Binolarga naqsh solishda to'q ranglarni ishlatmaslik lozim, chunki u ko'zni toliqtiradi, xona ichini kichiklashtirib yuborgandek bo'ladi.

Tayyor bo'lgan naqsh kompozitsiyasini bo'yashdan oldin kerakli rang tuslari tanlab olinadi va mo'lroq qilib tayyorlanadi. Shu bo'yoqning o'zida bir necha naqsh kompozitsiyalarini bo'yash mumkin

Naqshlar iliq ranglar bilan qanchalik ko'p bo'yalsa, ko'zga shunchalik yaqqol tashlanadi. Ba'zan naqsh elementlari bo'yilib, fonlar o'z holicha qoldiriladi. Tayyor bo'lgan rangli naqshlarning sirtlarini lok bilan qoplash lozim. Agar rangli sirt qurigandan keyin ochlashib ketsa, lok bilan qoplanganda to'qlashadi.

Akvarel-lotincha so'z bo'lib, suvga qoriladigan bo'yoq, shunidek, “akvarelda ishlangan naqsh” degan ma'noni anglatadi. Akvarel qadimgi Misr, Yaponiyada keng qo'llanilgan. XIX asrda akvarelda yirik san'at asarlari ishlash juda taraqqiy etgan. Akvarel bo'yog'i hozirgi kunda kulchasimon, tyubikli, taxtacha, chinni idishchali ko'rinishlarda ishlab chiqiladi. Akvarel bo'yoqlarida ishlashning o'ziga xos texnologiyasi mavjud bo'lib, unga amal qilinmasa tayyorlangan ishlarning sifatiga putur yetishi mumkin. Biz akvarel bo'yog'ida biror naqshni yoki bezakni

bo'yashimizdan oldin, uning chiziqli tasvirini tayyorlab olamiz. So'ng, bo'yashga o'tamiz. Akvarelda naqsh yoki bezak ishlanayotganda rang tuslarining toza bo'lishiga e'tiborni qaratish kerak bo'ladi. Bir bo'yoq olinganidan so'ng ikkinchi xil bo'yoq olinishidan oldin, mo'yqalam tozalab yuvib tashlanadi. Shunday qilinsa, bo'yoq tuslari toza va chiroyli ko'rinishda bo'ladi.

Guash italyanacha — “suvli bo'yoq” degan ma'noni bildiradi. Kukun bilan suv yelim bog'lovchilari, ya'ni aqoqiy, bug'doy kraxmali, dekstrin va boshqalar hamda oq bo'yoq (belila) aralashmasidan iborat bo'yoq. Qog'oz, karton, faner, mato, suyakka naqsh, tasvir ishlashda qo'llaniladi. Guash bo'yog'idan o'rta asrlardayoq Osiyo va Yevropaning ko'p mamlakatlarida, asosan, kitob miniaturasidan foydalanib kelingan. XIX asr o'rtalaridan guash bo'yoq sanoatida ishlab chiqarila boshlagach, mustaqil usulga aylanadi. Guash akvareldan oq bo'yoq qo'shilganligi, bo'yoq qatlamining qalinligi va bo'yoq qatlamlarining xiraligi bilan farq qiladi.

Tempera lotincha temperare (temperari) so'zidan olingan bo'lib, aralashtirish degan ma'noni anglatadi. Tempera ham suv bilan ishlatiladigan bo'yoqlar turkumiga kiradi. Hozir esa temperaga bo'lgan qiziqish yanada oshdi. Bunga sabab temperaning namga, harorat va tashqi muhit o'zgarishlariga chidamliligidir. Lekin, uning kamchiligi shundaki, qo'yilgan bo'yoq qavatida haddan tashqari qurib ketsa, qattiqroq bosilganda yoki turtilganda gruntidan tushib ketishi mumkin.

Tempera ikki qismdan: bog'lovchi element bo'lmish tabiiy yoki sun'iy moddadan va bo'yoq moddasidan tashkil topadi. Bog'lovchi elementlar emulsiyasining tarkibiga qarab sariqli tempera (tuxum sarig'i qo'shilgan tempera), oqli tempera (tuxum oqi qo'shilgan tempera), butun tuxum qo'shilgan tempera, moytuxumli tempera, kazeinli tempera va boshqa turlarga bo'linadi. Temperaning bu turlari bir-birlaridan faqat bog'lovchi elementlarining tarkibi bilangina emas, balki o'ziga xos xususiyatlari bilan ham ajralib turadi.

Foydalaniladigan adabiyotlar.

1. M. Mirzaxmedov. “Boshlang'ich badiiy naqsh ishlash uslubi”. T. 2002.
2. S. S. Bo'latov. “Rangshunoslik”. T. 2009.
3. R. Hasanov. “Tasviriy san'at asoslari”. 2009.

Ta'limning sifati qulay ta'lim usulini tanlashga bog'liq.

B. O. Bobobekova. SQMHKHK, maxsus fan o'qituvchisi S. J. Xusanova. SamDAQI, 301 – KT (TS va MG) talabasi.

Bugungi zamonaviy ta'lim sharoitikasb – hunar ta'limi o'quvchilarini ta'lim jarayonidagi faolligini oshirishga qaratilgan metodlarni qo'llashni talab etadi. Faol ta'lim metodlarini tanlashda ta'lim oluvchilarning o'quv-bilish imkoniyatlarini, ya'ni ularning yoshi, tayyorgarlik darajasi, hamda, jamoadagi o'zaro munosabatlarning o'ziga xosligini ham inobatga olish muhim. O'quv mashg'ulotiga tayyorgarlik vaqtida, ta'lim metodini tanlayotib, biz, albatta, talabalarning mustaqil va ijodiy ishlash qobiliyatini hisobga olishimiz lozim. Faol metodlarning ba'zilar talabalarni faollashtirishga qancha ko'p vaqt talab qilsa, topshiriqlar yoki amaliy faoliyatlari bajarilishiga ham shuncha vaqt talab qiladi. O'quv mashg'ulotida vaqt shunchalik

chegaralangan bo‘lishi mumkinki, qo‘llashda ko‘p vaqt talab qiladigan faol metoddan foydalanishi imkonini bermaydi.

Faol metodini tanlashda uning samaradorlik darajasini e‘tiborga olish ham ahamiyatga ega. O‘tkazilgan tahlillar shuni ko‘rsatadiki, o‘quv materiali og‘zaki bayon etilganda talabalar ma‘lumotning 5-10 % ni eslab qoladilar. O‘quv adabiyotlaridan mustaqil o‘qish ma‘lumotning 10-15 % ni, ko‘rgazmali materiallarsa ma‘lumotlarning 20-25 % ni o‘zlashtirishga imkon beradi. Amaliy metodlar eng samarali metod hisoblanib, talabalar ongida ma‘lumotning 75 % i saqlanib qoladi. Lekin, o‘quv-materiallarini talabalar tomonidan mustaqil o‘rganish, amaliy mashg‘ulotlarini mustaqil bajarish metodlari undan ham samaraliroq hisoblanadi, bunda 90 % bilim o‘zlashtiriladi va ko‘nikma shakllanadi. Demak, talabalarni mustaqil o‘rganish, izlanish, muammolarni mustaqil echish, amaliy ta’sirlariga yo‘naltirilgan faol metodlarni qo‘llash yaxshi samara beradi.

Jumladan o‘quvchining mustaqil izlanishga undaydigan loyihalar metodi bilim va malakalarni, tahlil qilish va baholashni amaliy qo‘llashni nazarda tutuvchi ta’limning majmuaviy metodi shaklida namoyon bo‘ladi. Boshqa metodlarga qaraganda, bu metodda ta’lim oluvchilar rejalashtirishda, tashkil qilishda, tekshirishda, tahlil qilishda va bajarilgan ishning natijalarini baholashda ko‘proq ishtirok etadilar. Loyihalar metodida ta’lim berishda faqat natijalar emas, balki jarayonning o‘zi ko‘proq qimmatliroqdir.

Loyihaviyishbirloyihanianikbelgilanganchegaradoirasidaishlab chiqishnitalabqiladi.Loyiha shaklidagi guruhiyishjudaham katta ahamiyatgaega, chunkibundavazifalartopshiriqlarmajmuasibo‘yichaaniq taqsimlanishikerakbo‘ladi. Loyiha individual bo‘lishi mumkin, lekin, odatda har bir loyiha o‘quv guruhining birgalikdagi faoliyatining muvofiqlashtirilgan natijasidir.Loyiha bir fanga oid, fanlar orasida yoki fandan tashqari bo‘lishi mumkin.Loyiha ustida ishlash jarayonida, o‘qituvchining faoliyati quyidagilardan iborat bo‘ladi: ta’lim oluvchilarga axborot qidirishga yordam berishi;o‘zining axborot manbai bo‘lishi;butun jarayonni muvofiqlashtirishi;ta’lim oluvchilarni quvvatlashi va taqdirlashi;uzluksiz qaytar aloqani qo‘llab-quvvatlashi.

Loyihali ta’lim berish o‘quv jarayonini faollashtirishiga asosiy sabab uning, shaxsga yo‘naltirilgan;juda ko‘p didaktik yondashuvlardan foydalaniladi;o‘zini-o‘zidan motivlaydigan, bu ishga qiziqish va jalb qilinishni uning bajarilishiga qarab ortishi demakdir;o‘zining va o‘zgalarning tajribasidan kelib chiqqan holda va aniq ishni o‘rganishga imkon beradi;o‘z mehnatlari samarasini ko‘rib turgan ta’lim oluvchilarga qoniqish keltiradi.

O‘quvchilar kichik guruhlarda loyihani mustaqil ravishda rejalashtirishdan boshlab amalga oshirish va xulosa chiqarishgacha birgalikda ishlashadi. Loyiha topshirig‘i berilgan vaqtidan boshlab, uning bajarilishiga qadar o‘qituvchi o‘quvchilarni mustaqil ishlashga va o‘rganishga jalb etib turishi lozim. O‘qituvchisi loyihani bajarish jarayonini nazorat qiladi va boshqaradi.

Loyiha topshirig‘ini ishlab chiqishda o‘qituvchi: fanga oid loyiha topshiriqlarini ishlab chiqishi;loyiha ishini mustaqil ishlar jadvaliga kiritishi; loyihaning bajarilish tartibini belgilashi va o‘quvchilarning imkoniyatlariga moslashtirib ishlab

chiqish; o‘quvchilarni loyiha ishi mohiyati bilan tanishtirishi lozim.

Loyiha usuli quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi.

Ma’lumot yig‘ish. Bu bosqich uchun o‘qituvchi quyidagi materiallarni tayyorlashi lozim: loyiha; loyihaga tegishli topshiriqlar ta’rifi; loyihaga oid ma’lumot yig‘ishga oid yo‘naltiruvchi savollar; mavzuning o‘quv maqsadlari haqida ma’lumotlar. So‘ngra o‘qituvchi o‘quvchilarni yo‘naltiruvchi savollardan foydalanib topshiriq mohiyatini tushunishga jalb etishi, o‘quvchilar esa mustaqil ravishda darslik, o‘quv qo‘llanmalar, tarqatma materiallar va boshqa manbalardan foydalanib ma’lumot yig‘ishlari kerak. Bundan tashqari loyihani bajarish uchun kerak bo‘lgan va qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan, kerakli hujjatlardan foydalanishlari mumkin. O‘quvchilarga foydalanish uchun texnik chizmalar ham berilishi mumkin. So‘ngra o‘quvchilar mustaqil ravishda loyihani bajarishdagi ish bosqichlarini tuzishlari kerak.

Rejalashtirish. Bu bosqichda o‘quvchilar mustaqil ravishda ish rejasini to‘ldirishadi. Rejada ish bosqichlari va ajratilgan vaqt kerakli jihozlar, uskunalar hamda mehnat va texnika xavfsizligiga oid tadbirlar haqida ma’lumotlar ko‘rsatilishi kerak. Bu yerda ham o‘quvchilar yo‘naltiruvchi savollarni qo‘llab, o‘zlarining shaxsiy yozuvlaridan foydalanishlari mumkin. O‘zlari ish rejalarini mustaqil ravishda ishlab chiqishlari ham mumkin. Ish rejasida – bu berilgan loyiha topshirig‘ini bajarish uchun kerakli bosqichlar ta’rifi berilgan. Ish rejasi biror ish jarayonini bajarilishini bir qismi bo‘lishi ham mumkin.

Qaror qabul qilish. Bu bosqichda o‘quvchilar o‘qituvchi bilan natijalarni birgalikda rejalashtirish bosqichida amalga oshirilgan ishi yuzaga kelgan muammolarni muhokama qilishadi. Muhokama doirasida turli echimlar bir-biri bilan taqqoslanadi va eng yaxshi variant tanlab olinishi kerak.

Amalga oshirish. O‘quvchilar yakka tartibda yoki kichik guruhlarda topshiriqni ish rejasida asosida mustaqil ravishda bajarishlari lozim. O‘qituvchi ish jarayonini nazorat qilib borish kerak. O‘quvchi taqlid qilish orqali va o‘rgangan amaliy ko‘nikmani o‘qituvchi ishtirokisiz bevosita amalda qo‘llay oladi. O‘quvchi o‘rganib olgan bilimlarini yangi vaziyatda qo‘llay va sistematik ravishda rivojlantira oladi. Baholashni va tanlashni biladi hamda yangi ijodiy yechimlarni topaoladi.

Tekshirish va xulosa chiqarish.

O‘quvchilar loyiha bo‘yicha bajargan ishlari natijalarini o‘zlari tekshirishadi. Masalan, ish natijalarini sifat mezonlari yoki me‘yorlarasosida baholashi mumkin. Shuningdek o‘quvchilar bir birining ish natijalarini o‘zaro tekshirishga ham jalb etiladi. O‘quvchi va o‘qituvchi loyiha bo‘yicha bajarilgan ish jarayoni va natijalarini birgalikda tahlil qilishadi. Natijalar muhokama qilinadi. Loyihani bajarish davomida yuzaga kelgan muammolarni echish bo‘yicha ko‘nikma taklif va tavsiyalar beriladi.

Hozirgi pedagogik amaliyotda ta’lim metodlarning 200 dan ortiq turlari mavjudligi e’tirof etiladi. Ta’lim oluvchilarning o‘quv - bilish va o‘quv amaliy faoliyatlarini faollashtirishda ko‘mak beruvchi ta’lim metodlarini tanlash muhim ahamiyat kasb etadi. Usullarni maqsadli yo‘naltirilganini tanlash belgilangan o‘quv maqsadga erishishni kafolatlaydi. Shuni e’tiborga olish kerakki, o‘qitish usulini tanlash nafaqat ta’lim maqsadiga, balki o‘quv material mazmuniga ham bog‘liq bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ishmuhamedov R.J, M.Mirsoliyeva. O`quv jarayonida inavatsion ta`lim texnologiyalari. – T.: “Fan va texnologiya”, 2004, - 60 b.
2. Olimov Q.T, Pedagogi ktexnologiyalar. – T.: “Fan va texnologiya”, 2011, - 275b.

Oliy o`quv yurtlarida “yoshlar fiziologiyasi va gigienasi” faninig o`qitilishini mohiyatlari to`g`risida

SamMI fiziologiya va pat. fiziologiya kafedrasi Dots. To`xtayev F. K, Karabaev A.G. Nurimov P.B.

“Barcha ezgu niyatlarimizning asosida farzandlarimizni jismoniy hamda ma`naviy jihatdan sog`lom qilib o`stirish, ularning baxt-saodati farovon kelajagini ko`rish, dunyoda hech kimdan kam bo`lmaydigan avlod tarbiyalash orzusi turadi”, - deydi birinchi Prezidentimiz Islom Karimov.

Davlatimiz o`z mustaqilligini qo`lga kiritgach yurtimiz kelajagi bo`lgan yoshlarni sog`lom va uyg`un kamol topishiga zarur shart-sharoitlarni yaratish, XXI asr – intellektual ustvorlik qiladigan asr ekanligini e`tiborga olib Vatanimiz farzandlarini har tomonlama barkamol shaxslar etib shakllantirish maqsadida 2010-yili O`zbekistonda “Barkamol avlod yili” deb e`lon qilindi.

Birinchi Prezidentimiz yoshlarni yaxshi bilim olishlari uchun Oliy va o`rta ta`limni qayta qurish masalasini olimlarimiz oldinga kundalang qilib qo`ydi. Oliy ta`limni ko`p bosqichli sistema asosida o`qitish takliflarini kiritdi(1997).

I bosqich – Maktabgacha ta`lim (bolalar bog`chasi)

II bosqich – Maktablarda 9 yillik boshlang`ich ta`lim.

III bosqich – 3 yillik o`rta ta`lim (kollej, litsey).

IV bosqich – Oliy o`quv yurtlarda (bakalavr, magistratura).

V bosqich – Aspirantura, doktatura kabi rejali o`qitish.

Ta`lim islohotlari samarasi yoshlar iqbolini o`ylagan har bir qalb e`tiborida bo`ldi. Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug`anievich Karimovni dono fikrlarida bayon qilingan “Yoshlar bizni kelajagimiz, yoshlarimiz bizdan bilimdon, bizlardan kuchliroq, har tomondan kamol topgan, hech kimdan kam emas va kam bo`lmaydi”- degan iboralarida katta maqsad ko`zda tutiladi. “Barkamol avlod yili” davlat dasturida har tomonlama kamol topgan yosh avlodni shakllantirishni, ularni huquq va manfaatlarini himoya qilish eng avvalo, soglom naslni “sog`lom onadan–sog`lom bola” dasturini amalga oshirish ko`zga tutilgan. 2016-yil “Sog`lom ona va bola” yili deb ataldi. Bolalar va o`smirlar sog`lig`ini muhofaza qilish tizimini takomillashtirish, tibbiyot xizmatini moddiy-texnik bazasini ta`minlash, o`sayotgan yosh avlodni o`qitish va tarbiyalash soxasida erishilayotgan talablardan kelib chiqqan holda oliy va o`rta maxsus ta`lim tizimidagi real iqtisodiyot tarmoqlari hamda soxalarida talab qilingan ta`lim va mutaxassisliklar yo`nalishlarini qayta ko`rib chiqish. Davlat ta`lim standartlarini, o`quv dasturi va adabiyotlarini qayta ko`rib chiqish “Barkamol avlod yili” dasturida belgilab berilgan. Shundan kelib chiqqan holda oliy o`quv yurti talabalariga ularning mutaxassisliklaridan qat`iy nazar ularga “Yosh fiziologiyasi va

gigienasi” fanini o’qitish 2008 yildan boshlab kiritildi. Bu fan oliy o’quv yurtlarida o’qitilishi kiritilishidan maqsadbo’lajak yosh mutaxassislar (pedagoglar) bu fandan xabardor bo’lmalar yoshlarni yosh xususiyatlarini, yoshlar psixologiyasini bilmasalar ularni tarbiyalashda xatolarga yo’l qo’yishlari mumkin.

O’quv jarayoniga yangi axbotot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalarni elektron darsliklar hamda multimedia vositalarini keng joriy qilib, mamlakat maktablarida, kasb-hunar kollejlari va litseylarida, oliy ta’limda ta’lim sifatini tubdan yaxshilash, o’quv-laboratoriyalarini eng yangi zamonviy uskunalar, komputer texnikalari bilan ta’minlab eng rivojlangan davlatlar darajasiga ko’tarilishi ta’minlandi. Zamonaviy axborot texnologiyalari komputer internet tizimi ko’plab oilalarga kirib bordiki, bu davlatimizda o’quv va o’qitish ishlariga katta e’tibor berganligidan nishonadir.

Ilm-fanni yanada rivojlantirish, iqtidorli talablarni ilmga keng jalb qilish, ularni intellektual salohiyatini oshirish, fanlar akademiyalarida va oliy ta’limda ilmiy tadqiqot ishlarini xorijiy ilmiy markazlar bilan aloqasini bog’lash, kadrlarni chet el oliy o’quv yurtlariga yuborishdek katta ishlar amalga oshirildi va yanada bu ishlarga katta ahamiyat berilmoqda.

Oliy o’quv yurtlarda talaba yoshlarni ilmiy salohiyatini rag’batlantirish maqsadida davlat stipendiyalari: Prezident, Zulfiya, Nodira nomidagi stipendiyalar, respublikada eng dong’I chiqqan olim va ulamolar stipendiyalari (SamMI talabalariga Akademiklar: Oripov U. O., Zokirov I. Z., Hayitov R. M., prof. Vahobova U.K. nomidagi stipendiyalarni berilishi ham davlatimizni talaba yoshlarga ko’rsatilayotgan otalarcha yordami hisoblanadi.

Olimlar, talabalar va boshqa soha hodimlarini ilmiy loyihalariga davlat grandlarini berilishidek rag’batlantirishlar yosh avlodni yuqori ilm-fan cho’qqilariga yetaklaydi. Shu boisdan oliy o’quv yurtlariga yaxshi pedagog kadrlarni tayorlash maqsadida har bir oliy o’quv yurtlari qoshida kasbiy talim fakultetlari ochilib shu sohada ishlovchi pedagog kadrlarga “Yoshlar fiziologiyasi va gigienasi” fani oliy o’quv yurtlarini o’quv dasturiga kiritilib o’qitila boshlandi, lekin hech bir sababsiz bu fanni o’qitilishi respublikadagi tibbiyot institutlarini o’quv dasturlaridan 2-3 yildan beri sababsiz chiqarilib tashlangan.

Xulosa

1. Prezidentimiz SH. M. Mirziyoyevni 2017- yil – “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlar yili” to’g’risidagi farmoniga (2/II-2017-yil) asoslanib shu maqolani yozdik.

2. Respublikamizdagi meditsina institutlari qoshidagi kasbiy ta’lim fakultetlarida “Yoshlar fiziologiyasi va gigienasi” fanining o’qitilishini o’quv dasturiga kiritilishini oliy ta’lim vazirligidan iltimos qilamiz.

Talabalarga ingliz tilida matn o’qishni nutq faoliyati turi sifatida o’rgatish usullarri

Eshmamatov R.T. o’qituvchi, SamDAQI qoshidagi 2-son akademik litsey.

Mustaqillik yillarda mamlakatimizda ilm-fanga, xususan, xorijiy tillarga bo’lgan

e'tibor oshib, davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Hozirgi tobora rivojlanib borayotgan zamon talabi bu – pedagog ta'limning nazariy va amaliy metodikasini ta'minlovchi shaxs emas, balki komil insonni shakllanishni ta'minlovchi mutaxassis bo'lishini talab etadi. Bunday yondashuv xorijiy til o'qituvchilari, ayniqsa, ingliz tili o'qituvchilarini izlanishga, ilmiy ijod qilishga boshlaydi. Zero, pedagogik mahorat izlanish, ijodiy mehnat mahsulidir.

Bundan ko'zlagan asosiy maqsadlarimizdan biri ingliz tilini o'rganishdagi mavjud noqulayliklarni chetlashtirishdir, xususan birinchi prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek: “Bunday zaif, noo'rin holatlarni tezda o'zgartirish, o'zbek bolasiga chet tillarning ajib dunyosiga bemalol kirish uchun imkoniyatlarni to'liq ochib berishimiz darkor”¹.

Chet tilda o'qishni o'rganish nofilologik bakalavriat talabalari uchun o'ziga xos xususiyatga ega. “o'qish” tushunchasi harfiy belgilarda ifodalangan nutqiy axborotni idrok etish va uning mazmunini payqash jarayoni tushuniladi. Bundan tashqari, Matn deb odatda o'qish uchun mo'ljallangan yozma diskurs yoki tinglash uchun mo'ljallangan og'zaki dirskurs tushiniladi. Matnlar ideallashtirilgan (aynan dars uchun mo'ljallangan) yoki tabiiy (real hayotdan olingan) bo'lishi mumkin. Ko'p hollarda ideallashtirilgan matnlar tabiiy tekstlarga o'xshash qilib tuziladi.

Xuddi shunga monand ta'rifni chet til o'qitish ruhshunosligida ham uchratish mumkin. Axborot yozma (grafik) kodlar orqali ifodalanganda², uni o'qib tushuniladi. Umuman “o'qish” tushunchasini ta'limshunoslar kengroq ma'noda ham bayon etadilar: “grafik koddagi axborotni undan butunlay farq qiladigan kodga (ya'ni tovush kodiga — J.J.) o'tkazish jarayonidir”³. Ushbu ilmiy izohga hayotda uchraydigan o'qish turlariniig barchasi kiradi (iyeroglifda o'qishni, piktogrammalarni o'qish, chizmalarni o'qi sh, o'lchov asboblari (ko'rsatuv)ni o'qish, formulalarni o'qish, notalarni o'qish va h.k.z).

Talabalarga mazmun (matn nima haqidaligi) va jarayon (ichida yoki tovush chiqarib o'qish) o'rgatiladi. Mazmunni (axborotni) yozma matndan olishga qaratilgan nutq faoliyatining turi o'qish demakdir.

Matndagi axborotni o'zlashtirish ichda (ovoz chiqarmay) o'qish orqali va axborotni o'zgalarga yetkazish ovoz chiqarib o'qish o'yli bilan amalga oshiriladi. Ovoz chiqarmay o'qiganda ham ichda gapirish (ichki nutq) sodir bo'ladi.

Hozirgi davrda o'qish, xuddi ovqatlanish, uyqu, o'qish singari faoliyat, ya'ni ma'naviy ozuqa olish vositasi bo'lib qoldi. Ilmiy-texnika va boshqa axborotlar asosan ish orqali o'zlashtiriladi. Talaba chet tildagi darslik matnlari, o'qish kitobi, matbuot xabarlarini tili o'rganilayotgan mamlakat hayoti, madaniyati, tarixi, adabiyoti kabilar bilan yaqindan tanishadi. O'qishning shaxs tarbiyasidagi ahamiyati katta. Xalqimiz odobli, bilimdon, ziyoli kishilarga havas bilan “o'qigan” deb baho berishi bejiz emas, albatta.

O'qilgan matn axborotini o'zlashtirib olish uchun ish malakasiga ega bo'lish kerak. Malaka, ma'lumki, shakllangan ko'nikmalar asosida rivojlanadi. O'qish

¹ Karimov I.A. Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyoti poydevori” Toshkent 1998, 49- bet

² Byrne, D. Techniques for classroom interaction, Longman. 1995, 6- bet

³ Hoshimov O'. Yoqubov I. O'rta maktablarda Ingliz tili o'qitish metodikasi. Toshkent. 199310- bet.

malakasi tarkibiga quyidagi ko'nikmalar kiradi: 1) nutq birligi ko'ruv timsolining uning eshitish-hutarakat timsoli bilan aloqaga kirishi ko'nikmasi (nutq birligi: so'z va so'z birikmasi, jumla, hatto abzas blishi mumkin). Ushbu ko'nikmalar yig'indisi ish texnikasini (tovush-harf munosabatini) tashkil etadi va **perseptiv ko'nikma** (idrok) deb ataladi. Oldin aytib o'rganilgan til materiali yozuvda ko'rinishi bilan munosabatga kiradi, ya'ni og'zaki o'zlashtirilgan hodisa endi yozma o'rganiladi; 2) nutq birligining tovush-nutq harakat timsoli va uning ma'nosi bog'lanishi ko'nikmasi. Bu ko'nikma o'z navbatida ikki toifada namoyon bo'ladi: so'z yoki so'z birikmasi tovush timsolining uning ma'nosi bilan bog'lanishi (o'qishning leksik ko'nikmasi) va grammatik shaklning ma'no bilan borlanishi (o'qishning grammatik ko'nikmasi). Ikkala kichik ko'nikma yahlit amal qiladi. O'qish texnikasini bilmagan kishi o'qigan narsasining mazmunini tushunmaydi, shuningdek, iqish qoidasini bilishi ham hali ma'noni tushunib yetdi, degan gap emas. Xullas, o'qish malakasi uch “qirrali” faoliyat bo'lib, nutq birligining ko'ruv timsoli, uning nutq harakat timsoli va ma'nosidan tashkil topadi. Uchalasini egallab olish o'qish malakasi xosil qilinganidan dalolat beradi. Matnning mazmuni malaka tufayli fahmlanadi. Binobarin, o'qish malakasi yakuniy amaliy maqsad qilib qo'yiladi.¹

O'qishni faoliyat deb qaralganda, uning tarkibi motiv (undovchi sabab) tarzida muloqot yuritish, maqsad sifatida axborot olish, shart-sharoit olida tilning grafik sistemasgni bilish hamda axborot olish usullarini egallash, va, nihoyat, natija (oqibat) maqomida o'qilganni tushunib yetish kabilardan iborat. Motiv, maqsad, shart-sharoit va natija to'rttalasi o'qishning uzviy bog'liq tomonlarini tashkil etadi.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, haqiqiy o'quv materiali mahalliy so'zlovchilar uchun tuziladi (gazeta maqolalari, radio dasturlari, intervyular). Haqiqiy bo'lmagan material asosan talabalar uchun yoziladi va u talabalar o'rganishi lozim bo'lgan yoki so'zlovchilarning tili oddiylashtirilishi, unchalik to'g'ri kelmaydigan til birliklariga qaratilishi lozim. Biroq dars jarayonida haqiqiy materiallardan foydalanish maqsadga muvofiqdir, chunki ular talabalarning tilini sun'iy lashtirmaydi va bunday material ijtimoiy harakterga ham ega bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Karimov I.A. Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyoti poydevori” Toshkent 1998.
2. Hoshimov O'. Yoqubov I. O'rta maktablarda Ingliz tili o'qitish metodikasi. Toshkent. 1993
3. Byrne, D. Techniques for classroom interaction, Longman. 1995
4. Harmer, J. How to teach English, Pearson Educational Ltd. 1994
5. Ur. P. A course in language teaching. Practice and theory, CUP. 1996

Ekologik tadbirlarni tashkil etish orqali o'quvchilarda atrof muhitga ma'suliyat hissini uyg'otish

Samarqand VXTXQTUMOI katta o'qituvchisi Rabbanayeva Dildora

Bu zaminda hayotning paydo bo'lishi necha-necha million yillarga borib

¹ Ur. P. A course in language teaching. Practice and theory, CUP. 1996, 6- bet

taqaladi. Ilk bir hujayrali o‘simliklar bugungi turfa olam, butun borliqning boshlanish ajdodlaridir. Inson yaralibdiki, eng avvalo o‘z ehtiyojini tabiat qo‘ynidan qondirdi. Chanqasa suv ichdi, ochqasa o‘t-o‘lan yedi. Inson tabiat tufayli bugungi kungacha yetib kela oldi. Shuning uchun ham u “Ona tabiat” diya nom oldi.

Bugun jadal rivojlanish davrida, texnika taraqqiyoti yuqori cho‘qqilarni zabt etayotgan bir vaqtda, har bir inson, eng muhim bir ehtiyojni qalban his etmog‘i kerak. Bu tabiatni asrash ehtiyojidir. Tabiatni asrash kabi muqaddas tuyg‘uni, burchni bolaga ona qornidayoq singdirish lozim, buning uchun albatta ona o‘zi shu tuyg‘ular, tushunchalar bilan qurollangan bo‘lishi kerak.

Bizni o‘rab turgan tabiatning ko‘rkam manzarasi nafaqat qushlar qo‘shig‘i, musavvirilar, shoirlar, bastakor, mashshoqlar, xonandalar uchun ilhombaxsh bo‘lib qolmasdan, balki kishilarning ruhiyatini yengillashtiruvchi ma‘naviy ozuqa beruvchi tabiiy manba bo‘lib ham xizmat qiladi. Insonlar tabiatdan ijodiy ilhom, ruhiy ozuqa, ma‘naviy lazzat olish bilan birga, tabiatning hayotbaxsh ne‘matlari bilan hamohang yashaydi. Shu sababli ham har bir kishi, atrof-muhit muhofazasi bilan shug‘ullanishi, jonivorlar, o‘simliklar, tabiat in‘omlari taqdiri, ularning hayoti ustida qayg‘urishni o‘zlarining muqaddas burchi deb hisoblashlari kerak.

Tabiatga nisbatan mehr, hurmat uyg‘otish, uni e‘zozlash ko‘p jihatdan otanalar, murabbiylar, pedagoglarning bergan tarbiyasi, tushuntirish ishlariga bog‘liqdir. Bevosita tabiat muhofazasi bilan bog‘liq bo‘lgan ayrim ma‘lumotlarni keltirib o‘tish ayni muaddao bo‘lardi. Jumladan, o‘quvchlarni atrof muhitni asrab-avaylash, tabiat in‘omlarini qadriga yetish kabi muqaddas burchga sadoqat ruhida tarbiyalash masalasi. O‘quvchlarda atrof muhitga ma‘suliyat hissini uyg‘otishda ekologik tadbirlarni tashkil etish samarali natijalar berishini pedagoglar ma‘qullashmoqdalar. Ekologik tadbirlarni nishonlash atrof-muhit muammolarini hal qilishda o‘quvchiga bevosita ishtirok etish imkoniyatini beradi. Ekologik sanalar BMT tashkilotining qaroriga ko‘ra va boshqa sabablar bilan nishonlanadi. Bu sanalar tom ma‘noda bayram emas, balki ma‘lum muammoni hal qilish uchun ommaviy harakatlarga chaqiriqdir.

Talaba va o‘quvchi yoshlarga ekologik bilim va ko‘nikmalarni berishda ma‘lum jarayonga qo‘shilish, atrof-muhit muamolarini hal qilishda bevosita ishtirok etish hissiyotlarini singdirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Ekologik sanalarda ma‘lum amaliy tadbirlar, konferensiyalar o‘tkazish, fotostendlar, devoriy gazetalar chiqarish, ko‘kalamzorlashtirish, chiqindilardan tozalash faoliyatida qatnashish zaruriy ekologik axloqiy ko‘nikmalarini shakllantiradi.

Atrof-muhit muhofazasi bilan bog‘liq kunlarga bag‘ishlangan tadbirlarni oliy o‘quv yurtlari, kollejlari, litseylar, umumta‘lim maktablari, bolalar bog‘chalarida muntazam o‘tkazish ekologik tarbiyani, madaniyatni shakllantirishning muhim vositasidir.

Bu tadbirlarni o‘tkazishda har bir o‘quvchi yosh o‘zining ijodiy qobiliyatlarini kengroq namoyon etishiga imkon yaratish, ularga ko‘maklashish va ularning harakatlarini to‘g‘ri yo‘naltirish zarurdir.

Ekologik tadbirlarni o‘tkazish tartibi quyidagicha. Dastlabki darslarda

o‘qituvchi ekologik sanalar va ularni nishonlashning ahamiyati haqida axborot berib, oldindan o‘quvchilarga devoriy gazeta chiqarish, fotostend tashkil qilish, muammolar bo‘yicha ma’lumotlar to‘plash, referatlar tayyorlash kabi topshiriqlarni beradi. O‘qituvchi o‘quvchilar ma’lumot to‘plashlari oson bo‘lishi uchun mavzuga oid internet saytlari ro‘yxatini, kerakli maslahatlar beradi. Ekologik sanalarni imkon qadar ma’suliyat bilan nishonlash maqsadga muvofiqdir. Masalan: “Ozon qatlamini himoya qilish xalqaro kuni” – 16 sentabrda nishonlanadi. Darsni o‘qituvchi axboroti bilan boshlashi mumkin. Ozon muammosi bo‘yicha filmdan lavhalar berib borilsa, yanada yaxshiroq bo‘ladi. 1-o‘quvchi ozon qatlamini himoya qilishning global muammolari haqida axborot beradi. 2-o‘quvchi O‘zbekistonda ozon muammosi va uni hal qilish yo‘llari bo‘yicha axborot beradi. “Umumjahon suv kuni” – 22-mart kuni nishonlanadi. O‘qituvchi oldindan o‘quvchilarga topshiriqlar beradi. Fotostend, devoriy gazetalar oldindan tayyorlab olib qo‘yiladi. Mavzu o‘quvchilarning kirish so‘zi bilan boshlanadi. “Chuchuk suv” filmidan dan lavha berib turiladi. Kichik guruhlarda ishlash ham maqsadga muvofiqdir. 1-guruh jahonda chuchuk suv muammosini yoritadi. 2-guruh Markaziy Osiyo muammosidagi suvdan foydalanish muammolarini, 3-guruh O‘zbekistonda suv ta’minoti muammolarini yoritib beradi. O‘quvchilar o‘zlari yashaydigan joylardagi suv bilan bo‘g‘liq muammolar haqida gapirib berishlari ham mumkin. Savol-javoblardan so‘ng o‘qituvchi tadbirni yakunlaydi. O‘quvchilar bilimlarini umumlashtiradi.

Umumta’lim maktabi o‘qituvchilarining yillik yuklamalarida bunday tadbirlarni o‘tkazish majburiyati bor va boshqa o‘qituvchilar ham bu tadbirlarni o‘tkazishda qatnashishlari maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Yil davomida nishonlanadigan ekologik sanalar:

11-yanvar – Qo‘riqxonalar va milliy bog‘lar kuni.

2-fevral – Suv-botqoqlashgan hududlar kuni.

22-mart – Umumjahon suv kuni.

30-mart – Yerni himoya qilish kuni.

1-aprel – Xalqaro qushlar kuni.

7-aprel – Xalqaro salomatlik kuni.

22-aprel – Umumjahon Yer kuni.

12-may – Ekologik ta’lim kuni.

22-may – Biologik xilma-xillikni asrash xalqaro kuni.

5-iyun – Atrof-muhitni muhofaza qilish xalqaro kuni.

8-iyun – Umumjahon okeanlar kuni.

17-iyun – Cho‘llashishga qarshi kurash umumjahon kuni.

15-sentabr – O‘rmon kuni.

16-sentabr – Yerni ozon qatlamini himoya qilish xalqaro kuni.

21-27-sentabr – “Jahonni musaffo qilamiz” haftasi.

22-sentabr – Avtomobilsiz kuni.

27-sentabr – Xalqaro turizm kuni.

29-sentabr – Xalqaro dengizlar kuni.

4-oktabr – Hayvonlarni muhofaza qilish kuni.

11-oktabr – Tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish xalqaro kuni.

17-oktabr – Kambag‘alikka qarshi kurash xalqaro kuni.

20-noyabr – Chekishdan voz kechish kuni.

24-noyabr – Hech narsa sotib olmaydigan kun.

3-dekabr – Pestitsidlarga qarshi kurash xalqaro kuni.

11-dekabr – Xalqaro tog‘lar kuni.

Agar yil davomida nishonlanishi lozim bo‘lgan bu sanalar umumta’lim maktablari o‘quvchilari bilan doimiy nishonlanib borilsa, o‘quvchilarning ekologik ongi, madaniyatini shakllantirishda yangi ijobiy turtki bo‘ladi.

Chunki o‘quvchilar bilan ekologik sanalarni nishonlash ham ularni ekologik madaniyatini shakllantirishdagi uslubiy jihatlardan biri sifatida maydonga chiqadi. Buni to‘g‘ridan-to‘g‘ri ekologik madaniyatni shakllantirishni sinfdan tashqari ko‘rinishi sifatida baholash mumkin.

Сихат саломатликни ёшларга оид муаммолари

“Жисмоний маданият” кафедраси катта ўқитувчиси А.М.Деҳқонов

Маълумки ҳар бир мамлакатнинг куч–қудрати, миллий бойлиги энг аввало унинг фуқаролиги, айниқса ёшларнинг саломатлиги ва маънавий камолоти билан ўлчанади. Шундай экан, мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш ва мустахкамлашда тиббий хизматнинг тўғри ва оқилона ташкил қилишни муҳим рол ўйнайди.

Аmmo мактаб ўқувчилари ва ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг яқин пайтларгача бўлган шакли ва услуби саломатликни мустахкамлаш, касалликларни олдини олиш, уларни аниқлаш ва даволаш, шунингдек, ногиронликни олдини олиш каби муҳофазавий тадбирларни самарали олиб боришни таъминламасди. Шу ўринда бир мисолни келтириш ўринли бўлар эди. Мамлакатимиз аҳолисининг 44 фоизини болалар ташкил этган ҳолда собиқ иттифоқ даврида уларга умумий шифокорларнинг атиги 17 фоизи хизмат кўрсатар эди. Яъни демократик жараёнлар ҳисобга олинмасдан болалар шифохоналари аҳолининг умумий сонига нисбатан тақсимланарди. Бундан ташқари асосий куч–этиборни чақолоқлар ўлимини кўрсаткичини иложи борица камайтиришга қаратилади. Бироқ, соғлом онадан соғлом бола туғилишини таъминлашга етарли аҳамият берилмасди.

Кейинги йиллар давомида бу борадиги қачиликларни бартараф қилиш чоралари кўриб келинмоқда. Энг асосий, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан миллий дастур ишлаб чиқилди ва у ҳаётга кенг қўламда тарҳиб этилмоқда. Шунга қарамай, ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар даврида республикамизда мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги ташвишли ҳолда эканлигини яна бир бор таъкидлаш лозим. Расмий маълумотларга кўра 15-17 ёшли ўсмирлар ва қизларнинг 40-фоизидан ортиғи II ва III саломатлик гуруҳларига киради, яъни уларнинг деярли 20 фоизи бугунги кунда даволанишлари лозим бўлиб келмоқда.

Соғлом авлод деганда негадир кўпчиликни ҳаёлига тезда тиббиёт келади.

Лекин шуни билиш лозимки, соғлом авлод фақат тиббиётга боғлиқ эмас. Тиббиёт носоғломларни даволайди. Саломатликни тан бақувватлиги, гўзаллигини эса, мунтазам жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини белгилайди. Соғлом авлод оила, боғча, мактаб, ўқув юртлари, маҳалла, тиббиёт, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг яқин ҳамкорлигидаги фаолиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тану-жонимиз саломатлигини истар эканмиз, асосий диққат–эътибор, ҳаракат, куч-ғайрат вақтни кўпроқ касалликларни даволашга эмас, балки уни олдини олишимиз лозимдир. Шунинг учун ҳам биз белгаланган тадбирларда энг аввало соғлом турмуш тарзини кенг тарғибот қилиш бўйича илғор тажрибали мактаблар тишқил этиш лозим деб ўйлайман. Мустақиллик юртимизни буюк келажагини мустахкамловчи ёшларимизни саломатлигини мустахкамлашда мактаб, касб-хунар коллежларида ҳамда олий ўқув юртларида ўқувчиларнинг тиббий кўриқдан ўз вақтида ва сифатли ўтишини таъминлаш лозим.

Ёш авлодни саломатлигини мустахкамлаш мақсадида энг муҳим тадбирлардан яна бири жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини намунали ташқил этиш лозимдир. Бу борада тиббий гигиена ва жисмоний тарбия бўйича ўқув оммабоп адабиётларини чоп этиш ва спорт машғулотларини болаларнинг ёши ва саломатлигини гуруҳига қараб олиб бориш лозим шу бўйича нормативлар қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Буларни ҳаммаси ўсиб келаётган келажагимиз ёш авлод ўртасидаги касалликларни камайтириш, уларни соғломлаштириш, ҳар тамонлама етук баркамол инсонлар қилиб тарбиялашимизга мўлжалланган тадбирлар бўлиб, мустақил республикамизнинг янада қудратли ва маънан бой бўлишига муҳим ҳисса қўшади. Энг асосий саломатлик бу туман бойлик асосий мақсад этиб олиш лозим бўлиши керак. Бу эзгу мақсад йўлида муҳофаза, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, армияга кўмаклашиш “Ватанпарварлик” маҳалла фаолларининг биргаликда ёш авлодни соғлигини мустахкамлашда ўзларини ибратли тадбирлари билан ташуубус кўрсатсалар айни муддао бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Соғлом турмуш тарзи асослари” Арзикулов Р.У. Тошкент 2015й
2. Ўзбекистонда болалар спортни ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги (2002 йил, 24 октябрь) қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.
4. “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги қонун (2015 йил 4 сентябрь).

Таълим тизимини мукамаллаштиришнинг устувор йўналишлари
А.Т. Абдуқодиров СамДАҚИ “ Олий математика ва физика” кафедраси доценти. Н.Абдуқодирова Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси. Ж.Сатимбоев СамДАҚИ 201-Ай ва А гуруҳи талабаси,

Таълимнинг асосий мақсади, келгусида жамиятимизнинг ривожига улкан ҳисса қўша оладиган, маънавий пок, ўз касбининг устаси, юксак маҳорат эгаси ва тадбиркор ёшлардан иборат баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришдан, уларга чуқур билим беришдан иборат.

Таълим тизимини ҳозирги жаҳон андозалари даражасига эришадиган ва замонавий таълим талабларига жавоб бера оладиган тарзда ташкил этиш ва ривожлантириш асосида жамиятимизнинг, ватанимизнинг тараққиёти учун замин яратамиз. Шу боисдан ҳукуматимиз асосий эътиборни таълим тизимини ривожлантиришга қаратмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг далилидир

Республикамизнинг барча олий ўқув юртларида ва касб-ҳунар коллежларида фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг илмий ва маънавий дунёқарашининг шаклланиш истиқболларини янада юқори чўққиларга кўтариш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Бундай ишларни амалга оширишда биз устоз ўқитувчилар битирувчиларнинг келгусида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қила оладиган муҳандис ҳамда ўз ихтисосининг билимдони бўла оладиган кадр қилиб тарбиялаш лозимлигини эсдан чиқармаслигимиз зарур. Битирувчиларни юқори салоҳиятга эга бўлган етук мутахассис ҳамда комил инсон этиб тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий фанлар билан бир қаторда умумтехника фанларига оид билимларни ҳам чуқур ўзлаштириши учун ўқитувчи энг аввало юксак педагогик маҳорат эгаси бўлиши, дарсларни инновацион технология асосида олиб бориши, илғор педагогик технологияларни тўғри қўллаш билиши, демонстрацион ва бошқа техник воситалардан, компьютер техникасидан ва интернетдан унумли фойдаланиши лозим. Ахборот ресурс маркази ва компьютер синфлари барча фанларга доир турли электрон дарсликлар, демонстрацион маърузалар, виртуал лаборатория ишлари, турли жараёнларни ва дунёдаги машҳур олимларнинг ишларини ёритиб берувчи видеофильмлар билан таъминланган бўлиши ҳамда талабанинг дарсдан кейин компьютер хонасида мустақил ишлаши учун барча имкониятлар яратилган бўлиши лозим.

Ўқитувчи намунавий дастурга асосланган ишчи дастурни ҳар бир мутахассисликнинг ўзига мослаб тузиши ва унда ўша мутахассисликка бевосита тегишли бўлган мавзуларга кўпроқ соат ажратиш ва уларни кенгрок баён қилиши мақсадга мовофикдир.

Барчага маълумки, республикамизнинг Давлат тест маркази томонидан олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун иқтидорли талабаларни адолатли танлаб олиш мақсадида тест ўтказишнинг замонавий технологиялари қўлланилмоқда. Лекин шунга қарамаздан олий ўқув юртларига тасодифан

кириб қолган, ҳатто грант асосида ўқиётган, билим савияси паст талабалар ҳам учраб туради. Бундай иллатларни йўқотиш учун тест имтихонлари янада модернизациялаштирилиши, тест имтихонларида абитуриентнинг тўплаган баллари учун масъул шахс аниқ белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Бундай муаммоларни ижобий ҳал қилиш ва талабаларнинг янада чуқурроқ билим олишга интилишларини кучайтириш мақсадида таълим тизимининг қуйидаги лойиҳасини тавсия қилиамиз:

Ушбу лойиҳага кўра барча талабалар олий ўқув юртларининг I курсига контракт асосида ўқишга қабул қилиниши тавсия этилади. I курсдан бошлаб ҳар бир семестр ёки ўқув йили охирида талабанинг фанлардан ўзлаштирган билимларини ва олий ўқув юртига кириш тест имтихонларида тўплаган рейтинг балларини эътиборга олган ҳолда уларга келгуси семестр учун кўшимча стипендиялар, устамалар ва грантлар тайинланади (ажратилади), энг юқори балл тўплаган иқтидорли талабалар эса кейинги курсдан бошлаб грант асосида ўқиш имтиёзига эга бўладилар.

Ушбу лойиҳада мутахассисликлар учун ўзлаштирилиши катъий белгилаб қўйилган (ўзлаштирилиши зарур бўлган) фанлардан ташқари, ўқув режасида кўрсатилган фанларнинг қайси бирини ўрганишни талабанинг ўзи танлайди. Лекин талаба рад қилган фанларнинг максимал сони вазирликнинг норматив ҳужжатларида катъий белгилаб қўйилган бўлиши зарур ва ҳар бир курс учун ўқув режасида белгиланган фанларни тўлиқ ўзлаштирган талаба курсдан курсга кўчирилади. Мабодо агар талаба ушбу фанлардан 3 таси ва ундан ортигини ўзлаштирмаган бўлса, у ўз курсида қайтадан ўқийди ва контракт пулини ҳам қайтадан тўлайди. Агар бундай талаба I курсни 2 йил ўқигандан кейин ҳам тегишли фанларни ўзлаштира олмаса, олий ўқув юртида ўқишдан четлаштирилади ва қайта тиклаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Агар ўзлаштирмаган фанлар сони 2 ва ундан кам бўлса талаба ушбу фанларни қайта ўзлаштириш шарти билан курсдан-курсга кўчирилади, ҳамда кўшимча контракт пули тўлаб, ўзлаштирилмаган фанлар бўйича кўшимча дарсларга катнашади. Ҳар бир семестр охирида ушбу фанлар бўйича ҳам назорат турларига катнашиб рейтинг балларини тўплайди.

Ўз вақтида фанларни ўзлаштира олмаган ва курсдан-курсга қолиб ўқиётган талабаларга семестр ёки ўқув йили давомида стипендия берилмайди.

Дарсларни чуқур ўзлаштиришнинг яна бир омилларидан бири-талабалар билимини баҳолаш тизимини тўғри танлай билиш ва ташкил этишдан иборатдир. Масалан, олий ўқув юртларида ҳам баҳолар худди академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги каби семестр ёки ўқув йили давомида ўқитувчи ва гуруҳ журналларида мунтазам равишда қайд қилиб борилса ҳар бир семестр охирида якуний назорат ўтказилмайдиган фанлардан ҳам жорий ва оралик назорат баллари асосида талабанинг рейтинг дафтарчасига заҳёт баллари қайд қилинса ва ушбу балл натижалари талабага стипендия беришда эътиборга олинса ўзининг ижобий натижасини беради.

Хозирги пайтда олий ўқув юртларида ҳар бир семестрда жорий назоратга максимал 40 балл, оралик назоратга максимал 30 балл, якуний назоратга ҳам

максимал 30 балл берилади. Талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи жорий назорат, оралик назорат, ва якуний назоратда тўплаган баллар йиғиндисидан иборат бўлади.

Биз таклиф қилаётган лойиҳада эса ва семестр давомида талабаларга жорий назорат, оралик назорат бўйича гуруҳ журналига 100 баллик тизимда баҳо (балл) кўйиб борилади.

Семестр охирида эса ўртача жорий назорат ва ўртача оралик назорат балларини ҳисоблаб журналнинг тегишли устунларига кўйилади. Якуний назорат ўтказилгандан сўнг, талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун ортача жорий назорат, ўртача оралик назорат ва якуний назорат балларининг ўртача қийматини ҳисоблаб топамиз. Талабанинг рейтинг балини ҳисоблаб топиш учун эса бир семестрдаги фан бўйича умумий соатлар сонини юзга бўлиб, чиққан натижани ўзлаштириш кўрсаткичига кўпайтириш лозим.

Бизнинг таклифимиз шундан иборатки нафақат олий ўқув юртларида балки академик лицей ва касб-хунар коллежларида ҳам баҳолашнинг 100 балли тизимидан фойдаланган маъқул. Чунки талаба ёки ўқувчини 100 балли тизимда баҳолашда баҳолаш интервали кенгаяди. Масалан гуруҳда 4 — та “аъло” баҳога ўқийдигани талабанинг билим савиялари бир-биридан фарқ қилгани учун 100 балли тизимда уларни турлича баҳолаш мумкин бўлади. Натижада ўқувчи ва талабалар билимини адолатли баҳолаш имконияти туғилади ва уларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари янада кучаяди

Ушбу лойиҳанинг афзаллиги шундан иборатки, биринчидан I курсда ўзининг билимини ва иқтидорини намойиш қила билган, юкори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган талаба 2 курсдан бошлаб грант асосида ўқиш имконига эга бўладилар, иккинчидан талабаларнинг чуқурроқ билим олишга интилишлари янада кучаяди, учинчидан, фанни ўқитишда ўқитувчиларнинг замонавий педтехнологияларни қўллашлари учун замин яратилади.

К введению понятия энтропии в курсе физики технического вуза.

доцент А. Абдуллаев, магистр М.А. Худойназаров

Анализ структурно-логической схемы учебного плана для втузов показывает, что одним из основных понятий в курсах физики и технической термодинамики является понятие **энтропии**. Формирование этого понятия кроме чисто прикладных задач имеет важное мировоззренческое значение, поскольку на его основе вводится **второе начало термодинамики** – один из основных законов природы.

Как известно, понятие энтропии, как и второе начало термодинамики, имеет статистический смысл. Поэтому весьма заманчивым представляется начать формирование этого понятия из статистических соображений, а затем показать связь энтропии с количеством теплоты и температурой. На качественном уровне это сделать нетрудно [1], однако ряд положений здесь приходится вводить догматически. Более строгий подход оказывается довольно сложным

[2], и студены его усваивают с трудом.

Формирование понятия энтропии на термодинамической основе широко распространено в учебной литературе (см. например, [3]). Этот подход в его традиционной форме страдает, однако, определенными недостатками.

Обычно здесь исходят из анализа принципа работы тепловой машины и цикла Карно, что невольно сужает в представлении обучаемых смысл второго начала термодинамики. У студентов невольно создается представление о том, что понятие энтропии и второе начало термодинамики вводятся с одной только целью – обосновать, что

к. п. д. тепловой машины меньше 100 %.

Ниже предлагается другой подход к введению

понятия энтропии [4], в основу которого

положено по существу соображения Клаузиуса,

имеющие, на наш взгляд, важное методическое значение, не оцененное по достоинству. Для понимания этой идеи студенты должны иметь понятие о

полном дифференциале функции нескольких переменных, что вполне соответствует содержанию новой программы по математике для высших технических учебных заведений, а также учебных пособий по этому курсу [5].

Суть методики сводится к следующему. Напоминаем студентам, что в консервативных системах элементарная работа является полным дифференциалом потенциальной энергии:

, где U – функция состояния. В неконсервативных системах это положение несправедливо, вследствие чего механическая энергия замкнутых системы не сохраняется.

В качестве иллюстрации показывается, что работа, по расширению газа определяется не только начальным и конечным состояниями системы, но и формой фазовой траектории (рис.1).

Отсюда следует, что, следовательно, выражение не является полным дифференциалом. Естественно, что и элементарное количество теплоты

– тоже не является полным дифференциалом, вследствие чего бессмысленно говорить о количестве теплоты (или запасе тепловой энергии), содержащимся в теле. Студентам известно, что для любой


дифференциалом, вследствие чего бессмысленно говорить о количестве теплоты (или запасе тепловой энергии), содержащемся в теле.

Студентам известно, что для любой дифференциальной формы нескольких (например двух) переменных существует интегрирующий множитель M , такой что

, так что по любой фазовой траектории.

Нетрудно убедиться что интегрирующим множителем для элементарного количества теплоты является величина

– , где T – абсолютная температура. Так, для идеального газа имеем:



$$\oint \frac{\delta Q}{T} = \oint \frac{C_{\vartheta} dT}{T} + \oint \frac{pdV}{T} = C_{\vartheta} \oint \frac{dT}{T} + R \oint \frac{dT}{T} \equiv 0$$

Следовательно, $\frac{\delta Q}{T}$ есть полный дифференциал некоторой функции S:

$$\frac{\delta Q}{T} = dS$$

Эта функция состояния называется **энтропией**.

Отсюда видно, что при любом обратимом циклическом процессе $\Delta S_{обр} = 0$.

Возрастание энтропии при необратимом процессе может быть показано при анализе таких явлений, как теплообмен, диффузия, трение. Элементарный расчет позволяет получить $\Delta S_{необр} > 0$.

На этой основе формулируется второе начало термодинамики в виде $\Delta S \geq 0$, т.е. энтропия замкнутой системы ни при каких процессах не убывает.

Литература:

1. Яворский В.М. «Пинский А.А. «Курс физики» М.1974 г.
2. Пинский А.А. К статистической трактовке второго начала термодинамики, физики сб. статей М.1968 г. стр.68
3. Яворский В.М. Детлеф А.А «Курс физики» М.1965 г.
4. Кудрявцев П.С. «Курс истории физики», М. 1974 г. стр.154
5. Вентцель Е.С. «Теории вероятностей» М.1969 г.

Ta’lim jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanishning o’ziga xos xususiyatlari

Absamatova G. (SamDAQI) Ilmuratov B. (SamDAQI talabasi)

Hozirgi vaqtda ta’limni axborotlashtirishda asosiy yo’nalish turli o’quv fanlari bo’yicha pedagogik dastur vositalarini yaratishdan iborat bo’lib qoldi. Biroq mavjud va ishlab chiqilayotgan kompyuter texnikasi bazasidagi pedagogik dastur vositalari o’qitish nuqtai nazaridan ta’lim sifatida muhim siljishlarga olib kelishi mumkin emas. Buning sabablaridan biri kompyuter texnologiyalarini an’anaviy tashkil etilgan o’qitish jarayoniga joriy etila boshlanganligida bo’lib, o’z mazmuni va metodi bo’yicha bu texnologiya aniq maqsadga yo’naltirilmagan. Shu munosabat bilan iqtisodiy ta’lim tizimiga axborot texnologiyalarini joriy qilish muammom va istiqbollari ko’rib chiqish favqulodda muhimdir.

Insoniyat jadallik bilan taraqqiy etib borayotgan bir davrda, iqtisodiy va siyosiy mavqeyi kundan-kunga ortib bormoqda. Biroq dunyo bo’ylab ijtimoiy sohada va ayniqsa, ta’lim-tarbiya jarayonida umumiy taraqqiyotda qilinishi kerak bo’lgan ishlar talaygina. Xususan mamlakatimizda bunday murakkab vaziyatdan chiqib ketish yo’llaridan biri ta’lim-tarbiya jarayonini qabul qilingan davlat standartlari asosida texnologiyalashtirishdir.

Xorijiy mamlakatlarda muvaffaqiyat bilan foydalanilayotgan ilg’or pedagogik texnologiyalarni o’rganib, xalqimizning milliy pedagogika an’analaridan hamda

ta'lim sohasining shu kundagi holatidan kelib chiqqan holda respublikamizning milliy pedagogik texnologiyasini yaratish bugungi kunning talabidir.

Xorijiy tillarni o'qitishda innovasion pedagogik texnologiyalarni qo'llash orqali uzluksiz ta'lim samaradorligini oshirishga alohida e'tibor berilayapti. Pedagogik texnologiyalar - ta'lim berish va zamonaviy axborot texnologiyalarini qo'llash yordamida talabalarning shaxsiy sifatlarini rivojlantirish va takomillashtirish imkoniyatini beruvchi o'quv vositalari bo'lib, u o'ziga xos didaktik va uslubiy asosga ega.

Fanlarning o'qitilish sifati va samaradorligini oshirish maqsadida, pedagogik texnologiyalarni zamonaviy axborot texnologiyalar imkoniyatlari asosida uch turdagi o'quv mashg'ulotlariga, ya'ni ma'ruza, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda kompleks holda qo'llash tavsiya etiladi.

Mazkur holatdan kelib chiqib, o'qitishga- umumiy tarbiya ishlari amalga oshiriladigan barcha qonuniyatlar kiradi. Shartli ravishda maqolamizda quyidagilarni sanab o'tamiz:

- o'qitishning shaxsni har tomonlama, garmonik rivojlantirishga tegishli bo'lgan vazifalarini yechishga yo'naltirilishi;

- o'qitish jarayonida o'quvchilarning qobiliyatlarini va ijodiy xususiyatlarini ochish hamda ularning ijobiy xislatlari va sifatlariga tayanish;

- o'qitish jarayonida o'quvchilarning yosh va individual xususiyatlarini hisobga olish;

- bilimlarni egallashda xursandchilikni, muvaffaqiyatlarni ta'minlash;

- o'quvchilarning ehtiyojli- qiziqtiruvchi sohasining o'quv-bilish faolligi bilan birligi;

- o'quvchilarga nisbatan xurmat va talabchanlikni namoyon qilish va o'qitish jarayonida ularning shaxsiy faxrlanishlarini mustahkamlash;

- o'qitish ishlarini sifatini yaxshilashda jamoaning ta'sirini oshirish.

- ta'limning faoliyatli xususiyati;

Bu qonuniyatlarni amalga oshirishning harakteri va yo'llari tarbiyaning mohiyati yoritilgan vaqtda ochib berilgan. Shu yerda ta'kidlash joizki, ushbu qonuniyatlarni mohirona amalga oshirish o'qitish jarayonining didaktik samaradorligini oshirish uchun muhim sharoit yaratadi. Masalan, agar pedagog o'quvchilarning ehtiyojli - qiziqtiruvchi sohasini shakllantirmasa va rivojlantirmasa, bu holda ularning o'quv-bilish faoligini ta'minlash dargumondir. Agarda pedagog o'quvchilarning faoligini rag'batlantirmasa, ya'ni ularga xurmat bilan muomala qilmasa, mehribonlik va odobiy talabchanlikni namoyon qilmasa, bunda u o'quvchilarning bilimlarni egallashdagi muvaffaqiyatlaridan xursandchilik hissini uyg'ota olmaydi. Ham o'qitish uchun ham tarbiya uchun umumiy hisoblangan qonuniyatlar bo'yicha ishlar shunday kechadi.

Bevosita Xorijiy tillarni o'rgatish SEFR dasturiga asoslanganligi talabalarning bir vaqtning o'qish, yozish, tinglash, lingvistik bilimlarini oshirilishini ta'minlaydi. Bugungi kunda til bilish darajasini masofaviy aniqlash mumkinkin. Bunda

kompyuter va internet tarmog‘i yaqindan ko‘makdosh bo‘ladi. Talaba xohlagan vaqtda internet orqali audio va video darslarni yuklab olish imkoniyati mavjudligi ta‘limning samaradorligini oshiradi.

Tarjima dasturlarining ishlab chiqilgani tarjimonlarga bo‘lgan ehtiyojni yo‘qotmaydi aksincha tarjima jarayonini tezlashtiradi va shuningdek tarjimaning ishonchli chiqishiga qisman bo‘lsada ko‘maklashadi deyish mumkin.

Electron lug‘atlarning bugungi kunda turi juda ko‘p va ular bilan ishlash ancha oson. Bu kabi lug‘tlar so‘zlarning faqatgina tarjimasini ko‘rsatib qolmasdan ularning izohini va ma‘nolarini misollar bilan izohlash hususiyatiga ham ega.

Innovasiya texnologiyalari o‘qitish jarayonida yuqori malakali, raqobatbardosh o‘qituvchi kadrlar tayyorlash, ularning kasbiy omilkorliklarini shakllantirish, metodik mahoratini ko‘tarish, o‘qituvchi-pedagoglarni zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan qurollantirish omili bo‘lib qolmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Kuchiboyev A.K.. Xorijiy tillarga o‘rgatishning kommunikativ metodikasi. CamDChTI. S.,2010.
2. Turiyozov N. Xorijiy mamlakatlar lingvistik nazariyasi. Samarqand-2007.
3. Xoshimov O‘. Yoqubov I. Ingliz tili o‘qitish metodikasi. T., - 2003

Халқимиз тафаккурида диний экстемистик ҳаракатларга қарши кураш имунитетини шакллантириш: Муаммолар ва вазифалар.

СамДАҚИ. Ҳ. Алиқулов, А.Зиётова

Республикамызда эътиқод эркинлигини таъминлаш масаласида барча шароитлар яратиб берилган бир шароитда, маккор ва купорувчи кучлар, диний мутассиб гуруҳлар ўз кабиҳ режаларини амалга ошириш йўлида халқ ичида бузғунчи ғояларни тарқатишга уринмоқдалар.

Диний-экстемистик ҳаракатлар ўз мақсадлари учун асосан ёш йигит ва қизларни танлайдилар. Нега айнан ёшлар ва аёллар?

Чунки айнан ана шулар Ватанымиз келажаги, миллатимиз эртанги куни, тараққиётини белгилаб беради. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси кучли бўлади? Бу саволга аҳолиси интеллектуал нуқтаи-назардан баркамол, ёшлари билимли, орномусли, Ватанпарвар бўлиб, униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин”¹

Шу ўринда ўсмирлар ташқи таъсирга кўпроқ мойил бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Муайян ҳолларда ҳаётдаги орзу-мақсадларга мустақил эришиш ҳаракатларининг ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаслиги оқибатида ёшларда инфантиллик (ўзини ночор, ёрдамга муҳтож ҳис қилиш) хусусияти шаклланиши кузатилади. Бундай вазиятда уларда “олий мақсадларга интилаётган мен каби кишилар ёки жамоа мавжуд”, деган тасаввур пайдо бўлишига замин яратилади. Шунда улар ўзларининг мақсад ва интилишларини тушунадиган кишиларни излай бошлайдилар.

¹ И.А.Каримов. “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” 13-жилд, Т.:Ўзбекистон, 2005 йил 19-бет

Айни пайтда жиддий маъсулиятдан озод бўлган ўсмирлар учун шахсий тажрибанинг етишмаслиги хосдир. У соддадиллик ва хаёлпарастлик билан ёнма-ён келади. Шу билан бирга, ёшлар наздида гуёки атрофда кузатилаётган адолатсизлик натижасида юзага келадиган зўриқишни йўқотишда фақат биргина йўл “буюк ғоя”ни ўзида мужассамлаштирган етакчи билан ҳаммаслак бўлишни танлашга мойиллик юзага келади. Бу йўл ўсмирни диний мутассиб оқимлар домига тортилишига олиб келиши мумкин.¹

Кейинги пайтларда турли террорчилик ҳаракатларини содир этиш ишларига аёллар ҳам аралшиб қолмоқда. Белларига портловчи моддалар боғлаб, ўзини нобуд қилаётган аёллар сони ортиб бормоқда. Бу каби ишларга қўл урушлари, ўз жонларига қасд қилишлари, умуман терроризм йўлига кириб қолишларининг асосий сабаби, уларнинг на диний, на дунёвий билимга эга эмасликлари, турли оқимларга нисбатан соф ислом динининг муносабатини билмасликларидир.

Баъзи кишилар аёлларнинг террор йўлига кириб қолишларини моддий қийинчилик, оиладаги етишмовчилик, ишсизлик, кам таъминланганлик, аламзадалик, сиёсатдан норозилик каби қатор ижтимоий ҳолатлар билан боғлашга интиладилар.

Аслида эса, экстремистлар аёлларнинг турли оқимларга кириб, ўзларини ўлдириш даражасигача боришларида уларнинг маънавий-руҳий оламига хос хусусиятлардан усталик билан фойдаланаётганликларини кўриш мумкин. Хусусан, маълумотлар Фаластин ва Кавказда алдаб ёки зўрлаб номусига тегиш орқали уларни маънавий-руҳий жиҳатдан боши берк кўчага киритиб қўйиш, сўнг эса бу гуноҳни ювиш йўли сифатида “шаҳидлик”ни таклиф этиш ва аста-секин ўз-ўзини портлатишга тайёрлаш усулидан кенг фойдаланилаётганини кўрсатади.

Динимизда номаҳрам аёлларга ҳатто тикилиб қараш ҳам тақиқланади.

Бугунги кунда Ироқ ва Сурияда ин қурган ИШИДчилар эса турли йўллар билан аёлларни ўғирлаб, жинсий қулликка гирифтор қилаяпти. Бировнинг хасми бўлган аёл-жувонлар, ҳали турмушга чиқмаган қизларнинг номусига тажоввуз қилиш ва жангариларга мажбуран хотин қилиб бериш уларга одатий ҳол.²

Миллат ва мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар тарбияси кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда экстремистларнинг аёлларга бўлган эътибори уларнинг эътиқодини ўзгартириш орқали фарзандлари дунёқарашини ҳам тегишли йўналишда шакллантириш, миллат ва жамиятнинг эртанги кунини муайян йўсинга солишга бўлган интилиши билан белгиланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Сўнгги пайтларда аёллардан “камекадзе”ларни тайёрлаш ҳам кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. Ўрганиш террорчилар аёлларга нисбатан бундай ҳолларда онг ва хулқни моделлаштириш психотехник воситалар ёрдамида

¹ Диний бағрикенглик ва мутассиблик.”Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, Т.: 2009 йил, 102-бет.

² Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. Т.: “Мовароуннаҳр”. 2015 йил, 50-бет.

дастурлаш, наркотик ёки психотроп моддалар билан “ишлов бериш”дек манфур усуллардан фойдаланаётганликларини кўрсатмоқда. Натижада бундай аёл иродаси заиф, онгига сингдирилган буйруқ ва вазифани сўзсиз бажарадиган, ундан бошқа ҳеч нарсани кўрмайдиган ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган мавжудотга, манқуртга айланади. Статистик маълумотларга караганда, Шри Ланкада узок йиллар давомида фаолият кўрсатиб келган “Тамил иламни озод этиш йўлбарслари” номли террорчи ташкилот ўзининг амалга оширган террорчилик ҳаракатларининг деярли 70 фоизида аёллардан фойдалангани ҳам бундай хулосаларнинг ўринли эканлигини кўрсатади.¹

Аёллардан “камекадзе”ларни тайёрлашнинг бошқа жиҳатлари ҳам бор. Хусусан Шарқ аёлларининг узун миллий либос кейиши, рўмол ўраши, ҳомиладорлиги ва бошқа сабабларга кўра текширув-назорат вақтларида кўпинча тўхтатилмаслиги боис портловчи мосламани яшириш имконияти катта бўлади.

Мусулмонлар дунёсида илк бор аёллар ўзларини портлатиш орқали теракт содир этишлари 1985 йилга тўғри келади. Шу йили 9 апрел куни Исроил ҳарбий конвойига юк машинасида урилиб, ўзини портлатган Сурия социал-миллий партияси аъзоси, 16 ёшлик қиз Хайадали Сана биринчи ва энг ёш террорчи қиз сифатида қайд этилган. Шифохонада сумкасидаги бомбани портлатган 37 ёшлик Шакира Карим Маҳмуд эса энг ёши катта террорчи аёл ҳисобланган. Ҳудкуш аёл террорчиларнинг ўртача ёши 21-23 ёшни ташкил этади.

Ўзини ўзи портлатишга қўл ураётган аёлларни том маънода “жоҳил” кимсалар дейиш мумкин. Чунки уларнинг 78,9 фоизи ўрта мактабни ҳам тамомламаган бўлиб, фақат 12,8 фоизи олий, 8,3 фоизи ўрта маълумотга эга холос.

Ушбу омиллар диний-экстремистик ҳаракатлар аёлларнинг рухий хусиятларини инобатга олиб, уларга ўзларининг ғараз мақсадларига эришиш йўлида алоҳида эътибор билан қараётганликларини ҳам кўрсатади.

Зеро, кимгадир сингил, кимгадир қиз, кимнингдир рафиқаси, кимнингдир дугонаси бўлган аёл юртимизда авваломбор “Она” сифатида улуғланади. Мурғак гудакни парваришлаб, вояга етказётган она тарбияга қўшиб унга жамики оламнинг меҳрини, қалб кўрини ато этади. Фарзанди учун жонини бўлса ҳам фидо қилишга тайёрдир бизнинг оналар. Шу сабаб бўлса керак, оналар оёғи остига тўшалган жаннат.

Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизларни турли экстремистик оқимлар ва миссионер секталар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш бўйича тадбирлар маҳалла ва оилалар билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилса, самарали натижаларга эришиш мумкин.

Азал-азалдан юртимизда аёл – фарзандга тарбия берувчи биринчи бўғим

¹ Маърифат гулшани: Диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалар бўйича маслаҳатчилар учун услубий қўлланма // Муаллифлар жамоаси. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт- матбаа бирлашмаси, 2014 й, 71-бет.

ҳисобланади. Аёллар Ватанимиз келажаги, миллатимиз эртанги куни, тараққиётини белгилаб беради. Она янглишса – миллат адашади, она фасодга юз тутса, мамлакат келажаги хавф остида қолади.

Бугунги мафкуравий жараёнларни атрофлича таҳлил қилган ҳолда, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида тизимли маънавий-тарғибот тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ислом динини никоб қилиб олган экстремизм, терроризм ёки диний фундаментализмни мақсад қилиб олганларга қарши Ўзбекистонда муҳим саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли асаридаги илхомбахш сатрлари фикримизнинг яққол тасдиғидир: Унда, «Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга муқаддас динимиз шаънига доғ тушироқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар ислом динини, ота боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимизга хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман»,¹ деб таъкидлаган эдилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балого қарши курашишда ҳамкорликни кўчайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай ўринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик ҳуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашишни тақозо этмоқда.

Диний – экстремистик ва террористик ҳаракатлар мамлакатимизга нисбатан қандай душманлик кўринишларига эга бўлишига қарамасдан, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида ҳаракатлар стратегиясини бошлаб берган Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ёвуз кучларга, муқаддас ислом динимизни ёки мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашга, жамиятимиз осойишталигига хавф туғдиришга ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

Ta'lim tizimida raqobatbardosh kadrlar tayyorlash

SamDAQI Kasb ta'limi kafedrasi o'qituvchisi O'roqov O.X. 301 Kt MKQ talabasi
Anorboyev Sohib

«Tarbiyachi – ustoz bo'lish uchun, boshqalarning aql-idrokini o'stirish, ma'rifat ziyosidan bahramand qilish, haqiqiy vatanparvar, haqiqiy fuqaro etib yetishtirish uchun, eng avvalo, tarbiyachining ana shunday yuksak talablarga javob berishi, ana shunday buyuk fazilatlarga ega bo'lishi kerak»

Islom Karimov

¹ И.А.Каримов. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999 й, 49-бет

Ta'lim tarbiya ertangi taqdirimizni hal qiladi. Birinchi Prezidentimiz tomonidan ta'kidlangan umumbashariy qadriyatlarning zaminida albatta, birinchi o'rinda ta'lim-tarbiya yotadi. Insonda qachonki insonparvarlik g'oyalari ustun bo'lsa, siyosiy ongi yetuk bo'lsa, atrof-muhitga munosabati sog'lom bo'lsa, bir so'z bilan aytganda umumbashariy qadriyatlar ustun bo'lsagina bunday insonlar mavjud bo'lgan jamiyatni biz fuqarolik jamiyati deb atay olamiz. Shunday ekan, istiqbolimizni belgilaydigan ta'lim sohasini isloh qilish mamlakatimizdagi eng dolzarb muammolardan biri sifatida mustaqilligimizning ilk yillaridayoq maydonga chiqdi. Aynan ana shu ta'lim sohasi kelajagimizni yaratadi.. Ta'lim tizimini rivojlantirish har jabhada raqobatbardosh muhitni va kadrlarni tayyorlash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ongini yanada teran fikr va qarashlarini mustahkam qilish dolzarb masala qilib belgilandi. Bugungi kunda respublikamiz ta'lim tizimi va murabbiylar oldida ulkan vazifa - yoshlarini har tomonlama shakllangan, mustaqil va ijodiy tafakkur sohibi qilib tayyorlash vazifasi turibdi.

Birinchi prezidentimiz Islom Karimov aytganidek “Kelajak avlod haqida qayg'urish, sog'lom, barkamol naslni tarbiyalab voyaga yetishtirishga intilish bizning milliy xususiyatimizdir”¹. Negaki ertangi kunning istiqboli, bugungi intellektual salohiyatiga, ustoz-murabbiylarning fidoiylklariga ko'proq bo'g'liq.

Ta'lim tizimimizdagi eng muhim vazifalardan biri – O'zbekistonning ta'lim tizimini, yani jahonda tan olingan va mutlaqo yangi hisoblangan ta'lim turi asosidagi mukammal ta'limni, tarbiya uyg'unligida amalga oshirish barobarida, mumtoz ilmiy pedagogik g'oyalarni kiritish asosida samaradorlikni oshirish. Jahonda tan olingan ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llashda uning mazmun mohiyatini anglagan holda amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi va samaradorlik ko'rsatkichlari bilangina asosli hisoblanadi.

Shu o'rinda yosh avlodning manaviy va marifiy tarbiyasiga, xususan shu asosda yangi kadrlarni tayyorlashga alohida e'tibor qaratildi. Bugungi kunda milliy va umuminsoniy qadriyatlarga tayangan holda yuqori ma'naviyatni tarkib toptirish, ayniqsa ta'lim sohasida, birinchi galda tarbiyachilarni tarbiyalash hayotiy zaruriyat hisoblanadi va bu masala alohida, mukammal tahlil hamda tadqiqot asosida o'rganilishi kerak bo'lgan mavzu hisoblanadi. Shu boisdan birinchi prezidentimiz “Ertangi kunimizning eng katta kuchi, kerak bo'lsa zamiri nimaga asoslanadi, degan savolga men yoshlarimiz, yoshlarimiz va yana bir bor yoshlarimiz deb javob beraman”² deya qayta qayta ta'kidlagan edilar.

Pedagog mutaxassisning malakasi-chuqur, kompyuter bo'yicha savodxonligi, o'z bilimni tezlik bilan yangilash va to'ldira olish qobiliyati singari omillardan tashkil topishi, uning intizomi, ma'suliyat, ziyolilik, o'z ishiga, mamlakati mustaqilligiga, vatan va jahon taraqqiyoti yo'lida ezgulik va adolatga sadoqat tuyg'ularini o'zida jamlab va shu bilan bir qatorda o'quvchining qalbi va shuurida ana shunday xusiyatlarni namoyon qila olishi kerakligi, oliy ta'lim konseptsiyasida alohida ta'kidlab o'tilgan. Bu vazifa va talablar bugungi kunning pedagogida to'la

¹ I.A.Karimov: “Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch”. Toshkent, “MA'NAVIYAT” 2008

² I.A.Karimov: “Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajak yo'lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir”. Toshkent, “MA'NAVIYAT” 2015

mujassamlangan bo'lishi lozim. Zero bilimlar maskaniga ilk bor qadam qo'ygan har bir yigit qiz hayotning sir asrorlarini o'qituvchidan o'rganadi.

“Shu nuqtai nazardan qaraganda, eng to'g'ri yo'l ta'lim-tarbiya tizimini yanada rivojlantirish, yanada mustahkamlash yo'lidir. Biz bu yo'ldan hech qachon qaytmaymiz. Yangi-yangi maktablar qurish, zamonaviy o'quv laboratoriyalarini tashkil etish, kollejlarni bitirib chiqayotgan bolalarimizni to'liq ish bilan ta'minlash masalalari doimo e'tiborimiz markazida turadi.”¹

Hozirgi zamon pedagog o'qituvchisining asosiy vazifalaridan biri o'z kasbiga bo'lgan sadoqati hamda o'z kasbining yetuk mutaxxassisi darajasida bo'lishligi talab etiladi. Professor va o'qituvchining obro'si-bu uning bilimi va salohiyati, talabalar yuragida, qalbida qoldirgan o'chmas izi, yaxshi mutaxxassis va shogirdlarni tarbiyalashi bilan o'lchanadi. Qolaversa o'z faoliyati, sohasidan qat'iy nazar, ijodiy jamoalarda ishlay olishi iqtisodiy va siyosiy bilimlar egasi hamda dars jarayonini yangi texnologiyalar vositasi bilan boyitishi va yoritib bera olishi lozim. Chunki, har qanday ta'lim dargohida u hoh maktab, hoh kollej yoki akademik litsey yoki oliy ta'lim dargohida bo'ladi ta'lim tarbiyaning yuqori saviyada olib borilishi faqat pedagogga, uning kasbiy tayyorgarligiga bog'liq.

O'qituvchi shaxsiga qo'yiladigan muhim talablardan biri shuki, u o'zi o'qiyotgan predmetlarni chuqur bilishi, uning metodikasini o'zlashtirib olgan bo'lishi zarur. Predmetni va uning nazariyasini chuqur bilishi, uni qiziqarli tarzda dars jarayonida o'qituvchining ongiga yetkazib bera olishi lozim. Chunki bugunning ilm ahli, pedagog mahoratiga ham o'zining bahosini qo'ya oladi, hamda o'zining mustaqil fikrini bildiradi oladigan yoshlar hisoblanadi. O'z vazifasi hususiyatiga ko'ra o'qituvchi tashkilotchilik fazilatiga ham ega bo'lmog'i kerak. Buning uchun o'qituvchida tashabbuskorlik va tashkilotchilik qobiliyati bor bo'lishi, har doim tetik, g'ayratli, o'z kuchi va tafakkuriga ishongan bo'lmog'i zarur. Tashabbuskor va g'ayratli o'qituvchilar o'qituvchilarni o'z ortidan ergashtira oladi va bugunning yoshlari xuddi shunday murabbiylarni o'zlari saralab oladilar.

Har bir pedagog bunday hususiyatlarni egallashda eng avvalo tamal toshini tahsil olayotgan oliy ta'lim dargohida oladi. Ta'lim jarayonida fanlar bo'yicha amalga oshiriladigan seminar, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari nazariy bilimlarni mustahkamlashgagina emas, balki ularni amaliy ish jarayonida qo'llashga imkon ham beradi. Bunday mashg'ulotlar tanlagan kasbi to'g'ri ekaniga ishonch hissini uyg'otadi. Shu bilan birga o'z-o'zini tarbiyalab borishga, o'z ustida tinmay ishlashga harakat etish kasbiy fazilatlarining ajralmas qismi hisoblanadi. So'zimiz so'ngida shuni xulosa qilib aytmoqchimizki: Yurtboshimiz takidlaganidek “kelajak yoshlar qo'lida”. Shunday ekan o'sib kelayotgan yosh avlodning ma'naviy-marifiy dunyosini keng qamrovda to'ldirish jahon talablariga raqobatbardosh qilib kamol toptirish lozim. Shu mulohazalardan kelib chiqqan holda ta'lim va tarbiya tizimidagi muvaffaqiyatlar bevosita ta'lim qonuniyatlari va tamoyillari bilan bog'liq ekanligini ta'kidlash lozim. Buning uchun eng avvalo yosh avlodga ta'lim tarbiya berayotgan pedagog hodimlarni keng qamrovli bilim saviyasi bilan bezantirmog'imiz kerak.

¹ I.A.Karimov: “Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajak yo'lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir”. Toshkent, “MA'NAVIYAT” 2015

Foydalanilgan adabiyotlar

1. I.A.Karimov: "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch". Toshkent, "MA'NAVIYAT" 2008
2. I.A.Karimov: "Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajak yo'lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir". Toshkent, "MA'NAVIYAT" 2015
3. I.A.Karimov: "Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajak yo'lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir". Toshkent, "MA'NAVIYAT" 2015

Самостоятельная работа как вид мотивирующего фактора.

Преподаватель СамГАСИ Атаева Х.К. Студент Хайитов Г 402 (КХАЛТЭ)

Под творческой самостоятельной деятельностью понимается вид познавательной деятельности в котором предполагается определенный уровень самостоятельности во всех структурных компонентах деятельности по ее выполнению от постановки проблемы до осуществления контроля самоконтроля и коррекции с диалектическим переходом от выполнения простых видов работы к более сложным, носящим поисковый характер, с постоянной трансформацией руководящей роли педагогического управления в сторону ее перехода в формы ориентации и коррекции с передачей всех функций самому обучающемуся, но лишь по мере овладения методикой самостоятельной работы. В качестве главного признака самостоятельной деятельности рассматривается не то, что обучающийся работает без помощи преподавателя, а то, что каждое действие, выполняемое обучающимся, им осознается, подчинено цели, которую он сам поставил.

Постоянная рефлексия студентов в процессе выполнения разных видов самостоятельной работы, осуществляемая в разных формах (самооценка, взаимная оценка, групповое рецензирование творческих работ студентов, коллективная разработка алгоритма выполнения задания и др.), позволяет развивать у студентов критичность к собственным действиям и умениям, способность оценивать качество как конечного продукта, так и отдельных этапов самостоятельной работы, формировать у них адекватную самооценку.

На основе теоретического анализа сущности самостоятельной работы студентов, ее структуры определены уровни развития умений и навыков самостоятельной работы студентов, характеризующиеся следующим образом:

- низкий уровень – преобладание умений и навыков самостоятельной работы репродуктивного, воспроизводящего характера;
- средний уровень - преобладание умений и навыков самостоятельной работы частично поискового характера;
- высокий уровень - преобладание умений и навыков творческой, исследовательской деятельности.

Основными признаками самостоятельной работы принято считать наличие познавательной или практической задачи, проблемного вопроса или задачи и особого времени на их выполнение решение:

- проявление умственного напряжения мысли обучаемых для правильного и наилучшего выполнения того или иного действия;
- проявление сознательности, самостоятельности и активности студентов;
- в процессе решения поставленных задач;
- осуществление самоуправления самостоятельной познавательной и практической деятельностью студентов.

Самостоятельная работа студентов требует упорядочения и системной организации, а также организации взаимодействия преподавателя и студента на основе партнерства.

Главными условиями правильной организации самостоятельной работы учащегося можно назвать следующие:

- обязательное планирование самостоятельных занятий;- серьезная работа над учебным материалом:- систематичность самих занятий;
- самоконтроль.

Не менее значимым является создание педагогических условий, при соблюдении которых самостоятельная работа может быть более плодотворной и эффективной:

- 1) наличие у учащегося положительной мотивации;
- 2) четкая постановка познавательных задач и пояснение способа их выполнения;
- 3) определение преподавателем форм отчетности, объема работы, срока сдачи;
- 4) определение видов консультационной помощи и критерия оценок;
- 5) осознание учащимся полученного нового знания как личностной ценности.

Наличие целой системы факторов, влияющих на интерес студентов к языку, свидетельствует и о многообразии путей и средств практического решения этой проблемы применительно к конкретным условиям каждого учебного заведения, а также возможности установления определенной системы работы.

К оптимальным результатам может привести осуществление не отдельных мер, а их целенаправленная система.

Обращением ко всевозможным дополнительным источникам информации создается почва для использования русского языка как средства познания, что является собой наиболее эффективную мотивационную основу формирования интереса к нему. Поэтому для развития интереса важно использовать всевозможные приемы, побуждающие студентов самостоятельно извлекать различную информацию на русском языке из дополнительных источников.

Задача педагога – дать нужное направление творческому мышлению учащегося стимулировать творческий поиск, создавая соответствующие ситуации и условия, дать толчок к систематическому исследованию, анализу, поиску новых, своих собственных путей решения той или иной проблемы. Правильно сформулированные цели и задачи способствуют развитию творческого мышления.

Согласно новой образовательной парадигме (независимо от направления и

характера работы) любой специалист должен обладать:

- фундаментальными знаниями, профессиональными умениями и навыками деятельности своего профиля;
- опытом творческой и исследовательской деятельности по решению новых проблем;
- опытом социально – оценочной деятельности.

Две последующие составляющие образования формируются именно в процессе самостоятельной работы студентов.

Самостоятельная работа носит добровольный характер, основана на инициативе обучаемых, является самостоятельной деятельностью направленной на поиск знаний. Такая самостоятельность вырабатывается не сразу. Как и всякое умение, она формируется в процессе целенаправленной работы преподавателя с обучаемыми и требует умелого руководства и управления им.

Список использованной литературы

1. Баринова Е.А., Боженкова Л.Ф. Методика русского языка. М.,»Просвещение», 1984, с.66-89
2. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. – М.,1990.
3. Мельникова Е.Л. Технология проблемного обучения./"Школа 2100".

O'zbekistonda mustaqillik yillarida jismoniy tarbiya va sportning taraqqiyoti

B.Namozov –Jismoniy madaniyat kafedrasasi o'qituvchisi SamDAQI G.Namozova – magistrant SamDU Sh.Xudoyberdiyeva 201-QXALTE guruhi talabasi SamDAQI

Sog'lom turmush tarzini shakllantirish, millat genofondini yanada sog'lomlashtirish, barkamol avlodni tarbiyalash borasida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish ahamiyati jamiyatimizning ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib hisoblanadi. Qisqa muddatda bu sohada olib borilgan keng ko'lamli amaliy harakatlar o'z samarasini bera boshladi.

Ma'lumki, mamlakatimiz sporti 1991 yilgacha yurtimizning sanoqli sportchilarigina Olimpiya o'yinlari, jahon va Yevropa miqyosidagi nufuzli musobaqalarda qatnasha olardi. Mavjud muammolarni bartaraf qilish maqsadida Mustaqillikning birinchi kunlaridanoq mamlakat rahbarining tashabbusi bilan jismoniy tarbiya va sport sohasini rivojlantirishga qaratilgan tegishli qonunlar, Prezident farmonlari va Vazirlar Mahkamasining qarorlari bosqichma-bosqich qabul qilinib, ular joriy etildi.

Qisqa muddatda:

- jismoniy tarbiya va sportni boshqarishning tashkiliy asoslari takomilashtirildi;
- O'zbekiston Milliy Olimpiya qo'mitasi, sport turlari bo'yicha federasiyalar tashkil qilindi;
- jismoniy tarbiya, sog'lomlashtirish, ommaviy sport ishlari va sportning milliy turlari rivojlantirildi;
- jismoniy tarbiya va sportning moddiy-texnik bazasi mustahkalandi, milliy ta'lim dasturiga binoan jismoniy tarbiya va sport sohasi bo'yicha malakali kadrlarni

tayyorlash va qayta o'qitish ishlari amalga oshirilmoqda.

1992 yilning yanvar oyida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishning huquqiy asosi «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi qonun, 2015 yilda “Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida qonun qabul qilindi.

Yurtimiz sportchilari Olimpiya o'yinlarida ilk marotaba mustaqil jamoa sifatida Amerikaning Atlanta shahrida 1996 yilda qatnashib, dzyudochi Armen Bogdasarov kumush, bokschi Karim To'laganov esa bronza medallarini qo'lga kiritdilar.

2000 yilda Avstraliyaning Sidney shahrida o'tgan Olimpiya o'yinlarida esa sportchilarimiz Vatanimiz sharafini himoya qilib, bokschildan Muhammadqodir Abdullayev oltin, Rustam Saidov bronza, erkin kurashchi Artur Taymazov kumush medallar sohibi bo'ldilar.

Qisqa davrda sport sohasida amalga oshirilgan ishlar ko'lami, O'zbekistonning bu boradagi tajribasi jahonda e'tirof etildi.

Olimpiya o'yinlari dasturidan o'rin olgan sport turlarini mamlakatda rivojlantirish bilan birga, milliy sport turi «Kurash»ning jahon sport arenalariga olib chiqish borasida mislsiz ishlar amalga oshirildi. Yurtimizda Xalqaro kurashni rivojlantirish jamg'armasi tuzildi. Xalqaro kurash assosiasiyasi hamda Xalqaro kurash akademiyasiga davlat tomonidan huquqiy va amaliy jihatdan katta e'tibor ko'rsatildi.

O'zbekistonning sport sohasida erishgan eng katta yutuqlaridan biri milliy kurashning dunyo miqyosiga chiqishi bilan bog'liqdir. Hozirda jahonning 70 dan ortiq mamlakatida kurash federasiyalari tuzildi. Bu milliy sport turi bo'yicha dastlabki Osiyo, Yevropa, Afrika qit'alari va jahon chempionatlari o'tkazildi.

Jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga doir qonun, farmon va qarorlar bu sohaning tez sur'atlar bilan taraqqiy etishiga, xalqaro maydonda O'zbekiston nufuzi va obro'sining oshishiga, qolaversa, aholining, ayniqsa o'quvchi-yoshlarning sportga bo'lgan munosabatini o'zgartirishga olib keldi. Mamlakatda sog'lomlashtirish ishlari barcha ijtimoiy va ishlab chiqarish soha muassasalarida jonlandi, boshlang'ch sport jamoalarining ishlari faollasha boshladi.

Joylarda sport turlarining jadal rivojlanishi shug'ullanuvchilar sonining muntazam oshishiga va aholini ommaviy tarzda qamrab oladigan turli musobaqalarning tashkil etilishiga zamin yaratmoqda. Bu musobaqalar orqali o'quvchi-yoshlar, nogironlar, ishchi va xizmatchilar, barcha ijtimoiy qatlamga mansub aholi vakillari sportga jalb qilindi. Har yili umumta'lim maktabi, kasb-hunar kolleji, akademik lisey o'quvchilari, talabalar, ishchi va xizmatchilar, huquq-targ'ibot, mudofaa xodimlari o'rtasida sport o'yinlari bo'yicha «Kamolot kubogi», milliy sport o'yinlari musobaqalari, harbiy xizmatga chaqirilgan yoshlar o'rtsaida «Shunqorlar» harbiy sport musobaqalari, nogironlar o'rtasida «Jasorat-iroda g'alaba» musobaqalari, spartakiadalar va boshqalar muntazam o'tkazib kelinmoqda. 2000 yildan boshlab uzluksiz sport musobaqalari tizimi asosida Oliy o'quv yurtlari talabalari o'rtasida «Universiada», o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimida «Barkamol avlod» va o'quvchilarning «Umid nihollari» sport musobaqalari o'tkazila boshlandi va hozirgi kunda ham davom ettirilib kelmoqda. 1991- yildan boshlab

bugungi kungacha bo'lgan vaqt oralig'ini hisoblab chiqadigan bo'lsak bu vaqt oralig'ida jismoniy tarbiya va sport sohasida qo'lga kiritilgan ulkan yutuqlarni ko'rishimiz mumkin. Bu vaqt oralig'ida Olimpiada o'yinlari hamda jahonning nufuzli musoboqalari va chempionatlarida ishtirok etib yuqori natijalarni ko'rsatayotgan va g'alaba qozonayotgan sportchilarimiz soni sezilarli darajada oshib kelmoqda.

Yuqoridagi ma'lumotlardan kelib chiqib aytadigan bo'lsak, bugungi kunga kelib mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan e'tiborning benihoyat yuqoriligidan kelgusida jahon arenalarining shohsupasidan o'rin egallaydigan sportchilarimiz soni yildan- yilga oshib boraveradi va g'alabalarimiz ko'lami kengayaveradi deb aytish mumkin.

Таълим жараёнида талабаларнинг билиш босқичлари

М.Н.Бобоқулова – СамДАҚИ, Ф.Р.Раджабова - НДПИ

Илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий-маърифий ҳаракатларидандир. Чунки, илм одамни маънавий юксакликка кўтарди, жамият равнақининг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш учун ўқитишнинг таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий мақсадлари бирлигини кучайтириш зарурдир.

Бугунги кун таълимига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

Ёшларда жамият равнақи учун хизмат қиладиган ижодий қобилиятларни ўстириб бориш, фикрлашга ундовчи, доимий равишда билимларини тўлдириб бориш – бу дарслар сифати, самарадорлиги ва таълим олдига қўйилган талабнинг бажарилишидир.

Таълим мураккаб жараёндир. Талаба дарсда берилган мавзунинг тузилишини тушуниб етсагина, билимларни ҳақиқатдан ўзлаштириб олиши мумкин. Талабаларга дарс давомида нафақат янги билимларни бериш билан кифояланиб қолмасдан, уларда илм олиш эҳтиёжларини (мотив) кучайтириш, турли билим манбалари билан ишлашни, уларга ўз ҳаракатларини режалаштиришни йўлга қўйишни, билиш жараёни ҳаракатлари, операциялари ҳақида маълумот беришни, фикрни бир жойга тўплай билишни, мақсадни йўналтира билиш, интизомлиликка, эришилган натижани тўғри баҳолай олишга ўргатиш зарурдир. Берилган топшириқларда эса ўзлаштирилган материалдан тўғри фойдаланиш, ўтилаётган мавзу бўйича ўзлаштиришнинг муҳим кўрсаткичидир

Фикримизнинг энг олдинги қаторига талабаларнинг билиш жараёнини сурсак бўлади..

Билиш жараёни қабул қилиш, тушуниш, англаш, умумлаштириш, мустаҳкамлаш, қўллашда амалга оширилади. Билиш жараёни шундай фаолиятки, у ўқитувчидан ўзганинг фаолиятини ташкил қилишни талаб этади.

Таълим жараёнидаги таълим олувчиларнинг билиш фаолияти қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

1-БОСҚИЧ- Ўқув ма материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда талаба таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифаларини нималардан иборат эканлигини тушуниб олади. Бунда сезги идрок, тасаввур каби жараёнлар иштирок этади.

2-босқич. Улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар.

3-босқич. Янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар ўқитувчининг кўшимча изоҳлари орқали мустаҳкамланади.

4-босқич. Улар ўзлаштириб олган билимларини амалиётга татбиқ қиладилар.

Талабаларнинг дарс вақтида ўқиш сифати ва маҳсулдорлиги қанчалар юқори даражада бўлса, шунчалик уларнинг мустақил билиш фаолияти ташкил қилинган ва таъминланган ҳисобланади. Шу боисдан ҳам дарс давомида "фикр юритиш асбоби" тўғри ясалиши лозим. Бу ерда янги билимлар назарияси ва усулларини мустақил равишда ўзлаштиришга қулайлик яратиш орқали олинган методологик билимлар ҳақида сўз юритилмоқда.

Талабаларнинг ижодий билиш фаолияти бу назарий билимлар олиш ва уларни мустақил изланиш асосида амалиётда қўллай билишидир. Талабанинг ўқув-билиш жараёнида икки турдаги маълумот кузатилади: эсда олиб қолган маълумотларни тиклаш (*репродуктив*) ва олдиндан билиш маълумоти (*прогноз*). Эсда олиб қолган маълумотлар – бу ўқувчи томонидан тайёр ҳолда ўзлаштириладиган ўқув материалидир. Бунда ўқувчи онгига маълумот келиб тушади ва уни қайд қилади, сўнгра нутқи орқали юзага чиқаради. Бу эса ҳақиқатдан ҳам ўта индивидуал, шахсга қаратилган таълим технологиясидир.

Бу шахсга қаратилган технологиялар орқали билимлар тўрт даражада ўзлаштирилади:

I-репродуктив даража талабалар савол-топшириқларга ўқув материалининг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда жавоб беради ва ўқитувчи бу даража учун репродуктив даражадаги топшириқларни тузади.

II-продуктив даражада талабалар ўзлаштирган билимларини таниш, одатий вазиятларда ўқув материали мазмунини қайта ишлаш орқали жавоб қайтарилишига асос яратилади.

III- қисман изланишли даражада талабалар ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллашлари назарда тутилади.

IV- ижодий даражада талабалар ўзлаштирган билимларини кутилмаган ностандарт вазиятларни қўллашларига имкон яратилади.

Бунда ҳар бир талаба ўзлигича ҳаракат қилиши, ўқитувчи ёрдами эса турлича кўринишларга эга бўлиши мумкин. Лекин, уларнинг ҳар бирида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги, таълим мақсадларини ойдинлаштирилиши, натижалар тушунарли бўлиши, айрим ўқувчиларнинг ўз хатоларини англаши, “алоқа канали” нинг ўрнатилиши ва ўқишнинг эҳтиёжга айлантеририлиши шартдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж.Ғ.Йўлдошев “Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш” Т.2008 й.
2. Ж.О. Толипова. Педагогик квалиметрия. Т.Тошкент. 2016 й.
3. У.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.ФАН. 2006 й.

БЎСМларда кўп йиллик тайёргарлик жараёни контингентини сақлаш муаммолари

катта ўқит.Х.Жуманов СамИСИ

Ўзбекистон Республикасининг терма жамоаси ва унинг яқин келажакдаги умидли ёш спортчилар захирасига бўлган эҳтиёжи ҳозирги кундаги спортчиларни тайёрлаш инновацион жараёнларнинг стратегик ривожланишини оптималлашини талаб этади. Бу жараёнларнинг текис кечишида асосий фактор бўлиб БЎСМларда шуғулланаётган ўқувчиларнинг контингентни сақлашдаги кўнимлиги ва кўнимсизлиги белгилаб беради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, дастлаб жалб қилинган шуғулланувчилар контингентини бир хилда ушлаб туриб бўлмайди. Бу саволларга жавоб топиш мақсадида БЎСМларда биз анкета сўровларини ўтказишга қарор қилдик.

Биз томонимиздан тўртта анкета саволлари ишлаб чиқилди:

- кураш секцияларида фаолият олиб борадиган мураббийлар учун;
- кураш секцияларида бошланғич тайёргарликни ўтаётган ўқувчилар учун;
- фарзандлари кураш билан шуғулланаётган ота-оналар учун;
- кураш билан шуғулланишни тўхтатган ўқувчиларнинг ота-оналари учун.

Анкета асосида биз кенг кўламда сўров ўтказдик. Бу сўровга бошланғич тайёргарликни ўтаётган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва кенг доирадаги мураббийлар гуруҳи жалб этилди. Сўровнома ўтказилган болаларда шулар аниқланди-ки, уларга кураш машғулотларида иштирок этиш жуда қизиқарли, кураш санъатини эгаллашга ҳавас қилишади, мураббий билан кечадиган мулоқот ва гуруҳда жамоа бўлиб иш олиб бориш фаолиятига сўралганларнинг (50 та ўғил бола) ижобий натижа кўрсатишди (100%). Шуғулланувчи болаларнинг ҳаммаси курашнинг техник-тактик тайёргарликлари бўйича келгусида маҳоратларини оширишини ҳамда курашга тушишнинг турфа хил, ранг-баранг усулларини ўрганиш истагини билдирдилар. Бироқ, вазиятни тўғри баҳолаш мақсадида берилган кейинги муҳим саволларга болаларда яқдиллик кузатилмади. Шунга кўра, қисман болаларнинг 13,3%га беллашиш ва мусобақаларда иштирок этиш ёқмайди. Бу салбий жавобларнинг турли хил ёшдаги спортчиларга нисбатан олинганда ҳам бу миқдор бўйича пропорционалик вужудга келади. БЎСМда шуғулланаётган 10 ёшли спортчилар ҳам мусобақада иштирок этишни ёқтирмасликларини билдиришди.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг деярли барчаси (96,8%) ўз имкониятлари даражасини тўғри баҳоламасдан чемпион бўлишни орзу қилишади.

Дастлабки тайёргарлик босқичидаги болаларга: жамоа бўлиб ишлаш, машғулот жараёнидаги айтиб бажариладиган машқлар, топшириқлар, мусобақа элементлари ёқади. Педагогик кузатишлар натижасига кўра 9-10 ёшдаги болалар билан индивидуал ишлаш самара бермайди. Маълум бўлдики, бу ёшдаги болаларнинг ўзига хос томони шундаки: улар кўпроқ ўз тенгқўрлари ва мураббий билан мулоқотга киришиш иштиёқи баландлигини ҳисобга олиш зарур.

Кичик мактаб ёшида кураш билан шуғулланувчи болалардан олинган жавобларнинг тахлилидан қуйидагилар маълум бўлди:

– боланинг кураш спортини келажакда давом эттириш фаолияти мураббийнинг шахсий жиҳатларига боғлиқлиги;

– болалар мураббий томонидан бериладиган эътиборни ёқтиришади, айниқса мураббий болаларга алоҳида диққатини жалб қилса, агарда мураббийнинг бутун машғулот давомидаги эътиборсизлигини болалар сезишса (айниқса қизлар) бундай ҳолат контингентни сақлашга салбий таъсир кўрсатади.

8-10 ёшли болаларда ўз мураббийига нисбатан тўлиқ ишонч кузатилади. Боланинг мураббийга бўлган беғубор муносабати, унинг назаридаги мураббийи энг яхшилиги ва севимли киши эканлиги ва бу ҳолатлар боланинг мураббий билан бўладиган мулоқотга интилишини кучайтиради. Ёш курашчиларнинг мураббийига боғланганлиги шу даражада кучлики, ҳаттоки унинг қисқа вақтга алмаштирилиши ҳам боланинг кураш фаолиятини тўхтатиш фикрига олиб келиши мумкин. Курашчи болаларнинг фикрига кўра мураббий ёши ва тоифасидан қатъий назар шогирдларига биринчи навбатда меҳрибон бўлиши керак.

Ўтказилган сўровномаларимиз натижалари кўра мураббийларнинг, ота-оналарнинг, курашчиларнинг спортга бўлган қизиқишини ортиши ёки аксинча камайиши сабабларини умумлаштирганимизда қуйидагилар маълум бўлди:

Болаларнинг спорт мактабига бўлган қизиқишини мустаҳкам-ланишида асосий ролни ота-оналарнинг фарзандларини фаолиятига бефарқ эмаслиги эгаллайди. Чунки, фарзандлари кураш фаолиятини тўхтатган ота-оналарни суриштирганимизда улар спортнинг кундалик ҳаёт учун зарурий аҳамият касб этишини, спортнинг организмга таъсирини ҳамда боланинг шахс сифатида тарбия топишида спортнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасликлари аён бўлди.

Анкета суриштирувларида яна шу маълум бўлди-ки, ота-оналар болаларнинг кундалик спорт режими ҳақида тасаввурлари бой эмаслиги. Яна бир жиддий тўсиқлардан бири бу болаларнинг мактаб дарсликларини ўзлаштиришида оқсаши, кураш асосий баҳона бўлиб машғулотларни тарк этишга жиддий сабаб бўлмоқда. Анкета сўровлари ота-оналарнинг машғулот жараёнларига бўлган нофаол-ижобий ҳолатини кўрсатди. Ота-оналар билан уйларида бориб тушунтириш ишларини олиб боргандан сўнг, улар болалари яна спорт билан қайтадан шуғулланишини бошлашини ҳохлашди. Ростдан ҳам тушунтириш ишларидан сўнг болаларнинг катта қисми кураш машғулотларига

қайтдилар.

Анкета хулосалари шуни кўрсатдики: болаларнинг амалдаги кураш спорти билан шуғулланиши ва бу жараёнга тўсқинлик қилувчи омилларнинг таъсири болаларда энди ривожланаётган мотивацион сферасини шаклланишида шартли равишда машғулотга қизиқишини пасайтиради. Бу тўсиқлар янада ота-оналарнинг бу соҳада етарли даражада билимга эга эмасликларида авж олади. Ота-оналарда спортнинг ижтимоий аҳамияти ҳамда физиологик роли хусусида тушунчаси камлиги, айнан шу тўсиқлар энди кураш спортга кириб келган болаларни бошланғич спорт тайёргарлигидан ўта олмасликларида сабаб бўлмоқда.

Hozirgi kunda wimax texnologiyasining ahamiyati

SamDAQI —Axborot texnologiyalari kafedrasida o'qituvchisi Q.M.G'aybulov

Bizga ishlashimizda qulay hisoblanayotgan WiMAX texnologiyasini rivoji hamda ko'tarilishi uchun 1999 yili IEEE802.16 bazasi qoshida WiMAX-forum tashkil qilingan edi. Forumga Nokia, Harris Corporation, Ensemble, Crossspan hamda Aperto kabi mashhur kompaniyalar qo'shilishgan. 2005 yil may oyiga kelib ushbu forumda 230 dan ortiq qatnashchilarni birlashtirgan. O'sha yiliyoq WSIS (World Summit on Information Society) tomonidan WiMAX texnologiyasiga quyidagi maqsad va vazifalarni qo'ygan.

1. WiMAX yordamida kichik qishloqlar, uzoq regionlarda information hamda kommunikatsion texnologiyalarni rivojlantirish (ko'pgina chekkahududlarda telefon hamda kabel tarmoqlarning umuman mavjud emasligini hisobga olgan holda).

2. WiMAX yordamida yer sharining yarim aholisini information hamda kommunikatsion texnologiyalarga yo'lni ochish. WiMAX texnologiyasi ishlash prinsiplari: WiMAX tizimi ikki asosiy qismdan iborat.

Baza stansiya hamda foydalanuvchi qabul qilgich qurilmasi oralig'idagi bog'lanish past chastotali diapason (2-11GHz) orqali amalgam oshiriladi. Bunday bog'lanish eng yaxshi sharoitlarda 20 Mb/s tezlikda ma'lumot uzatishga imkon beradi va to'g'ridan-to'g'ri signal ko'rishni talab etmaydi. Shuni yodda tutish lozimki, WiMAX texnologiyasi nafaqat —so'nggi milya, balki regional tarmoqlar (ofis hamda rayonlar)ni bir biri bilan bog'lashda bema'lol qo'llash mumkin. Qo'shni baza stansiyalari bilan O'YCh (o'ta yuqori chastota 10-66 GHz) to'g'ridan-to'g'ri radioaloqa rejimida doimiy bog'lanish o'rnatiladi. Bunday bog'lanishlar 120 Mb/s tezlikda ma'lumot almashish imkonini beradi. Albatta baza stansiyalarining to'g'ridan to'g'ri ko'rish orqaligina bir biri bilan ma'lumot almashinishi bu WiMAX ning minus tomoni. Lekin yuqori qavatli binolarda joy olgan baza stansiyalariga bir-biri bilan bog'lanish uchun to'siq diyarli bo'lmaydi. Har bir baza stansiyasi yuqori polosali tezkor bog'lanish orqali (T3 va shunga o'xshash) provayder bilan doimiy bog'lanib turadi. Bu bilan yuklanmani uyali aloqa topologiyasiasosida teng baza stansiyalariga taqsimlash mumkin. IEEE 802.16 tarmog'i strukturasi odatiy mobil aloqa tarmog'iga o'xshab ketadi. Bu yerda ham baza stansiyalari 50 Km radiusda hizmat ko'rsata oladi. **Portable WiMAX.** Portable rejimida foydalanuvchining baza

stansiyalar aro aloqani uzmagani holda avtomatik ravishda ulanishi imkoni mavjud. Lekin ushbu rejimda foydalanuvchining joydan-joyga ko‘chish tezligi 40 km/soat dan oshmasligi lozim. To‘g‘ri, ushbu rejimdan shaxarda foydalanish mumkin, lekin avtomobillarda foydalanish biroz muammoni tug‘diradi. **Mobile WiMAX**. 802.16e-2005 standartida ishlab chiqilgan bo‘lib, foydalanuvchining joydan-joyga ko‘chib yurish tezligini maksimal 120 km/soatgacha bo‘lganda sifatli aloqani taminlay oladi. Mobile rejimning yutuqlarini quyidagi keltirilganlar orqali sanab o‘tishimiz mumkin.

1. Ko‘pnuqli signal tarqalishi hamda shaxsiy xalaqitlarga bardoshliligi.
2. Kanalning yuqori o‘tkazuvchanligi.
3. Time Division Duplex (TDD) texnologiyasi yordamida assimetrik trafikni qayta ishlab, kanallarning estafeta shaklidagi sessiyasi orqali antenalarning boshqaruvini osonlashtiradi.
4. Hybrid-Automatic Repeat Request (H-ARQ) texnologiyasi esa foydalanuvchining tezkor joydan-joyga ko‘chishidagi aloqani stabilligini tamillab beradi.
5. Yuklanmaning kattaligida ham foydalanuvchi qurilmasidan kanalning yuqori tezlikdan eng maksimal darajada foydalana olishi.
6. Kutish rejimida energiyaning minimal darajadagi sarf harajati
7. Network-Optimized Hard Handoff (NHO) texnologiyasi kanaldan kanalga ulanishdagi vaqtni 50 millisekund va undan kam vaqtni tashkil etishida.
8. Multicast and Broadcast Service (MBS) texnologiyasi DVB-H, MediaFLO hamda 3GPP E-UTRA fuksiyalarini o‘zida jamlagani.
9. Smart Antenna texnologiyasi kanallar aro sessiyalarning ulanishida subkanallar hamda estafeta shaklidagi yuborishni ta‘minlaydi.

Foydalanilgan manbalar.

1. *ZiyoNet.uz.*
2. *Aripov M., Begalov B.A., Begimqulov U., Mamarajabov M. Axborot texnologiyalari. Toshkent: Noshir, 2009. .*

Табий-техник фанларнинг ўқитилишига доир айрим мулоҳазалар 101-“ҚМБ ва КИЧ” гуруҳи талабаси У. Турсунов, раҳбар катта ўқитувчи Ф.Н.Жамолов

Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида бўлғуси мутахассис кадрларни тайёрлашда математика, физика, кимё, чизма геометрия ва бошқа шу каби бир қанча фанларни ўрта таълим тизимида ўқувчи томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигининг аҳамиятини кўпчилик яхши билади. Чунки, талабалар томонидан физик ҳодисаларнинг, кимёвий жараёнларнинг, муҳандислик чизмаларининг моҳиятини тушуниш, математик ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини чуқурроқ англаб етиш, уларнинг қонуниятларидан ўз вақтида ва ўринли фойдаланиш замон талаби даражасидаги мутахассисларни тайёрлашнинг асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда инженер-муҳандислар эгаллаши зарур бўладиган билимлар ҳажми ва кўлами кечаги кунгидан сон ва сифат жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, юртимизда иқтидорли, билимга чанқоқ ёшларнинг ўқишига, билим олишига ва комил инсон бўлиб тарбияланишига бўлган эътибор нафақат олий таълимда, балки ўн икки йиллик ўрта таълимда ҳам алоҳида ўрин тутмоқда.

Бу борада мустақил Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримовнинг куйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Биз янги минг йилликка кириб бормоқдамиз. ХХІ асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсонлар белгилашига шубҳа йўқ. Чунки, ХХІ аср – интеллектуал авлод асри бўлади”.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва жаҳон давлатлари сафида маълум ўринга эга бўлиши кўп жиҳатдан саноатининг ривожланганлиги, ишлаб чиқаришида замонавий технологиялардан фойдаланилиши ва албатта замон талаблари даражасидаги етук салоҳиятли, билимдон мутахассис кадрларнинг тайёрланаётганлиги билан белгиланади. Бунга эса ўрта-махсус ва олий таълимда сифатли ўқитиш, билим бериш орқали эришилади.

Маълумки, бугунги кунда барча ривожланган давлатлар таълимга имкон қадар кенг йўл очишга, ёшларнинг янгилик яратишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдалар. Янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унинг мазмунида ижодкорлик руҳи ва мотивлари ҳукм суриши лозим. Шулардан келиб чиққан ҳолда давлатимиз келажакда бўлмиш ёш авлодни мактаб, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида ўқитиш ҳамда тарбиялаш ишларида, айниқса техника йўналишларини ўзлаштиришларида муҳим бўлган фанларга қизиқишларини орттириш энг долзарб вазифалар саналади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим ва тарбия ишлари узлуксиз ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиб, бунда турли жабҳалар бўйича етишиб чиқаётган мутахассисларнинг нафақат ўз соҳасининг етук кадрлари бўлиши, балки халқ хўжалигининг барча бўғинларида уларга ишониб топширилаётган ҳар қандай вазифаларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз бажариб кета олишлари учун улар маънавий онгини шакллантириш масаласига ҳам муҳим вазифа сифатида қараб келинмоқда. Ҳозирги замон таълим тизимида ҳукмронлик қилаётган анъанавий ўқитишни мазмунан янгилаш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартириш, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида бу жараёнда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, замонавий ўқитиш технологияларини қўллаган ҳолда дарс ўтиш давр талабидир. Бунинг исботи сифатида мактабларда, академик лицей ва касб ҳунар коллежларидаги физика, кимё ҳамда биология фанларини ўқитиш учун жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналари, компьютерлаштирилган ўқитиш синфларининг барпо этилаётганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Таълим жараёнида ўқитишнинг янги замонавий технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини орттиради, дарсларнинг мазмунли, қизиқарли ва тушунарли бўлишига олиб келади ва пировард натижада ўқувчи билимининг мустақкам бўлишига эришилади.

Юртимизда техника тараққиётининг асоси бўлган математика, физика, кимё, информатика ва бошқа шу каби фанларни ўқитишга бўлган эътиборнинг мустақиллик йилларида янада ошганлигини бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг математика, кимё ва физика фанларидан ўтказилаётган нуфузли жаҳон олимпиадаларида олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндорлари бўлаётганликлари кўрсатиб турибди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ёшларини ўрта-махсус касб ҳунар коллежлари ва академик лицейларидаёқ техника асоси бўлган фанларга бўлган қизиқишини янада ошириш, бу фанларни ўқитиш ва замонавий ўқитиш технологияларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини янада яхшилаш ишларини изчиллик билан давом эттириш таълим тизимининг устувор вазибаларидан бири эканлигини доимо ёдда тутишимиз зарур деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Соғлом авлод халқимиз келажаги. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 437-438 бетлар.
2. “Таълим муаммолари” журнали. 2012 йил. 1-2-3-сонлар.

Samarqandning ko‘hna madaniyati, amaliy san’ati va rasmlari

SamDU katta o‘qituvchisi D.Ergashev, Pastdarg‘om Pedagogika va sport kolleji o‘qituvchisi Ibragimova Maftuna

Samarqand ko‘hna va qadimiy madaniyatga boy bo‘lgan vohalardan hisoblanadi. Uning tarixini juda o‘zoqlardan, ya’ni Afrosiyob xarobalari tarixidan o‘rganish ham mumkin. Bu shahar Samarqand shahri yonbag‘ridagi xaroba holdagi tarixiy joy hisoblanadi. Bu shahar miloddan avvalgi VI-V asrlarda yaratilgan deb hisoblanadi. Afrosiyobni qazish ishlari XX asr boshlaridan boshlaib, hozirda ham davom ettirib kelinmoqda. Qazish ishlari natijasida bu xududda ulkan qala va saroy borligi aniklangan bo‘lib uning tarixiy jihatlarini o‘rganish ishlari amalga oshirildi.

O‘rganilgan man‘balar asosida shu binoda bir necha xonalar mavjud bo‘lib, ularlan biri mehmonxona bo‘lganligi ma’lum bo‘ladi. Mehmonxonaning turli tomoniga har xil devoriy rasmlar ishlangandir. Mehmonxona devorlaridagi rasmlardan birida bir erkak va ayolning suhbatlashib o‘tirgan tasviri aks ettirilgan.

Umuman, mehmonxonaning devorlarida tuy safari, daryoda chumilish, elchilarni qabul qilish ishlari, marosimi, ov kabilar aks ettirilgan. Tuy safari aks etgan rasmda oq rangdagi filda malika, saman ot mingankelin ~ kuyov aks etgan. Shuningdek. malikani kuzatib ketayotgan kanizaklar ham tasvirlangan.

Rasmdagi bir ayolni kizil kuylak, och kul rang rumol, sariq lozim. Qora etik

kiygan saroy xodimlari kuzatib kelayotganliklari tasvirlangan. Ulardan biri chol. Yana birining belida kichik xanjar va qilich osilgan, qullarida xassa. Bu ularning saroy amaldorlaridan ekanligidan dalolat beradi. Tasvirlangan kishilarning orqasida oq rangli parrandalar aks ettirilgan. Bulardan tashqari oq kiyimli ikki kishi ham aks ettirilgan. Ulardan biri qora rangli otni yuganidan tortib kelmoqda. Ikkinchisi orqaroqda, qushlar yonida (u ot mingai xolda bo‘lishi mumkin) tasvirlanganligini ko‘ramiz.

O‘zbekistan xududidagi eng qadimgi san‘at namunalari yurtimiz ahlining qadimiy ajdodlari juda kuxna va boy madaniyat va san‘at sohibi ekanligidan dalolat beradi. Ularning yuksaklik bilan bajargan rasmlari usha davri san‘atining namunasidir.

Samarqand amaliy san‘atining rivojlanish tarixiy taraqqiyotidan bilib olamizki, barcha amaliy san‘atga oid elementlar u joyning muhiti va sharoiti bilan bog‘liq rivojlanib kelgan. Amaliy san‘atidagi turli kurinishlar va ramziyliklar professor, san‘atshunoslar H. Zohidov, A. Hakimov, Z. Raximova, R. Hasanov, H. Juraev, S. S. Bulatovning asarlarida keltirib o‘tilsada u tuliqligicha hali o‘rganib chiqilmaganligi va echimini ko‘tib to‘rgan masalalar bu sohada ko‘p. Samarqand amaliy san‘atining o‘ziga xos tomonlari juda xilma - xil bo‘lib ularni har bir turlarini chuqur o‘rganib borganda bilish mumkin bo‘ladi.

Miniatyurach musavvir Muhammad Murod Samarqandiy 1616 yilda Buxorada bo‘lgan. U Sadiyning «Buston» asariga miniatyura chizgan. So‘ng asar Juybor shayxlaridan Abduraxim Xo‘jaga tuhfa qilingan. O‘rta asr o‘zbek miniatyura san‘atining yanada bir ko‘zga ko‘ringan taniqli musavviri Muhammad Murod Samarqandiy o‘zining g‘oyat kuchli tasviriy qobiliyati, asarlarni jonli, ifodali, realligi bilan ajralib turadi. «Shoxnoma» asarida uning 115 illyustratsiya miniatyurasi uning o‘z davrining etuk san‘atkori ekanligidan dalolat beradi. U g‘oyat kuchli dramatik syujetlarni o‘z asarlarida ifoda etadi. Asarlarida o‘z davrining sotsial, ijtimoiy xayoti to‘la - qonli ifoda etib berilgan. Uning «qo‘zg‘olon» asarini kuzatar ekanmiz asar qahramonlarini g‘oyat aniq tashvishli, g‘azabkor va jonli jonli ifoda etilganligini ko‘ramiz. Asardagi ranglar ham o‘ziga xos qo‘zg‘olosh ruxida beriladi. Murodning rang tanlashi ham o‘zidan avvalgi musavvirlardan boshqacharoq kompozitsiya syujetlari va ularga tanlangan ranglarda aloxidalik reallik xukm suradi. Murod Samarqandiy-mashhur naqqosh va mashhur atoqli musavvir. Murod Samarqandiy XVI asrdayashab ijod etgan rassom. Murod Samarqandiyning ota-onasi to‘g‘risida hech narsa deyilmagan. Murod Samarqandiy ayrim sharqshunos olimlarning ishlarida aniq tug‘ilgan yili va kunini tasvirlab bermaganligini ko‘ramiz. U rasm chizishni eng oddiy elementlarini o‘z kompozitsiyalarida foydalanganligini baddiy asarlari syujeti bo‘yicha rasm ishlashga asosiy e‘tiborini qaratganligini bilamiz.

Kashtachiligimiz san'ati ham nafaqat mamlakatimizda, balki chet ellarda ham shuhrat qozongan. O‘zbek chevar ustalari qo‘llari bilan tikilgan kirpich, so‘zana, zardevor, gul ko‘rpa, choyshab kabilar Fransiya, Italiya, Yaponiya, Germaniya, Belgiya, Amerika, Hindiston kabi xorijiy, shuningdek Respublikamizning Farg‘ona vodiysida faqat xonadonlarda emas, balki amaliy san'at muzeylarida ko‘p namunalari to‘planib, doimiy ekspozitsiyaga aylanib qolgan.

XIV - XV asrlarga mansub miniatyuralar orqali kashtachilikning juda qadimdan rivojlanganligini ko`rish mumkin. Ispan elchisi Rui Ganzalem de Klavixo Amir Temur saroyida o`zbek milliy kashta bezaklarini ko`rganini kundaligida yozib qoldirgan. Kamoliddin Behzod "Zafarnoma"ga ishlagan."Temur taxtda" miniatyurasida chodirga ishlangan kashtani ham aks ettirgan. O`zbek kashtachiligi qo`shni xalqlar kashtachiligi ta'sirida boyidi va rivojlandi. O`zbek kashtalariga e'tibor bersak, unda hind, xitoy, rus, qozoq, qirg`iz va tojik kashtachiliklarining usullarini uchratamiz.

Faqatgina bular rangtasvir rasmlar emas balki kulolchilik san'atining o`ziga xos tomonlarini yoritish mumkin bo`lib unda turli ko`za, choyidishlar, lagan, loy o`yinchoqlarning yasalishi, xushtaklar, masxaraboz, ertaklar qahramonlariga ishlangan o`yinchoqlardagi o`ziga xoslik buning isbotidir. Har birini yasashda uning loylari, ranglari, quritilishi, bezaklari, naqsh va ko`rinishlari turlichadir. Bularning yasalishi va o`ziga xosligi boshqa xudud ya'ni, viloyatlarning kulolchiliklaridan farq qiladi.

Shu kabi amaliy san'atning boshqa turlari kashtachilikda ham katta o`zgarishlar bor. Ularning islimi yoki grix ko`rinishlaridagi naqshlar juda rang - barang bo`lib hisoblanadi. Samarqand viloyatidagi turli Urgut, Kattaqurg`on, Nurobod, Pastdarg`om, Qushrabort, Payariq, Bulung`ur xalqlari orasida yoyilgan amaliy san'at turlari ham bir – biridan farqlanadi. Ba`zilarining gullaridagi ko`rinish o`zgacha bo`lsa, ba`zilarida tuzilishdagi elementlarda farq bor yoki ularning ranglarida turlichalilikni ko`rishimiz mumkin.

Adabiyotlar.

1. Bulatov S.S. O`zbek xalq amaliy san'ati. T.: Sharq. - 1991.
2. Hasanov R. Tasviriy san'at asoslari. Toshkent, G`G`ulom. 2004.
3. O`zbekiston san'ati. Toshkent, Sharq, nashriyoti. 2001.

O`zbekiston xalq amaliy san'atning badiiy ta'limdagi o`rni.

Sam DU katta o`qituvchisi D.Ergashev., SamDMQI dots. H.Juraev., SamDU amaliy san'at yunalishi 3-bosqich talabasi M.Ergashev.

Bilamizki, O`zbekiston xalq amaliy san'ati qadimdan shakllanib kelgan. Mana, madaniy yodgorliklarni saqlash jamiyatining tuzulganiga ham yuz yigirma yildan oshibdi. Bu masalalar 1918 yilning 5 dekabrda qadimiy me'morchilik (arxitektura) yodgorliklarini, san'at asarlarini hisobga olish va saqlash haqida dekret chiqarilgan bo`lib, unda naqqosh ustalar ham boshqa ustalar qatori machit, madrasa, turar joylarni, saroylarni ta'mirlash ishlari bilan shug`ullanish kerak bo`ldi. Shundan boshlab usta va naqqoshlar, o`ymakor, ganch san'atkorlari ta'mirlash ishlarini yo`lga qo`yganlar.

1930-yildan so`ng ko`pgina jamoat uylari, choyxonalar, madaniyat uylari, saroylar va boshqa joylarni yog`och shumakorligi, naqsh va ganch bilan bezatish ishlari boshlab yuborilgan.

1938 yili Moskvadagi Butunittifoq xalq xo`jaligi yutuqlari ko`rgazmasidagi O`zbekiston restorani va pavilionlarini bezashga naqqoshlarni safarbar qilingan

бўлиб. U erdagi O‘zbekiston poviloni ajoyib namoyonlar, qandillar, o‘yma eshiklar, o‘yma ganchlar va naqshlar bilan bezatildi. Shuningdek, O‘zbekitonda ham amaliy san’at ustalarimiz 1939 yilda Samarqand va Buxoraning eng yaxshi ustalaridan 12 kishi Alisher Navoiy nomidagi adabiyot muzeyi binosini ajoyib naqshlar bilan bezatdilar. Shu yillari “Bahor” konsert zalini ham naqsh, ganch o‘ymakorligi, yog‘och o‘ymakorligi bilan bezatilgan edi. 40-yillarda qurilgan Muqumiy, Navoiy teatri binolari ham turli ko‘rinishdagi ajoyib naqsh, ganch va yog‘och o‘ymakorligi bilan bezatiladi.

Amaliy san’atning naqqoshlik san’atini rivojlantirishda ajoyib xalq ustalari qatnashgan bo‘lib, ular Farg‘onalik Sayidmahmud Norquziev, Toshkentlik Tohir To‘xtaho‘jaev, Olimjon Qosimjonov, Yoqubjon Raupov, Jalil Hakimov, Xivalik Abdulla Boltaev, S.Xudoyberganov, X.Raximov, Samarqandlik Jalol va Bolta Jalilovlar, usta Madaminjon Husanov va boshqalardir. Shu kabi usha davrning amaliy san’at ustalari hamda ularning shogirdlari yaratgan asarlar hozirgi kunda ham xalqqa xizmat qilib kelmoqda. Ularning asosiy avlod - avlodga meros bo‘lib kelayotgan naqqoshlik san’atiga katta xissa qo‘shdilar. Ular o‘zbek naqqoshlik elementlariga yangicha elementlar qo‘shib (o‘roq, bolg‘a, geometrik elementlar, kabutar, paxta, paxta gullaridan, yulduz va boshqalar) bilan yangicha g‘oyalar kiritdilar. Shuning bilan birga o‘zimizning an’anaviy o‘zbek xalqining o‘ziga xos milliy naqsh san’atini saqlab qoldilar. Ular zamonaviy binolarga moslab o‘zbek xalqining elementlari bo‘lmish nozik milliy naqsh elementlaridan hisoblangan majnuntol nihollari, anor bo‘tog‘i, gullar butog‘lari, daraxt gullari va boshqalarni stelizatsiya qilib tasvirladilar. XX asrning o‘rtalarida naqqoshlik san’ati yanada rivojlangan edi.

Samarqand naqqoshlari Toshkent va Farg‘ona naqqoshlariga uxshab elementlarini bajarganlar. Ularning ishlari bir-biriga uxshab ketadi. Samarqand naqshlari o‘ta o‘zining guldorligi, barg va gullarning badiiy harakatchanligi bilan ajralib turadi. Naqshlar jonliligi, ranglarning tuzilishi bilan ham farq qiladi. Farg‘ona naqqoshlarining ishlari, asarlari tuzilishi bilan aniq bir ritmik takroruluvchan naqshlarkompozitsiyasi Toshkent naqshlariga ham uxshab ketadi. Avallari zangori rang gammasida ko‘proq naqsh bajarilgan bo‘lsa, hozir yashil rang gammasiga ko‘proq naqshlar bajariladigan bo‘lishdi. Samarqand naqqoshlik maktabini yaratishda “Usta Rahmonqul, usta Sharif, usta Jaloliddin (Mirjamol), usta Mahmud, usta Abdujabbor, usta Abduzoxid, usta Aminjon, usta Baqo” keyinchalik usta Jalol va Bolta Jalolovlar kabi naqqoshlar asos soldilar va bebaho xazinasini qoldirdilar.

Mana shularning hammasi O‘zbekiston amaliy san’atining rivojlanishiga asoslardan biri bo‘ldi. Tasviriy san’atning rivojlanishi bosqichi davlatimizda qiyin kechgan bo‘lsada. Amaliy san’at qadimdan rivojlanib kelganligini ko‘rib turibmiz. SHuning davomi sifatida amaliy san’at mustaqillika erishganimizdan so‘ng yanada rivojlanish yo‘lida bordi. Albatta bularning hammasi davlatimiz rahbariyati va amaliy san’atga, kasb - hunar ta’limiga alohida e’tibor bergani bilan izohlasak to‘g‘ri bo‘ladi.

Mustaqillikka erishgunimizgacha amaliy san’atning ayrim turlari naqqoshlik, ganchkorlik, o‘ymakorlik, kosibchilik, zargarlik, gilamchilik, duppichilik kabi bir

qancha hunarlarning rivojlanishiga ham qisman e'tibor berib kelingan bo'lgani bilan ba'zi tomonlarida kamchiliklar bo'lgan. Ammo asosan bu kasb-hunarlar keng miqiyosda ish olib borishlari uchun imkoniyatlar yaratilmaganida ko'rinadi. Bularning hammasi ham faqat boshqa bir mafkuraning manfaatlari uchun hizmat qilishlari hisobga olingan edi. Yana shuni ham aytish lozimki, amaliy san'atning badiiy ta'limdagi o'rni keng ochib berilgan ishlar yaratilmagan. Buning bir qismi faqatgina pedagogika fanlari doktori, professor S.S.Bulatov tomonidan yaratilgan bir qancha kitoblari, dotsent Q.Qosimovning “Naqqoshlik” deb nomlangan asari va professor R.Hasanovning metodik darslik va kitoblarida berilgan bo'lib ularda ham badiiy ta'lim sifatida ma'lum soatlarda bayon etiladi. Alohida bugungi kundagidek amaliy san'at badiiy ta'limda ommalashmagan edi.

Bugungi esa amaliy san'atning badiiy ta'limdagi o'rni nihoyatda ulkan ekanligini ko'rib turibmiz. Buni respublikamizga kelayotgan chet ellik mehmonlarning qiziqishlardan ham bilish mumkin. Ular xalq amaliy san'atini millatimizning g'ururi ekanligini alohida tariflashmoqda. Bundan ko'rinib turibdiki, amaliy san'at xalqning asrlar davomida shakllanishi va rivojlanishi tarixini yoritib turuvchi mash'ala hamdir. O'zbek xalq amaliy san'ati maktab va kollej ta'limida etarlicha o'rganilmay qolgan. Ularga ajratilgan soatlarni yanada ko'paytirish lozim deb bilaman. Chunki, faqat amaliy san'at darslari maktab badiiy ta'limi va kollej amaliy san'atni o'rganish jarayonida bir tomonlama bo'lib qolayotgandek. Bu amaliy san'atning rivojlanishigina emas balki, xalqimizning amaliy san'at bilan estetik tarbiyasi va san'atkorona hayotga qarashini anglatadigan muhim tushunchalardan biri ekanligini bilishi lozim. Demak, amaliy san'at badiiy ta'limda yuqori o'rin tutar ekan. Badiiy tarbiyadagi amaliy san'atning axamiyatiga bo'lgan munosabatni ham o'zgartirish vaqti keldi. Amaliy san'atning har bir mahsuloti bugun xalqimiz uchun iqtisodiy o'sishida ham muhim bo'lib qolgan.

Har bir tadbirkorning amaliy ishlarida badiiylik borligi ham bu sohada ta'lim beruvchilarning ma'suliyatini oshiradi. Chunki, badiiy ta'lim va tarbiya san'at vositasi tufayli amalga oshiriladi. Amaliy san'at badiiy tarbiyada etakchi hisoblanadi deb aytish mumkin. Hamma zamonlarda ham odamlar o'z uyi va joyini, o'zini va o'z avlodini madaniy, nafosatli va badiiy kurinishdagi go'zal bo'lishini istaydi. Bunday bo'lishida doimo amaliy san'at materiallarining yordamiga tayanadi. Odamning go'zal ko'rinishida ham amaliy san'atning o'rni bor. Badiiylik amaliy san'atning xar bir materiallarida, reproduksiyasida namayon bo'lib turadi. Faqat ularni joy-joyida foydalana bilish yaxshilikka olib keladi. Butun “dunyoni go'zallik qo'tqaradi” degan gap nihoyatda to'g'ridir. Yashash joyimizning go'zalligi, kiyim va turmushimizning go'zalligi, ishlatayotgan narsalarimizning go'zalligi, davlatimizning go'zalligi bu bizning badiiy jihatdan butunligimizning dalilidir. Shuning uchun ham shaharlarimizni turli order, uslub, va ko'rinishli bo'lishligiga e'tibor berib nihoyatda chiroyli qilib qaytadan qurib bormoqdamiz. Ichki ko'rinishlarini ham amaliy san'at buyumlari bilan bezatib badiiylashtirmoqdamiz. Shunday ekan amaliy san'atning badiiy ta'limdagi o'rni benihoya cheksizdir.

Amaliy san'at ta'lim tizimida hamma san'atga oid kollejlardagina emas balki, boshqa turli kasb-hunar kollejlari ham oddiy bo'lsada o'rgatib borilsa yanada

yaxshi bo‘lar edi. Chunki, bir vaqtlar san’at tarixi rivojlanishida go‘zal bo‘lish uchun avvalo odamning o‘zi badiiy jihatdan etuk bo‘lishi nazarda tutilgan. Bugungi kun talabi ham inson omilining nihoyatda komilligi uning dunyoviy ilmlari va badiiy jihatdan ham ongliligi bilan o‘lchanadi. Shunda biz barcha insoniyatni komil va badiiy tomondan etuk qilib tarbiyalashga xissa qo‘shgan bo‘lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

- 1.O‘zbekiston san’ati. Toshkent, 2001
- 2.O‘zbekiston hunarmandchiligi va amaliy san’ati. I ensiklopediya “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”. A. Hakimov, S.S.Bulatov, L. Mirzaeva, L.Muxutova. Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent – 2016

Dars mashg‘ulotlarini o‘tishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish o‘quvchilarning hayotiy ko‘nikmalarini shakillantiradi.

Kamolova .S.S. - Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi.

Qarshiyeva.M.M.-Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi.

Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlarda o‘quvchilarning o‘quv va ijodiy faolliklarini oshiruvchi hamda ta‘lim tarbiya jaroyonining samaradorligini kafolatlovchi pedagogic texnologiyalarniqo‘llash borasida katta tajriba to‘plagan bo‘lib, unda ushbu tajriba asoslarini tashkil etuvchi metodlar interfaol metodlar nomi bilan atalmoqda.Bu metodlardan biri “ Rolli o‘yin” metodi va undan foydalanish xususida ma‘lumot beramiz.

“Rolli o‘yin”metodi hamkorlikdagi harakatning natijasiga asoslangan. Rolli o‘yinda qatnashuvchilarning tajribasini kengaytirish nazarda tutiladi. Qatnashuvchilarga kutilmagan vaziyat taklif qilinadi va ulardan shu vaziyatga tushib qolgan odamning rolini o‘ynash so‘raladi..Keyin rollarni ijro qiluvchilar bu vaziyatdan chiqib ketish yo‘llarini ishlab chiqadilar,yakunida kutilmagan vaziyatdan yaxshi natija bilan chiqib ketish mumkin bo‘lgan chora- tadbirlar o‘ylab topiladi.(o‘yinda)

O‘quvchilar tomonidan o‘ynaladigan rol, ularning muhitga , yoshi , xususiyatiga to‘g‘ri kelishi kerak. Rolli o‘yinlar ikki turga bo‘linadi:

1.“Vaziyatlarni roller ijrosida o‘ynash” ikkinchisi “rolli o‘yinlar”. Bu ikki yo‘nalish ham umumiy xususiyatga ega , shu bilan birgalikda, ularni ajratib turadigan jihatlar ham mavjud. Birinchisida, o‘quvchilar bajarayotgan rollarni qanday tassavur qilsalar, shunday ijro etishlari mumkin. Ko‘pincha bunday hollarda o‘quvchilar o‘zlarini o‘zlari rol orqali namoyish etadilar. Ya‘ni o‘zlarining uslublarini, qadirlil tomonlarini, hissiyot darajalarini ko‘rsatadilar yoki o‘zlariga yaxshi tanish bo‘lgan boshqa birovga taqlid qilishlari mumkin.

Bunday o‘yinlarni tahlil qilayotgan vaqtda o‘qituvchi nafaqat ta‘limiy maqsadga erishgan bo‘ladi, balki o‘quvchilarni shaxs sifatida shakillanishiga zamin yaratadi.

2.Rol ijro etayotgan o‘quvchilarga tayyor yo‘riqnoma beriladi. Bu yo‘riqnomada o‘quvchining o‘zini tutishi, bajaradigan ishi, qandayxarakterni ifodalashi kerakligi batafsil yozilgan bo‘ladi. Shunday qilib, rolli o‘yinlarda , topshirilgan senariy asosida nafaqat berilgan material bilan tanishishm kerak, balki rolga kirishib ketish hatto

aktiyorlik mahoratini ham ko'rsatishi mumkin.

Rolli o'yinda qatnashuvchi guruhning vazifasi kundalik hayotda mavjud insonlarga xos bo'lgan hulq- atvor modelini yaratishdan iborat bo'ladi. Shu narsani alohida ta'kidlab o'tish kerakki. Ish so'ngida qilingan ishlar tahlili bo'yicha suhbat jaroyonida asosiy e'tibor rol bajarayotganlarning mahoratiga emas, balki bajarilgan rollarning xatti- harakatiga, hulq –atvoriga qaratiladi.

Rollarni ijro etish metodi- interfaol metod hisoblanib, qoida bo'yicha insonlar munosabati (o'zaro muloqat, shaxsiy fikr almashish, bir-birini anglash) nitushunish uchun qo'llaniladi. Bu esa o'quvchilarda boshqalarning hissiyotiga befarq bo'lmaslik ko'nikmasini shakillantirish uchun imkon beradi.

Dars yakunida o'quvchilar o'qituvchi boshchiligida jaroyonning yakunini va shu bilan birgalikda, muammoning echish yo'llarini, to'qnashuvlarni muhokama qiladilar. Bunda har bir qatnashuvchining ushbu vaziyatda o'zini qanday tutgani, natijada nimaga erishganniga e'tabor qaratiladi, Bahs- munozarani tomoshabin bo'lib o'tirgan o'quvchilar boshlab, o'qituvchi yakunlaydi, rolli muloqot yakunining tahlili bo'yicha yutuqlar va yo'qotishlar haqida to'xtaladilar.

Agar rolli o'yinlar videoyozuv orqali tasvirga olingan bo'lsa, kuzatuvlar yanada samarali bo'lishi mumkin, Chunki maslahat berish takror kuzatish uchun tasvirdan foydalanish mumkin.

Rolli o'yin metodi o'quvchilarga “ begonaning oyoq kiyimida yurib ko'rish” imkonini beradi. Bu esa ularga o'zlarini va o'zlari ijro etayotgan qahramonlarini chetdan kuzatishga zamin yaratadi.

Rolli o'yin metodi o'quvchilarda bir- birlarini nitushunish, hamjihatlikda, do'stona munosabatdagi muhitda yashash ko'nikmalarini shakillantiradi.

Bu metod ta'lim, tarbiya olishning hamda tajriba oshirishning eng samarali yo'lidir.

Rolli o'yindan ta'lim olishning mustaqil texnologiyasi sifatida foydalaniladi, shu bilan birgalikda, tarbiyaviy soatlarda va sinfdan tashqari tadbirlarda, shaxslararo o'zaro harakat ko'nikmalarini rivojlantirish, o'quvchilar orasida do'stona munosabatdagi muhitni yaratish borasida yutuqlarga erishish uchun qo'llaniladi.

O'qituvchiga maslahatlar:

1. Rolli o'yin rejasini mukammal ishlab chiqing. Rolli o'yinni yuqori saviyada o'tkazish, uning qatnashuvchilariga bebaho foyda olib keladi. Agar guuruhda odamovilik, tortinchoqlik, ichki qarama –qarshilik va psihologik jihatdan noqulaylik bo'lsa, bunda sahnalashtirilgan o'yinlarni o'tkazish maqsadga muvofiq bo'ladi.

2. Rolli o'yin bilan vaziyatlarni ijro etishni ongli ravishda qo'llang.

3. Kichik guruhlarni tashkil qilishga harakat qiling.

4. Rolli o'yinni ijodiy yondashgan holda sahnalashtiring.

O'quvchilarga ta'lim berishning, o'rgatishning boishqa metodlaridan rolli o'yinni alohida ajratishga hech qanday sabab yo'q. Eng yaxshisi, dars jarayonini shunday tashkil qilish kerakki, nazariy qisimdan keyin rolli o'yin ishlatilsa, o'rganilgan nazariy ma'lumot amaliy jihatdan mustahkamlansa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida innovatsion boshqarish xarajatlari.

Kamolova .S.S. - Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o'qituvchisi.

Umurzoqov .U. - Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o'qituvchisi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida innovatsion faoliyat xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining tarkibiy qismiga ayllanib bormoqda. Har qanday faoliyat xo'jalik yurituvchi sub'ektdan ma'kum darajada xarajat talab qiladi. Shubhasiz innovatsion faoliyat ham xarajatlar sarfi bilan bog'liq. Innovatsion faoliyat bilan shug'ullanuvchi xo'jalik yurituvchi sub'ektlarni o'rganish ushbu faoliyat xarajatlari quyidagicha uchta guruhdan iborat ekanligini ko'rsatadi:

1. Innovatsion faoliyatni tashkil qilish va boshqarish xarajatlari.
2. Bevosita innovatsion faoliyatni amalga oshirish xarajatlari.
3. Xorijdan xarid qilingan innovatsiyalarni mamlakatda joriy qilish bilan bog'liq xarajatlar.

Innovatsion faoliyatning ushbu xarajatlari ichida hisobga olinishi nuqtai nazaridan eng murakkabi bu- birinchisi .Fikrimizcha , innovatsion faoliyatning ushbu guruhga kiruvchi xarajatlarini yana uch guruhga bo'lish mumkin:

1. Innovatsion faoliyatni bevosita tashkil qilish va boshqarish xarajatlari.
2. Innovatsion faoliyat yo'nalishlarini aniq belgilash bilan bog'liq xarajatlar.
3. Innovatsion faoliyat uchun sharoit yaratish bilan bog'liq xarajatlar.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, innovatsion faoliyatni tashkil qilish va boshqarish xarajatlari bugungi kunda turli xarajat ob'ektlarida hisobga olinmoqda. Ular – mma'muriy xarajatlar, muomala (sotish) xarajatlari, shuningdek, boshqa operatsion xarajatlar tarkibida hisobga olinmoqda. Albatta innovatsion faoliyatni tashkil qilish va boshqarish xarajatlarini bunday tartibda hisobga olish quyidagi salbiy oqibatlarga olib kelmoqda:

1. Innovatsion faoliyatni tashkil qilish va boshqa xarajatlarining umumiy qiymatini aniqlash imkonini bermayapti.
2. Ushbu xarajatlar sarfi ustidan nazoratni amalga oshirish imkoniyatlarini cheklab qo'yadi.
3. Innovatsion faoliyat samaradorligini aniqlashda xarajatlarning to'liq hisobga olinmasligi.

Bizning fikrimizcha , bu kamchiliklarni bartaraf qilish uchun innovatsion faoliyatni tashkil qilish va boshqarish xarajatlari buxgalteriya hisobining alohida schyotida xarajat moddalari asosida hisobga olinishi lozim. Ushbu schotdagi xarajat moddalarini quyidagi tartibda belgilash maqsadga muvofiqdir:

1. Ish haqi va unga ajratmalar.
2. Asosiy vositalarni saqlash va ishlatish xarajatlari.
3. Amortizatsiya xarajatlari.
4. Ish va xizmatlar.
5. Materiallar sarfi.
6. Xizmat safari xarajatlari.
7. Boshqarish xarajatlari.

Innovatsion faoliyatni amalga oshirish bilan bog'liq bo'lgan yana bir muammo-

ushbu faoliyatni amalga oshirish uchun sharoit yaratish bilan bog'liq. Bu o'z navbatida quyidagi masalalar yechimini talab qiladi:

1. Innovatsion faoliyatni amalga oshiradigan malakali kadrlarni tanlash va tayyorlash.

2. Zarur laboratoriya jihozlarini tanlash, agar ular mavjud bo'lmasa, vjudga keltirish.

3. Innovatsion faoliyat natijasida yaratilayotgan yangi mahsulotga xom-oshyoni tanlash yoki uni yangitdan yaratish.

Ushbu jaroyonga sarflanadigan xarajatlar mazmun- mohiyati jihatidan juda murakkab, chunki kadrlarni tanlash va tayyorlash uchun sarflangan xarajatlar hozirda xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning boshqa operatsion xarajatlar sifatida hisobga olinadi.

Xarajat moddalarini belgilash, sarflanayotgan xarajatlarni aniq hisobga olish va nazorat qilish uchun yetarli ma'lumotlarni yig'ish imkoniyatini beradi. Bu o'z navbatida innovatsion faoliyat uchun sotib olingan yoki ishlab chiqarilgan asosiy vositalar boshlang'ich qiymatining ob'ektiv shakllanishini ta'minlaydi, Shuningdek, hozir amalda bo'lgan soliq kodeksiga muvofiq ushbu xarajatlar soliqqa tortiladigan foyda summasini ham ko'paytiradi. Bu jaroyonlar uzluksuz bo'lib, sub'ekt faoliyatning tarkibiy qismiga aylanib ketadi.

Shunday qilib, innovatsion faoliyatni tashkil qilish va boshqarish xarajatlari hisobini yuritish bo'yicha berilgan tavsiyalar buxgalteriya hisobining ma'lum berish va nazorat qilish vazifalari mukammal bajarilishini ta'minlaydi.

Xalqaro bozorga chiqish uchun, mavjud buxgalteriya hisobi va hisobotini hamda auditni imkon qadar xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga yaqinlashtirish kerak.

Haqiqatdan ham bozor iqtisodiyoti sharoitida xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyati moliyaviy natijalarining ahamiyati benihoya kattadir. Ushbu ko'rsatkich korxonalarining moliyaviy holati, ularning barqarorligini ifoda etadi.

Iqtisodiyotni, shu jumladan uni boshqarish vositalardan biri bo'lgan buxgalteriya hisobini isloh qilish, moliyaviy natijalar hisob tizimiga tubdan o'zgarishlar kiritdi. Xo'jalik sub'ekti moliyaviy xo'jalik faoliyatida xarajatlarning haqqoniyligi, hisobotlarda to'liq aks ettirilganligi, ularni bosh kitob va jurnal orderlari, hisob registrlari, birlamchi hujjatlardagi ma'lumotlarga mosligi.

Xarajatlar tarkibi o'zgarishi, korxonalar tarkibiy tuzilmalari bo'yicha ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish hajmiga mos holda xarajatlar (tannarx, davr xarajatlari- sotish xarajatlari, boshqa xarajatlar) nisbiy o'zgarishi tahlil, xarajatlar o'zgarishiga ta'sir qiluvchi omillarni tahlil qilishni o'z ichiga oladi.

Замонавий педагогик технологияларни қўллашдаги муаммолар.

СамДАҚИ ўқитувчиси Қ.М.Файбулов

Ҳозирги кундаги илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам замонавий технологияларни жорий этишни тақозо

этнода. Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш” таъкидланиб, узлуксиз таълим сифатини ошириш ва такомиллаштириш иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Шу маънода мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон иқтисодиёти, илм-фан, техника ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим-тарбия тизимини, шунингдек, миллий педагогика ва замонавий педагогик технологияларнинг назарий ва методик асосларини яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш зарурати рақобатбардош мутахассисликларни тайёрлаш вазифасидан келиб чиқади.

Юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар барча соҳаларга, шунингдек, олий таълим жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Эски ижтимоий муносабатлар шакллариининг бузилиши ва янги демократик ҳаёт тизимининг вужудга келиши шахснинг ижодий фаоллигини талаб қилади. Ижодкор, фаол, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаб вояга етказиш учун олий таълимда муҳим ўзгаришлар ва қайта қуриш ҳаётини зарурат бўлиб қолмоқда. Шу боисдан олий мактабда туб ўзгариш ясаш, фаол, ижодкор, ақл-заковотли, зиёли мутахассисларни тайёрлашнинг илмий асосларини яратиш қатор фанларнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Таълим жараёнида шахсни камол топтиришнинг шарт-шароитларини белгилаш сингари мураккаб вазифани ҳал қилиш психология фанининг тадқиқот объектига ва мазмунига киради. Узок давр таълимнинг психологик концепцияси шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатларига фақат бир томонлама ёндашилган, яъни таълим жараёни инсоният томонидан топилган билимларни ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш, деб қаралиб келинган, лекин бу жараёнда талабаларнинг шахсий ҳаётини нуқтаи назари, фаол ва теран фикрлаш уларнинг интилишлари, ички руҳий имкониятлари, касбий жиҳати қарийб ҳисобга олинмай келинди. Таълим жараёнида шахснинг мустақиллиги, чекланганлиги сабабли такомиллаштириш талабалар билимларини мустақил эгаллашга, ижодий фикрлашга, ўз шахсини такомиллаштириш ва индивидуал фаолиятини ташкил қилишда бир қатор қийинчиликлар сезади. Шунинг учун ўқиш жараёни негизига маҳсулдор фаолият деб тушуниниш заминига қуриш орқали талабаларда билимларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки уларни комил шахс сифатида шаклланишини, ижодий касб кўникмаси, мустақил фикрлаш ўқувини ва касбий малакаларини эгаллашни таъминлаш мумкин. Таълим ижодий ва маҳсулдор фаолиятга айланишда ўқитувчи билан талабалар ҳамда талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Демак, педагогик технологияларнинг марказий муаммоси – талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, “замонавий педагогик технология асослари” фанининг асосий мақсади – касб таълими (иқтисодчи-педагог) йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларни фанни ўрганишда қўлланиладиган таълимнинг замонавий технологиялари билан таништириш ва келажакда ўз фаолиятларида интерактив

усулларни қўллашни ўргатишдир. Педагогик технологияларнинг вазифалари – педагог ўқитувчиларни замонавий педагогик технологияларнинг моҳиятидан хабардор қилиш ҳамда уларни махсус фанлар асосларини ўқитишга йўналтирилган машғулотлар жараёнини ноанъанавий шаклларда ташкил этишга, таълим жараёнини мукаммал модул асосида лойиҳалашга эришиш, таълим жараёнини лойиҳалаш технологиясидан оқилона фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишга, таълим олувчиларнинг назарий билимларининг пухта, чуқур ўзлаштирилишининг, уларда амалий малака ва кўникмаларининг ҳосил бўлишининг кафолати бўла олишга ўргатишдан иборатдир. Таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиш ва уларни қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга молик:

- замонавий таълим технологиялари асосида ишламоқчи бўлган педагог ўқитувчиларни дарс мавзулари бўйича интерфаол методлар асосида ишлаб чиқилган сценарийлар бўлиши, унда билимларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, талабаларда мотивацияни уйғотиш учун даъват қисмининг бўлиши, лойиҳаланаётган матнни бўлақларга бўлиш асносида методларни қўллаш ёки лойиҳалаш ҳамда кўргазмалиликнинг кўрсатилиши лозим;

- замонавий педагогик технологиялар асосида ишловчи педагог-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини машғулотлар жараёнида синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш ва замонавий педагогик технологиялар бўйича ишлашнинг афзалликларини инноватор ўқитувчиларни кафедра йиғилишида илмий-услубий семинарларда, олий ўқув юртлари илмий кенгашларида чиқишларини ташкил этиб, педагогик жамоа томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

- олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган замонавий педагогик технологиялар бўйича ишловчи инновацион (педагогик технология) марказлар зарур дидактик ва методик материаллар, техника воситалари билан таъминланиши зарур;

- педагогик технологиялар ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш доирасида назарий ва амалий билимларга эга бўлган илғор педагог-ўқитувчидан инноватор педагогик жамоани шакллантириш ва ҳ.к.

Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида муайян самарадорликка эришиш билан бир қаторда баркамол шахс ва рақобатбардош малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон беради.

Файдаланилган адабиётлар

1. Gulomov S.S., Begalov B.A. *Informatika va axborot texnologiyalari. Toshkent, Fan, 2010*
2. Abdullayev Z.S., Mirzayev S.S., Shodmonova G., Shamsiddinov N.B. *Informatika va axborot texnologiyalari. O'quv qo'llanma. Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. Toshkent-2012*

**Чет тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар ва уларнинг
эмоционал мулоқотга ўргатишдаги ўрни**

М.А. Кучибоев СамДАҚИ

Кейинги йилларда методик адабиётларга таълим жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган «Инновацион педагогика», «Инновацион технологиялар», «Интерфаол метод ва усуллар», «Янги педагогик технологиялар» каби кўплаб янги тушунчалар кириб келмоқда. Бу борада рус олимлари В.П.Беспалько, В.И.Загвезинский, В.А.Сластинин ва бошқаларнинг ўзбек олимларидан, Н.Х.Авлиёкулов, Л.В.Голиш, Б.Зиёмухаммедов, Н.Сайдахмедов, У.Толипов, Б.Л.Фарберман, А.Х.Қосимов ва Ф.Холиқоваларнинг тадқиқотларида таълим жараёнини модернизация қилишнинг, янги педагогик технологиялар ва уларнинг педагогик, психологик асослари ҳақида атрофлича назарий ва амалий фикрлар баён қилинган.

Юқорида тилга олинган тадқиқотларнинг деярли барчасида таълим қилинаётган инновацион ғоялар ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида қўлланилиши билан характерланади. Яъни, ўзбек тилида фикрлайдиган, гаплашадиган кишиларнинг фаоллигини, қизиқувчанлигини, янги билимларни ўрганишга йўналтирилган фаолиятини интерфаол усулларда ташкил қилишнинг метод ва усуллари ҳақида фикр юритилади.

Қолаверса, ҳорижий тилда мулоқот малакалари шаклланмаган ҳар қандай ўқувчи ҳеч қачон, масалан, мавзу бўйича уюштирилаётган тренингларда, «Ақлий» хужум» технологиясида иштирок эта олмайди. Демак, гап бу ўринда ўқувчиларда дастлаб ҳорижий тилда гапира олиш, ўз фикрини тортинмасдан, уялмасдан ифода қилиш йўллари ўргатиш, мулоқотга киришув усуллари ўзлаштириш, эшитилган ахборотга муносабат билдира олиш каби кўникма ва малакалардан ташкил топган коммуникатив компетенцияни шакллантириш лозим бўлади. Бундай кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш эса таълим қилинаётган янги педагогик технологиялар асосида уюштирилади.

Педагогик адабиётларда «инновация» тушунчаси педагогик янгиликка ўргатиш, ўқитиш ва таълим-тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва қайд этилмаган метод ва усул, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқийлик деб таърифлайди.

Инновацион педагогик жараённи чет тиллар ўқитиш методикасига тадбиқ қилишнинг муҳим шартларидан бири ўқувчи шахснинг ички ҳаракатларни эгаллашда ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қила олишлиги ҳисобланади. Унинг яна энг муҳим шартларидан бири ўқувчиларнинг мулоқотга киришув ва билиш фаолиятини коммуникатив-функционал, эмоционал-когнитив тамойиллар асосида шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб, бунинг натижасида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини, яъни мулоқотга киришув салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш кўзда тутилади.

Педагог бу жараёнда ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини шаклланишига ва ривожланишига, ҳорижий тилда мулоқотга киришув

салоҳиятини шаклланишига, қизиқишини оширишга шарт-шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Ўргатиш жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Интерфаол методлар мулоқот-ўқув материални ўзлаштиришни жамоа, гуруҳ ёки жуфт бўлиб ташкил қилишни кўзда тутиб, машғулот мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади, яъни ўқув ўрганув жараёни педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолият кўрсатиши орқали ташкил қилинади.

Ҳар бир дарс, мавзунинг ўзига хос технологияси мавжуд, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – фаол ўрганувчи жараён бўлиб, у ўқувчининг коммуникатив эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда алоҳида мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Янги педагогик технологиялар ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришни таққозо қилади. Бунда ўқитувчи ўқув материалининг ўзига хос томонини, уни тушунтиришда ва мустақил иш жараёнида мустаҳкамлашда коммуникатив вазиятни, ўқувчиларнинг мулоқот эҳтиёжини, таълимнинг техника воситалари ва барча аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш лозим, ва шундагина, керакли қафолатланган натижага эришиш мумкин.

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Янги педагогик технологиялар янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режа, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндошиш ва ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

Ноанъанавий таълим технологиялари асосан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга йўналтирилган, мулоқотга киришув йўллариини ўргатувчи, ўзлаштиришни репродуктивлигини таъминлашни, кўникма ва малакаларни бир тизимга солган ҳолда кетма-кет шакллантириш ва такомиллаштиришни, бу жараёни мустақил изланишга, йўналтирилган инновацион технологиядир. Бундай фаолият ўрганиш жараёнини жуфт ва гуруҳ булиб ишлаш орқали моделлаштириш, лойиҳалаш (тадқиқот) ва турли ўйинлардан фойдаланиш каби усуллар орқали ташкил қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, мулоқат бўлмаган жойда унинг ўрнини инновацион технология методлари орқали, хорижий тилни ўзлаштириш самарадорлиги янада ошади. Биз буни юқорида кўрсатиб ўтилган педагогик технология асосидаги услубларда кўриб ўтдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Коммуникативная методика обучения

иностранным языкам и зарубежный педагогический опыт Уч. пособие. Самарканд, 2001.

2.Абдуллаева М.А. Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета (на материале Present continuous, present perfect английского глагола.) Дисс. на соиск. уч.ст. канд.пед наук. Худжант,2004 .

3.Абдуллаева Ш.А. Развитие эмоционально-образной русской речи учащихся школ с узбекским языком обучения (на материале произведений русской литературы. Автореферт на соиск. Уч. Ст. к.п.н. Т.,1998.

4.Аверина М.Н. Обучение использованию эмоционально экспрессивных лексических средств речевой коммуникации (английский язык, лингвистический вуз): Дис.... канд. пед. наук. - М., 1996.

5.Авлиёқулов Н.Х «Замонавий ўқитиш технологиялари» Т. 2001.

6.Ананьева М.М. Использование невербальных средств общения на уроках французского языка. \ \ Иностранные языки в школе. М.,1999.№5.

Мустақиллик кўприклари тараққиёт кўзгуси

катта ўқитувчи Қулдошев Аслиддин Турсунович

“Қурилиш” факультети 2-босқич талабаси Шавкатов Бобир Ботир ўғли

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб давлатимиз раҳбари автомобил йўллари ва коммуникация тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратди. Бугун магистрал йўллар қуриш, халқаро бозорга олиб чиқувчи транспорт тизимини йўлга қўйиш, йўл хўжалигида замонавий техника ва технологияларни жорий этишдек муҳим вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоиски, бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизнинг кўрку тароватини ўзида намоён этаётган шаҳарларимизнинг шукуҳига шукуҳ қўшаётган кенг ва равон йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барчанинг эътиборини ўзига тортади.

Мамлакатимизнинг умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари ўзининг барча техник кўрсаткичлари билан МДХ давлатлари орасида етакчи ўринда туриши фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Йўл борган жойга тараққиёт боради, йўл ўтган жойда ҳаёт гуркирайди. Шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги коммуникация тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ, десак хато бўлмайди.

“Қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурдирган иморатларга боқсин”, – деган эди Соҳибқирон Амир Темур бобомиз. Юртимизда бунёд этилган ҳар бир иншоатга халқимизнинг руҳий қуввати, маънавий салоҳияти, юксак тафаккури сингдирилган. Шу боис ҳам улар асрлар оша барчани ҳайратлантириб келаверади.

Истиқлол йилларида жадал ривожланган йўлсозлик маданияти, таъбир жоиз бўлса, санъати мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бунёд этилган катта ва кичик ҳалқа йўллари мисолидан яққол намоён бўлади.

Тошкент транспорт-коммуникация тизимида ўнга яқин туннел, ўттизта йўл ўтказгич, ўттиз тўртта ер ости йўли, элликта пиёдалар ва тўксонта автомобил кўприги мавжуд. Кичик ҳалқа йўли – транспорт қатновини яхшилаш мақсадида барпо этилган ана шундай замонавий иншоотлардан саналади. Сўнгги йилларда фойдаланишга топширилган замонавий кўприкларнинг аксарияти мана шу – Кичик ҳалқа йўлида бунёд этилгани билан аҳамиятлидир. Айти пайтда умумий узунлиги 32 километр, кенглиги 32 метрни ташкил этадиган мазкур йўлда бир кунда 45-50 минг автомобил ҳаракатланмоқда.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилган кўплаб иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Янги турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, шаҳар аҳли ва меҳмонларига кенг қулайлик яратмоқда.

Бундай эзгу ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан изчиллик билан, тизимли равишда, замон талабига риоя қилган ҳолда давом эттирилмоқда. Пойтахтимизда аҳоли учун янада кенг қулайликлар яратиш, транспорт ҳаракатини тартибга солиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Миробод туманидаги қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилаётган кўприк шулардан бири. Унинг ени 30, узунлиги 346 метр бўлган қисми реконструкция қилинади. Ени 22, узунлиги 281 метр бўлган қисми янгидан қурилади. Кўприкнинг икки томонида пиёдалар йўлакчаси қурилиб, тунги ёриткичлар ўрнатилади. Бу ишлар ҳайдовчи ва йўловчиларга катта қулайлик яратиш баробарида кўприкнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш даражасини оширади.



2014 йил 29 август.

Юртимизда янгидан қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг умумий ҳажми 3 минг 200 километрни ташкил этади. Автомобил йўллари тармоғининг умумий узунлиги 183 минг километрдан зиёд. Унинг 42 минг 530 километри умумфойдаланиладиган йўллардир. Ҳар йили 150 километрдан зиёд янги йўллар қурилмоқда ёки реконструкция қилинмоқда. Ҳозиргача 500 га яқин кўприк барпо этилди. Бундай улкан бунёдкорлик негизда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик, ҳамжихатлик,

халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти ва эртанги кунга бўлган юксак ишончи мужассамдир.

Бугун юртимизда экилаётган дарахтлар — келажак дарахтларидир. Қурилаётган иншоотлар — келажак иморатларидир. Бунёд этилаётган кўприклар — бу келажак кўприкларидир. Пойтахт нафақат мамлакат юраги, балки, тараққиёт ўчоғи, шу билан бирга, давлатнинг тимсоли, юзи ҳисобланади. Чет элдан келган меҳмон, аввало пойтахтимизни кўриб, Ўзбекистон ҳақида хулоса чиқаради. Элимизда шундай гап бор: «Агар одамлар қурилиш қилаётган экан, демак ҳаммаси жойида». Бу гапнинг моҳиятига чуқур кириб борилса, тинчлик-хотиржамлик бўлган, одамлар фаровон яшаган мамлакатдагина бунёдкорлик бўлади, деган маъно келиб чиқади. Бугун бизнинг юртимизда ана шундай осойишталик, кўнгил тўқлиги бор, одамлар қурилишлар билан банд. Демак, шахримизда қурилаётган ҳар бир иншоот одамларга қулайлик яратиши, шу билан бирга, жаҳон андозаларига мос бўлиши, узок йиллар инсонларга хизмат қилиши керак.

Педагогик технологиялар ва уларнинг таърифи

Сафарова Насиба ассис Рустамова Малика.

Педагогикага бағишланган адабиётларда “Педагогик технология”, “Янги педагогик технология”, “Илғор педагогик технология” каби тушунчалар кенг қўлланилмоқда ва турлича изоҳланмоқда.

Педагогик технология – бу бутун ўқитиш ва билимларни самарадорлаштириш вазифасини қўйувчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир.

“Технология” сўзи юнонча бўлиб “техне” – маҳорат, санъат, “логос” – таълимот маъноларини билдиради. Бу сўз санъатда ёки қишлоқ хўжалигида тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган усул ва методлар йиғиндисини билдиради. Таълим жараёнига нисбатан эса бу тушнча ўқитиш ва ўқитишнинг ўзаро узвийлигини, алоқадорлик босқичларини ажратиш, таълим-тарбия жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бажариладиган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг кетма-кетлиги ва босқичма-босқичлигини таъминлаш режалаштирилган барча ишлар ва амалларни талаб даражасида бажаришни англатади.

Педагогик технология – таълим олувчи шахсига йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчан ўқиш натижаларини кафолатлайдиган таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимий методидир.

Педагогик технология туркумлари:

1. Қўлланиш соҳаси бўйича: умумпедагогик, айрим фанлик, айрим ёки тор методик;

2. Ўзлаштириш концепцияси бўйича: ривожланувчи, нейролингвистик (“тил” билан нерв тизимини мутаносиб);

3. Ташкилий шакли бўйича: аудиторияли, якка тартибли, гуруҳли, таълимнинг жамоавий усули, дифференция (табақалаштирилган, ажратилган) таълим;

4. Таълим олувчига ёндашув бўйича: авторитар, демократик шахсга йўналтирилган, ҳамкорлик технологияси;

5. Устун келадиган метод бўйича: репродуктив, илмостратив – тушунтирув, ривожланувчи таълим ўйинли муаммоли, изланувчи, ижодий;

6. Таълим олувчиларнинг даражаси бўйича: оммавий технология, ўрнини қопловчи, истеъдодлари билан ишлаш, қолоқлар иблан ишлаш технологияси.

Янги педагогик технология дейилганда таълим бериш санъатини ишга солиб, уни самарали ташкил этиш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш тушунилади.

Янги педагогик технологиянинг моҳияти ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш, билим олишга қизиқиш ва эҳтиёж уйғотиш, ўқувчиларнинг ўз фикрини баён этишга имконият яратишдир.

Янги педагогик технологиянинг бир қанча турлари мавжуд:

1. Модулли таълим технологияси – бу ўқувчиларда дарслик, илмий оммабоп ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

2. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси – унинг асосий ғояси ўқув топшириқларини ўқувчиларнинг ўзи бажариши эмас, балки ўқувчиларни ҳамкорликда, бир-бирига фикр алмашувини улар ўртасида бир-бирига ёрдамни вужудга келтириш.

3. Муаммоли таълим технологияси – муаммоли вазиятни яратиш, саволлар қўйиш, масалаларни ва топшириқларни таклиф қилиш, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштириш ва хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш.

4. Интерфаол метод технологияси – ўқув йилларнинг ижодкорлигига таяниш, дарсда эркин бахс-мунозара шароитини туғдириш. Бунинг учун синф кичик гуруҳларга бўлинади ва дарс давомида шу гуруҳлар билан ишланади.

5. Дидактик ўйинлар технологияси – дарс жараёнида турли дидактик ўйинларни қўллаш ва улар орқали дарсни жонлантириш, фаол ҳаракат ва қизиқиш уйғотиш.

6. Синов дасрлари – ўқувчиларнинг маълум билим ва кўникмаларини синаш мақсадида ўтказиладиган дарслар бўлиб, улар тест топшириқлари ёки назорат варақалари орқали ўтказилади.

Илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтишда мулоқот қилишнинг янги сифатлари намоён бўлади. Талабаларни микрогуруҳ ичида мулоқоти, микрогуруҳларнинг ўзаро мулоқоти, ўқитувчининг микрогуруҳлар ва уларнинг лидерлари билан мулоқоти ва бошқалар. Умуман олганда янги илғор педагогик технологияларни дарсда қўллаш ва улардан тўғри фойдаланиб дарс жараёнида қўллаш дарс самарадорлигини ошириб беришга ёрдам беради. Бу технологияларни амалий ҳамда назарий дарсларга ҳам қўлласа бўлади. Назарий дарсларда ҳам янги педагогик технологиялардан қўлланса дарс

жараёнида талабаларнинг диққати ортиб дарсга бўлган қизиқишлари ортади. Санъат тарихи фани бўйича назарий назарий дарслар берилган. Биз дарсда талабаларга қизиқроқ бўлиши учун дарсда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб дидактик ўйинларнинг бир нечтасидан фойдаланиб дарсда қўллаб кўришга ҳаракат қилдик. Масалан тез айтиш, талабаларни кичик микрогуруҳларга бўлиб тез айтиш ўйинларини ўтказиш. Бунда санъат тарихига хос-сўз ва атамалардан фойдаланиб айтиш керак бўлади. Қайси гуруҳ сўз ва атамаларни кўпроқ айтсашу гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Яна бир бошқа кўриниши тарқатмани кўргазмали воситалар ёрдамида ўтказилади. Шу тарзда гуруҳларга бўлинади фақат вазифа сал бошқача қўйилади. Тарқатма ва кўргазмали материалларда рассомлар асарларидан портретлар, натюрморт, манзара, маиший жанр, ботар жанр ва бир қанча оқимлар йўналишларда ишланган ишлар мактабларданийюстрациялар берилган бўлади. Талабалар стол устига қўйилган бу кўргазмали воситаларни номларини тўғри айта олишлари ва таъриф беришлари керак бўлади. Бундай мисоллар ва ўйинларни кўплаб келтирсак бўлади, мақсад битта таълим бериш, ўргатиш ва яна ўргатишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда: янги педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириш давр талабидир. Бу иш ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ижодкор бўлиши, янги педагогик технологияларни хилма-хил шаклларини, усулларини яратиб бориши, уларни таълим жараёнида қўллаб бориши лозим.

Адабиётлар:

1. Иновацион педагогик ғоялар. Маъруза матни Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институти. Тошкент 17.01.2017йил.

2. Янги педагогик технологиялар. Маъруза матни, Тошкент Молия институти Тошкент 16.08.2016йил.

Практика реализации деятельностного подхода на примере темы «мультимедийные технологии»

Ачилов Ж.Ш. (преп. ДжГПИ), Туйчиев Р.О. (преп. Иштиханского мед. коллежа), Касимова Ф.У. (асс. СамГУ), Абдирашидов А. (доц. СамГУ)

Внедрение идеологии деятельностного подхода в практику работы целесообразно начать с практических шагов по проектированию конкретной учебной темы и составления учебно-методического комплекса, обеспечивающего решение педагогических задач.

Тема «Мультимедийные технологии» даёт возможность обучающимся познакомиться с новыми направлениями развития средств информационных технологий, получить практические навыки создания мультимедиа приложений. Предметом изучения в данной теме является технология мультимедиа – мощный инструмент, позволяющий создавать сложные информационные структуры, программные системы для какой-либо предметной области, используя многообразные формы представления информации.

В широком перечне направлений и областей освоения ИКТ в учебном процессе мультимедиа технологии рассматриваются в качестве предмета изучения, средства обучения и инструмента познания. На сегодняшний день средства мультимедиа становятся одним из наиболее перспективных направлений развития информационных технологий. Стандартом основной школы по информатике и ИКТ предусмотрено изучение следующих вопросов, относящихся к теме «Мультимедийные технологии»: создание и обработка комплексных информационных объектов в виде презентации с использованием шаблонов; звуки, и видеоизображения. Композиция и монтаж. Использование простых анимационных графических объектов; запись средствами ИКТ информации об объектах и процессах окружающего мира (природных, культурно-исторических, школьной жизни, индивидуальной и семейной истории) в том числе, запись изображений и звука с использованием различных устройств; дискретная форма представления звуковой информации.

К уровню подготовки учеников в процессе изучения мультимедийных технологий предъявляются следующие требования: знать принцип дискретного (цифрового) представления звуковой информации; уметь создавать презентации на основе шаблонов; пользоваться персональным компьютером и его периферийным оборудованием (принтером, сканером, модемом, мультимедийным проектором, цифровой камерой); использовать приобретенные знания и умения в практической деятельности и повседневной жизни для создания информационных объектов, для оформления результатов учебной работы; использовать приобретенные знания и умения для организации индивидуального информационного пространства, создания личных коллекций информационных объектов.

По теме «Мультимедийные технологии» ученики создают мультимедийные презентации, содержащие образные, знаковые и смешанные информационные модели рассматриваемых объектов, используя их для поддержки своих выступлений.

Теоретическая часть темы строится на основе раскрытия понятие мультимедиа, организации обработки аудио- и видеоинформации.

Практическая часть направлена на освоение школьниками навыков создания и обработки комплексного информационного объекта в виде презентации или видеоролика средствами мультимедийных технологий, являющихся значимым не только для формирования функциональной грамотности, социализации школьников, последующей деятельности выпускников, но и для повышения эффективности освоения других учебных предметов.

Для эффективного решения задачи применения деятельностного подхода к изучению мультимедийных технологий необходимо смоделировать предметную среду, направленную на развитие у обучающихся широкого комплекса общих учебных и предметных умений, овладения способами деятельности, формирующими познавательную, информационную, коммуникативную компетенции. Предметная среда представляет совокупность

организационно-педагогических, информационно-методических и программно-технических условий, обеспечивающих учебный процесс, направленный на реализацию деятельностного подхода.

Программно-технические условия определяются оснащением кабинета информатики. Состав программных средств должен включать программы разработки презентаций (например, MS PowerPoint из пакета «Первая помощь 1.0» или Impress из СПО), звуковой редактор (Audacity – свободно распространяемое программное обеспечение), мультимедиа проигрыватель, программу для проведения видеомонтажа и сжатия видеофайлов (Windows Movie Maker – компонент MS Windows XP, Vista или VirtualDub, Kino – СПО). К техническим средствам ИКТ будут относиться устройства для записи (ввода) визуальной и звуковой информации: цифровой фотоаппарат и видеокамера, устройство для чтения информации с карты памяти (картридер), устройства ввода/вывода звуковой информации – микрофон, акустическая система и стереонаушники, мультимедиа проектор.

Информационно-методические условия подразумевают состав учебно-методического комплекта, набор электронно-образовательных ресурсов, ресурсов Интернет. В состав УМК входят учебники по информатике, методическое пособие для учителя, дополнительная литература по теме и видеоуроки.

К *организационно-педагогическим условиям* относятся планирование педагогического процесса с использованием технологической карты темы; создание и управление процессами коммуникации между участниками образовательного процесса; стимулирование активности познавательной деятельности обучающихся; соблюдение техники безопасности и санитарных норм при работе с техническими средствами обучения.

Таким образом, совокупность условий, как составляющих предметной среды, оказывает существенное влияние на протекание образовательного процесса, поскольку проектируется педагогом как целостная система и направляется на достижение обучающимися предметных, метапредметных и личностных результатов.

Методические особенности изучения темы «мультимедийные технологии» в рамках деятельностного подхода

Туйчиев Р.О. (преп. Иштиханского мед.коллежа), Ачилов Ж.Ш. (преп. ДжГПИ), Рахимова Х.А. (асс. СамГУ), Абдирашидов А. (доц. СамГУ)

С целью формирования позитивного отношения обучающихся к целям и задачам формируемой деятельности, а также к содержанию учебного материала по теме необходимо создавать атмосферу, помогающую школьникам как можно более полно раскрыть свои способности. Сочетание разнообразных методов и приёмов, применяемых учителем, позволяет сделать каждый урок увлекательным и неповторимым. Использование элементов

развивающего обучения существенно повышает познавательную активность обучающихся и уровень их знаний по информатике.

Изучение темы целесообразно начать с ситуации удивления, когда создаётся своеобразная психологическая «ситуация ожидания», когда обучающиеся положительно настраивают себя на восприятие новых знаний и стремятся к глубокому усвоению нового материала. На первом уроке изучения мультимедийных технологий для повышения мотивации демонстрируется интересный видеоролик о школьных событиях или интерактивная презентация, которые вызывают эмоциональный отклик.

Появляется желание научиться делать что-то подобное. Возникшая ситуация, в которой обучающимся явно недостаёт теоретических знаний и практических навыков для получения желаемого результата, является по своей сути проблемной. Учащиеся активно участвуют в постановке проблемы, выдвижении гипотез. Например, вопрос «С информацией какого вида, присутствующей в предложенном видеоряде, мы не работали на предыдущих уроках?» требует от ребят определить виды информации и найти отличие данного объекта от объектов, создаваемых в текстовом и графическом редакторах.

Для формирования у обучающихся представлений о целях, планах и средствах реализации формируемой деятельности целесообразно использовать приём «Корзина идей, понятий, имён...». На доске для ребят демонстрируется изображение «корзины» с надписью «Мультимедиа». Школьники предлагают поместить в неё всё, что относится к этому понятию, тем самым происходит актуализация знаний обучающихся с опорой на имеющийся опыт, а также краткий словесный обзор изучаемого материала (схема 1).

Корзина идей, понятий, имён



Схема 1

В результате выдвинутых предположений обучающиеся подходят к формулировке понятия мультимедиа технологий, как интерактивных (диалоговых) систем, обеспечивающих одновременную работу со звуком, анимированной компьютерной графикой, видеокадрами, статическими изображениями и текстами.

Использование эвристической беседы даёт возможность путём логических взаимосвязанных вопросов и с учётом имеющихся знаний подвести учащихся к самостоятельному выводу.

Целевая направленность беседы на решение новой для обучающихся проблемы, логическая взаимосвязанность вопросов учителя и ответов учеников, представляющих собой поэтапные шаги решения проблемы,

проблемный характер большей части вопросов, включенных в беседу, самостоятельность учащихся, основанная на имеющемся багаже знаний, приводят к новым знаниям и новым способам деятельности.

Ещё одним эффективным приёмом является составление кластера (одного из приёмов развития критического мышления). Кластер (в переводе означает пучок, созвездие) – это графическая организация материала, показывающая смысловые поля того или иного понятия. Составление кластера позволяет обучающимся свободно и открыто думать по поводу какой-либо темы. Ученик записывает или работает в электронном виде: в центре листа ключевое понятие, а от него рисует стрелки-лучи в разные стороны, которые соединяют это слово с другими, от которых, в свою очередь, лучи расходятся далее и далее.

Приём кластера (построение логографа – выделение блоков идей) удобно использовать как промежуточную оценку работ обучающихся, их понимание рассмотренных понятий. Кластер темы «Технологии мультимедиа» ученики начинают заполнять на первом уроке, продолжая добавлять новые элементы, в качестве результатов промежуточного контроля, предъявляют свои варианты графического представления изучаемых вопросов.

С целью формирования у обучающихся устойчивого стремления к достижению успехов в учебной деятельности и опыта самостоятельного проектирования познавательной деятельности организуется работа учеников с рефлексивной картой. Рефлексивная карта предназначена для создания ситуации осмысления собственного знания и незнания в рамках изучаемой темы и проектирования дальнейшего маршрута познавательной деятельности. В процессе работы с рефлексивной картой обучающиеся на основе самооценки уровня знаний и умений по теме выделяют трудные вопросы и планируют, каким образом будут эти трудности преодолевать.

Рефлексивная карта является педагогическим инструментом активизации познавательной деятельности, поскольку при работе с ней формируются умения словесно и графически оценивать свою работу, сравнивать её результаты с образцом или результатами предыдущей работы; выделять конкретные умения и способы деятельности, которые должны быть сформированы; вырабатывать потребность в организации своего труда.

Завершая описание методических приёмов, с помощью которых обучающиеся получают не готовую сумму знаний, а развивают умение самостоятельно приобретать теоретические знания, умело применять их на практике, критически мыслить, грамотно работать с информацией, быть коммуникабельным.

**Битирувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда
малакавий амалиётни ўрни**

*СамДАҚИ доц Рахимов А.Қ, ўқитувчи Тураева Н.
Хожикурбонова Сабоҳат 301 кт БвайК талабаси*

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасларида касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг аксарияти ўрта махсус касб

хунар таълими тизимида ўқитувчилик фаолиятини олиб бориладилар. Уларнинг касбий компетентлигини шакллантиришига катта эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўймоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»

Ўқитувчи – таълим ва тарбия мазмунининг бошқарувчиси, ўқувчиларнинг бутун онгли фаолиятининг ташкилотчиси ҳисобланади. Унинг шахсида педагогик кадр-қимматнинг объектив ва субъектив хусусиятлари ифодаланади. У объектив билим, малака ва кўникмаларнинг миқдорини ўзлаштиради ва шахсий қобилиятлари меъёрида уларни шакллантиришни ташкил қилади.

Жамият ривожлангани сари шу жамият талабига жавоб берадиган шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган. Ёш авлодни касб таълими йўналишида ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида тажрибаларнинг бойиши, назарий жиҳатдан кенгайиши ва ҳаётда қўлланилиши натижасида педагогика алоҳида фан сифатида ривожланди.

Педагогик тажриба асоси педагог-ўқитувчининг фаолиятининг маҳорати ва ўқувчиларнинг бу фаолиятдаги ролининг йиғиндисидан ташкил топади;

Педагогик тажриба ўқитувчининг олий ўқув юртини тугатгандан сўнг аста-секин тўпланиб, у реал педагогик фаолият даврида аста-секин юзага кела бошлайди. Илғор педагогик тажрибанинг пайдо бўлиши ва ўсишида қуйидаги касбий педагогик билимлар мажмуи ётади:

а) Таълимнинг мақсади асослари.

б) Ўқувчилар таълимининг мазмуни ва давлат таълим стандартлари, талаблари.

в) Ҳар бир ўқувчининг психологик-педагогик диагностик маълумотлари ва шунингдек, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

г) Педагогик фаолиятга тизимли ёндашув асослари, унинг мазмуни, тузилиши ва моҳиятлари.

д) Ўқитувчининг керакли касбий зарурий шахсий сифатларини билиши;

е) Ҳозирги замон педагогик жараёни ривожланишининг асосий тенденциялари.

Бу кўрсатилганларнинг қайси бирларининг йўқлиги ёки ривожланиш даражасининг етарлича юқори бўлмаслиги ўқитувчининг юксак даражали маҳорат ҳосил қилиш имконини бермайди.

Касбий-педагогик билимлар ва кўникмалар умумий ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

Ўқув фаолиятининг объекти сифатида таълим мазмунини танлаш, дидактик ташкил этиш ва узатиш;

Ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш; ўқув жараёнида ривожлантириш ва тарбиялашдан фойдаланиш, ўқувчиларда фаолиятнинг мазмунини ўзлаштиришни амалга ошириш;

Ўқитувчи - таълим миқёсида раҳбар, у фанларни ўрганишда йўналишларни кўрсатади ва таълим олувчиларни тарбиялайди.

Кадрлар таёрлаш бўйича миллий дастур мақсад ва вазифаларни ҳал этиш биринчи галда қуйидаги талабларни қўяди:

- олий таълим тизимидаги ўқитувчилар, илмий кадрлар, ходимлар, касбий-малакавий, маданий-таълимий, иқтисодий ва ҳуқуқий даражасини ошириш;

- давлат ва ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш, шунингдек тарбиячи, ўқитувчи ва илмий ходим касби обрўсини кўтариш.

Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш муаммолари ҳақида сўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов шундай деган эди: «Ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг турмуш эҳтиёжларини таъминлашимиз, касблари обрўсини кўтариш учун улар меҳнатини рағбатлантиришимиз лозим». Яна давом этиб: «Уни (мазкур муаммони) ҳал этмай келажак авлод тарбияси ҳақида гапириш ҳеч қандай маъно касб этмайди».

5111000 - Касб таълими йўналиши битирувчиларнинг касбий компетентлигини шаклланишига қўйиладиган умумий малака талаблари:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассавур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим;

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият таълим йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- битирувчи талабалар касб таълими йўналишида асосан умумкасбий ва ихтисослик фанлардан олган назарий билимларини чуқурроқ ўзлаштиришда малакавий амалиётларнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур.

Битирувчи курсларда ўтказиладиган амалиёт иккига бўлиб ташкил этилади:

- педагогик амалиётлар;

- малакавий амалиётлар.

Битирувчи талабалар педагогик амалиёт даврида ўқитувчи фаолиятида зарур бўлган касбий компетентликни амалда хис этиб, билим кўникма ва малакага эга бўлдилар. Малакавий амалиёт даврида эса таянч мутахассис бўйича тажриба орттириб, технологик жараёнларнинг ўз кўзлари билан кўриб, унда иштирок этиб ўзларига зарур бўлган билим кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Шу нуқтаи назарда олий таълим муассасаларда 4 йил давомида ҳар курсда ташкил этиладиган ва ўтказиладиган амалиётларни ахамияти жуда катта бўлиб битирувчи келажакда педагог ўқитувчи компетентлигини шаклланишига алоҳида ўрин эгаллайди. Битирувчи иқтидорли талабаларни илмий тадқиқот иши амалиётни бир қисмини ташкил қилиши мумкин. Илмий тадқиқот иши битирувчилардан касбий компетентлигини шакллантириш ва мустахкамлашга кўмаклашади. У битирувчининг кафедраларнинг илмий ишида албатта иштирок этишини курс ишларини касбий базавий фанлар мавзуи бўйича бажарилиши, химоя қилинишини, талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув малакавий ишни кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилиши назарда тутди. Хулоса қилиб, малакавий амалиёт битирувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Методическая разработка к изучению свободного колебательного движения материальной точки с помощью математического пакета MATHCAD

Рахимова Х.А., Касимова Ф.У. (ассистенты СамГУ)

Теоретические материалы. *Гармоническим колебанием* называется такое колебательное движение материальной точки, которое она совершает под действием только упругой силы $F = - kx$, будучи выведенной из положения равновесия за счет внешних сил. Здесь x – смещение точки от положения равновесия, k – жесткость пружины. Максимальное отклонение точки от

положения равновесия называется *амплитудой* колебаний [1,2].

Дифференциальное уравнение движения точки массой m под действием упругой силы имеет вид:

$$m\ddot{x} = -kx, \quad (1)$$

Разделив (1) на массу и перенеся слагаемые через знак равенства, получим:

$$\ddot{x} + \omega^2 x = 0, \quad (2)$$

где введено обозначение $\omega^2 = \frac{k}{m}$, ω – круговая частота (или частота собственных колебаний);

Решение уравнения (2) имеет вид:

$$x = c_1 \cos \omega t + c_2 \sin \omega t, \quad (3)$$

Постоянные c_1 и c_2 находятся из начальных условий: при $t = 0$ смещение $x = x_0$, скорость $v = v_0$. Откуда имеем: $c_1 = x_0$, $c_2 = v_0 / \omega$.

Окончательно уравнение (3) будет иметь вид:

$$x = x_0 \cos \omega t + \frac{v_0}{\omega} \sin \omega t, \quad (4)$$

Уравнение (3) можно записать в амплитудном виде: $x = A \sin(\omega t + \alpha)$, где A – амплитуда колебаний, α – начальная фаза. Постоянные A и α также находятся из начальных условий.

Гармонические колебания, возникнув однажды вследствие начального отклонения x_0 или начальной скорости v_0 , будут продолжаться сколь угодно долго без изменения параметров колебания.

Периодом колебания T называется время одного полного колебания: $T = \frac{2\pi}{\omega}$

Свободным колебанием называется такое колебательное движение материальной точки, которое она совершает под действием упругой силы $F = -kx$ и силы сопротивления среды $R = -\mu\dot{x}$, будучи выведенной из положения равновесия за счет внешних сил.

Для этого случая дифференциальное уравнение движения материальной точки массой m :

$$m\ddot{x} = -kx - \mu\dot{x}, \quad (5)$$

здесь k – коэффициент жесткости пружины, μ – коэффициент сопротивления.

Разделив (5) на массу и перенеся слагаемые через знак равенства, получим:

$$\ddot{x} + 2b\dot{x} + \omega^2 x = 0, \quad (6)$$

где: $2b = \frac{\mu}{m}$, b – коэффициент затухания.

Решение уравнения (6) для случая малого сопротивления дается в виде:

$$x = e^{-bt} (c_1 \cos \omega_1 t + c_2 \sin \omega_1 t), \quad (7)$$

здесь $\omega_1 = \sqrt{\omega^2 - b^2}$ – частота затухающих колебаний. Эти колебания

называются *затухающими*, так как их амплитуда с течением времени стремится к 0.

$$c_2 = \frac{v_0 + bx_0}{\omega_1}$$

Аналогично из начальных условий находим: $c_1 = x_0$,

Окончательно уравнение (7) принимает вид:

$$x = e^{-bt} \left(x_0 \cos \omega_1 t + \frac{v_0 + bx_0}{\omega_1} \sin \omega_1 t \right) \quad (8)$$

Периодом затухающих колебаний T_1 называют время между двумя максимальными отклонениями точки от положения равновесия:

$$T_1 = \frac{2\pi}{\omega_1} = \frac{2\pi}{\sqrt{\omega^2 - b^2}}$$

Логарифмическим декрементом затухания называется логарифм

$$\eta = \ln \frac{A_m}{A_{m+1}} = bT_1$$

отношения двух последовательных амплитуд колебания:

В случае если сопротивление велико ($b > \omega$), затухающие колебания переходят в *апериодические колебания* или *затухающее движение*, при котором точка асимптотически стремится вернуться в положение равновесия:

$$x = c_1 e^{(-b + \sqrt{b^2 - \omega^2})t} + c_2 e^{(-b - \sqrt{b^2 - \omega^2})t}$$


При $b = \omega$ (случай *критического сопротивления*) также получим затухающее движение: $x = e^{-bt} (c_1 t + c_2)$

Пример. Материальная точка массы m подвешена к пружине с коэффициентом жесткости k . В начальный момент времени пружину растянули из положения статического равновесия на длину, равную x_0 , и точке сообщили начальную скорость v_0 . Требуется следующие:

1. При заданных параметрах колебательной системы m и k и начальных условиях x_0, v_0 получить уравнение гармонических колебаний, построить график зависимости смещения z от времени t . Определить период колебаний T аналитически и графически.

2. С учетом силы сопротивления $R = \mu v$ рассчитать коэффициент затухания b и при тех же параметрах системы (m, k) и начальных условиях (x_0, v_0) получить уравнение затухающих колебаний. Построить график зависимости смещения от времени. Определить период колебаний T_1 и логарифмический декремент затухания η . Величину η определить двумя способами: аналитическим $\eta = b \cdot T_1$ и графическим $\eta = \ln(A_1/A_2)$ (используя функцию трассировки графика).

3. В одних координатных осях для трех значений коэффициента затухания b_i построить графики зависимости затухающих колебаний. Изменяя максимальное значение коэффициента затухания b_2 , определить предельное значение $b_{пр} = b_2$, при котором затухающие колебания переходят в




апериодические (предельное значение коэффициента затухания $b_{пр}$ не должно быть более частоты собственных колебаний ω).

Решение. Исходные данные задачи: $m = 2,0$ кг; $k = 0,48$ Н/м; $x_0 = 0,85$ м, $v_0 = 0,96$ м/с; $\mu = 0,28$ Нс/м. Текст программы и результаты расчетов [1,2]:

1.

```


t := 0,0.1.. 50
m := 2.0      k := 0.48      x0 := 0.85      v0 := 0.96      A1 := 1.94;      A2 := 0.78;
w := sqrt(k/m)  c1 := x0      c2 := v0/w      T1 := 2*pi/w1(b)  r1 := b-T1      r1 := ln(A1/A2)
w = 0.49      c1 = 0.85      c2 = 1.96      T1 = 12.958      r1 = 0.907      r1 = 0.906
x(t) := c1*cos(w*t) + c2*sin(w*t)
    
```



3

```


i := 1..3      b := (0.07; 0.15; 0.28)
z0(t) := c11*cos(w1(b0)*t) + c12(b0)*sin(w1(b0)*t)
z1(t) := c11*cos(w1(b1)*t) + c12(b1)*sin(w1(b1)*t)
z2(t) := c11*cos(w1(b2)*t) + c12(b2)*sin(w1(b2)*t)
x0(t) := exp(-b0*t)*z0(t)
x1(t) := exp(-b1*t)*z1(t)
x2(t) := exp(-b2*t)*z2(t)
    
```



2.

```

mu := 0.28      b := mu/(2*m)      w1(b) := sqrt(w^2 - b^2)
c11 := x0      c12(b) := (v0 + b)/w1(b)
b = 0.07      w1(b) = 0.485
c11 = 0.85      c12(b) = 2.124
z1(t) := c11*cos(w1(b)*t) + c12(b)*sin(w1(b)*t)
x(t) := exp(-b*t)*z1(t)
    
```



1. Бертяев В.Д. Теоретическая механика на базе Mathcad. – Практикум. – СПб.: БХВ-Петербург, 2005. – 752 с.

2. Жилкин В.А. Применение системы Mathcad при решении задач прикладной механики. Часть 2. Теоретическая механика. Статика. – Челябинск, 2001. – 102 с.

Малакавий амалиётларнинг сифатли ўтказишга касб хунар коллежларнинг таъсири

*доцент А.Қ.Рахимов, ўқитувчи И.Ю.Эгамов,
Давранова Сарвиноз 301 кт БвайК талабаси СамДАҚИ*

Малакавий амалиётларни сифатли ташкил этилиш ва ўтказилиши аксарият

ҳолатда малакавий амалиётни ўтиш объектини тўғри танлаш, унинг моддий техника баъзасининг ривожланганлиги илмий педагогика салоҳияти техника технологияларнинг замон талабига мослиги, кадрларнинг тажрибаси ва албатта, соғлом муҳитга боғлиқ бўлади. Касб таълими бакалавр йўналишида таълим олаётган талабалар 3 босқичда таянч йўналмш бўйича малакавий амалиёт ўтайдилар. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари тез ривожланмоқда. Деярли барча ишлаб чиқариш, қурилиш, машинасозлик, саноат, мебелсозлик, ер тузиш ва ер кадастри, архитектура, лойиҳа институтлари ва х.к. замонавий техника, технологиялар, инновацион услублар, лойиҳалашда компьютер технологиялари билан таъминланган.

Битирувчи талабалар қурилиш соҳасида малакавий амалиёт ўтиш даврида замонавий уй жой жамоа бинолари ишлаб чиқариш бинолари барпо этилишини ўз кўзлари билан кўриб, унда иштирок этадилар. Бу қурилишларда қўлланиладиган усуллар ва машина механизмлар билан яқиндан танишадилар. Назарий билимда олмаган маълумотларга эга бўладилар. Санъат бўйича талабаларнинг малакавий амалиётининг сифатли ўтишига вилоятда фаолият кўрсатаётган амалий санъат устахоналари, музейларнинг таъсири жуда катта. Бу муассасаларда талабалар амалиёт даврида устозлар раҳбарлигида ижодий ишлар бажариб, ўз кўникма ва малакаларини оширади.

Ишлаб чиқаришнинг башқа соҳаларнинг малакавий амалиётга таъсири ижобий томонга ўзгаришида ишлаб чиқаришда тайинланган амалиёт раҳбарларининг роли жуда катта. Ҳозирги кунда бу кўпчилик раҳбарлар амалиётчи талабага эътиборни кам қаратади, чунки бу раҳбарлар моддий томондан таъминланмаган.

Бу кўрсаткич амалиётни сифатли ўтишига таъсир кўрсатади. Қурилиш соҳасига тегишли лойиҳа институтларида талабалар малакавий амалиёт даврида бино ва иншоотларни лойиҳалаш асослари билан яқиндан танишадилар. Ҳозирги лойиҳа институтлари замонавий компьютер технологиялари ва бошқа асбоб ускуна билан таъминланган. Унда талабалар лойиҳалаш жараёнида фаол иштирок имкониятига эга бўлиб, лойиҳалаш усуллари билан яқиндан танишадилар. Лойиҳа институтларнинг замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этилганлиги ва жиҳозланганлиги талабаларнинг малакавий амалиётлар ўтишларига ижодий таъсир кўрсатади.

Малакавий амалиёт ўтиш жойини танлашга кафедра мудирини ва амалиёт раҳбари катта эътибор бериш керак. Бу эътибор малакавий амалиётни сифатли ўтишини кафолатлайди.

Касб таълим йўналишининг 4 босқичида талабалар малакавий амалиётнинг бир тури бўлган педагогик амалиётни ўтайдилар. Педагог амалиётлар асосан касб-хунар коллежларида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг 14 январиди бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида касб-хунар коллежларининг ривожланишига катта эътибор қаратиб таълим-тарбия тизимида ўқув режа ва дастурларни тубдан қайта кўриб

чиқишни таъкидлаган эдилар.

Деярли барча касб-хунар коллежлар замон талабларига мос равишда жихозланган бўлиб, уларга Европа давлатларининг инвестициялари киритилиб, янги ишлаб чиқариш технологиялари билан таъминланди. Бунда касб-хунар коллежларида педагогик амалиётлари ўташ жуда яхши самара бермоқда.

Касб-хунар коллежлари мутахассислар тайёрлашнинг тури ва соҳасидан келиб чиққан ҳолда классификация қилинади.

Касб-хунар коллежларида касбий тайёргарлик йўналишлари республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тайёрлаш, касблар ва мутахассисликлар йўналишлари классификаторига мувофиқ белгиланади.

Касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш сони ва касб-хунар коллежлари соҳасини қайта ўзгартириш имконияти меҳнат бозорининг у ёки бу соҳа кадрларига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Иқтисодий тармоқлари ва маъмурий-ижтимоий соҳанинг кадрларга бўлган талабини энг юқори даражада таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, зарур соҳа ва таълим даражаси бўйича кадрлар тайёрлашни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Касб-хунар коллежида таълим ва касб-хунар дастурларини бажариш корхоналар ва касб-хунар коллежлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади.

Касб-хунар коллежлари учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тармоқ вазирликлари, идоралари, иқтисодий барқарор корхоналар орасидан васийлар аниқланади, улар иш берувчилар билан шериклик муносабатлари ривожлантирилишини таъминлайдилар, ўқувчиларнинг корхоналарда, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга, кейинчалик битирувчиларни ишга жойлаштиришга, шунингдек касб-хунар коллежларининг моддий-техник ва ресурс базасини мустаҳкамлашга, ўқувчилар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашадилар.

Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Ўқувчи фаолияти ички жараёнини ташкил этади, яъни у ўқитувчи берган билимни ўқиб, тушуниб олади. Таълим жараёнида ана шу иккала томон яхши қатнашмаса, таълим жараёни яхши натижага эришмайди.

Касб-хунар коллежлари таълим жараёнида фаннинг энг зарурий, энг муҳимлари асоси ўрганилади. Бунинг учун амалиётчи талаба ўқитувчи ўқувчига билим берар экан, уни соддадан мураккабга, умумийдан хусусийга етаклайди, хулосалар чиқаришга, ҳаётда ишлаб чиқаришда қулай билишга ўргатади. Ўқитувчи билимларни ўргатар экан, ўша жараёнда болаларнинг имкониятларини ўрганади, қийинчиликларини кўради, уларни бартараф этиш чораларини излайди. Шундай экан, ўқитувчи ҳозирги замон талабларига жавоб

берадиган юксак ахлоқий-маънавий сифатларга эга бўлган, чуқур билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди ҳамда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юрти бўлиб, унда ўқувчилар тегишли соҳалар бўйича етук мутахассислар бўлиб, касб-хунарга ўрганадилар. Бу касб-хунарни ўргатишда олий таълим муассасаларини касб таълим йўналиши бўйича тугатган ва малакавий амалиётларда зарурий билим кўникма ва малакага эга бўлган ёш педагогик кадрларнинг ўрни бекиёс. Ёш педагогик кадрлар малакавий амалиёт ўташ даврида ўрта махсус касб-хунар коллежларида ўқув жараёнининг боришини пухта билишлари зарур.

Касб-хунар коллежларида таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг билиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади. Таълим жараён сифатида билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг маълум йиғиндисини фаолият ва муносабатларининг тегишли тажрибасини ўзлаштиришга қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир. Таълим натижаси сифатида билимларни, фаолият ва муносабатлар тажрибасини ўзлаштиришда эришилган даражадир. Мамлакатимизда касб-хунар коллежларида таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларга эга бўлган иймонли, эътиқодли, билимли ёшларни тарбиялаб беришдан иборатдир. Касб таълим йўналишдаги битирувчи талабаларнинг малакавий амалиётлар сифатли ва самарадорлиги юқорида қайд этилган компонентларга боғлиқ равишда таъсир кўрсатади.

Баркамол авлод тарбиясида диний ва дунёвий илм асосларини шакллантириш муаммолари

СамДҚИ. Катта ўқитувчи А.Э.Зиётова, ўқитувчи Қ.Мамарахимов

Бугун тараққиёт йўлидан изчил боришимизда, эзгу мақсадларни амалга оширишда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган имон-эътиқодли ёшларни шакллантириш давлат сиёсатида асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ёшларнинг динга бўлган муносабатлари турлича эканлиги ва мустақил қарашлари борлиги яхши, аммо уларни айрим ҳолларда баъзи бир диний ақидаларга мойил бўлган гуруҳларга қўшилиб қолиб чалғиётганлиги ҳам сир эмас. Бундай гуруҳларнинг олдига қўйган асосий вазифаси эса ислом дини ниқоби остида сиёсий кураш, ёшларимизнинг шу билан бирга бутун

омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш, бузғунчи ақидалардан қурол сифатида фойдаланишдир. Бу гуруҳлар ортида ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар мавжуд.

Дунёда бирон дин йўқки, унда инсоният саодати мақсад қилиб олинмаган бўлса. Аксинча, радикал диний оқимлар ва уларнинг кичик гуруҳлари ҳам, бугун инсоният хотиржамлиги, тинчлиги йўлига ғов бўлибгина қолмасдан ҳатто талофат ва ташвишлар келтираётгани, бугун ҳам уларни тегирмонига сув қуювчилар мавжудлигидан, уларга эргашаётганлар топилаётганлигидан далолатдир.

Чоризм мустамлакачилиги даврида динни камситиш, имомлар (ислом мураббийлари) ни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб имомлари таъқиб қилинди. Дастлаб минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Исломий маърифат таъқиқлаб қўйилган бу даврда, чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари йўқ қилинди. Натижада, жаҳолатпараст удумлар ривож топди, “чала муллалар” ҳозирги кунда, аксарият ҳолларда олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, одамларни тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқдилар ва бунга одамларни ҳам жалб этишга ҳамон уринмоқдалар. Уларнинг бу сўзларига аксарият ҳолларда айрим ёшларимиз алданиб қолишларига асосий сабаб ҳам, уларнинг аввало оилада сўнг таълим муассасаларда етарлича билим олмаганлиги, ислом динининг туб моҳиятини билмаганликларидадир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай деб таъкидлаганлар: “Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб келмоқда”.¹

Бизнинг муқаддас динимиз ҳаққонийлиги ва бағрикенглиги, одамзоднинг доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан - авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан ва халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, рухий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди.

Шу билан бирга ислом дини, унга эътиқод қилувчиларни илм олишга, маърифатли бўлишга даъват этади. Илк ваҳий ҳам “Ўқи!” деган амр бўлганлиги бунинг яққол исботидир. “Илм” сўзи Қуръони каримнинг саккиз юз ўн бир жойида турли маънолари билан келганлиги айни ҳақиқат.

IX—XII асрларда ғарбда аҳолининг тўқсон беш фоизи саводсиз бўлганлиги,

¹И.А.Каримов . Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 37-бет.

хатто диний уламолар ҳам ўқишни, кўлларига қалам тутиб ёзишни билмаган бир вақтда мусулмон ўлкалардан диний ва дунёвий барча фанларнинг илғорлари етишиб чиқди ва анча муддат “Араб цивилизацияси” номи билан аталиб келинди. Шу даврда мусулмон оламида илмнинг турли соҳаларида саксон олти мингга яқин йирик олимлар иш олиб борганлиги, биз бебаҳо ҳисоблаган, маънавий мерос ва мулк эгаси эканлигимизнинг исботидир.¹

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ўз эътиборини ўсиб келаётган ёш авлодни илмли, маърифатли қилиб тарбиялашга қаратди. Бунинг самарасини ҳозирги кунда жамиятнинг ҳар бир соҳасида кузатиш мумкин. Ёшлар қайси соҳани танлашмасин, ўз соҳаси бўйича етарлича билимга эга бўлишлари керак. Муқаддас динимизда келтирилган қирқта асосий фарзлардан бири ҳам илм излаш фарзидир. Илм йўлидаги киши Оллоҳнинг ҳимоясидадир, дейилади ҳадисларнинг бирида.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, илм мансаб, мол-у давлатга эришиш учун ўрганилмайди. Зеро, Алишер Навоий таъкидлаганларидек:

“Илми ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар”.

Қадриятимизда ота-боболар ўз фарзандини Оллоҳдан кўрқадиган, одамларга яхшилик қиладиган, ориятли, номусли қилиб тарбиялашгани ва одоб, ахлоқ билан бирга илми ҳам ўрганишларига алоҳида эътибор кўрсатишган. Ҳазрат Али: “Фарзандларингизга давр илмини ўргатинглар, улар сизнинг даврингиздан бошқа даврда дунёга келгандир”, деганлар. Бу ўғитга амал қилган миллатнинг келажаги порлоқ бўлади.

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Ер юзидаги амалларнинг афзали учтадир: илм талаб қилиш, нафсига қарши курашиш ва касб қилиш. Илм талаб қиладиган инсон Оллоҳнинг севиқли бандасидир. Нафсига эрк бермайдиган инсон Оллоҳнинг яқинидир. Ҳунарли эса Оллоҳнинг дўстидир”.

Ёшларнинг жамиятдаги фаолликлари тобора ошиб бораётган бугунги даврда улар эришаётган улкан ютуқларни эътироф этган ҳолда, уларда маънавий мукаммаликни ошириш учун қуйидагиларни инобатга олиш керак деб ҳисоблайман:

- улар фаннинг қайси соҳасида ижод қилишмасин, диний қадриятлардан хабардор;

-тарихий хотирага эга;

-ўзликларини англаган;

-мустақил фикрга эга – эътиқодлибўлишлари уларнинг янада қудратли, комил шахс бўлиб шаклланишига асосдир. Зеро, бугун мустақил диёримизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бир сўз билан айтганда, давлат сиёсати ёшлар фаолиятини кўллаб – қувватлаб турганлиги, мамлакатимиз ёшларининг имкониятлари кўламига кафолатдир. Ундан оқилона фойдаланиш миллий қадриятларимизнинг асосларидан бири бўлмиш диний эътиқод масаласида диннинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаган ҳолда амал қилиш муҳимдир.

¹“Ҳидоят”. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри 2008.5-нашри

Шундагина диний қадриятларнинг илму-фан ривожига аҳамияти яққол намоён бўлади.

Педагогика коллежи ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг имкониятлари.

Н.Муродова, СамДУ магистри

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билган сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади”, -деб таъкидлаган эди.

Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғатида: “Ватанпарварлик кишининг ўзини туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатига муносабатларини ифода этидиган ижтимоий ва маънавий - ахлоқий хислатлари, фазилатларидир” , -деб кўрсатилган.

Фалсафа қомусий луғатида: ”Ватанпарварлик-Ватан олдидаги маъсулият ва бурчни англаш тушунчаси. Ватанпарварлик ниҳоятда серқирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қимматини, тақдирини, истиқболини қанча кўп онгланилса кишиларда Ватан туйғуси шунча баланд бўлади” -деб эътироф этилган.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” китобида “Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларимиздан бири Ватан равнақи эканлиги кўрсатилган. Аниқроғи Ватаннинг равнақи, аввало унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак маъсулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириш яшашга даъват этади”, -деб таъкидланган.

Халқимизнинг севимли ёзувчиси Тоҳир Малик “Одамийлик мулки” асарида “Ватан ҳар бир кишининг ўз қалбидан, виждонидан бошланади. Яъни ҳар кишининг қалбидан, Ватаннинг жажжи қиёфаси яшайди. Ватан- биз нафас олаётган ҳаводир. Ватаннинг бир зарраси эканлигини англамоқ, киши учун ифтихор ва шарафдир. Ватанга муҳаббатни жамлай олган юрак фақат одам боласига хосдир”, -дейди.

Академик Эркин Юсупов ватанпарварлик ҳақида фикр юритиб “Ватанпарварлик-ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилат. Миллий тараққиётнинг имкониятлари, шон-шухрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилари ватанпарварлик туйғусининг даражаси билан боғлиқдир”, -деб уқтиради.

Мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, мустақил фикрга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялашдек улкан вазифалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Бугунги куннинг асосий вазифалардан бири ана шу ёшларда Ватан туйғусини шакллантириш долзарб вазифалардан бирига айланган. Сабаби, давлатимизнинг

келажаги иймон-эътиқодли, билимли, юрагида юрт туйғуси жўш урган, миллий ғурури юқори бўлган йигит ва қизларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 февралдаги 77-сонли “Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятларини такомиллаштириш” тўғрисидаги қарори, 1998 йил 13 майдаги 204-сонли “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус таълимни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ҳозирги кунда республикамизда 1394 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган мақсадли ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари шу жумладан, педагогика коллежи ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш миллий педагогикамиз олдида турган асосий вазифаларимиздан бири. Бу борада коллежда ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар шу жумладан, педагогика фанларининг имкониятларидан етарли даражада фойдаланиш лозим. Шунингдек, аудиториядан ташқари ўтказилаётган тарбиявий тадбирлар ўқувчиларда она-Ватанимизга меҳр-муҳаббат туйғусини тарбиялашнинг асосий шакллари билан биридир.

Педагогика коллежи ўқувчиларида ватанпарварликни тарбиялаш билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида масаланинг қуйидаги жиҳатларига эътиборини қаратиш лозимлигини англадик:

Коллежда ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар шу жумладан, педагогика туркум фанларининг ўқувчи ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашдаги ҳолати етарли даражада таҳлил қилиниб, имкониятлардан оқилона фойдаланиш жараёнини тизимли равишда йўлга қўйиш;

Ўқувчи ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларнинг мазмун-моҳиятини, савиясини оширишга эътиборини қаратиш;

Ўқувчи ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда коллежда фаолият кўрсатган ўқитувчилар учун намунавий дарс ишланмалари, ўқув услубий қўлланма ва услубий тавсияларга эҳтиёж мавжуд;

Ўқувчи ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда оммавий-ахборот воситаларининг имкониятларидан етарли даражада фойдаланиш;

Оила, таълим муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигини имкониятларидан оқилона фойдаланиш;

Уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, ҳарбий қисмларда ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ва ҳарбий хизматчилар билан коллеж ўқувчиларининг учрашувларини мунтазам йўлга қўйиш каби тадбирларни амалга ошириш ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади;

Ушбу вазифаларни амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ -4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонини бажаришнинг амалдаги ифодаси бўлади.

Interfaol ta’limning umumiy tavsifi

Muratova M. SamDAQI o’qituvchisi, O’roqov O.X SamDAQI o’qituvchisi

Ta’lim tizimini hozirgi jaxon andozalari darajasiga erishadigan va zamonaviy ta’lim talablariga javob bera oladigan tarzda tashkil etish va rivojlantirish asosida jamiyatimizning, vatanimizning taraqqiyoti uchun zamin yaratamiz. SHu boisdan xukumatimiz asosiy e’tiborni ta’lim tizimini rivojlantirishga qaratmoqda. Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyevning 2017 yil 20 apreldagi “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi qarori buning dalilidir.

O’qituvchi eng avvalo yuksak pedagogik maxorat egasi bo’lishi, darslarni innovatsion texnologiya asosida olib borishi, ilg’or pedagogik texnologiyalarni to’g’ri qo’llay bilishi, kompyuter texnikasidan va inernetdan unumli foydalanishi lozim. Axborot resurs markazi va kompyuter sinflari barcha fanlarga doir turli elektron darsliklar, dunyodagi mashhur olimlarning ishlarini yoritib beruvchi videofilmlar bilan ta’minlangan bo’lishi hamda talabaning darsdan keyin kompyuter xonasida mustaqil ishlashi uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan bo’lishi lozim.

Bugungi kunda ta’lim sohasidagi barcha islohotlarning asosiy maqsadi, ma’naviy jihatdan mukammal rivojlangan insonlarni tarbiyalash, ta’lim tizimini takomillashtirish, dars jarayonlarini yangi pedagogik va axborot texnologiyalari asosida tashkil etishdan iborat bo’lib bu tism o’qituvchilar va pedagogik xodimlar mahoratiga bog’liqdir.

Hozirgi kunda ta’lim tizimida o’quv jarayonini takomillashtirish, pedagogik kadrlarni salohiyati va mahoratini oshirishda zamonaviy axborot va telekommunikatsion texnologiyadan keng foydalanish o’z samarasini ko’rsatmoqda.

Zamonaviy ta’limni tashkil etishda qo’yladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o’quvchilarga yetkazib berish asosida ma’lum faoliyat ko’nikma va malakalarni shakllantirish faoliyatini nazorat qilish ular tomonidan egallangan nazariy va amaliy bilimlar darajasini baholash o’qituvchidan ta’lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlarda o’quvchilarning o’quv va ijodiy faolliklarini oshiruvchi ta’lim tarbiya samaradorligini kafolotlovchi pedagogik texnologiyalarni qo’llashga doir katta tajriba to’plangan bo’lib, bu tajriba asosini interfaol metodlar tashkil etmoqda.

Bu kabi metodlar o’z mohiyatiga ko’ra ta’lim oluvchilarda o’quv-bilish faolligini oshirish ularni kichik guruh va jamoada ishlash o’rganilayotgan mavzu, muammolar bo’yicha shaxsiy qarashlarni dadil, erkin ifodalash, o’z fikrlarini himoya qilish, dalillar bilan asoslash, tengdoshlarini tinglay olish, g’oyalarni yanada boyitish, bildirilgan mavjud mulohazalar orasidan eng maqbul yechimni tanlab olishga rag’batlantirish imkoniyatiga ega ekanligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Ta’lim va tarbiya jarayonida o’qituvchilar tomonidan interfaol metodlarning o’rinli, maqsadli, samarali qo’llanilishi ta’lim oluvchi o’quvchi, talabalarda muloqotga kirishuvchanlik jamoaviy faoliyat yuritish, mantiqiy fikrlash, mavjud g’oyalarni sintezlash, taxlil qilish, turli qarashlar orasidagi mantiqiy bog’liqlikni topa olish

qobilyatlarini tarbiyalash uchun keng imkoniyat yaratadi.

Zamonaviy sharoitda ta’lim samaradorligini oshirishning eng maqbul yo’libu mashg’ulotlarning interfaol metodlar yordamida tashkil etish deb hisoblanmoqda “Interfaol” tushunchasi ingliz tilida “interact” ifodalanib, lug’aviy nuqtai nazaridan “inter” o’zaro, “act”-harakat qilmoq ma’nolarini anglatadi.

Interfaol ta’lim –jarayoni ishtirokchilarining bilim, ko’nikma, malaka hamda muayyan axloqiy sifatlarini o’zlashtirish yo’lida birgalikda o’zaro hamkorlikka asoslangan harakatni tashkil etishga asoslanuvchi ta’limdir.

Interfaollik ta’lim jarayoni ishtirokchilarni bilim ko’nikma malaka hamda muayyan axloqiy sifatlarini o’zlashtirishi yo’lida birgalikda, o’zaro hamkorlikka asoslangan harakatni tashkil etish layoqatiga egaliklaridir.

Ta’lim sohasida faoliyat yuritayotgan har bir mutaxassis yaxshi biladiki, an’anaviy ta’lim ham suxbatga asoslangan va bu suxbat quyidagi o’zaro munosabat shakllarida tashkil etiladi.

- O’qituvchi - o’quvchi

- An’anaviy ta’limdagi suxbat ishtirokchilari

- O’qituvchi - o’quvchilar guruhi jamoasi

An’anaviy ta’limda ham tabiiy ravishda suxbat asosini axborot tashkil etadi. Ammo axborot uzatishning asosiy manbasi o’qituvchining tajribasi bo’lib, bu jarayonda u yetakchilik qiladi, ya’ni u darsning asosiy vaqtida bilimlarni og’zaki tarzida o’quvchilarga yetkazib berishga intiladi. Faollik ko’rsatish o’qituvchiga xos bo’lib, o’quvchi talabalar bu vaziyatda sust tinglovchi bo’lib qoladi.

Ularning asosiy vazifasi o’qituvchini tinglash, zarur o’rinlarda yozish, savollara bilan murojaat qilinganida javob qaytarish, kam holatlarda ruxsat etilganidagina so’zlashdan iboratdir an’anaviy ta’limdagi bir tomonlamalik oliy ta’lim tizimidagi faqat ma’ruza mashg’ulotlaridagina emas, seminar darslarida ham ustuvorlik qiladi. Shunga ko’ra “yetkazib beruvchi” rovida endi o’qituvchi emas, balki o’quvchi talaba namoyon bo’ladi. O’quvchi talaba asosan, o’zi o’zlashtirgan bilimlarni namoyish etadi, o’qituvchi esa uning fikrlarini tinglaydi, zarur o’rinlarda savollar bilan murojaat qiladi. O’quvchi talabalar guruhi jamoasi bu vaziyatda butunlay tinglovchi bo’lib qoladi.

Amerikalik psixolog olimlar R.Karnikay va F.Makkelrouning o’rganishlariga ko’ra shaxsning tabiiy fizologik-psixologik imkoniyatlari muayyan shakllarda o’zlashtirilgan bilimlarni turli darajada saqlab qolish imkonini beradi. Ya’ni shaxs: manbani o’zi o’qiganida 10%, ma’lumotni eshitganida 20%; sodir bo’lgan voqea, hodisa yoki jarayonni ko’rib, ular to’g’risidagi ma’lumotlarni eshitganida 50%; ma’lumot axborotlarni o’zi uzatganida, so’zlaganida, bilimlarini namoyish etganida 80%; o’zlashtirgan bilim ma’lumot, axborotlarni o’z faoliyatiga tatbiq etganida 90% hajmdagi ma’lumotlarni yodda saqlash imkoniyatiga ega.

SHunga ko’ra interfaol o’qitish “ta’lim jarayoning asosiy ishtirokchilari-o’qituvchi, o’quvchi va o’quvchilar guruhi o’rtasida yuzaga keladigan hamkorlik, qizg’in bahs- munozaralar, o’zaro fikr almashish imkoniyatiga egalik asosida tashkil etiladi, ularda erkin fikirlash, shaxsiy qarashlarini ikkilanmay

bayon etish, muammoli vaziyatlarda yechimlarni birgalikda izlash, o'quv materiallarini o'zlashtirishda o'quvchilarning o'zaro hamkorlikda ishlashini yuzaga keltirish “ o'qituvchi - o'quvchi- o'quvchilar guruhi” ning o'zaro bir-birlarini hurmat qilishlari, tushinishlari va qo'llab quvatlashlari, samimiy munosabatda bo'lishlari, ruhiy birlikka erishishlari kabilar bilan tavsiflanadi.”¹

“Oxirgi yillarda ta'lim tarbiya sohasida amalga oshirgan, ko'lami va mohiyatiga ko'ra ulkan ishlarimiz biz ko'zlagan ezgu niyatlarimizga erishish, hech kimdan kam bo'lmaydigan hayot barpo etish, yoshlarimiz, butun, xalqimizning ma'naviy yuksalishi yo'lida mustahkam zamin yaratdi desak hech qanday xato bo'lmaydi”.²

Баркамол авлодни тарбиялашда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги

Муратова М.И – СамДАҚИ ўқитувчиси, Муратова Н.И – СамДУ магистранти, И.О.Набиев- СамДАҚИ АТМ ходими

“Инсонга хос орзу интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қелаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади”³.

“Анашу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, биз иқтисодий ўнгланиш иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиш боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз.”⁴

Инсон жамиятда муайян мақсад-мудаосиз яшай олмайди. Ҳар бир инсон ўзининг келажагини бирор-бир мақсад шаклида олдиндан тасаввур қила олмаса, унинг бунёдкорлик ҳаракати сусаяди, натижада инсоннинг кайфиятини тушкунлик, фаолиятини эса бепарволик, лоқайдлик ва дахлсизлик каби иллатлар эгаллаб олади. Шу маънода маънавий етуклик ҳам шахсга жамиятда ўз ўрнига ва муайян ижтимоий мавқега эга бўлиб яшаши учун йўналтирувчи ғоялар, тушунчалар ва ахлоқий қарашлар тизимини тақдим этади.

Маънавий етуклик мазмун моҳиятига кўра ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга. Маънавий етуклик инсоннинг онги, фикри ахлоқи ва фаолиятини ижтимоий қонунлар асосида йўналтиради.

Инсоннинг ижтимоий шаклланишида маънавий етуклик негизи, асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, шахснинг ўз жамиятида фаол яшаб ўтишида маънавий идеал асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Маънавий етуклик шахснинг онги, тафаккури, идроки, ҳиссий дунёси-умуман, маънавий (ички) оламида шаклланса-да, лекин у муаян жамиятнинг маънавий даражаси учун ижтимоий эҳтиёжлар, талаблар ва заруриятлар

сифатида пайдо бўлади. Шу маънода ҳар бир жамиятда даврий ва умумий

¹Pedagogika: 1000 ta savoliga 1000 ta javob. Metodika U.I. Inoyatov, N.A.Muslimov, D.Inoyatova

²Toshkent: Nizomiy nomidagi Tosh.Dav.ped.Unverstiteti,2012-122bet.

³ Каримов И.А “Юксак маънавийт – энгилмас куч”, Тошкент., 2008 йил., 67 бет.

⁴ Каримов И.А “Юксак маънавийт – энгилмас куч”, Тошкент., 2008 йил., 69 бет.

маънавий идеаллар юзага келади. Даврий маънавий идеаллар бир жамиятнинг эҳтиёжларини рўёбга чиқарса, умумий маънавий идеаллар эса барча жамиятга хос бўлади. Масалан, ҳозирги жамиятимиз учун инсоннинг соғлом эътиқодга эга бўлиши долзарб маънавий етуклик ҳисобланса, инсон қадрини сақлаш эса умумий маънавий идеалга хос бўлган ғоядир.

Буюк алломаларимиздан бири Форобий фозил инсон куйидаги ўн икки фазилятга эга бўлишини уқтиради.

- Тўрт мучали соғлом бўлиши.
- Фаросатли бўлиши.
- Хотираси кучли бўлиши.
- Заковатли бўлиши.
- Нотиқ бўлиши.
- Билимли бўлиши.
- Барча нарсадан кўзи тўқ бўлиши.
- Хақгўй ва одил бўлиши.
- Донишманд ва ориятли бўлиши.
- Нафсини енга оладиган бўлиши.
- Адолатпарвар бўлиши.
- Қатъий ҳукмли бўлиши.

Бундай фазилятларга эга шахс инсонийликни суистеъмол қилмайди. Чунки бу туйғу унинг фозил шахс бўлиб етишишига олиб келади. Айни пайтда, Форобий бундай фазилятларнинг барчасини мужассам этган одамни топиш баъзида мушкул бўлишини таъкидлайди ва шундай ҳолатда ушбу фазилятларнинг “беш-олтитаси бўлган инсонни етук деб ҳисоблаш мумкин” лигини айтади.

Комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилятларнинг маъно-мазмунини, нафақат, чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш-одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезонларидир.

Инсон маънавий етуклиги ҳақида гапирилганда буюк ижодкор олим Озод Шарафиддинов ўз сабоқларида шундай деган эди. “Ҳеч қаерда ҳеч қайси инсонлар жамияти фақат моддий манфаатларга суянибгина, фақат моддий эҳтиёжларини қондирибгина ҳаёт кечира олмайди-инсон ҳаётининг саодатли бўлмоғи учун виждон ва имон унинг ҳаётида устувор бўлмоғи керак.

- Инсонни инсон қиладиган, жамиятни жамият қиладиган кудрат
- виждон, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқатнинг барқарорлиги.
- зиёли ўзини халқнинг узвий қисми деб ҳисобламоғи, халққа қарши бўҳтонларни рад этмоғи, халқнинг маънавий бойлигининг посбони бўлмоғи лозим.

Мисоллардан кўринадики, инсонпарварлик – умуминсоний кадриятлар сирасига киради.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим омил таълим-тарбия тизими бўлиб, бу ҳақда юртбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият –енгилмас куч” асарида шундай деган эди.

“Албатта, таълим – тарбия - онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойтадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгли ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”.¹

“Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда”.²

Турк ҳоконлигининг ташкил топиши

Муслимов Шерзод СамИСИ I сон академик лицей ўқитувчиси

VI асрнинг ўрталарига келиб Олтой, Етисув ва Марказий Осиёдаги турки қабилалар ва халқлар бирлашиб катта турк ҳоконлиги давлатини ташкил қилдилар. Лекин бундай туркий халқлар ва уларнинг давлатга уюшуви VI асрнинг ўрталарига қадар бўлмаган, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. И.Бичурин, Н.Гумилев ва бошқа туркшунос олимларнинг берган маълумотларига кўра, энг қадимги туркий забон халқ хитой солномаларида милоддан аввалги 1956 йилдан бошлаб тилга олинади. Фақат бу халқлар «Турк» номи билан эмас, балки «Хун», «Хунлар» деб аталганлар. Турк сўзи милоднинг V асрдан бошлаб учрайди. Хунлар туркий халқларнинг аجدодлари бўлиб жуда бой ва қадимий тарихга эгадирлар. Хунлар Марказий Осиё денгизи бўйлари ҳамда Шимолий Кавказ ва Ғарбий Европа ерларигача чўзилган ҳудудларда яшаганлар.¹

Турк сўзининг биринчи марта тилга олиниши 542 йилга тўғри келади. Ёзма манбаларда у турлича аталган: хитой манбаларида «тукдус», форс тилидаги манбаларда «турк», битиктошларда сақланиб қолган ёзувларга қараганда бу халқ ўзини турк деб атаган. «Турк» атамаси (кучли, бақувват) дастлаб этник маънога эга эмас, ижтимоий маънога эга бўлган. Ашина уруғи унга бўйсинган ва лекин қариндош бўлган халқлар янги давлат бирлашмасининг ўзагини ташкил этган қабилаларнинг ҳарбий зодагонлари шундай аталган эди. Кейинчалик, улкан қабилалар иттифоқини ва унга итоат қилган халқларни турк деб атай бошлаганлар. Қабиланинг эски номи ашина ҳукмронлик қилувчи сулола номи бўлиб қолган.² Бу даврда минтақадаги сиёсий манзарани тўлик тасаввур қилиш учун қуйидагиларни эшлаш кифоя бўлади. Шарқий Туркистон, Фарғона, Суғлиёна, Хоразм, Бақтрия, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Эронни ўз ичига олган ҳудудда эфталитлар, ҳозирги Мўғулистон ва қисман Шимолий Хитой устидан эса Жўжан хонлиги ҳукмронлик қилиб келди. Мўғулистон, Олтойнинг жануб томонига Ашина сулоласи хатта-ҳаракатлари туфайли сиёсий жараён юксалиш йўлига киради. Бундан ташқари замонавий тушунчадаги Хитойнинг шимолий қисмида Вэй (Юан-Вэй) сулоласи (386-

¹ Каримов И.А “Юксак маънавият – энгилмас куч”, Тошкент., 2008 йил., 61 бет

²² Каримов И.А “Юксак маънавият – энгилмас куч”, Тошкент., 2008 йил., 70 бет.

¹ Маҳмудов Қ. Туркий ҳоконликлар. «Турон тарихи». Тўплам. Т. 1992, 30-бет.

² Алимова Д.А. Ўзбек давлатчилиги тарихи очерклари. «Шарқ», Т. 2001. 44-бет.

558йй.) ҳукмронлик қилар ва бу хонадоннинг асли келиб чиқиши эса туркий негиз билан боғлиқ эди. Демак, VI аср бошларида Каспий денгизидан Узоқ Шарқгача бўлган катта ҳудуд ҳаёти кўпдан-кўп туркий тили сулолалар фаолияти боғлиқ бўлган.

Олтой тоғ тизими Жанубий қисмининг қадимги номи Олтин тоғи (Олтин водий) бўлиб, табиий шароити ҳар қандай жамият фаровонлигини таъминлашда беназир ҳисобланган. Хитой манбаларида ёзилишича, тилга олинган Ашина сулоласи ҳам худди шу шарт-шароитларда юксалган, сиёсий таъсири ортиб бориб, айниқса Бумин (Тумин) сардорлиги вақтида бу жараён янада фаол тус солган. Уддабурон сиёсатчи сифатида у ҳам сиёсат, ҳам зўравонлик йўлини тутди. Масалан, Бумин Жужан хонлиги билан очикдан-очик алоқини узиб, 551-йили Вэй хонадони билан қуда-андачилик алоқасига киради. 552 йили эса Жужан хонлигига қарши қуролли курашга айланиб, уларни тор-мор қилади.¹ Аммо Бумин 553 йили вафот этади ва унинг ўрнига тахтга ўғли Қора Иссиқ (Исиги ўтиради). Қора Иссиқхон кўп ҳукмдорлик қилмай, шу йилиёқ қазо қилади. Лекин у ҳам ўз ҳукмронлиги давомида жужанларга яна бир бор каттиқ зарба беришга улгурганди. Демак, шу йилнинг ўзида Ашина сулоласининг сардори икки марта ўзгарган. Эндиги гал тахтга Буминнинг кичик ўғли Муғонхон (553-572йй.) чиқади.

Муғонхон даврида ашуналийлар «Корея қўлтиғидан ғарбий денгизгача, (Хитой деворидан) Шимолий денгизгача» бўлган ерларни ўз сиёсий ҳукмлари остига олишга муваффақ бўлганлар.¹ Муғонхон худди отаси Бумин каби ҳам сиёсат, ҳам зўравонлик йўлларида усталик билан фойдалана билган ҳукмдор эди. Чунончи, эфталитлар сулоласига қарши курашда у, аввало, уларнинг жануби-ғарбдаги душманлари сосонийлар билан яқин муносабатларга киришади. Бунинг учун Муғонхон 554 йили Эронга элчи юбориб, икки томонлама алоқа ва ишончни мустаҳкамлаш юзасидан амакиси Истамининг кизи Аснабекани сосоний Хисрав I га (531-579йй.) турмушга беради. Эфталитлар қаршилигига қарамай ашиналийлар ва сосонийлар ўртасидаги ўзаро келишувга путур етмайди. Лекин бу яқинлашув вақтинчалик эди. Зеро, Ашина сулоласининг эфталитлардан сўнг албатта сосонийларни ҳам бир ёқлик қилишни мўлжаллаб қўйганликларига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. 565 йили Муғонхоннинг амакиси Истами эфталитлар кўшинига қакшатқич зарба берган. 567 йили эса Тоҳаристон ва умуман эфталитлар қўли остида бўлиб келган ерларни забт этишга муваффақ бўлади. Ҳарбий тўқнашувлар натижасида, энг аввало, аҳоли жабр кўрди – «Чочда Терекда (яъни, Паракда), Самарқанд ва Сўғдада кўп ерлар вайрон қилинди ва бойқушларга макон бўлди. Чағониён, Бомиён, Хуттахон ва Балх аҳолисининг барчаси учун аччиқ ва қора кунлар бошланди».² Шу тариқа VI асрнинг сўнгги чораги арафасида минтақада навбатдаги сулола ашиналийлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. «Шарқ», Т. 2001. 80-бет.

¹ Малов С.Е. Памятники древне-тюркской письменности. 1951. с. 51.

² Пигулевская Н.В. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV-VI вв. М. – Л. 1951. с. 203.

Маҳалла ва оила ҳамкорлиги асосида болаларни жисмоний тарбиялаш
СамИСИ катта ўқитувчиси Х.Г.Жуманов

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 13 мингга яқин, Самарқанд шаҳрида 169 та маҳалла шакллантирилган ва фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар Олий Мажлиснинг 1993 йил сентябрда қабул қилинган “Фуқароларни ўз – ўзини бошқариши органлари тўрисида”ги Қонуни асосида:

Маҳалла ҳудудида жойлашган таълим-тарбия муассасалари билан биргаликда баркамол ёшларни вояга етказишда фаол иштирок этиш.

Оила аъзолари билан ёш ўсмирларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, байналминаллик, инсонпарварлик миллий онг, миллий ғурур ва миллий ахлоқ одоб намуналарини сингдиришга эришиш.

Ёшлар диний мазҳаблар ва секциялар ҳақида аниқ маълумот ва тасаввурларга эга бўлишлари, диний ақидапарастликнинг салбий оқибатларини англаб етишларида ота-оналар, жамоатчиликни сафарбар этиш.

Ахлоқан носоғлом, турмуш тарзи нотекислик оилалар билан аждодларимиз, буюк инсонлар, меҳнат илғорлари ҳамда фахрийлари тўғрисида ўғитларни тушунтириш ишлари ва учрашувларни ташкил этиш.

Маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасалари, давлат ва нодавлат, ноижорат ташкилотлари билан турли конкурслар, семинарлар, конференциялар, фестиваллар, байрамлар спорт мусобақалари, анжуманлар, беллашувларни ташкил этиш.

Ўз ҳудудидаги моддий ёрдамга мухтож оилаларни кўллаб-қувватлаб, фарзандларни ўқиши ва тарбиясига кўмаклашиш.

Маҳаллада яшаётган зиёлилар, ҳунармандлар, тадбиркорлар, санъат ва адабиёт намоёндалари, ишбилармонлар ёдамида узтоз-шоғирт амалиётидан фойдаланиб турли тўғаракалар ишларини йўлга қўйиш.

Ёшлар онгига дунёқарашида маънавий баркамолликни тарбиялаш мақсадида турли хил таълим-тарбия ишларини амалга ошириш.

Маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро айниқса ёшлар ўз она ватанига унинг табиатига, удумларига, тарихига муҳаббатини, қизиқишни уйғотиш, маҳалла ободончилигини улар кўмагида ҳашар йўли билан қўйиш фуқаролик бурчи, масъуляти ва жавобгарлик туйғусини шакллантириш ва шу каби вазифаларни амалга оширишни режалаштириб, унинг бажарилишини таъминламоқдалар.


личности, воспитать свободных, всесторонне-развитых людей, которые сочетали бы свои личные интересы с интересами страны и общества. На сегодняшний день наше правительство считает, что нравственное и духовное совершенствование личности несомненно послужит росту интеллектуального потенциала, повышению качества человеческих ресурсов, а также успешному и устойчивому социально-экономическому и инновационному развитию республики.

Именно в сочетании наших традиционных ценностей с ценностями современного демократического общества-залог нашего будущего процветания, залог интеграции нашего общества в мировое сообщество.

В докладе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год особо отмечено о дальнейшем развитии в сфере образования и науки, реализации государственной молодежной политики, внедрения современных методов обучения, в том числе информационно-коммуникационных технологий. Узбекистан можно назвать страной молодежи, потому что молодежь в возрасте до 30 лет составляет 64% населения. В связи с этим, как отметил в своем выступлении Президент Ш.Мирзиёев, “необходимо сформировать такую среду, которая бы активно способствовала процессам обучения, духовно-нравственного обогащения и воспитания на основе истинных ценностей”.

В заключение необходимо отметить, что духовность общества является одним из важнейших условий и гарантией стабильного развития страны. Ни одна страна не может поднять свой уровень без развития своих возможностей, закрепления в сознании людей духовных и моральных ценностей, пробуждения и укрепления национального духа народа.

Қурилиш бозқаришда ахборот маданиятининг ўрни.

102-КМЭ ва УБ гуруҳ талабаси Хожимуродов И., Ўқитувчи Ғайбулов Қ.М.

Рақобатчилик асосида қурилган бозор иқтисодиёти шароитида ўта ривожланган ва гуркираб ривожланиб келаётган барча дунё мамлакатларининг нуфузи яъни жаҳон ҳамжамиятидаги рейтинг даражалари турли соҳалардаги мавжуд статистик ахборотлар кўрсаткичларининг қиёсов даражасига асосланади. Бу маълумотлар асосан микроқўламларда фирмалар, корхоналар ва муассасалар ҳамда кичик бизнес субъектлари статистикаси ва молиявий ҳолатини акс эттирувчи ахборотлар жамланмасига, ҳудди Бошқарувчи тизим (субъект) Бошқарилувчи тизим (объект) Бошқарув буйруғи (кўрсатмавий ахборот) Ички ахборот(тесқари алоқа) Ташқи ахборот шунингдек макроқўламларда эса мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги молиявий кўрсаткичлари ва статистик ахборотлар базаларига асосланади. Қурилиш соҳаси халқ хўжалигининг микроқўламдаги бир тармоғи сифатида қарасакда, унинг ривожланиш ва бошқаруви

макроқўламдаги ахборотлар базаси ва банкларига динамик даражада таянишини тақозо этади.

Республикада изчиллик билан давом этиб келаётган модернизация ва диверсификация ишлари айнан қурилиш соҳасида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Айнан бошқарув соҳасида ҳам шу каби ўзгаришларни кенг татбиқ этиш орқали, бошқарув бўғинига фаолият юритувчи персоналнинг ахборотга бўлган муомала маданиятини юксалтиришни тақозо қилади. Шу ўринда ҳукуратимиз томонидан —Электрон ҳукурат тизимининг жорий этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Ҳалқ хўжалигида барча бошқарув тизимларида деярли автоматлаштирилган ахборот тизимлари жорий этилган бўлиб, ахборот коммуникация (АКТ) тармоқларидан узатилаётган электрон ахборотлар тезлиги гигабит/секунтдан бир секунтда миллиард бит) теробит/секунтгача оширилган бир пайтда барча фойдаланувчилар ахборот маданиятига эга бўлишини тақозо этади.

1. Керакли ахборотни ўз вақтида олиш ва ундан оптимал фойдаланиш, қурилиш ташкилоти бошқармасига ҳар куни турли мазмундаги ахборотларкелиб тушади. Уларни вақтида керакли ижрочиларга йўналтириш ва оптимал фойдаланиш бошқарувнинг тўғри шаклланишига асос бўлади. Масалан, буюртмачи объектлар билан таъминотчи объектлар ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланиши.

2. Бошқарув қарорлари ва ҳужжатларнинг вақтида бажарилишини таъминлаш. Ижро ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилиши ташкилот ишини егиллаштиради ва бошқарувдаги ижро интизомини мустаҳкамлайди.

Рақобатчи ташкилотлар ва фирмалар фаолиятини ўрганиб бориш ва таҳлил қилиш. Ташкилотнинг фаолият даражасидан қатъий назар рақобатчилик муҳити унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

4. Молия ва пул бозори, товар ва меҳнат бозорлари бўйича ахборотлар оқимини таҳлил қилиб бориш. Ташкилотлар бошқарувида муҳим кўрсаткичлардан бири бу молиявий кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичлар уларнинг ликвидлиги ва ретабеллигини таъминлаб беради. Меҳнат ва тавар бозоридаги асосий кўрсаткич – ахборотлардир. Уларнинг ўз вақтида ҳаракатланиши ахборот маданиятига асос солади.

5. АКТ, интернет ва электрон дўконлар хизматидан системали ва доимий фойдаланиш. Ташкилотларнинг фаолият юритиш даражасини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу виртуаль интернет магазинлардир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Gulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. Toshkent, Fan, 2010.*

2. *Aripov M., Begalov B.A., Begimqulov U., Mamarajabov M. Axborot texnologiyalari. Toshkent: Noshir, 2009.*

3. *Abdullayev Z.S., Mirzayev S.S., Shodmonova G., Shamsiddinov N.B. Informatika va axborot texnologiyalari. O'quv qo'llanma. Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. Toshkent-2012.*

Jamiyat rivojida oilaning ahamiyati.

301-KT(TS va MG)talabasi Xusanova S., Ilmiy.rahbar Djalilova Sh.S.

Oila — hayot abadiyligi va avlodlar davomiyligini ta’minlovchi qadriyatlar beshigi, kelajak nasllar uchun betakror tarbiya maskanidir.

Mamlakatimizda barcha xayrli ishlar, ezgu amallar, avvalo, oilalarni mustahkamlash, barkamol avlodni voyaga etkazish hamda ularning yorug‘ kelajagini ta’minlash maqsadini ro‘yobga chiqarmoqda. Zero, oilada shakllangan sog‘lom muhit farovon turmush, osuda hayot tarzimizning mustahkam poydevoridir.

Oilani mustahkamlash nafaqat mamlakat, balki global ahamiyatga ega masala. Oilalar ahilligi va mustahkamligiga erishish maqsadida Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasi 1993 yil 20 sentyabrda 15 mayni Xalqaro oila kuni sifatida nishonlash to‘g‘risida qaror qabul qildi. Mamlakatimiz jahon hamjamiyatining teng huquqli a‘zosi sifatida xalqaro me‘yorlarni jamiyatimiz hayotiga to‘liq tatbiq etish maqsadida o‘tgan yillar mobaynida oila tushunchasi, uning mazmun-mohiyati, jamiyatda tutgan o‘rni masalalariga alohida e‘tibor qaratilib, huquqiy asoslar yaratildi. Ayniqsa, ayollar va bolalar manfaatlari, ular salomatligini himoya qilish borasida salmoqli ishlar amalga oshirildi. Konstitutsiyamizning 14-bobida oila jamiyatning asosiy bo‘g‘ini ekanligi, jamiyat va davlat muhofazasida bo‘lishi, Oila kodeksi va boshqa qonunlar orqali yosh va ko‘p bolali ayollarni ijtimoiy himoya qilish yuzasidan qator imtiyozlar belgilangani fikrimizning yorqin dalilidir.

“Har qaysi millatning o‘ziga xos ma’naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, hech shubhasiz, oilaning o‘rni va ta’siri beqiyosdir. Chunki insonning eng sof va pokiza tuyg‘ulari, ilk hayotiy tushuncha va tasavvurlari birinchi galda oila bag‘rida shakllanadi. Bolaning xarakterini, tabiati va dunyoqarashini belgilaydigan ma’naviy mezon va qarashlar — yaxshilik va ezgulik, olijanoblik va mehr-oqibat, or-nomus va andisha kabi muqaddas tushunchalarning poydevori oila sharoitida qaror topishi tabiiydir”. Birinchi Prezidentimizning “Yuksak ma’naviyat — engilmas kuch” asarida muqaddas maskan — oila haqida bildirilgan bu fikrlar oila institutining kuchli fuqarolik jamiyati barpo etishdagi ahamiyati naqadar yuksak ekanidan dalolatdir.

Xalqimiz oilani Vatanga tenglaydi. Aslida ham inson ma’naviyatini shakllantiradigan mezon, jamiyat taraqqiyotiga sezilarli ta’sir ko‘rsatuvchi omil, milliy-ma’naviy qadriyatlarimiz, urf-odat va an‘analarimizni davom ettiruvchi makon ham aynan oiladir.

Har bir odam bu dunyoda baxt-saodatni faqat va faqat oilasidan topadi, har kimning qanday inson bo‘lib hayotga kirib borishi, avvalo, ulg‘aygan muhiti va olgan tarbiyasi hosilasiga bevosita bog‘liq. Zotan, oilani milliy qadriyatlarimiz hamda zamonaviy qarashlar uyg‘unligi asosiga qurish — kechagi kundan xulosa, bugunidan ma’no va ertangi kunga ishonch bilan yashayotgan xalqimiz tanlovi, mustahkam ma’naviy ildizlarga tayanib yashash saodatidir.

Mamlakatimizda oila va oilaviy qadriyatlarni mustahkamlash, yosh oilalarga

g'amxo'rlikni kuchaytirish, sog'lom va mustahkam oilalar shakllanishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, oilalar ijtimoiy hayotida hamon saqlanib qolayotgan ba'zi noxush holatlar — to'y marosimlarini o'ta dabdabali qilib o'tkazish va isrofgarchilikka asoslangan boshqa tadbirlarga barham berish bo'yicha olib borilayotgan keng ko'lamli ishlarga ko'maklashib kelmoqda.

Shunday ekan, biz yoshlar qurayotgan yangi oilamizni har tomonlama o'ylab ma'naviy yetuk, iqtisodni to'g'ri baholay oladigan, raqobatga chidamli oilani rejalashtirgan holda qurishimiz kerak. Buning uchun turmush qurush biz yoshlarni kelajakda nimalar kutishini his eta bilishimiz va o'z-o'zimizni har tomonlama tayyorlab borishimiz kerak. Chunki, insonning eng sof va pokiza tuyg'ulari, ilk hayotiy tushuncha va tasavvurlari birinchi galda oila bag'rida shakllanadi. Bolaning xarakterini, tabiati va dunyoqarashini belgilaydigan ma'naviy mezon va qarashlar — yaxshilik va ezgulik, oliyanoblik va mehri — oqibat, or-nomus va andisha kabi muqaddas tushunchalarning poydevori oila sharoitida topadi.

Oilaviy turmush to'g'risida biror xil qonun qoidalar majmuasi, etik-estetik, ma'naviy-axloqiy me'yorlar to'plami aks etgan eng mukammal qo'llanmaning o'zi yo'q. Uni faqat hayotda uchragan voqea-hodisalardan, ko'pni ko'rgan ota-onalardan, ajdodlarimizning ilmiy parchalaridan olishimiz mumkin.

Aslida mustahkam, tinch va zamonamizga mos, milly oila qanday quriladi, yoki qanday paydo bo'ladi degan savolga javob topishimiz lozim. Bu masalalarga yechim topishimizda ota-onalarimiz, bobo-buvilarimizning o'rinlari beqiyos darajadadir. Ularning ma'naviy, milliy jihatdan to'yingan oilalaridan andoza olishimiz zarur. Negaki bugungi kunda yosh oilalarimizning o'rtasida yuz berayotgan ajrashishlar soni ortib borishi natijasida murg'ak bolalarning tirik yetim bo'lib qolishi, davlatimizning davlatlar o'rtasida nufuzini ancha susaytiradi. Bizgacha yetib kelgan milliylikimiz, urf odatlarimizga, oila va farzandlar oldidagi burch va vazifalarga, milliy to'y va tomoshalarimizga havas qilsa arziydi. Shunday ekan, nega milliy qadriyatlarimiz aynan bizning davrimizga kelib o'z qadrini yo'qotishi kerak? Nega bizdan keyingi avlodlarimiz o'z milliy-madaniy, urf-odatlarimizdan mosuvo bo'lishlari kerak?

Bu savollarga qanday javob berish biz yoshlarning qo'limizdadir. Bizlarga berilayotgan zamonaviy imkoniyatlarga to'g'ri, oqilona foydalanishimiz maqsadga muvofiqdir. Xulosa qilib aytganda, shuni takidlash lozimki, bugungi rivojlanayotgan bir davrda yoshlarning erkin fikirlashi, samimiyligi va bilimga intiluvchanligi kelajakda mustahkam va farovon oila barpo bo'lishiga asos yaratadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzalarida oila institutga katta e'tibor berib mamlakatimizning mas'ul rahbarlariga quyidagi vazifalar bo'yicha javob berishni va ularni amalda hal etish yuzasidan aniq takliflar ishlab chiqishni yukladilar, ya'ni:

birinchi vazifa — biz uchun muqaddas bo'lgan oila asoslarini yanada mustahkamlash, xonadonlarda tinchlik-xotirjamlik, ahillik va o'zaro hurmat muhitini

yaratish, ma’naviy-ma’rifiy ishlarni aniq mazmun bilan to’ldirishdan iborat bo’lmog’i zarur;

ikkinchi vazifa – ayollar o’rtasida jinoyatchilik, oilalarda ajralishlar ko’paygani, yoshlarning turli diniy-ekstremistik oqimlar va terroristik tashkilotlar ta’siriga tushishi kabi xalqimizga xos bo’lmagan achchiq va noxush masalalar bilan bog’liq;

uchinchi vazifa – ayollarni ularga munosib mehnat bilan bandligini ta’minlash masalasidir. Ayollar uchun doimiy ish joylari yaratish borasidagi muhim masala bilan bir qatorda, oilaviy biznes, kasanachilik, hunarmandchilik, tomorqa xo’jaligini keng rivojlantirish ishlari ham oqsamoqda.

Jahon miqyosida mafkuraviy kurashlar avj olayotgan, dunyoda oilaviy qadriyatlar bilan bog’liq ro’y berayotgan global o’zgarishlarga qaramasdan, O’zbekistonda mustaqillik yillarida oila munosib avlodni tarbiyalash va bu boradagi tajribani vorislarga etkazishni ta’minlaydigan muhim ijtimoiy institut maqomini saqlab kelmoqda. Shu bois milliy qadriyatlarga tayanib, oilalardagi ma’naviy muhitni yanada sog’lomlashtirish yo’li bilan fuqarolar ma’naviy hayotida yuksalishga erishish masalasi bugungi kunda tobora dolzarb ahamiyat kasb etayotir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.A.Karimov. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma’naviyat», 2010. – 176 b.

2. A.O’lmasov, A.Vahobov. Iqtisodiyot nazariyasi. – T.: «IQTISODIYOT-MOLIYA», 2014. – 456 b.

“Чиланганлик ишлари” ўқув амалиётида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш

Шукуров Ф.А., Расулов Ш.М., Сиддиқов А., Ражабова С.Р.

Самарқанд автомобилсозлик касб-хунар коллежи ўқитувчилари

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиб берилган. Мазкўр ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тўтилган вазифаларни амалга оширишда чилангарлик ишлари ўқув амалиётини аҳамияти каттадир.

“Чилангарлик ишлари” ўқув амалиётининг асосий мақсади – таълим жараёнида ўқувчиларни фаоллигини ошириш натижасида, уларни объектдан субъектга айлантиришдир.

“Чилангарлик ишлари” ўқув амалиётининг асосий вазифалари:

- ўқувчиларнинг ўқув амалиётга оид билимларини тизимли йўсинда умумлаштириш;

- ўқувчиларга металлларга ишлов бериш тўғрисида мукамал назарий билим бериш, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

- ўқувчиларга металлларга ишлов бериш жараёнини кетма-кетлигини ўргатиш ҳамда амалий машқларда кўникма ва малакаларни эгаллашни амалга ошириш;

- дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурлар, маъруза матнларини электрон дискетларга кўчириш ва улар билан ҳар бир ўқувчини таъминлашга эришиш;

- ўқув-тарбия жараёнига янги ахборот технологияларни кенг жорий этишни ривожлантириш, уларни ахборот воситалар билан таъминлаш, коммуникацион тармоқларга боғлаш;

- таълим усули, маълум маънода таълим-тарбия жараёнлари, воситалари, шакл ва методлари мажмуи ҳамда таълим ва тарбия жараёнини оптимал ташкил этишдир.

“Чилангарлик ишлари” ўқув амалиётини ўқитишда ўқув амалиётнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланилади.

Дарс структураси ўқув жараёни мантиқи билан мувофиқлаштирилган бўлиши, унинг қонуниятларига мувофиқ келиши, шунингдек меҳнат жараёнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиши керак. Чунки дарснинг ҳар бир элементи профессионал билим ва кўникмалар ҳосил қилиш йўлидаги муайян қадамдир.

“Чилангарлик ишлари” замонавий дарс қўйдаги асосий қисмлардан: **кириш, асосий** ва **яқунловчи** қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисми - бу ташкилий томон, кириш инструктажи, асбоб, техник хужжатлар, заготовкalar, материаллар ва хоказалар бериш: ўқувчиларни ўқув ўринларига жойлаштириш ва техника хавфсизлигини текширишдир.

Асосий қисм - ўқувчиларнинг мустақил ўқув чилангарлик ишларидан, жорий индивидуал инструктаждан, жорий коллектив инструктаждан (бу зарур бўлишига караб ўтказилади) ўқувчилар бажарган ўқув чилангарлик ишларига баҳо беришдан иборат бўлади.

Яқунловчи қисм - ўқув ўринларини йиғиштиришни, материаллар, асбоблар техник хужжатларининг туғри сақланишини текширишни, яқунловчи инструктаж уйга топшириқ беришни ўз ичига олади.

“Чилангарлик ишлари” ўқув амалиётининг “Эговлар турлари ва таснифлари ва уларга бўлган талаблар, юзани эговлашга тайёрлаш. Теккис юзани эговлаш” мавзусида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш намунасини келтириб ўтамыз.

Ўқув-амалий машғулотининг режаси:

1. Кириш. 2. Эговлар тури ва уларни таснифи. 3. Эговлаш жараёни ва сиртни назорат қилиш. 4. Теккис юзани эговлаш усуллари. 5. Эговлаш ишларини машқ қилиш.

Ўқув-амалиёт машғулотининг мақсади: ўқувчиларга эговлаш жараёни, эговлар, сиртни эговлашга тайёрлаш, эговлаш усуллари тўғрисида маълумот бериб уларда мавзу бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Педагогик вазифалар:

- *Кириш.* эговлаш тўғрисида умумий маълумот бериш;
- *Эговлар тури, таснифи ва конструкциясини кўрсатиш, эговларни ишлатиш ва сақлашни ўргатиш;*

“Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар мамалакат тараққиётининг муҳим омили” конференция материаллари.

- *Иш ўрнини мослаш, Эговлаш жараёнини ташкил қилиш ва эговланган юзани назорат қилишни ўргатиш;*
- *Теккис юзани эговлаш усулларини кўрсатиб бериш ва мосламалардан тўғри фойдаланишни ўргатиш ҳамда эговлаш жараёнида меҳнат хавфсизлигини ўқтириш;*
- *Эговлаш ишларига йўриқнома бериш ва иш жараёнини назорат қилиш Бажарилган ишларни баҳолаш, иш жараёнида қўйилган ҳатоларни кўрсатиб бериш.*

Ўқув фаолияти натижалари:

- *Эговлаш ҳақида умумий маълумотга эга бўладилар;*
- *Эговлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўладилар, эговларни тўғри ишлатадилар ва сақлашни биладилар;*
- *Иш ўрнини мослашни ўрганадилар, эговлаш жараёнини ташкил қилиш ва эговланган юзани назорат қилишни биладилар;*
- *Эговлаш жараёнида меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда теккис юзаларни эговлаш усулларини биладилар, мослама ва эговлардан тўғри фойдаланадилар;*
- *Йўриқномадан фойдаланиб эговлаш ишларини бажара оладилар, бажарган ишларини баҳосини биладилар ва келгуси амалий ишларда қўйилган ҳатоларни такрорламайдилар.*

Ўқитиш методлари: Маруза, тушунтириш, кўрсатиш, йўриқнома бериш, машқ қилиш Маруза, тушунтириш, кўрсатиш, йўриқнома бериш, машқ қилиш.

Ўқитиш воситалари: Кўргазмали куроллар, кадоскоп, слайдлар тўпламини. График органайзерлар: ”БББ жадвали”, ”Инсерт” жадвали, эговлар, заготовклар.

Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари: Жамоавий, гуруҳлар ва якка тартиб.

Ўқитиш шарт-шароити: Жихозланган чилангарлик устахонаси.

Қайтар алоқа усул ва воситалари: Назорат, бажарилган ишлар текшириш, оғзаки савол-жавоб.

Ўқув амалиётини технологик харитаси: 1-босқич ўқув амалиётига кириш (15дак), 2- босқич асосий қисм (210 дак), 3 -босқич якуний (15дак)

Амалиётда давомида фойдаланиш учун иловалар

1-Илова

Амалиёт бошланишидаги саволлар

- 1.Металларга ишлов беришда нималарга этиборни қаратиш керак?
- 2.Металларга ишлов бериш асбобларини қандай турларини биласиз?
- 3.Чилангарлик ишларида асбобларга қандай талаблар қўйилади?
- 4.Чилангарлик иш ўрнини ташкил қилишни гапириб беринг.

2-илова

Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим

“Инсерт” жадвали (уйга вазифа)

3-илова

V	+	?

“V” — Мен билган маълумотга мос

“+” – Мен учун янги маълумот

“?” – Мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

4-Илова

Мавзунини қандай ўзлаштирганликларини текшириш саволлари:

1. Эговлаш жараёни нималардан иборат? 2. Эговларни қандай турлари бўлади?

3. Эгов дастаси қандай бўлиши керак? 4. Эговлар қандай танланади?

5. Эговлаш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларини гапириб беринг

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, яқунловчи инструктажга яхши бажарилган ишларнинг намуналарини, ўқувчиларнинг айби билан бракка йўл қўйилган ишларни, группа ўқувчиларни кундалик топшириқларни бажариши натижалари тасвирланган варақларни тайёрлаб қўйиш керак бўлади. Инструктаж ана шу материаллар асосида ўтказилади. Ишлаб чиқариш таълими устаси яқун ясар экан, машғулотни анализ қилиб бериш, группа ва айрим ўқувчилар қандай ютуқларга эришганликлари у ёки бу ўқувчининг ишида хатоликлар аниқланганлигини, машғулотларнинг боришида қандай носозликларга, меҳнат ва технология интизомнинг бузилишига йўл қўйилганлиги, уларга нималар сабаб бўлганлиги, бундан кейин камчиликларга йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Н. Макиенко, А. Умронхўжаев: “Чилангарлик” Тошкент “Ўқитувчи” 1984 йил

2. Н. Бекмуродова “Чилангарлик ишлари” Тошкент “Ўқитувчи”

3. В.С. Старичков “Слесарлик ишларидан практикум” Тошкент “Ўқитувчи” 1984 йил

4. Э.И. Крупицкий “Слесарное дело” М. 1976 йил.

Замонавий ахборот технологияларидан лаборатория машғулотларини ташкил этишда фойдаланишнинг ҳолати

Катта ўқитувчи Элмуродов Б.Э. , 105-КХАЛТЭ, талаба Алиқулова Ў.А.

Бугун таълимнинг асосий вазифаси жамиятнинг аъзоларини, шу жумладан олий ўқув юртлари талабаларини замонавий ахборот ва алгоритмик

маданият соҳибига айлантиришдан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни замонавий компьютерларда мавжуд бўлган дастурий воситалар ёрдамида олиб борилади.

Жумладан Қурилишда ахборот технологиялари фанининг ривожланиши маълумотларни жамлаб, қайта ишлаш имкониятига эга бўлган компьютер-ларнинг дунёга келиши билан бевосита боғлиқ. Чунки маълумотларни қайта ишлашнинг аҳамиятга молик қисми шундай автоматик қурилмаларга юкла-наяптики, улар инсон иштирокисиз узок муддат давомида маълумотларни бир неча миллион марта тезроқ қайта ишлаш имкониятига эгадир.

Олий ўқув юртларида «Қурилишда ахборот технологиялари» фанини ўқитишни оқилона ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш учун қуйидагиларга аҳамият берилиши мақсадга мувофиқ.

1. Қурилишда ахборот технологиялари фанини олий ўқув юртларида тайёр-ланаётган мутахассисликлар билан боғлаш тенденциясининг устиворлашиб боришини ҳисобга олиб, уларнинг хусусиятларига дифференциал ёндошган ҳолда муайян олий ўқув юртлари учун махсус ўқув дастурлари, ўқув адабиётларини яратиш зарур.

2. «Қурилишда ахборот технологиялари» фанидан барча таълим соҳаларига универсал тарзда қўллаш мумкин бўлган ягона адабиёт яратиш, амалий жиҳатдан қийин вазифа. Шунинг учун бу фандан Давлат таълим стандартларининг умумий талабларга жавоб берадиган, бир-бирини тўлдирадиган муқобил ўқув адабиётларини яратиш лозим. Зеро ҳозиргача «Қурилишда ахборот технологиялари» фанидан яратилган ўқув адабиётларининг тажрибавий вариантлари узлуксиз таълим тизимида деярли бир хил мазмунда ўқитилади, яъни таълимни юқори босқичларида такрорланишига олиб келди. Бу эса ўқитилаётган материалларни оддийдан мураккабга дифференциал ёндашиш тамойилларига асосланмаганлигининг оқибати бўлиб, инчинун ўқув адабиётларини таълим тизимининг турига мувофиқ дифференциалашган ҳолда чоп этишни такқоза этади.

3. Қурилишда ахборот технологиялари динамик ривожланиши ва кўлами доимий кенгайишини эътиборга олган ҳолда, талабларни фақат ўқув қўлланмалари ва дарсликлар орқали ўқитиб, малакали мутахассислар тайёрлаш ғоят нотўғри фикр. Шу нуқтаи назардан дастурлар ва ўқув адабиётлари даврий янгилаб турилиши, муайян долзарб ғоявий-мафкуравий муаммолар устида ишлаётган олимларнинг илмий ишларини ўқув дастурига мослаштириб нашр этиш мақсадга мувофиқ. Бу фанни ўқитишда кўрғазмали воситалар, мультимедиядан янги информацион технологиялардан фойдала-нишни кенгайтириш лозим.

4. «Қурилишда ахборот технологиялари» фанини ўқитиш жараёнида талабларда эркин, ижодий фикрлаш кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўрганаётган соҳасининг ғоявий-мафкуравий масалаларни англаши ҳамда амалиётга тадбиқ этиш, жаҳон тажрибаларини умумлаштириш учун хорижий

мамлакатларда чоп қилинган лаборатория машғулотларини, махсус адабиётларни таржима қилишни кучайтириш зарур.

5. Умуман «Қурилишда ахборот технологиялари» фанининг динамик тарзда ўзгартириш зарурияти ўқув дастурларининг доимий янгиланишини, шунга асосан тезкорлик билан дарсликларни ўзгартиришни тақозо қилмоқда. Қурилишда ахборот технологиялари фани, унинг предмети, бугунги тараққиёт даражаси, жамиятимиз ривожланишидаги аҳамияти ва истиқболлари ҳақида таълим босқичларининг барчасида назарий билимлар билан бир қаторда амалий билимлар ва шулар заминида лаборатория машғулотлари ўтказилиши кўзда тутилган. Лаборатория машғулотларини ташкил этишда бир қатор дидактик ва методик томоийилларга амал қилинади, лаборатория машғулотлари мазмунига қўйиладиган талаблар ҳисобга олинади. Лаборатория машғулотларини сифатли ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- талабага мавжуд билим кўникмаларини шакллантиришга кўмак берувчи тушунарли ва бажариш учун қулай лаборатория топшириғини тақдим этиш;
- лаборатория машғулотида алоқадор янги билимларни тушунишда талабаларга ёрдам берадиган қизиқарли схемалар, диаграммалар, турли чизмалар ва жадваллар киритиш;
- эришилган билим ва кўникмаларни ишлатиш мақсадида амалий машқлар ва назорат саволларини келтириш,
- ўқитувчи–профессорлар лаборатория машғулотида фойдаланиш учун услубий қўлланмалар яратиш.

Лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ёки кўрсатмани яратишда муаллифлар қуйидагиларга эътиборни қаратиши лозим:

- амалий тажриба ва фан эҳтиёжларини инобатга олиб лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма қўлданмасини тажрибали ўқитувчи–профессорлар билан муҳокама қилиш;
- лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланмани яратишда республикамиздаги мавжуд ОТМларининг талаблари доираси, яъни уларнинг таҳсил олиш шароитлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш;
- фан ўқув дастурини услубий қўлланмани яратишда асос қилиб олиш;
- таклиф этиладиган лаборатория топшириқлари ва уларни бажариш жараёни ўқувчиларни фаолликка ундаши, маълумот бериш билан чекланмаслиги, ўқувчиларни танқидий фикрлашга ундаши, аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтириши лозим.

Лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган ўқув услубий қўлланма қўлданмаси билан ишлаш жараёнида муаллифлар қуйидаги талабларга амал қилиши тавсия этилади:

- лаборатория машғулотлари ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, олий ўқув юртлири намунавий ўқув режасига киритилган мазкур фан дастурига

асосланиши;

- мазкур фаннинг сўнгги ютуқларини қамраб олиши;
- мазкур фан соҳасида хорижий муаллифлар томонидан яратилган янги лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган ишланмалардан фойдаланиши;
- замонавий педагогик технология асосида билимни мустақил назорати учун тестлар, амалий топшириқлар(мисол ва масалалар) билан таъминланган бўлиши;
- ўзлаштиришга ёрдам берувчи безамлар, тасвир ва чизмалар билан таъминланган бўлиши;
- билимни мустақил ривожлантириш соҳалари ва ўқув амалий адабиётларга тавсиялар бўлиши лозим.

Лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган топшириқлар қуйидаги мезонлар асосида тузилади:

1. Топшириқларни тушунарли ва мантикий усулда тузиш, бажариш жараёнини осонлаштириш учун иллюстрация ва чизмалардан фойдаланган ҳолда жойлаштириш.

2. Талабаларни ёши, физиологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда топшириқни тушунарли, раво ва қизиқарли шаклда тузиш, лаборатория мазмунига алоқадор фикрларни аниқ ифода этиш.

3. Топшириққа тегишли билимларни қисқа баён қилиш ҳамда манба билан ўзаро теран боғлаш.

4. Топшириқни тузишда ўзига хос ва бетакрорликни, ўқув предметига ва ўқувчининг билимга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиш.

5. Мазмуннинг аниқлиги, рангларга мослиги, беҳатолигини таъминлаш.

6. Топшириқ ҳажмига эътибор бериш.

7. Ўқитувчи – талабаларни берилган топшириқ устида ишлашга ва амалда қўллашга имкон яратувчи мезонларга амал қилиш.

Лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган топшириқлар ўқувчиларнинг давлат таълим стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билим, малака ва кўникмаларни фаол ва онгли суратда ўзлаштиришга ёрдам берувчи, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган асосий восита ҳисобланади.

Лаборатория машғулотлари фан асосларининг ҳаёт билан, кундалик турмуш билан ўзаро боғланиши амалга ошириши, ҳозирги замоннинг, табиат ва жамиятнинг бош муаммоларини тушунишда ўқувчиларга кўмаклашиши, ривожлантириши лозим. Шунингдек, ўқувчиларда ўз билимларини узлуксиз такомиллаштириш ва мустақил билим олишни давом эттириш имкониятларини очишга ёрдам бериши керак.

Лаборатория машғулотлари муайян йўналишдаги билимлар беришдан ташқари, ўқувчиларда оламни, табиат ва жамиятни идрок этишга оид табиий ва ижтимоий фанларга оид тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Муаллифлар “Қурилишда ахборот технологиялари»дан лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган топшириқларни тузишда республикамиз ва хорижий мамлакатлардан орттирилган бой тажрибалардан кенг фойдаланиши

мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Микшина В.С., Еремеева Г.А., Назина Н.Б. и др. Лабораторный практикум по информатике: Учебное пособие для вузов. Под ред. В.А. Острейковского. -М.: Высш. шк. 2003. -376 с.

2. Назаров У. А., Каримов А.А., Ҳайдаров Р. Н., Элмурадов Б.Э. PAGEMAKER дастурида ишлаш. Талабаларнинг «Информатика ва Ахборот технологиялари» фанидан амалий ва лаборатория машғулотларини бажаришлари ҳамда мустақил ишлашлари учун услубий кўрсатма. Самарканд. СамДАҚИ, 2008 йил 40 бет.

3. Тайлақов Н.И., Элмурадов Б.Э. Лаборатория машғулотларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар //Узлуксиз таълим. 2009, №3. 74-79 б.

Олий таълимга инновацион педагогик технологияларни жорий этиш муаммолари

СамДАҚИ ассистентлари Р.Т.Парманова, Ш.З.Юзбоева, магистр Бердиев Ж

Ҳар қандай инновацион жараёнларни жорий этиш назарияси ва амалиёти таҳлили асосида камида икки гуруҳ муаммо аниқланади.

-Ўқитувчи томонидан таълимий технологияни эгаллаш ва уни олий мактаб амалиётига жорий қилиш муаммоси.

-Талабаларни ўқитувчи томонидан танланган таълимий технологияни қўллаш шароитида ўқишга тайёрлаш муаммоси.

Талабаларни янги таълимий технологияларни эгаллаш шароитида тайёрлаш муаммоси ечиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг янги фаолият турига боғлиқдир.

Олий ўқув юртида янги технологияларни эгаллаш муаммоси, аксинча, умумий аҳамият касб этади.Чунки педагогик инновацияларнинг барча субъектлари у билан у ёки бу даражада бирдай тўқнаш келади.

Ўқув юртларида пайдо бўлган инноватор ёки унинг жуда кичик гуруҳ янги фаолият тури ташувчиси сифатида ўзига хос намуна ҳисобланади.Бироқ бундай ҳолатда,тажрибанинг кўрсатишича, технологияни эгаллаш муаммоси жамао билан ечилмайди, чунки инноваторнинг қийинчиликка,баъзан муҳитнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиши бошланади.

Интеграл технологияларни олий мактабда бирмунча оғриқсиз ўзлаштиришнинг йўли ректорат(деканат) қўллаб -қувватлаши остида ишлайдиган ўқитувчилар жамаоси тузишдир.Табийки,гуруҳ ядросини қандайдир методик тизим.Қатор ўқитувчилар анъанавий ўқитиш усулларини хуш кўрадилар ХЭНК Беккер тадқиқотининг кўрсатишича, ”анъанавий” ўқитувчи “конструктив” ўқитувчига нисбатан янги технологиялардан фойдаланиши учун уч карра кам иштиёқ билан ёндашар экан.

Бу кучсиз тайёргарликдан ҳам, иштиёқнинг йўқлигидан ҳам аниқ азият чекамиз. Шунинг учун барча фанлардан талабаларни ижодий фикрлашга ундайдиган, муаммоли вазиятларга эга бўлган масалалар, топшириқлар, ҳолатларни ўз ичига олган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари шунингдек

услугий кўрсамалар яратиш зарур. Бу борада физика фанини ўқитишда талабаларга сифатли масалалар тавсия қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим- тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохатларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи-янги педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. Олий таълим тизимида замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим жараёни махсус фан ўқитувчисидан ижодкор фаолиятни талаб этади. Булажак мутахассис ўқитувчиларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш йули билан таълим жарёини такомиллаштириш ва бошқа илғор тажрибаларни ўрганиб уларни дарс жараёнида қўллаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Биринчи Президент И.А Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг (1997 йил 29 август)

IX сессиясида сўзлаган нутқда амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёини технологиялаштириш билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Бу илғор педагогик ва ахборот технологияларни таълим тизими, саноат ва ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш ва амалга тадбиқ этишни кўзда тутди. Янги педагогик технология- эски қотиб қолган қолипдан чиқиш янги- янги дарс бериш усулларидан моҳирона фойдаланган ҳолда талаба - ўқувчи билим даражаларини ошириб бориш, билим бериш билан бир вақтни ўзида дарсга боғлаб миллий маънавиятимиз элементларни талаба онгига сингдириб боришдир. Янги педагогик технология асосида чет тили дарсларини ўтишда айниқса, ноанъанавий дарс усуллари қўл келади. Биз қўйдаги ноанъанавий дарс турларини тавсия қиламиз. Баҳс, саёҳат, конференция, мусобақа дарси, Мўжизалар майдони, мунозара дарси, якуний синов дарси ва ҳ.к. Янги педагогик технология асосида юқорида кўрсатилган ноанъанавий дарс турларининг ҳар бирида талаба ўқувчи актив ҳаракатланувчи куч, ўқитувчи ҳамкор сифатида иштирок этади. Янги педагогик технология асосида ўтилаётган дарсларда ўқитувчи талабаларга усталик билан яхши психологик таъсир этиб, дарсни бошқариш туради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Tursunov I., Nishonaliyev U. Pedagogika kursi. T.2005
2. Munavvarov A.K. Pedagogika. “O’qituvchi”. 2007
3. www.pedagog.uz
4. www.ziyonet.uz

Институтда мутахассислар тайёрлашда жисмоний маданият ва спортнинг аҳамияти

*Хусаинов Шамсиддин Самарқанд Давлат Архитектура-қурилиш институти,
Қосимов Убайдулла Самарқанд Давлат Архитектура-қурилиш институти*

Жисмоний маданият кафедрасининг иш фаолияти ҳозирги вақтда асосан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2011 йил 17 сентябрь 392-сонли буйруғи билан тасдиқланган тажриба синов намунавий дастурини ўқув жараёнига тадбиқ қилишга қаратилган. Жисмоний маданият

институтлар умумий ва танланган касб маданиятини яратишда ҳозирги замон мутахассислари учун муҳим бўлиб, талабаларни инсонпарварлик, жисмонан соғлом, баркамол қилиб тарбиялашдиир.

Шундай экан, жисмоний маданият, ҳамма мутахассислар учун мажбурий, шахсни ҳамма тамонлама жисмоний тайёргарлигини таъминлайдиган, соғлиқни мустаҳкамлаш ва жисмоний руҳий ҳолатини танланган амалий касбга тайёрлашдан иборат.

Бу дастур ташкилий дастур ҳужжати бўлиб, барча олий ўқув юртларида жисмоний таълим ва тарбиянинг асосий мазмунини белгиловчи шахсан талабаларни ўргатишга қаратилган.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб, тарихан қисқа вақт ичида спорт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Республика президентининг фармонлари ва ҳукуматнинг махсус қарорлари асосида жисмоний тарбия ва спортга муҳим эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғриси”даги 271-сонли қарорида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг барча қатламларини айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун кенг жалб этишга қаратилган.

Қарорда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш тadbирларидаги ўқув муассасаларида жисмоний тарбия бўйича мажбурий машғулотларининг кўпайтирган соатларини ўқув режа ва дастурига киритиш бўйича таклифларини вазирликка топшириш, спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинларини жисмоний тарбия ўқув дастурга киритиш, олий таълим муассасаларида спорт турлари бўйича шуъбаларининг фаолиятини жонлантириш ва уларга ёшларни кенг жалб этиш, талабаларни бўш вақтлардан фаол фойдаланиш, уларни соғломлаштириш мақсадида талабалар уйида гимнастика ва спорт турлари бўйича мавжуд шуъбаларни мунтазам равишда шаклланиши институт профессор-ўқитувчилари, талабалари (хотин-қизлар) учун спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароитлар яратишни назорат қилиш топширилсин деб таъкидлаган.

Шундай экан, Олий ўқув юртларида юқори даражали спортчиларни тайёрлаш билан бирга кўпроқ оммавий спорт соғломлаштириш ишларига эътиборни қаратиш кишиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш оилавий мусобақаларни мунтазам ўтказиш, жисмоний тарбия дарсларининг мазмунли ва сифатли ўтказишини таъминлаш ёшларни соғлом ва баркамол инсон ҳамда илғор билимли мутахассислар бўлиб етишишига асосий омил бўлиб ҳисобланади.

“Ўзбекистонда болалар спортни ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги (2002 йил, 24 октябрь) қарорлари мамлакатда аҳолининг саломатлигини яхшилаш айниқса талаба-ёшлар жисмоний тайёргарлигини тарбиялаб етиштиришда энг муҳим омиллардан бири сифатида ҳизмат қилмоқда. Бу йўлда янги спорт иншоатлари, майдонларни қурилишини

кўпайиши турли спорт мусобақалари “Универсиада” спорт ўйинларининг вилоят ва республика босқичларда жамоаларнинг қатнашиши, юртимиз учун иқтидорли спортчилар етиштириб беришда хизмат қилиши табиийдир.

Жисмоний маданият кафедраси ўқитувчилари ва мураббийлари томонидан ҳозирги кунга қадар тайёрланган разрядли спортчилар сони:

-5150 дан ортиқ оммавий разрядли спортчилар;

-2100 дан ортиқ 1-разрядли спортчилар;

-320 дан ортиқ спорт усталиги номзодлар;

36 нафар спорт устаси;

-3 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси тайёрланган.

- Иститут қўл тўпи жамоаси 6 карра Ўзбекистон чемпиони унвонига эришди.

Жисмоний маданият кафедрасида 10 дан ортиқ спорт тўғараклари мавжуд бўлиб, унда ўқув машғулоти мунтазам олиб борилмақда.

Кафедрада ўқитиладиган фанлар бакалаврият, жисмоний маданият ва спорт, валеология асослари курси.

Кафедрада олиб борилаётган оммавий спорт ишлари. Кафедрада 10 дан зиёд спорт турларидан машғулоти ташкил этилган. Жумладан: кураш, стол тенниси, вoleyбол, (ўғиллар) вoleyбол (қизлар), қўл тўпи (ўғиллар), қўл тўпи (қизлар), баскетбол (ўғиллар), шахмат, футбол, тош кўтариш, оғир атлетика каби тўғаракларда талаба ёшлар, профессор – ўқитувчилари учун соғломлаштириш гуруҳи мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу тўғаракларни самарали ўтказиш учун катта спорт зали, кураш, тош кўтариш заллари ва очиқ спорт мажмуаси талабалар ихтиёрида. Кафедра аъзолари зиммасида талаба ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш уларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларни янада ошириш каби вазифаларни юклайди. Иститутимизда юқори маҳоратга эга бўлган спортчи талабаларни танлаб олиш учун дарсдан ташқари турли спорт мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган ва ўтказилиб келмоқда. Бу борада кафедрада бажарилиш лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва ушбу режа асосида олиб борилмоқда.

Кафедрада профессор-ўқитувчилар томонидан “Жисмоний маданият ва спорт”, “Валеология асослари курси” фанларидан илмий услубий, ўқув услубий мажмуалар, ўқув услубий кўрсатмалар, услубий қўлланмалар ва илмий мақолалар тайёрланиб келмоқда.

Республикада жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиборнинг йилдан йилга ўсиб бориши ёшларнинг унга бўлган муносабатини янада юқори поғонага кўтаришини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да белгиланган вазифаларни таълим олувчиларнинг жисмоний тарбия ва спортда фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш зарурлиги кўрсатилган.

Ёшларнинг дарсдан бўш вақтларида доимий равишда спорт билан шуғулланишларини яратиш барча таълим ўқув юртлирининг бош масаласи

этиб белгиланиши айtilган.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ёшларнинг кундалик эҳтиёжига айланмоғи зарур, шу билан бирга спорт ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришда, соғлом турмуш тарзида, баркамол инсон бўлиб етишишига қонунбузарлик ва ҳар хил иллатлардан холос этишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Ёшлар ва умуман инсоннинг баркамоллиги жисмонан маънан ва ақлан етуклик даражаси билан белгиланади. Ана шу уч жихатнинг уйғунликда ривожланиши баркамолликни таъминлайди.

Соғлом инсон исталган жамиятда катта кучга эга. яратувчилик вазифасини бажаради, қувонч интеллектуал ва жисмоний қобилиятнинг манбаси ҳисобланади. Инсон эҳтиёжи бўлмиш саломатликни мустаҳкамлаш далзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Жамиятда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан бой ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишига кенг жалб этишни таъминлашга йўналтирилган, комплекс тадбирлани амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун педагогикада ёшлар жисмоний тарбияси саломатликни сақлаш ва яхшилашга соғломлаштирувчи жисмоний тарбия турлари, услуб ва усулларига, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган, соғломлаштириш тизими сифатида кўриб чиқилади.

Дардан ташқари ташкил этилган спорт тўғаракларининг асосий мақсади жисмоний камолотга етиш ҳақидаги кўникмаланинг шаклланишига хизмат қилади. Спорт тўғаракларида қатнашган ёшлар ҳаётида зарур кўникмалар билан қуролланади, қийинчиликларни енгиб ўтиш фаоллик, довураклик, қатъиятлик, интизомликни намоён этадилар.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол ва юксак фазилатли сифатида тарбиялашди жисмоний маданият ва спортнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки республикамиз таълим тизимида ўзбек миллий халқ ўйинларининг ва спорт тўғаракларининг ёшлар жисмоний, маънавий ривожлантириш воситаси эканлиги мустақилликка эришгандан бери олиб борилаётган ишлардан ҳам билсак бўлади.

Спорт тўғараклари ҳаётда ёшларнинг тетик, эпчил, бақувват, мувозанатни хис этиш, ўзини қаршиликлардан ҳимоя қилиш, соғлиқни мустаҳкамлаш каби хислатларни шакллантиришда катта рол ўйнайди.

Жисмоний тарбиянинг энг асосий вазифаси инсон саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш. Шундай экан, инсон саломатлиги тиббий педагогик тадқиқотларнинг объекти бўлиши керак. Бу ерда жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, юрак-қон тизимининг ишлаши, жисмоний тайёргарлик ва жисмоний аҳвол саломатликнинг таркибий элементлари эканлигини қайт этиш муҳим. Шунинг учун инсонни бошқариш ва унинг жисмоний етуклигига эришиш учун жисмоний тайёргарликни қатор кўрсаткичлар (жисмоний ривожланиш ва гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёргарлик) бўйича комплекс баҳолаш

керак бўлади. Олинган маълумотлар асосида инсон саломатлиги даражасини аиклаш мумкин. Жисмоний комилликка эришиш жараёнини индивидуаллаштириш учун эса инсоннинг шахсий хусусиятларини билиш лозим. Бунинг учун турли психологик тестлардан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”даги 271-сонли қарори.

2. Ўзбекистонда болалар спортни ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги (2002 йил, 24 октябрь) қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.

“Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги қонун (2015 йил 4 сентябрь).

Спортивные соревнования и их системы усовершенствования в вузах

*Заведующий кафедрой «физической культуры» Сам. ГАСИ. Ш.Я.Хусаинов,
преподаватели Қ.А.Эшмурадов, Б.К.Намозов.shamsiddin-1971@mail.ru*

Спортивная деятельность – это оптимальное средство развития физических и духовных способностей личности студента. В среднем 10% студентов занимаются в группах спортивного совершенствования и около 15% принимают участие в различных соревнованиях. Наиболее популярными видами спорта в среде студенческой молодежи являются спортивные игры, некоторые виды единоборств.

В то же время существует группа престижных видов спорта, не реализуемых в практике жизнедеятельности студентов. К таким видам следует отнести большой теннис, плавание, различные виды каратэ.

В процессе обучения у студентов меняется отношение к спортивному совершенствованию. Статистика свидетельствует, что только треть студентов-спортсменов сохраняет уровень своей спортивной активности на всем протяжении учебы в вузе. Если на младших курсах около 15-20% студентов принимают участие в спортивных соревнованиях, то на старших курсах доминирование направленности студентов на профессиональную подготовку приводит к тому, что только 5% студентов участвуют в спортивной жизни вуза. Преобладают три формы такого участия: учебные занятия по физическому воспитанию, занятия студентов в различных спортивных секциях и спортивные соревнования.

Рекомендации для совершенствования системы внутривузовских соревнований:

- расширение количества видов проведения соревнований первокурсника;

- проводить открытые Первенства института по видам спорта, не входящим в программу Универсиаде, но популярным среди студентов;
- расширить количество видов проводимые в общежитий;
- привлечь средства массовой информации, в том числе и телевидение, для популяризации соревнований в институте;
- увеличить прием в секции студентов с факультетов;
- проводить Первенства факультетов по различным видам спорта;
- проводить спортивные праздники;
- подготовку, проведение и судейство соревнований выполнять силами студентов института под руководством и при непосредственном участии тренеров, преподавателей по видам спорта и председателя спорт клуба института.
- приглашать на проведения соревнований и награждения руководство факультетов и института.

Список литературы:

1. О внесении изменений и дополнений в закон Республики Узбекистан «О физической культуре и спорте» 5 сентября 2015 года.
2. А.Н.Нормуродов Физическое воспитания. Ташкент–1998 г

К истории изучения монет династии джанидов.

Шпенёва Л.Ю. к.и.н. старший преподаватель кафедры История Узбекистана Сам ГАСИ

На рубеже XVI и XVII вв. в Центральной Азии произошла смена династии: Шейбанидов у власти сменили Джаниды, правившие страной с XVII вв. до середины XVIII в. Сейчас этот период является одним из наиболее разработанных разделов истории. И это благодаря огромному количеству рукописных источников, причем не только нарративных, но и актовых. В них отражены самые разные стороны жизни общества, подробнее всего освящена политическая история, духовная и культурная деятельность, отчасти некоторые аспекты экономической сферы. Однако специфика мусульманских рукописных источников заключается в том, что они крайне редко затрагивают такую важную сферу деятельности, как товарно-денежные отношения, денежное обращение, монетное дело. Практически единственным источником для изучения всех этих вопросов являются сами монеты.

У истоков изучения мусульманских монет стояли такие крупные востоковеды прошлого столетия как Х. М. Френ, Г.В.Тизенгаузен, С. Лен Пуль, А.К.Марков, Р.Фасмер, и другие в трудах которых с разной степенью подробности опубликовано небольшое количество монет ХУII –ХУIII вв. Х.М. Френом были заложены основы изучения восточных монет, осуществлена их классификация. В середине XIX столетия была опубликована работа В. Вельяминова-Зернова «Монета Бухарская и Хивинская», в которой Джанидам посвящено 12 страниц, где дано описание 14

видов золотых и серебряных монет, ранее уже опубликованных Х.М. Френем. Далее в литературе появлялись редкие публикации джанидских монет : Н.П.Остроумов, И.В. Аничков « Описание археологической и нумизматической коллекций, принадлежащих Ташкентскому музею и туркестанскому археологическому кружку», Р.Шерцаль «Описание медалей и монет, хранящихся в нумизматическом Императорского Харьковского университета» В.Г. Тизенгаузенем дано описание довольно значительных нумизматических собраний того времени А.В. Комарова и Н.П. Линевича, в котором довольно много внимания уделено золотым и серебряным монетам.

Венцом дореволюционного этапа в изучения мусульманской нумизматики Центральной Азии, в том числе и джанидского периода, следует считать опубликование А.К. Марковым «Инвентарного каталога мусульманских монет Императорского Эрмитажа», издание которого продолжалось несколько лет, по мере поступления нового материала. Значение каталога трудно переоценить, но следует напомнить, что преследовал он чисто публикационные цели, некоторые чтения А.К. Маркова впоследствии потребовали поправок. На время публикации в Эрмитаже было 44 джанидские монеты. Но начало систематической регистрации монетных находок было положено М.Е. Массоном. Начиная с 1917 и по 1947 годы, осуществлялась регулярная фиксация единичных находок монет и кладов с территории Узбекистана, Таджикистана и Киргизии. Им был прочитан курс лекций по нумизматике Средней Азии, в котором одна из лекций была посвящена Джанидам, в ней было дано историческое введение, описание монет, название и номиналы, и сделана попытка наметить некоторые закономерности чекана и обращения. Вся история монетного дела XV¹¹-XV¹¹¹ вв. была разделена М.Е. Массоном на три этапа: 1 – до 1680 г., т.е. до смерти Абдаллазиз хана – серебряная монета хорошего качества; 2 – до 1711 г., т.е. до гибели Убайдулла хана, вес теньги падает, в ней много меди, порча завершается реформой Убайдулла ханом; 3 - с 1711 до конца династии, качество серебряной монеты несколько улучшается, вес становится низким, появляются золотые монеты. Дальнейшие исследования по этой теме показали правильность данных наблюдений (Давидович Е.А. 1964.С.5).

В советский период постепенно накапливаются монеты этой династии в различных музеях страны, особенно в Центральной Азии. В это время меняется подход к монетам от простого их собирательства и хранения в превращение их в полноценный исторический источник. И основная заслуга в этом принадлежит Е.А. Давидович, которая, начиная с 1953 г. продолжила эстафету М.Е.Массона по систематической регистрации монетных находок, но в основном с территории Таджикистана (Давидович Е.А. 1954, 1955,1956,1959). Следующие ее шаги были направлены на публикацию отдельных монет и в большей степени кладов, т.к. «последние открывают большие возможности и подобны самостоятельному рукописному произведению»(Давидович Е.А.1979.С.7) Ею была разработана методика исследования для мусульманских монет, проделана огромная

источниковедческая работа: анализ значения монетных терминов, классификация монет. И написана монография посвященная монетному делу XVII – XVIII вв. включая полные каталоги золотых и серебряных монет этой династии, разработан механизм денежного обращения (Давидович Е.А. 1964.).

Постепенно происходит увеличение фонда джанидских серебряных монет, и ряд исследователей обращается также к данной тематике. Б. Д. Кочнев опубликовал ряд статей посвященных золотым и серебряным монетам этой династии. На сегодняшний день источниковедческая база увеличилась во много раз. Поскольку денежное обращение в сфере серебра Джанидов было основано на постоянном изменении пробы монет, то при сегодняшнем исследовании серебра необходимо опираться на анализ монет, для всех новых ранее неизвестных типов и полученные данные необходимо еще раз сопоставить с письменными источниками.

Использованная литература.

1.Бурнашева Р.З. Два клада джанидских тенег XVII в. С территории Южного Казахстана. В сб. Прошлое Казахстана по археологическим источникам. Алма-Ата.1976.

2.Бурнашева Р.З. Денежное обращение в городах Южного Казахстана в XV-XVIII вв. Туркестан. 2006.

3.Вельяминов–Зернов В.В. Исследование о касимовских царях и царевичах. ТВОРАО ч.2 СПб.1864.

4. Вельяминов-Зернов В.В. Монета Бухарская и Хивинская. СПб. 1859.

5.Давидович Е.А.Заметки по нумизматике Средней Азии. Ч.1.(Караханиды, Джагатаиды, Джаниды). Материальная культура Таджикистана. Вып.2. Душанбе.1971.

6. Давидович Е.А. История монетного дела Средней Азии XVII-XVIII вв. Душанбе.1964.

7. Давидович Е.А. История средневековой Средней Азии. М.1983.

8.Давидович Е.А. Клад серебряных монет (танга) Шейбанидов и Джанидов и некоторые вопросы денежного обращения в XVI-XVII вв. Эпиграфика Востока. Вып. XXIV Ленинград. 1988.

9.Массон М.Е. Монетные находки зарегистрированные в Средней Азии за время с 1917 и по 1927 гг.// Известия Узкомстариса. Вып.№3.Ташкент.1928.

10.Марков А.К. Инвентарного каталога мусульманских монет Императорского Эрмитажа. СПб. 1896.

К проблемам подготовки учителя и организации развивающегося обучения.

Ассистент СамГАСИ Р.Т.Парманова, студент МКК 104-группы З.К. Насимов

В качестве основной характеристики тенденции развития образования в современной социокультурной ситуации можно обозначить разработку стратегии образования, определение перспектив эволюции педагогического знания и педагогического образования XXII века, попытка преодоления

свойственных этому процессу противоречий.

Выход из создавшегося положения не представляется возможным при всех прочих условиях без формирования педагогической культуры учителя.

Педагогическая культура- есть сущностная характеристика личности и развивающей педагогической деятельности учителя. Интегративным качеством педагогической культуры учителя является творчество, творческая деятельность, направленная на сотворение развитой культуру творящей личности. Педагогическая культура, как и любое творчество, есть единство нормативного и креативного (творческого), причем значение последнего в условиях обновления образовательной практики должно быть особенно актуализировано.

Исследование основывается на принципиальных положениях педагогического образования, личностно- ориентированного образования на идею гуманизации профессионального и личностного становления педагога как основополагающего элемента нового педагогического мышления, культурологического подхода, теорию общепедагогической подготовки учителя, формирования педагогического мастерства, педагогического творческой педагогической деятельности.

Анализ позволяет выделить основные проблемы профессионально-педагогической подготовки учителя, подвергаемые активному исследованию проблем:

- творческой направленности деятельности педагога,
- общепедагогической подготовки учителя,
- формирования педагогического мышления,
- педагогического творчества,
- дидактической подготовки учителя,
- подготовки учителя к реализации целостного педагогического процесса,
- технологического подхода в школьном и вузовском образовании,
- методологической культуры педагога.

Формирование педагогической культуры учителя, способного успешно организовать развивающее обучение, обеспечивается на основе программно и системно организуемой учебно-воспитательной деятельности в процессе его профессионально-педагогической подготовки.

Педагогическая культура учителя в контексте развивающего обучения, предполагает особое мастерство, умение осмыслить, принять и творчески реализовать теории и методические системы развивающего обучения, требующие структурной и содержательной перестройки учебного процесса, осмысления и сознания противоречий в теориях и практике развивающего обучения, она предполагает гибкие творческие умения конструировать образовательный процесс, разрабатывать сценарий урока, реализующий потенциальные интеллектуальные и эмоционально -ценностные возможности каждого ученика. Педагогическая культура учителя, способного организовать успешно развивающее обучение, представляет собой своеобразную микро педагогическую культуру.

Для формирования педагогической культуры учителя, его готовности к успешной организации развивающего обучения разработана дидактическая разно уровневая система (содержательно-целевой, методический, процессуальный аспекты) его подготовки к развивающему обучению.

Разработана модель теоретической и практической подготовки учителя, включающая:

- усвоение теоретических знаний по проблемам развивающего обучения на лекционных и практических аудиторных занятиях;

- наблюдение фиксации, анализ образовательного процесса в условиях развивающего обучения на лабораторно-практических занятиях в школе;

- конструирование дидактических моделей «развивающего урока» в контексте содержательно-целевого, методического, процессуального и практически-результативного аспектов на аудиторных лабораторно-практических занятиях;

- проведение, анализ и самоанализ «Развивающего урока» студентами в аудиторных семинарских и лабораторно-практических занятиях;

- самостоятельную работу по изучению первоисточников, программ и учебников по дидактическим системам развивающего обучения и проведение коллоквиумов по самостоятельной работе (по сетевому графику).

Опытно –экспериментальная проверка подтвердила высокую эффективность разработанной дидактической системы подготовки будущего учителя к развивающему обучению проведенное исследование позволило сформулировать педагогические условия, обеспечивающие подготовку учителя к успешной организации развивающего обучения.

Литература

1. Новые педагогические и информационные технологии/Под ред.Е.С.Полат.-М.,-1999

2. Шехтер И.Ю. Комплексное применение технических средств при обучении иностранному языку.-М.: Академия,-1999.

“Яхлит мухитлар механикаси” мавзусини янги педтехнология асосида ўқитиш.

*доц. О. Рахимов, (Сам ДАҚИ), Ибодуллаев Панжи. Абдугани ўгли Сам ДАҚИ
101 –КМЭва УБ*

Бугунги кунда ҳар бир фандан шу даражада кўп илмий маълумотлар тўпланганки, уларнинг анъанавий ўқитиш усуллари ёрдамида ўқитиш дастурларида ажратилган соатлар давомида талабага етказишни иложи йўқ. Шунинг учун ҳам юксак техник тараққиёт ва бозор иқтисодиёти замонида мутахассис рақобатбардош бўлиши учун кўшимча билимларни мустақил равишда олиши зарур.

Айниқса, муҳандислик коммуникациялари қурилиши, бино ва иншоотлар қурилиши, шаҳар қурилиши ва хўжалиги мутахассислари учун газ ва ичимлик сувини истемолчиларга етказиб бериш муҳим. Газ ва ичимлик сувлари

иншоатларини куриш ва етказиб бериш тармоқларини яратишда узлуксизлик тенгламаси ва Бернулли тенгламаси ҳамда уларнинг қўлланилишини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу мавзу катта ҳажмни эгаллайди ва кўп ўзлаштириш соатини талаб қилади, дарс ўтиш учун эса кам вақт ажратилган. Бунинг учун талабаларни таълимнинг ҳамма поғоналарида мустақил ишлашга, ижодий ва танқидий фикрлашга ўргатиш, унда билим олиш ички мотивациясини, мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга эътибор бериш лозим. Бу масалалар замонавий педтехнологиянинг асосий элементларидан ҳисобланади.

Продуктив ўқитиш усуллари шахсни мустақил билим олиш, мантиқий ва ижодий фикрлаш, ҳодисанинг сабабини тезда англаш қобилиятини ривожлантиришга, назарий билим амалиётини боғлаб олиб боришга ҳамда илмий асосланган билимларни олишга йўналтирилган.

Юқорида айтилганлардан репродуктив ўқитиш усулининг самарадорлиги паст ва ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулоса чиқмайди. Аслида ҳар қандай ўрганиш ва ўқиш жараёни репродуктив усул асосида бошланади. Ҳар бир фаннинг асосларини ўрганиш ва билим захирасига эга бўлиш репродуктив усулда бўлади. Фундаментал билим ва кўникмаларга эга бўлгандагина ижодий фикрлаш ва нотаниш масалаларни ечишга имконият пайдо бўлади.

Замонавий педтехнологияда талабаларни танқидий фикрлашга ўргатишга, ақлий ҳужум ва гуруҳий иш услубига катта эътибор берилади.

Илмий иш мақсади замонавий педтехнологиянинг гуруҳий иш усулида “Суюқлик ва газлар механикаси элементлари” мавзусини ўрганишдир. Ишлаш усулида фойдаланиш учун синфдаги талабалар кичик (2÷5 кишилик) гуруҳларга бўлинади. Кейинчалик, бу гуруҳларга бир хил мазмундаги мавзуларни ўзлаштиришни топшириш мумкин.

Гуруҳларга тарқатилиши керак бўлган материалларни ва тестларни тузишда қуйдагиларга эътибор бериш лозим.

Суюқликларнинг ташқи босим остида кўп сиқилмаслиги, оқувчанлик хоссаси. Газлар эса сиқилилувчанлик, солинган идишни бутун ҳажмини эгаллаши ва оқувчанлиги. Газ ва суюқликларни характерловчи катталикларнинг ўхшашлиги, уларни ўрганшида бир хил ёндашувни инобатга олиш керак.

Суюқликлар ва газлар учун Паскал, Архимед, Пуазейли, Ньютон қонунлари. Узлуксизлик тенгламаси $\frac{\rho g^2}{2} + \rho gh + p = const$ - Бернулли тенгламаси. Уларнинг турмушда ва техникада қўлланилиши. Гидростатик, динамик, статик босимлар ва уқларнинг бир-бирларига айланиши.

Гидромеханика, аэромеханика- механиканинг бир бўлимлари.

Суюқлик қовушқоқлиги (ёпишқоқлиги) ва унинг харорат ва тезликларга боғлиқлиги. Ламинар ва турбулент оқим. Рейнольдс сони. Жисмларнинг суюқлик ва газлардаги ҳаракати.

Гуруҳий ишнинг афзаллиги талабага танқидий ва мустақил фикрлаш,

мулоқот ва ҳамкорлик қилиш қобилиятини савол бериш маданиятини ривожлантиришга кўмаклашади. Гуруҳий иш усули орқали юқори даражада фикрлашга, материални пухта ўзлаштиришга, гуруҳ аъзолари орасида ижобий ва дўстона муносабатларини ўрнатишга ҳамда улар орасида руҳий мувофиқликка эришиш мумкин. Талабалар бир-бирини ўқитади. Дарс вақтида унумли фойдаланиш ва ўз ўзини бошқариш имконияти ҳосил бўлади. Гуруҳларни тузиш, гуруҳ ишини ташкил қилиш учун мақсад ва мазмун пухталиқ билан ўйлаб чиқилган бўлиши, гуруҳлар учун илмий асосланган тарқатма материаллар, техник жиҳозлар ва керакли шароитлар муҳайё бўлиши лозим. Гуруҳларни тузишда талабалар орасидаги муносабатлар, характерлари, жинси, уларнинг билим даражаси ва фаоллиги ҳисобга олинishi лозим бўлади. Ўқитувчи ҳар бир талаба ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Ҳамма гуруҳларда билим даражалари инобатга олинган ҳолда талабалардан тузилиши керак. Гуруҳларда сардорлар тайинланиб, тарқатма материаллар, тегишли адабиётлар ва техник воситалар билан таъминланиши лозим. Гуруҳий ишда тайёргарлик кўриш вақтида талабалар мавзуга тегишли истаган савол билан ўқитувчига мурожаат қилишлари мумкин. Ўқитувчининг вазифаси гуруҳларни ташкил қилиш материалларни тўғри тузиб тарқатишдан, саволларга жавоб беришда мақсадни аниқ ва тўлиқ баён қилишдан, техник воситалар, адабиётлар рўйхатини, оғзаки, ёзма саволларни, тестни таёрлашдан, гуруҳлар фаолиятини, шунингдек, ҳар бир талабанинг билимини тўғри баҳолашдан, умумий жараёни мақсад сари етаклашдан, четга чиқиб кетмаслигини назорат қилиб олиб боришдан иборат. Ҳар бир гуруҳий ишда гуруҳ аъзоларини алмаштириб туриш ҳам яхши натижа беради.

Таъкидлаш лозимки «Суюқлик ва газлар механикаси элементлари» бир назарий дарс давомида ўзлаштирилиши керак. Шунинг учун бу дарсга тайёргарлик дарс бўлишидан камида бир ҳафта олдин гуруҳлар талабаларига олдиндан эълон қилиниши керак ва керакли ҳамма имкониятлар яратилиши лозим. Тайёргарлик фазасидан кейин дарсни ўтказиш тартиби қуйидагича бўлади: навбат билан ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи доскага таклиф қилинади. Унга ўқитувчи билан биргаликда талабалар ҳам савол беришлари мумкин. Аммо, саволлар сони чекланган бўлиши керак. Мантиқсиз саволлар беришга йўл қўйилмайди. Ҳамма талабалар шу тарзда синовдан ўтади. Ўқитувчи томонидан ҳар бир талабанинг жавоблари, савол беришлари, дарсга фаоллиги ва ижобий ёндошганлиги баҳолаб борилади. Бир хил мазмунда иш олиб борилган гуруҳларнинг билими синовлар орқали солиштирилади. Жорий баҳолар асосида якуний баҳо ҳам қўйилади. Гуруҳ аъзоларининг баҳоларига қараб, гуруҳ фаолиятига баҳо берилади. Талабалар билимини ёзма иш ёки тестлар орқали баҳолаш ҳам мумкин.

Барча мавзуларни гуруҳий иш усулида ўтказиш жуда мушкул, лекин ҳар бир семестрда ҳеч бўлмаганда катта мавзулар бўйича бир неча марта шундай дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Б.Л. Фарберман, Р.Г. Мусина, Ф.А. Жумабоева, Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Тошкент 2002.
2. Ф. С. Ганиев, Н. Н. Индиаминов. Аник фанларни дидактив принциплар асосида ўқитиш. Узлуксиз таълимда янги педагогик ва информацион технологиялар. Самарқанд 2003 . 94-96 бет.
3. Олий ўқув юртлари учун физикадан дарсликлар

Qiyosiy grammatikaning og'zaki suhbatdagi roli

A. Temirov

Bizga ma'lumki, otlarning ko'pligi ingliz tilida –s , -es, qo'shimchalarini qo'shish bilan yasaladi.

Boy-boys

Toy-toys

Girl-girls

Book-books

Pen-pens

Ko'rib turibsizki, bu jarayon o'zbek tilida, bir oz boshqacha namoyon bo'ladi. O'zbektilida –lar qo'shimchalar bilan otlarning ko'pligi yasaladi. Masalan:

Kitob-kitoblar

Qalam-qalamlar

Daraxt-daraxtlar

Bola-bolalar

Koptok-koptoklar

Lekin hamma vaqt ham –lar qo'shimchasi ko'ploqni ifodalamaydi. U fe'llarda qo'llanilib hurmat ma'nosida keladi. Masalan: onajonim vaqti bo'lmagani uchun kelmadilar (kelinning onasiga bo'lgan hurmati ifodalangan), yoki “Agar u kishi kelsalar, aytib qo'yaman” bu yerda kotiba qizning, xo'jayiniga bo'lgan hurmati –lar qo'shimchasida ifodalangan. Bu holatni o'zbek tilini yaxshi bilgan kishi anglaydi, ammo yaxshi bilmagan kishida muammo tug'diradi, chunki ingliz tilida fe'l ko'plikda ifodalanmaydi. Shunday holat ingliz tilini o'zbek tiliga qiyoslab ko'rganda ham yaqqol ko'zga tashlanadi. Hamma vaqt ham ingliz tilida –s, -es qo'shimchalari otlardagi kabi ko'plik yasovchi qo'shimcha bo'lib kelavermaydi. Present Indefinite Tensega , ya'ni noaniq hozirgi zamon uchinchi shaxs fe'llar –s, -es qo'shimchalari bilan yasaladi, lekin ko'plik ifodalanmaydi.

He goes to the Institute by bus every day.

My father wakls early in the morning .

O'rganilayotgan tilni ona tiliga qiyoslab o'rganish samarali kechadi. Tafakkurmizdagi ko'nikma suhbat jarayonida o'z aksimizni beradi, ya'ni muloqotda o'z ifodasini topadi. Muloqot bo'lmagan joyda fikr almashuvi ancha sekin kechadi. Bizga ma'lumki, tinglovchi ko'rib, eshitib, his etib qabul qiladi va olingan ma'lumot ongimizda ko'nikmaga aylanadi. Agar qabul qilish darajasi odamlarda turlicha

bo`lishini hisobga oladigan bo`lsak demak suhbat jarayoni qiyosiy grammatika muhim rol o`ynayshi kundek ravshan.

Ona tilini bolalikdan eshitib, ko`rib, his qilib o`rganib kelamiz. Lekin bu bizga sezilmaydi. Qachonki har bir Grammatik kategoriyaning o`sisini, o`rganayotgan tilimizdagi qaysi holat bola olishini tushunib yetsak, o`zlashtirishsamaradorligi oshadi, eslab qolish me`yerga yetadi.

Ingliz tilida qoidaga bo`ysunmasdan yasaladigan ko`plikdagi otlar o`zbek tiliga qiyos qilinsa, bir-biriga mos kelmaydigan holat yuzaga keladi:

Man-men
Child-children
Woman-women
Goose-geese
Tooth-teeth

Ko`rinib turibdiki o`zbek tilida otlarning ko`plikdagi shakli o`zgarib yasaladigan holat o`rganilmaydi.

Ingliz tilida shunday so`zlar borki, hech o`zgarishsiz ham ot, ham fe`l bo`lib kela oladi. Lekin ular o`zbek tiliga tarjima qilinganganda o`zgacha kasb etadim, shu jumladan o`zbek tilida ham. Buni bir necha misollarda ko`rib chiqiqshimiz mumkin.

Ot (ot) – hayvon , insonning yaqin do`sti. Ingliz tiliga quyidagicha tarjima qilishimiz mumkin bo`ladi. Horse is the best friend of people.

“Tong otdi. Quyosh sharqdan chiqdi” ingliz tiliga tarjima qilsak, “It`s dawn. The sun rises from the East”.

I) Ot- biron narsani uloqtirmoq ma`nosiga;

He throws litters. (u chiqindilarni chiqarib tashladi)

II) Ot - so`z turkumi;

The Noun is a part of speech.

Bunday misollarni ko`plab keltirish mumkin, asosiy maqsad leksik omonimlar og`zaki suhbatda muhim rol o`ynaydi. O`zbek tilida shakli o`zgarmagan ingliz tilida tarjimasini, gapning mag`zini, mohiyatiga qarab turlicha ko`rinishda bo`ladi. Suhbat jarayonida biz bo`lgan holda fikr yuritsak, bildirmoqchi bo`lgan fikrimiz aniq va tushunarli bo`ladi. Ingliz tilidan o`zbek tiligacha tarjima qilinganda ham shunday holatga duch kelamiz.

Can – it is the Modal verb

Can – it is the subject. This can is made of clay.

Bog` - Bu bog` katta va chiroyli

This garden is big and beautiful

Bog` - bir o`ram gul olib keldim.

I brought a bunch of flower.

Leksik omonimlar suhbat jarayonida muhim rol o`ynaydi. Chunki so`zlarning shakli o`zgarmagan holda turlicha tarjima qilinadi, bunda bizdan gaplarning mazmun mohiyatiga e`tabor qaratishimiz talab qilinadi. Bu esa suhbatdagi fikr tushunarli bo`lishini ta`minlaydi.

Qollanilgan adabiyotlar:


I) Shavkat Rahmatullayev “Hozirgi o`zbek adabiiy tili” 1997-y.

II) J. Во`ronov “Ingliz va o`zbek tillari qiyosiy grammatikasi”, 1973-y.

III) Дж. Буранов “Сравнительная типология английского и тюркских языков”, 1983-г

Электротехника курсида очизикли электр занжирлари мавзусини ўқитиш услубияти

Доцентлар: И.Турдибеков, Н.Холдоров, катта ўқитувчи Ф.Жамолов



Ом қонуни электр занжирларига оид асосий қонун бўлиб, занжирлардаги I ток ва U кучланиш ўзаро қандай нисбатда боғланганлигини ифодалайди. Ток билан кучланиш ўртасидаги $I(U)$ боғланишга вольт-ампер характеристика (ВАХ) дейилади. Агар занжир элементлари чизикли вольт-ампер характеристикага эга бўлиб, ток билан кучланиш орасидаги ўзаро боғланиш занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни:

$$I = \frac{U}{r}$$


бўйича содир бўлса, бундай занжирларга чизикли электр занжирлари дейилади. Уларнинг вольт-ампер характеристикаси тўғри чизик кўринишида бўлади (расм-1).

Резистор (ўтказгич) электр занжирда чизикли элемент вазифасини бажаради. Аниқлик билан айтганда резистор қаршилик ҳам очизикли бўлиб, занжирдаги ток қиймати ўзгариши билан унинг температураси ўзгаради ва қаршилиги ҳам ўзгаради. Бундай элементларни ток ва кучланишнинг маълум кичик қийматларидагина чизикли дейиш мумкин.

Биз иш кўрадиган кўпгина элементлар эгри чизикли вольт-ампер характеристикаларга эгадир. Бундай элементларга эга бўлган занжирларга очизикли электр занжирлари дейилади. Ночизикли элементларнинг турлари кўп ва улар техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Ночизикли элементларнинг вольт-ампер характеристикалари очизикли ва улар бири-бирдан кескин фарқ қилади.



Кенг тарқалган очизикли элемент сифатида икки электродли электровакуум лампани олиш мумкин. Электровакуум диоднинг ишлаш принципи термоэлектрон эмиссияга, яъни вакуумда қиздирилган металлдан электронларнинг учиб чиқишига асосланган. Расм-2. да икки электродли

электрон лампаларнинг вольт-ампер характеристикаси келтирилган. Лампа орқали ток катоднинг қиздирилиш даражасига ва анод



кучланишига боғлиқ бўлади. Электровакуум диоднинг вольт-ампер характеристикасидан кўриниб турибдики, лампанинг I токи маълум чегарада кўпаяди, шундан сўнг кучланишнинг ортишига қарамасдан тўйиниш ҳолати содир бўлади. Электрон лампанинг токни фақат бир йўналишда ўтказиш хусусиятидан ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантиришда фойдаланилади.

Яримўтказгичли диодларнинг вольт-ампер характеристикалари нозикли бўлиб, Расм-3.да келтирилган. Катта бўлмаган тўғри кучланиш уланганда диоддан катта миқдордаги ток ўтади, тескари ток эса катта тескари кучланишда ҳам кичик миқдорда бўлади. Диоднинг тўғри кучланишга қаршилиги Ом.нинг улушларидан бир неча Ом.гача, тескари кучланишга қаршилиги эса юз ва минг Ом.га тенг бўлади. Яримўтказгичли диодлар токни бир йўналишда ўтказиш хусусиятига эга. Шунинг учун яримўтказгичли диодлар ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантиришда ишлатилади.



Термоқаршиликлар ўтказгич қаршилигининг температурага боғлиқлигига асосланиб ишлайди. Расм-4.да термоқаршиликларнинг вольт-ампер характеристикалари келтирилган: $I_1(U)$ температура коэффициентлари мусбат ва $I_2(U)$ манфий материаллар учун. Термоқаршилик, одатда, мис ва платинадан ясалган бўлиб, температура ўзгарганда ўз қаршилигини ўзгартиради. Металл қаршиликларда температура билан электр қаршилик

ўртасида мутаносиб боғланиш бор. Термоқаршилиқ температураси ўлчанадиган муҳитга жойлаштирилади ва термоқаршилиқ қаршилигининг ўзгариши автоматик кўприк схемаси ёрдамида ўлчанади.

Металлар оксидидан ясалган термоқаршилиқларга термисторлар дейилади. Термисторларнинг сезгирлиги жуда юқори бўлиб, металларга қараганда уларнинг қаршилиги температурага боғлиқ ҳолда $5 \div 10$ марта кучли ўзгаради. Ҳозирги кунда термисторлар техниканинг кўп соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Расм-5.да ўлчаш аппаратларида қўлланиладиган типик термисторнинг вольт-ампер характеристикаси келтирилган. Унинг бошланғич қисмида, яъни кичик тоқларда эгри чизик тармоғи амалда тўғри чизик кўринишда; термисторнинг α температура коэффициентини мусбат; букилиш нуқтасидан сўнг α манфий. Термисторнинг муҳим хусусиятлари α температура коэффициентининг катта манфий қийматларидан келиб чиқади.

Кенг тарқалган ночизикли элементлардан яна бири бареттердир. У ичидан пўлат сим ўтказилган водород билан тўлдирилган шиша баллондан иборат. Бу ерда водород иссиқлик тақсимотини яхшилаш ва пўлат ўтказгични оксидланишдан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Пўлат сим 200°C дан 600°C гача температура интервалида айтарли даражада каттагина мусбат температура коэффициентига эга бўлади. Ушбу температурада бареттер қаршилиги кучланиш ўзгаришига боғлиқ мутаносиб равишда ортади. Кучланишнинг сўнгги қийматларида $U_{\text{бош}}$ дан $U_{\text{охир}}$ гача бареттер орқали I_0 ток амалда ўзгармайди (Расм-6). Бареттернинг намойиш этилган ушбу хоссалари тоқларни стабиллашда кенг қўлланишга олиб келади. Бареттер энергия манбалари кучланишини стабиллаш ускуналарида ва бошқа системаларда тоқларни стабиллашда кенг миқёсда қўлланилади.

Шундай қилиб, кенг тарқалган ночизикли элементлар турли хил кўринишдаги вольт-ампер характеристикаларга эга. Умумий ҳолда уларни координата ўқларига нисбатан икки гуруҳга бўлиш мумкин: симметрик ва носимметрикларга. Симметрик вольт-ампер характеристикага эга бўлган ночизикли элементларнинг қаршилиги ток йўналишига боғлиқ эмас.

Расм-6

Шунинг учун улардан ҳам ўзгармас, ҳам ўзгарувчан ток занжирларида фойдаланилади. Термоқаршилиқлар ва бареттерлар шулар жумласига киради. Носимметрик вольт-ампер характеристикага эга бўлган ночизикли элементларнинг қаршилиги ток йўналишига боғлиқ бўлади. Қоида бўйича улардан ўзгарувчан ток занжирларида ток тўғрилагич сифатида фойдаланилади. Носимметрик ночизикли элементлар қаторига электрон лампалар, яримўтказгичли диодлар киради.

Адабиётлар

1. Электротехника. М.Ю.Анвельм, В.Г.Герасимов, В.С.Пантюшин ва бошқалар. М. Высшая школа, 1976.
2. А.Е.Касаткин, М.В.Немцов. Электротехника. М. Энергоатомиздат, 1983.
3. А.С.Каримов ва бошқалар. Электротехника ва электроника асослари. Т. “Ўқитувчи”, 1995.

Sanoq sistemalarini yechish usullari.

(1)Uzoqov Axror Shrinboevich, (2)Jo'rayev Jonibek Uktamovich, (3)Baxtiyorov Sherzod Xudoyberdiyevich. (1), (2) SamDAQI qoshidagi 1-son akademik litsey "Matematika va informatika" kafedrasi o'qituvchilari, (3)Samarqand Qishloq xo'jalik kolleji "Aniq fanlar" kafedrasi o'qituvchisi.

Bugungi kunda axborot texnologilari fanining ahamiyati katta o'rin tutmoqda, chunki texnikaning asosini sanoq sistemalari tashkil etadi. Sanoq sistemalari axborotlarni analog signaldan diskret signalga aylantirib beradi, bu esa ma'lumotlarni uzatishda asosiy vazifani bajaradi. Sanoq sistemalari hayotimizda turli xil sohalarida ishlatiladi, matematik hisob kitoblarni bajarishda, elektronika sohalaridan tashqari kunlik turmushimizda ham hafta kunlari, yil fasllari, olayotgan nafasimiz ham soniyalarga bog'liq yurak urushi buning barchasi sanoq sistemalari orqali amalga oshiriladi. Sanoq sistemalari mavzusini o'qitishda o'quvchilarga hayotiy misollar va kompyuter texnikasi orqali yetkazib berish o'quvchilarning bilim savviyasini va tasavurini yanada mustahkamlashga xizmat qiladi.

10 lik sanoq sistmasi bobomiz Al-Xorazmiy olib kelgan. 0 sonini yozmaslik xatolikka olib kelishini isbotlab bergan. Shuning uchun ham 10 lik sanoq sistemasida 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9 raqamlari ishtirok qiladi.

8 lik sanoq sistemasida 0,1,2,3,4,5,6,7 raqamlari ishtirok qiladi.

16 lik sanoq sistemasida 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9, A,B,C,D,E,F lar ishtirok qiladi, bunda

A-10, B-11, C-12, D-13, E-14, F-15 ni ifodalaydi.

Qadimgi ba'zi xalqlar ishlatadigan sonlar alifbosida Qadimgi Afrika qabilalarida 5 lik, Inglizlarda 12 lik sanoq sistemasini, Fransuzlarda 60 lik sanoq sistemalari ishlatilgan. Bu sanoq sistemalarning ba'zilar tabiiy hisoblash vositasi bo'lmish, qo'l barmoqlarimiz asosiy o'rin tutadi. Kaftimizning bosh barmog'ini buksak va qolgan barmoqlarimiz bo'g'inlari 12 tadan iboratligini ko'ramiz. 12 lik sanoq sistemasini uchun vosita sifatida ana shundan foydalanilgan.

Bizning hayotimizda sodir bo'ladigan har bir narsa tabiat qonunlari bilan bo'g'liq ekanligiga guvohmiz.

Bugungi mavzumizdagi sanoq sistemalari ham bir-biri bilan bog'liq.

Ikkilik sanoq sistemasini kashf qilgan olim

Turli asosli sanoq sistemalaridagi sonlarni o'n asosli sanoq sistemasiga o'tkazish.

Turli asosli sanoq sistemalaridagi sonlarni 10 asosli sanoq sistemasiga o'tkazish uchun sonlarni mazkur sanoq sistemasini asosining darajalari bo'yicha yoyish formulasini

$$N = a_n p^n + a_{n-1} p^{n-1} + \dots + a_1 p^1 + a_0 p^0 + a_{-1} p^{-1} + \dots + a_{-m} p^{-m}$$

dan foydalaniladi, bu yerda:

$$(a_n \ a_{n-1} \ \dots \ a_1 \ a_0 \ a_{-1} \ \dots \ a_{-m})_p$$

$a_n \ a_{n-1} \ \dots \ a_1 \ a_0 \ a_{-1} \ \dots \ a_{-m}$ -sonning butun qismi yoyilmasi koeffitsiyentlari;

$a_{-1}, a_{-2} \ \dots \ a_{-m}$ -sonning kasr qismi yoyilmasi koeffitsiyentlari;

p -sanoq sistma asosi.

1-misol .Ikkilik sanoq sistemasida berilgan 101110 sonini o'nlik sanoq sistemasiga o'tkazing.

a_3	a_2	a_1	a_0	N
0	0	0	0	0
0	0	0	1	1
0	0	1	0	2
0	0	1	1	3
0	1	0	0	4
0	1	0	1	5
0	1	1	0	6
0	1	1	1	7
1	0	0	0	8
1	0	0	1	9
1	0	1	0	10
1	0	1	1	11
1	1	0	0	12
1	1	0	1	13
1	1	1	0	14
1	1	1	1	15

Yechish. Yuqoridagi formulada muvofiq
 $a_0=1, a_1=0, a_2=1, a_3=1, a_4=1, a_5=0$ va $p=2$

Demak,

$$101110_2 = 1 \cdot 2^5 + 0 \cdot 2^4 + 1 \cdot 2^3 + 1 \cdot 2^2 + 1 \cdot 2^1 + 0 \cdot 2^0 = 32 + 0 + 8 + 4 + 2 + 0 = 46_{10}$$

$$\text{Yoki } 101110_2 = 2^5 + 2^3 + 2^2 + 2^1 = 32 + 8 + 4 + 2 = 46_{10} \quad \text{Javob: } 46_{10}$$


Buning uchun

Пуск-Программы-Стандартные-Калькулятор tanlanadi.

1-misol.

Ikkilik sanoq sistemasida berilgan 101110 sonini o'nlik sanoq sistemasiga o'tkazing.

Вид bo'limidan muhandislik tanlanadi.



Natijada ekranda quyidagilar hosil bo'ladi:

Etibor qilib qarasangiz 0 va 1 amal belgilari joriy rangda.

Bu yerda Bin-2 lik Oct -8 lik, Dec-10 lik, Hex-16 lik sanoq sistemalari.

Huddi shunday qilib 2-misoldagi qo'shish tekshiriladi.

Foydanilgan adabiyotlar:

1. М. Арипов, А. Тиллаев «Веб-саҳифалар яратиш технологиялари» Тошкент, 2004.
2. “Web-dasturlash.” Zakirova T.A., Ibragimov E.U., Masharipov A.K., Musaeva M.A. Darslik. Toshkent, 2010
3. «Internet va elektron pochta asoslari» M. Aripov. Toshkent, 2000
A.A.Abdug'aniev. Internet texnologiyalari. Toshkent, 2011, 88 b.
4. ziyonet.uz Informatika asoslari sanoq sistemalari.

Глобаллашув шароитида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш

Х.Х.Хайдарова (СамДАҚИ, Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Ҳозирда глобаллашув жараёни ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай шиддат билан кириб келишининг бир қанча омиллари бор албатта. Дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора ортиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, авваламбор, ёшларнинг маънавий оламини издан чиқариш, уларни ўз қариндошларига қарама-қарши қўйишга қаратилган, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган бир пайтда бугунги кун авлодининг сиёсий фаоллигини ошириш долзарб масаладир. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам бугунги кун ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш энг долзарб масала бўлиб қолаверади. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг 10 миллионини 30 ёшгача¹ бўлган ёшларимиз ташкил этади. Бу эса аҳолимизнинг 32 фоизига тўғри келади.

“Глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”²-деган эдилар Биринчи Президентимиз И.А.Каримов. Дарҳақиқат, унинг шиддатли, ўткир ва кенг қамровли таъсири деярли барча соҳаларда

¹ Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. Б.13.

² И.А.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2015.

кўринмоқда. Хусусан, биргина “ўргимчак тўри” дея аталмиш интернет тармоғи халқимизга ёд бўлган тушунчаларни, ахборотларни тарқатиш орқали ёшларимизнинг сиёсий фаоллигига раҳна солишга бўлган уринишлари жамиятимиз сиёсий ҳолатига таъсир этмай қолмайди. Мана шундай таҳликали бир пайтда давлатимиз ҳар галдагидек, бугунги кун ёшларини ўйлашни канда қилмади. “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹ дея билдирган фикрлари давлатимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар асосида ўз тасдиғини топмоқда. Хусусан, жорий йилга “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дея ном берилди ва шу асосда бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Биргина “Халқ қабулхоналари”нинг жорий этилиши ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга бир мезон бўлди десак адашмаган бўламиз.

Ёшларни ҳар томонлама сиёсий фаоллигини оширсак сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига эмас мамлакатимизнинг равнақа ва тинчлигига, халқлараро ҳамжиҳатлиликка хизмат қилади. Бу жараёнда куйидаги жиҳатларга эътибор беришни лозим деб топдик:

➤ Ёшларни доимий равишда хушёр бўлишини таъминлаш ва огоҳликка чақириш;

➤ Куролли кучлар салоҳиятини ҳар томонлама ошириб бориш;

➤ Ёшларимизда жавобгарлик ва дахлдорлик ҳиссини ошириш ҳамда янги қабул қилинаётган қарорлар, қонунлар, фармойишлар, давлатимиз сиёсатида муҳим ўрин тутаётган барча ижроларни ўрганиш ва таҳлил қилиш хусусиятини кучайтириш;

➤ Мустақилликка таҳдид соладиган ёвуз кучларга нисбатан доим тайёр туриш ва кескин зарба бериш хусусиятини шакллантириш;

➤ Шахс, жамият ва давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

➤ Ёшларнинг ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

➤ Ёшларга мамлакатимиз сиёсий ҳаёти ва жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнини чуқур ўргатиш вазифасини сифатли ҳал этиш;

➤ Ёшлар қатламининг ўртасида китобхонликни ошириш орқали сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳоказо.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишнинг энг самарали услубларидан бири бу -“ибрат”дир. Жамиятдаги ҳар бир бўғиннинг алоҳида тараққиётига қизиқиш, ўрганиш ва ўсишига ўз улушини қўшиб бориш орқали кейинги авлодни бу соҳага қизиқишини ошириб бориш, дахлдорлик туйғусини чуқур хис қилишига имконият яратган бўламиз. Жамият аъзолари воқеаларга лоқайд, бефарқлик асосида ёндошишса, нафақат маълум бир муаммоларни юзага келтириши, шу билан биргаликда кейинги авлодни ҳам шу сарқит асосида улғайишига сабабчи бўлиб қолишади. Зеро, яхши хулқ-атвор сабабчиси бўлганга нима етсин.

¹ Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. Б.14.

Бугунги кун ёшларини ҳар томонлама “... мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллайдиган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш¹ масаласи давлатимиз олдида турган энг долзарб масаладир. Шу сабабли, ёшлар ҳар сония билим олишдан, олган билимларидан келиб чиқиб тажрибасини оширишдан тўхтамаслиги лозим. Зеро, илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда мамлакатимизни тараққиёт сари етаклаш олий мақсаддир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларни сиёсий фаоллигини оширишда галдаги вазифа, ҳар бир ёшларни жамиятимиз равнақи, унинг янгиланишига ва аънавий ҳаётимизни йўлга қўйишда ўз ҳиссасини қўшадиган шахс бўлишини, уларда дахлдорлик туйғусини янада оширишни таъминлашимиз лозим.

Улуғ раҳнамонинг ҳаёти авлодларга ибрат мактаби

Т.Худойбердиева, СамДАҚИ, 201-Арх Ф.Аҳадов, СамДАҚИ, 201-ХС

Ватанимизнинг истиқлоли, истиқболи, тинчлиги ва тараққиёти юртимизнинг биринчи президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг улуғ номи билан боғлиқ. Бугун биз ҳаётда қандай ютуқларга эришган бўлсак, уларга бевосита юртимиз раҳбарининг раҳнамолигида, унинг ғоялари асосида яратилган имконият ҳамда шароитлардан фойдаланиб эришдик ва эгалладик. Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ватанимиз олдидаги, Ўзбекистон халқи олдидаги хизматлари, амалга оширган ишлари беқиёс даражада эканлиги эътироф этилмоқда. Раҳнамо томонидан бошлаб берилган тинчлик ва тараққиёт сари барқарор ривожланиш айна пайтда жадаллик билан давом эттирилмоқда ва ислохотларда фаол бўлиш, ҳар бир фуқаро учун бурч ҳамда шарафга айланди. Бугун Ўзбекистон халқининг қалбида Ватанга садоқат туйғуси янада жўш ўрган. Улкан йўқотиш, қалбларимизда халқнинг асл фарзандига бўлган чексиз ва улуғ эҳтиром, раҳнамо бошлаган йўл сари халқнинг бирдамлигида намоён бўлмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўз халқи ва унинг келажаги учун қолдирган бебаҳо мерослари ичида энг улуғи бу унинг ҳаёти, келажак авлод учун наъмуна даражасидаги олтин фаолиятдир. Истиқлолга эришилган дастлабки чорак асрда қанчалик таҳликаларни енгиб ўтишга тўғри келган бўлса-да, бу давр Ўзбекистон тараққиётига пойдевор қўйилган давр бўлиб қолди. Бу даврда юртбошимиз кўрсатган фаолияти - олтин фаолиятдир.

Каримов Ислом Абдуғаниевичнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ўта таҳликали даврга тўғри келди ва шундай бир оғир вазиятда ўз халқини истибдоддан истиқлол сари етаклай олди. Юртбоши ўзоқни кўра олиш қобилияти, пухта ва оқилона юритган доно сиёсати билан халқ ишончини қозонди ва уни тўғри йўл сари бошлади. Айрим гуруҳлар, қарашлар, ҳамда шахсларнинг “сарик матбуот”лардаги бўҳтонларига ҳамда содир этилган вазиятларга нисбатан ўз муносабатини юксак даражадаги маънавийли раҳбарга хос бўлган хислати билан ёндошиб, Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбари тинчлик ва тараққиёт йўлини тўғри танлаганлигини таъкидлади ва

¹ Ш.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.:Ўзбекистон,2017. Б.189.

киска давр ичида бу фикр ўз исботини топди. Бу жараёнлар осонлик билан кечмаганлигини яхши биламиз.

Ўтган асрнинг 80-90 йилларидаги ташқи ҳамда ички вазиятларни барқарорлаштириш йўлида қанчалик захмат чекилганлиги, халқнинг тинчлигини асраш учун ўз ҳаётини тикиб бўлса ҳам бунга эришганлиги, ҳар қандай оғир вазиятда кучли ирода намоиш эта олганлиги барчамиз ҳамда келажак авлод учун ибрат мактаби бўлиб қолди. “Шахсан мен бутун ҳаётимни, бутун умримни халқимнинг озодлиги, Ватанимиз мустақиллигига бағишладим ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайман”¹, - деган сўзларидаги шижоат ҳамда садоқат қалбларимизни ларзага солади, улуғ инсондан ибрат олиш туйғуси жўш уради.

Ислом Каримов ўз асарлари, маъруза ва суҳбатларида Шарқ халқлари, маданияти тараққиёти ҳақида сўз юритиб, бу халқларнинг тарихи хусусида, уларнинг оғир ўтмишларида чекилган машаққатлари ва бугунги даврдаги тараққиётига қандай эришганлиги ҳақида тўхталиб, “корейс табиати”, “япон характери” каби сўзларни тез-тез ишлатганлигини гувоҳи бўлганмиз. Уларни мисол келтиришдан юртбошимизнинг мақсади Ватанимиз истикболи ва тараққиёти учун бизнинг халқимиз ҳам шижоат кўрсата олишига ишонар эди ва бу шижоатни халқимиз, “Ўзбек шижоати”ни кўрсата олди. Ўзбекистон халқи “Ўзбек модели” асосида, “Ўзбек шижоати”ни кўрсата олганлигини бугун бутун жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Юртбошимиз ўз асарларида қайд этиб, қувонган куйидаги кўрсаткичлар сўзларимизнинг исботидир. “Швейцария жаҳон иқтисодий форуми”да эътироф этилганидек, 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг бешинчи ўринда қайд этилганлиги албатта кўп нарсадан далолат беради. Биз жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий соҳага, таълим соҳасига қаратилаётган эътиборимиз ҳамда амалдаги ишларимиз билан ҳам ўрناق бўла олиш даражасига эришганлигимиз бу биринчи президентимиз ғояларининг асосли эканлигининг исботидир. Бугун Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аниқ дастур асосида жадал амалга оширилаётганлиги ва бу йўлда халқнинг бирдамлиги шакл-шубҳасиз Ўзбекистон тинчлиги ва тараққиётининг кафолатидир.

Кечаги ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажак сари ишонч билан одимлаш ғоясининг, ташаббусининг ёрқин наъмунаси ҳисобланган Ислом Каримовнинг ташаббускорлик фазилати алоҳида ўрганилиши лозим бўлган жиҳатидир. Фуқаролик жамиятининг асосларидан ҳисобланган маҳалла бошқарувининг ҳукуқий пойдевори пухта яратилганлиги, юртимизда анъана тусини олган ҳамда ўзининг самарасини кўрсатаётган яна бир жиҳат, жорий йилларнинг алоҳида ном билан ижтимоий соҳанинг равнақи учун омил бўлиб хизмат қилаётгани, маълум муддатга белгиланган алоҳида дастурларнинг қабул қилиниши ва уларнинг амалдаги ижросидир.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай тизимни бугун бошқа нуфузли давлатлар ҳам ўрганиб тан олаётганлиги сир эмас. “Савоб ишни ҳар куни қилиши керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак” дейилган ҳиқматни

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту-истикболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш –энг олий саодатдир. - Тошкент. “Ўзбекистон”. 2015, (95-бет)

юртбошимиз ўзининг фаолиятига сингдириб олганлигини кўрдик ва бу борада ҳам барчамизга наъмуна бўла олди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ёшларга бўлган меҳрли эътиборлари, бу эътиборнинг давлат сиёсати даражасида бўлиб келганлиги алоҳида мавзу. Ёшларимизнинг қайси соҳада бўлмасин эришган ютуқлари алоҳида эътироф этилиб ҳамда эътиборда бўлиши уларни янада кўпроқ ҳаракат қилишга чорлаш баробарида барқарорликларини таъминлашга хизмат қилганлигини ҳам гувоҳимиз.

2014 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига рағбат ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда, бизнинг ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти тўғрисидаги бир маълумот мени қувонтирди, улар “Ёшлар капитали” деб номланган халқаро миқёсидаги кўрсаткичларда йигирма олтинчи ўринда экан. Аминманки, бизнинг ёшлар бу кўрсаткичларни яқин йилларда 5-4 ўринга кўтардилар, - деб айтган сўзлари биз ёшлар учун масъулият ҳамда шарафдир. “Мен ёшларимизга қарата айтмоқчиман: агарки қачон биз ҳоҳлаган замон келса, ана ушанда муродимизга етамиз, деган фикр билан бемалол юрадиган бўлсак, билиб қўйинлар бундай замон ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди. Ўзимиз истаган замон учун курашиш, керак бўлса, ўзимизни бутун борлигимизни беришимиз лозим”¹.

Мамлакатимизнинг биринчи президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг халқпарвар раҳбар сифатидаги фаолияти ҳақида сўз айтишга баҳоли қудрат жазм қилар эканман, энг аввало улуғ инсон мангу қуним топган муқаддас қадамжони зиёрат этишдан бошладим. Улуғ зиёратгоҳ сари яқин борар эканман, одамлар оқими, уларнинг чеҳраларидаги фахрни, улуғ инсон, улуғ раҳнамога бўлган юксак эҳтиромни, садоқат ифодасини кўриб қалбим ғурурга тўлди. Самарқандни унинг асл фарзандлари Самарқанд қилганлигини, улардан Самарқанд ҳам тоабат миннатдор эканлигини ҳис қилдим. Улуғ раҳнамонинг ҳаёти биз ёшлар учун ҳар доимо ибрат мактаби бўлиб қолажак.

Kompyuter tarmoqlari xavfsizligini ta'minlash muammolari va tarmoq hujumlarga qarshi samarali himoya

Shaimov K.M. – SamDAQI, “Axborot texnologiyalari ” kafedrasi o'qituvchisi,

Axmedov N.T. – SamDAQI, “Axborot texnologiyalari ” kafedrasi

Jamiyatimizning barcha sohalariga kundalik hayotimizga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish istiqboldagi maqsadlarimizga erishishni ta'minlaydi. Har bir soha faoliyatida Internet tarmog'idan foydalanish ish unumdorligini oshirmoqda.

Aynan tarmoqdan foydalangan holda tezkor ma'lumot almashish vaqtdan yutish imkonini beradi. Xususan, yurtimizda Elektron hukumat tizimi shakllantirilishi va uning zamirida davlat boshqaruv organlari hamda aholi o'rtasidagi o'zaro aloqaning mustahkamlanishini tashkil etish tarmoqdan foydalangan holda amalga oshadi. Tarmoqdan samarali foydalanish demokratik axborotlashgan jamiyatni

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту-истикболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш —энг олий саодатдир. - Тошкент. “Ўзбекистон”. 2015, (30-бет)

shakllantirishni ta'minlaydi. Bunday jamiyatda, axborot almashinuv tezligi yuksaladi, axborotlarni yig'ish, saqlash, qayta ishlash va ulardan foydalanish bo'yicha tezkor natijaga ega bo'linadi.

